

ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

АХБОРОТИ

43- ЖИЛД



**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

*** * ***

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

43 - жилд

Тошкент-2014

Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43-жилд.
Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2014 йил. - 213 бет.

Жамият ахборотида география фани турли йўналишларининг назарий ва амалий масалалари, табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий география, гидрология ва картография, геодезия ва кадастрга тааллуқли мақолалар жой олган. Шунингдек, унда ер-сув, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ландшафтшунослик муаммолари ҳам ёритилган.

Тўплам материалларидан географ талабалар ва магистрантлар, катта илмий ходим ва тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

Таҳрир хайъати:

<i>г.ф.д., профессор</i>	А.С.Солиев (бош муҳаррир)
<i>г.ф.д., профессор</i>	Ф.Х.Ҳикматов (бош муҳаррир ўринбосари)
<i>г.ф.д., профессор</i>	А.Қ.Абдуллаев
<i>г.ф.н., доцент</i>	Ш.А.Азимов
<i>г.ф.д., профессор</i>	М.М.Маматқулов
<i>г.ф.н., доцент</i>	Р.Й.Махамадалиев
<i>г.ф.д., профессор</i>	Т.М.Мирзалиев
<i>г.ф.д., профессор</i>	А.Н.Нигматов
<i>тех. фанлари доктори</i>	Э.Ю.Сафаров
<i>г.ф.д., профессор</i>	А.А.Қаюмов
<i>г.ф.н., доцент</i>	П.Н.Ғуломов
<i>г.ф.н., доцент</i>	А.Э.Эгамбердиев (масъул котиб)

Эслатма! Ахборотномада берилган мақолалар мазмуни ва рақамли маълумотлар учун бевосита муаллифнинг ўзи масъулдир.

ТОҒЛАРДА ЧЎЛЛАШИШ ЖАРАЁНИНИ ТАЯНЧ-ТАЖРИБА УЧАСТКАЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Рахматуллаев А., Адилова О.

Таянч сўзлар: чўллашиш, антропоген юк, яйлов сизими, таянч-тажриба участкаси, геосистема, табиатда инқироз, компонентлар.

Кириш. Ҳозирги пайтда чўллашиш жараёни инсониятнинг глобал муаммоларидан бирига айланди. Чўллашиш жараёни, унинг турли жиҳатлари ва оқибатлари тўғрисида илмий мақолалар чоп этилмоқда, диссертациялар химоя қилинмоқда. Лекин чўллашиш ва унинг оқибатларини тоғ ва тоғ олди текисликлари ландшафтларида тажрибага асосланиб тушунтириб берадиган илмий ишлар деярли бажарилмаган. Ҳатто ҳозирга қадар чўллашиш табиат қашшоқланишининг қайси ҳолатидан бошланиши тўғрисида аниқ фикр йўқ. Шу билан бирга чўллашиш даражасини кўрсатадиган аниқ мезон ҳам ишлаб чиқилмаган. Чўллашиш атамасига берилмаган таърифлар ҳам хилма-хил. 1977 йил БМТ нинг чўллашишга бағишланган конференциясида “Чўллашиш ер юзасидаги биологик потенциалнинг кучли камайиши ёки йўқотилиши бўлиб, охир оқибатда чўл табиатига ўхшаш шароитнинг ҳосил бўлишидир” дейилган. Н. Ф. Реймерс (1990) “Чўллашиш – у ёки бу ҳудудда ўсимлик қопламанинг қайта тикланмайдиган даражада камайирилиши ёки йўқ қилинишидир. Антропоген босим тўхтатилса ўсимлик аста-секин тикланиши мумкин”, деб таърифлаган. В.А. Вронскийнинг (2002) ёзишича “Чўллашиш – табиий экосистемада ўсимлик қопламанинг йўқотилиши бўлиб, уни келажакда инсон ёрдамисиз тиклаб бўлмайдиган жараёндир”. Таърифлардан кўриниб турибдики, чўллашишнинг кўриниши, келиб чиқиши ўсимликларнинг камайиши, йўқотилиши билан боғлаб тушунтирилган. Ўсимлик қопламанинг асосий кўрсаткич сифатида олиниши тўғри, чунки у асосий манзарани, кўринишни ёрқин акс эттиради ва инсон таъсирида тез ўзгарувчи компонент ҳисобланади. Лекин, кўп ҳолатларда

чўллашишни кўрсатувчи белги сифатида тупроқ қоплами ҳам яхши намоён бўлади. Шу жиҳатларни инобатга олсак, чўллашишга берилган таъриф битта компонент орқали эмас, балки у ёки бу ҳудуд табиатидаги умумий табиат инқирози кўзда тутилган ҳолда берилиши лозим.

Асосий натижаларнинг муҳокамаси. Биз ҳар қандай геосистемаларда табиий инқироз 50 % дан ошган ҳолатдан бошлаб чўллашиш деб аташни тавсия қиламиз. 50 % деб олинишига асосий сабаб геосистемаларда табиий ресурсларнинг 50 % йўқотилиши уларнинг табиий тикланишига катта қийинчилик яратади. Масалан, 50 % ва ундан ортиқ ифлосланган сув табиий йўл билан ўзини тозалай олмайди ва асл ҳолига қайтмайди.

Нима учун рақам 50 % олинди, 30 % ёки 40 % лар ҳам катта кўрсаткичлар – ку, деган савол ўз-ўзидан туғилади. Бу тўғри 30 %, 40 % га ўхшаш 50 % ҳам шартли рақам. Лекин, 50 % ярмини билдиради. Бу рақам мувозанат белгиси бўлиб, ундан ошиш мувозанатнинг бузилишига олиб келади. 50% табиатда “синиш чизиғи” ҳисобланади. Шу чизиқдан ошгандан кейин моддаларнинг бўйлама йўналишидаги миграцияда ва тиккасига аланма ҳаракатида бузилиш кучаяди, инсоннинг аралашувисиз табиий тикланиши мумкин бўлмай қолади. Синергетик таълимот бўйича ҳам 50 % критик нуқта ҳисобланади. Геосистемалардаги табиий шароитнинг 50 % инқирозини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Яйлов шароитида ўсимликларнинг сийраклашиши ва ҳосилдорликнинг 50 % дан камайишини асосий кўрсаткич сифатида олишни тавсия этамиз. Ўсимликларнинг тур жиҳатдан ўзгаришлари, тупроқларнинг ювилиши, сой сувларининг қуриб қолишини қўшимча кўрсаткич ўрнида ишлатиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида ўсимликлар деградациясининг барча босқичлари, яъни 1 % дан 100 % гача ўрганилади. Улар чўллашиш мавзусида тузиладиган хариталарда, чизмаларда умумлаштирилган ҳолда кўрсатилади. Хариталарда ўсимликлар деградацияси 50 % дан ошган ҳудудлар алоҳида картографик шартли белгилар билан тасвирланади ва чўллашиш аниқ акс этирилади.

Тоғ ва тоғ олди ландшафтларида чўллашиш жараёнини миқдорий кўрсаткичларда баҳолаш учун Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида Эшмонтўп қишлоғи яқинида таянч-тажриба участкалари танланди. Аввало, ушбу қишлоқни кесиб ўтадиган сой ҳавзасининг 1:5000 масштабдаги аниқ плани чизилди. Эшмонтўп қишлоғининг денгиз сатҳидан баландлиги 870 метр бўлиб, у тоғ олди текислигида жойлашган. Эшмонтўп сойи ёзда қуриб қоладиган сойлардан бўлиб, унинг узунлиги 2000 метрга яқин. Қишлоқда 300 оила яшайди ва ҳисобимиз бўйича 3200 бош қўй ва эчки, 850 та қорамол мавжуд.

Чорва моллари йил давомида қишлоқнинг шимолида жойлашган Ғўбдин тоғи ёнбағрида боқилади. Қишлоқнинг жануб томони лёссимон жинслардан ташкил топган текисликлардан иборат бўлиб, уларга баҳорги буғдой экилади. Буғдой ўриб олинганга қадар бу ҳудудга чорва моллари қўйилмайди. Қишлоқ аҳолисининг қарийиб 4000 бош чорва моллари доимо боқиладиган яйловлар жуда қашшоқлашган. Чорва моллари нафақат кўкараётган ўсимликларни ейиш билан уларнинг тикланишига йўл қўймайди, балки туёқлари билан ўсимликларни эзиб пайҳон қилиш билан ҳам уларни кўкартирмайди. Шу сабабли ҳам қишлоқ атрофларида ўт қоплами ҳам, турлари ҳам сон жиҳатдан жуда сийраклашган.

Ўсимликларнинг тур ва сон жиҳатидан камайганлик даражасини баҳолаш ҳамда уларнинг кўрикхона шароитида тикланишини кузатиш ва ўрганиш мақсадида қишлоқдан турли масофада, учта тажриба нуқталари тайёрланди ва уларнинг атрофларини сим

тўсиқлар билан ўралди.

Биринчи нуқта Эшмонтўп қишлоқидан 500 метр узоқликда тепаликнинг шарқий ёнбағрида бўлиб, унинг узунлиги 10.0 метр, эни 6.0 метр, баландлиги 1.0. Сим панжара ичига терраса ариқчалар қилинди ва учта ёввойи бодом, уч дона қайрағоч (вяз), уч дона арча экилди. Буларни экишдан мақсад – табиий ҳолда уларнинг ўсиш ёки ўсмаслигини синаб кўришдир.

Тупроқларнинг очик яйлов шароитида ва кўрикхона шароитида ювилиш тезлигини ва миқдорини аниқлаш учун икки хил ҳолатдаги ерларга нов шаклидаги тупроқ-сув йиғич мослама ўрнатилди. Бу мосламалардан вақти – вақти билан маълум вақтларда ювилиб тўпланган тупроқ – гурунтлар олинди ва уларнинг миқдори аниқланади.

Қишлоқдан 1500 метр, 2500 метр узоқликда яна иккита нуқта танланиб, улар ҳам сим панжаралар билан ўралди. Сим панжараларнинг катталиги 2,0 х 2,0=4,0 м кв. Ҳамма тўсиқлар 2011 йил апрел ойида ўрнатилди ва икки йил давомида улардаги ўсимликларнинг миқдорий ўзгаришлари, ҳар бир турнинг ўсиш даражаси ўлчаб борилди. Сим тўсиқлар ичидаги тупроқлардан намуналар олиниб, улардаги азот, фосфор, калий миқдорлари аниқланди. Уч йилдан кейин яна қайта намуналар олиниб кимёвий таҳлил қилинади ва тупроқлардаги азот, фосфор, калий миқдорининг уч йил давомида ўзгаришлари кузатилади.

Қишлоқ қабристонини сим тўсиқлар билан ўралганлиги ва мол киритилмагани учун табиий ҳолда ривожланаётган ўзига ҳос экосистема ҳисобланади. Инсоннинг кўп йиллик фаолиятининг ўсимликларга таъсирини таққослаш учун қабристондан уч жойдан 1 метр квадрат майдондаги ўсимликлар фитомассаси ўлчанди, турлар таркиби аниқланди ва ушбу маълумотлар қишлоқ атрофларидаги яйлов ўсимликлари билан таққослангани.

Эшмонтўп қишлоғи яқинидаги қир ёнбағирларидан ҳар бири 100 метр квадрат бўлган учта нуқта танланиб, улардаги энг кўп тарқалган ўсимлик

турлари М. В. Культасов (1923) методи ёрдамида ўрганилмоқда. Шу билан бирга ушбу тажриба участкаларида чорва молларининг доимо юришидан ҳосил бўлган излар (ўсимликсиз ялонғочланиб қолган йўлаклар) ўлчанади. Бундан мақсад – қишлоқдан узоқлашган сари яйловларга чорва моллар таъсир даражасини аниқлашдир. Ушбу танланган участкаларда ўсимликларнинг такрорланиш даражаси Раункер методидан, ўсимликлар кўплигини миқдорий баҳолашда Друденинг 6 баллик шкаласидан фойдаланилди.

Эшмонтўп қишлоқ аҳолиси ичимлик сувини қудуқлардан олиб фойдаланишади. Қудуқлар чуқурлиги ва сув миқдори қудуқларнинг жойлашган жойига боғлиқ. Бир нечта қудуқ сувларидан намуналар олинди, улардаги асосий ионлар, сув қаттиқлиги ва рН миқдори аниқланди. Бу маълумотлар сув сифатига боғлиқ ҳолда қишлоқда қайси касалликлар кўплиги ёки камлигини аниқлаш учун зарур.

Эшмонтўп қишлоғи ёнидаги таянч-тажриба майдонида ўтказилаётган тажрибалар қишлоқ чорва молларининг тоғ ва тоғ олди текислик яйловларида табиатга қандай салбий таъсир кўрсатаётганлигини ашёвий далиллар ёрдамида кўрсатиб беришдан иборат. Бундай салбий таъсир ва унинг оқибатидаги чўллашиш жараёни Ғўбдин тоғининг атрофидаги барча қишлоқларда

рўй бермоқда.

Хулоса. Инсон хўжалик фаолияти таъсири туфайли рўй бераётган чўллашиш жараёнини эксперимент – тажриба участкалари ёрдамида ўрганиш ушбу жараёни миқдорий баҳолашда катта истиқболли метод ҳисобланади.

Нурота тоғлар тизмасига кирувчи Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида таянч-тажриба участкаларидан олинган дастлабки маълумотлар шуни кўрсатадики, қишлоқлар атрофларида яйловлар ҳосилдорлиги 1,5-2 км радиусда кўриқхона режимидаги жойларга нисбатан (қабристон, сим тўсиқли томорқа ерлар) 40-60% камайган.

Қишлоқлардаги чорва моллари сонига боғлиқ ҳолда қишлоқлар атрофларида 4-5 км радиусда боқиландиган моллар сони яйлов сифимига нисбатан 5-6 маротабадан 30-40 маротабагача катталигини аниқладик. Шу сабабли ҳам йирик қишлоқлар атрофларида яхши озучабоп ўсимликлар ўрнига бегона ўтлар кўпайган ва кўп ҳолларда улар янги ўсимликлар гуруҳларини ҳосил қилган.

Яйловларда ўсимликларнинг тикланиши, тур ва миқдор жиҳатдан уларни кўпайиши ва ҳосилдорлигининг ўзгаришини ўрганиш мақсадида бир нечта жойда сим тўсиқли тажриба участкалари ўрнатдик. Улардан олинган натижаларни журналнинг кейинги сонларида эълон қиламиз.

Адабиётлар:

1. Вронский В.А. Экология. Словарь-справочник. – Ростов на Дону: Из-во Феникс, 2002. – 572 с.
2. Культасов М.В. Очерк растительности гор Пистали-тау // Труды научного общества. Том 1. – Т., 1923.
3. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. – М., 1986. – 341 с.
4. Рахматуллаев А., Носиров М.Г., Адилова О. Ғўбдин тоғида ўсимликлар деградациясини таянч – тажриба участка ёрдамида ўрганиш // Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2012. – 318-321 б.
5. Реймерс Н.Ф. Природопользование: Словарь-справочник. – М.: Мысль, 1990. – 637 с.

Резюме

В статье рассматриваются изучение и количественная оценка процесса опустынивания в горных и предгорных геосистемах на опытно-экспериментальных участках.

Resume

In this article considered study and numerical analysis of processes of desertification in mountainous and foothills geosystems on the study areas.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТЕКИСЛИК ЛАНДШАФТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Назаров А.А., Исоқов И.Д., Тухтабоева Ю.

Таянч сўзлар: ландшафтлардан фойдаланиш, текислик ландшафтлари, ландшафт типлари, террасалар, селитеб ландшафтлар, табиатдан фойдаланиш.

Табиий мажмуаларнинг барқарор хусусиятга эга бўлиши уларнинг ўз-ўзини тозалаш ва қайта тиклаш қобилиятларининг юқори даражада таъминланганлигидан дарак беради. Уларда атмосфера ҳавоси ёки сув ҳавзалари орқали келиб қолган турли чиқиндилар маълум муддатда табиий ювилиш жараёнида четга чиқиб кетади, ландшафт мажмуаларида инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариш бўлиши (яйлов, ўрмон, тупроқ ва бошқалардаги деградация ҳодисаси) мумкин, лекин маълум вақтдан сўнг яна қайтадан табиий ҳолига ўзгаради. Бу хусусият табиий мажмуа қайта тиклаш қобилиятининг кучли эканлиги билан боғлиқ.

Аллювиал-пролювиал текисликларнинг ландшафт мажмуалари ҳам табиатининг инсонга хизмат қилувчи имкониятлари бисёр ва катта салоҳиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Кишилар бу ҳудудда суғорма деҳқончиликнинг барча турларини ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Қуйида Сирдарёнинг ҳозирги водийси (Наманган вилоятига тегишли) мисолида аллювиал-пролювиал текисликларнинг ландшафтларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Сирдарёнинг ҳозирги водийси Сирдарё комплексига тегишли бўлиб, антропоген таъсир натижасида анча ўзгарган. Шимолий Фарғона дарё ва сойларининг конус ёйилмаларининг қуйи қисми Сирдарёнинг ҳозирги водийси томонидан кесиб ўтган. Шунинг учун ҳам Мирзачўл террасаси 8-22 метрли жарлик билан қуйи сирдарё циклидаги юзадан ажралади (Мавлонов, Нурматов, 1972). Сирдарё, Норин ва Қорадарёнинг ҳозирги водийси қайир, I ва II қайир усти террасаларидан иборат бўлиб, аллювиал ётқизиклар билан тўлган. Иккинчи

аллювиал терраса нисбатан кенг (12-14 км), ер усти жарликлар билан парчаланган. Дарё сатҳидан 8-10 м баландда жойлашган. Биринчи қайир усти террасаси энсиз (2-4 км), унда кўплаб эски ўзанлар, кўллар ва ботқоқлашган ботиклар учрайди. Дарё сув сатҳидан ўртача 1,5-2,0 м баландда жойлашган. Қайир энсиз, эгри-бугри, қум ва шағалдан тузилган.

Сирдарёнинг ҳозирги водийси аллювиал ётқизиклардан ташкил топганлиги, унинг атрофдаги текисликларга гидростатик босими ва бошқа омиллар таъсири туфайли грунт сувларининг сатҳи ер юзасига яқин жойлашади. Бу вазиятда гидроморф ва ярим гидроморф тупроқларнинг ривожланиши кузатилади. Иккинчи террасада бўз-воҳа ва воҳа-бўз тупроқларнинг ривожланиши қайд қилинади. Грунт сувларининг 2-3 ва 3-5 м чуқурликда жойлашиши ушбу тупроқларнинг гидроморф эволюцияси йўналишида ривожланишига имкон беради. Тупроқда чиринди қатламнинг (1,0-0,61%) анча чуқур (1,5 м) гача кириб борганлиги билан таърифланади. Қулай сув, ҳаво ва туз режимига эгаллиги билан ажралиб туради.

Террасада грунт сувлари режими дарё сув режимига ўхшаш, ер юзасига яқин жойлашганлиги туфайли (1,0-2,0 м) бўз тупроқ минтақасининг гидроморф: ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ, ботқоқ тупроқлари тарқалган. Бу тупроқларнинг аксарияти суғориладиган деҳқончиликда фойдаланилади. Чиринди миқдори кўп (1,5-3,0%). Сирдарёнинг ҳозирги водийси ерлари имкони борица ўзлаштирилган. I терраса ва қайир рельеф ҳамда тупроқ шароитининг фойдаланиш учун ноқулай бўлган жойлари яйлов сифатида ишлатилади. Бу ерда сақланиб қолган дарахтли ва қамишли тўқайзорлар пичан

тайёрлаш ва яйлов чорвачилигида махсулдор ҳисобланади.

III террасадаги аллювиал кум ётқизикларининг дефляция жараёнида қайта ётқизилиши (Қорақалпоқ чўли) худудий жиҳатдан икки турдаги рельеф шакллари: дўнг (Оққум кумлари) ва барханли кум вужудга келган. Ҳозирда бу кумликлар турли даражада псаммофитлар билан мустаҳамланган ва шу турдаги ландшафтлар таркиб топган.

Сирдарё водийси ландшафтлари хўжаликда кенг миқёсда, яъни суғорма деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, овчилик, рекреация, қурилиш материаллари, нефть қазиб олишда ва бошқа соҳаларда фойдаланилади. Табиатдан фойдаланиш ландшафт комплекси структурасига қараб илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил қилинмаган-

лиги сабабли ҳозирча юқори самарали натижаларга эришилганича йўқ. Ресурсларни ишга солиш жараёнида эрозия, дефляция, шўрланиш, ботқоқланиш каби жараёнларни турли даражада ривожланиши кутилган натижага имкон бермаётир. Бизнингча, II ва III террасалар туташган жарлик минтақасини эрозиядан муҳофаза қилиш, сел сувлари ҳисобига II терраса ерларининг ўйилишини олдини олиш, Сирдарё ўзани соҳилларидаги дарахтли тўқайзорларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш долзарб аҳамиятга эга. Дарё водийси, хусусан қайир, I, III террасалардаги кумли массивларда табиат ёдгорликлари ташкил қилиб, уларни тўлиқ асраш Марказий Фарғона табиий ландшафтлари табиатини сақлаб қолишга эришишдаги ҳаракат деб ҳисобланади.

Жадвал

Наманган вилояти текислик ландшафтларидан фойдаланиш турлари ва муҳофаза чора-тадбирлари

Муайян ландшафт типи	Табиий жараёнлар	Табиатдан фойдаланиш турлари	Муҳофаза чора-тадбирлари
Аллювиал-пролювиал текисликлар ландшафтлари	Эрозия, суғорма эрозия, сел ходисалари, тупроқ шўрланиши, дефляция, кирғоқ ўпирилишлари	Суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, шолчилик, балиқчиликда, сув омборлари, селхоналар, автомобиль ва темир йўллари, магистрал каналлар, коллекторлар ва аҳоли яшаш жойларини қуришда, нефть ва қурилиш материаллари қазиб олишда, ўқув амалиётини ўтказишда	Суғориш меъёрини гидромодул районлаштириш асосида амалга ошириш, коллектор-зовур тизимини мунтазам тозалаб туриш, кумли тупроқларда фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш, Сирдарё соҳилида табиий тўқайзорларни кенгайтириш
Селитеб ландшафтлар		Адирорти ва адир оралиғи текисликларидан, конуссимон ёйилмалар ва дарё водийларини қуйи террасаларида аҳоли яшаш жойлари, саноат корхоналар, автомобиль ва темир йўллари, магистрал каналларни қуришда, маданий истироҳат боғларини барпо этишда	Аҳоли яшаш жойларида манзарали айрим жойларда мевали дарахтзорларни меъерий ўлчамларга мувофиқ ташкил этиш

Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, вилоятнинг текислик қисмида қуйидаги ландшафт типларини ажратиш мумкин:

Аллювиал-пролювиал текисликлар ландшафтлари (чўл)

1. Ясси текисликлар, суғориладиган бўз тупроқли маданий ландшафтлар.

2. Кучсиз парчаланган юқори террасанинг суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқли маданий ландшафтлари.

3. Қуйи террасанинг ўтлоқ-ботқоқ

тупроқли маданий ландшафтлари.

4. Кам ўйдим-чуқурли қуйи террасанинг суғориладиган ўтлоқ-бўз, ўтлоқ тупроқли маданий ландшафтлари.

5. Ясси ва эол текисликларнинг суғориладиган кумли чўл тупроқли маданий ландшафтлари.

6. Конуссимон ёйилмаларнинг суғориладиган бўз тупроқли маданий ландшафтлари.

7. Йирик дарё конуссимон ёйилмаларининг суғориладиган бўз

тупроқли маданий ландшафтлари.

8. Ясси аллювиал-пролювиал текисликлар бархан кумли ландшафтлар.

9. Псаммофит ўсимликлар ўсган чўл, кум тупроқли аллювиал-пролювиал текисликлар ландшафти.

Селитеб ландшафтлар

10. Адирорти қия текисликлар селитеб ландшафтлари.

11. Адир оралиғи қия текисликлар селитеб ландшафтлари.

12. Қия, кучсиз парчаланган дарё ва сойларнинг конуссимон ёйилмалари селитеб ландшафтлари.

13. Дарё водийлари қуйи террасалари селитеб ландшафтлари.

Умуман, Наманган вилояти табиатининг шаклланишида табиий ресурсларнинг (сув, ер, иқлим ва агроиклим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, яйлов) аҳамияти каттадир. Мавжуд табиий ресурсларнинг ҳозирги ҳолати, фойдаланиш имкониятлари экологик-географик жиҳатдан тўла таҳлил қилиниб, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Резюме

В статье, на примере долины р. Сирдарьи в пределах Наманганской области, рассматриваются вопросы использования и охраны ландшафтов аллювиально-пролювиальных равнин в процессе развития различных видов орошаемого земледелия.

Resume

In this article were discussed using alluvial –pro-luvial plains and problems of their defending in the region of Sirdarya (nowadays Namangan region). On the process of developing all types of watering.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

МИРЗАЧЎЛ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ИНСОН ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

Тошбоев З. М.

Таянч сўзлар: ландшафт, антропоген ландшафт, воҳа ландшафтлари, агроландшафтлар, суғориладиган ерлар.

Антропоген ландшафтларни таснифлашнинг турли хил вариантлари илмий адабиётларда кенг тарқалган. Антропоген ландшафтларни уларнинг таркибига кўра таснифлаштириш Ф.Н. Мильков (1970, 1973), А.А. Абдулқосимов (1966, 1980) лар томонидан бажарилган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги, саноат, сув хўжалиги (ирригацион), селитеб, экилган ўрмон ва қадимги селитеб ландшафт синфларига ажратилган.

Ф.Н.Мильков (1973) антропоген ландшафтларни ўрганар экан, улар орасида қуйидаги типологик бирликларнинг таксономик системасини ажратган. 1.Антропоген урочишче типи. 2.Антропоген жой типи. 3.Антропоген ландшафт типи. 4. Антропоген ландшафтлар синфи. Суғориладиган воҳа ландшафтлари қишлоқ хўжалик (агроландшафт) ландшафт синфининг дала типига кириб, Мирзачўлнинг ўзлаштирилган маданий ландшафтлари

киритилади. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ландшафтлари энг кенг тарқалган антропоген ландшафт геокомплекслари ҳисобланади. Антропоген қишлоқ хўжалик ландшафтлари дала, боғ, воҳа типларига бўлиниб, улар бир-бирдан ўзига хос микроиклимий хусусиятлари, геоэкологик шароити ва ўз-ўзини бошқариш даражаси, улардан инсон хўжалик фаолиятида фойдаланиши давомида инсоннинг кўп томонлама фойдаланиши натижасида шаклланганлиги билан фарқ қилади. Антропоген қишлоқ хўжалиги ландшафт синфи доирасида тўртта: дала, боғ, воҳа ва ўтлоқ-яйлов зонал типии ажратилади.

Мирзачўл воҳа ландшафтлари қадимдан Сирдарё қадимги қайирусти террасалари, Туркистон ва Нурота тизмаларидан оқиб тушувчи доимий ва вақтинча оқар сувлар келтирма ётқиқларидан вужудга келган конус ёйилмаларида вужудга келган. Мирзачўл

воҳаси ландшафтлари шаклланишида иштирок этувчи омиллардан бири унинг рельефи ўзига хос бўлиб, шимолий томондан орографик жиҳатдан очиқ, жанубий томондан тоғ тизмалари билан тўсилган. Ер юзасининг бундай орографик тузилиши ўз ўрнида худуд иқлимининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шимолдан келаётган ҳаво массаларининг жанубдаги тоғларнинг тўсиб қолиши туфайли бир неча доимий ва вақтинча оқар сувлар – дарё ва сойларнинг вужудга келишига замин яратган. Бу дарё ва сойларнинг текисликка чиқавериш қисмида қадимдан вужудга келган ва шаклланган пролювиал текисликлар – конус ёйилмалари вужудга келган.

Тоғолди пролювиал текисликлар геоморфологик жиҳатдан мураккаб тузилган бўлиб, унинг тузилиши бири-биридан кескин фарқ қилувчи икки хил рельеф шакли мажмуасидан таркиб топган. Биринчи рельеф шакли мажмуаси қиялиги бир хил йўналишда тоғ этагидан текислик ёки водий томон аста-секин пасайиб борадиган пролювиал текисликлардан ташкил топган. Иккинчи типдаги рельеф шакли мажмуаси эса дарё ва сойлар тоғ-адирлардан чиққан жойларда ярим доира шаклда елпигичсимон таралган ва қабариксимон кўринишга эга бўлган қиялик ҳосил қилиб, юқоридан атроф томон сезиларли даражада пасайиб борадиган конуссимон ёйилмалардан иборат.

Конуссимон ёйилмалар қадимдан инсон хўжалик фаолияти таъсирида энг кучли ўзлаштирилган худудлардан бири ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда улар келажакда ҳам ўзлаштириш учун жуда қулай, сув имкониятларидан келиб чиққан ҳолда табиий шароити барча турдаги маданий экинларни оптимал ривожланишига имконият яратадиган термик ресурсларга, ер усти ва ер ости сув захирасига бой, катта иқтисодий потенциалга эга бўлган ҳамда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган воҳа ландшафтларини вужудга келтиради (А.Абдулқосимов, О.Қўзибоева, 2004).

Ўзбекистон худудида қадимдан таркиб топган воҳаларни ландшафтшунос олимлар (А.Абдулқосимов, О.Раҳматуллаев, К.Боймирзаев) томонидан турлича нуқтаи-назарда ўрганилган. Биз ўрганаётган Мирзачўл табиий географик райони худудининг воҳа ландшафтлари ҳам қадимдан инсон томонидан ўзлаштирилиб, ўзига хос табиий-антропоген комплекс вужудга келтирилган. Воҳа ландшафтлари биринчи галда мунтазам суғорилиб туриладиган агрокомплекслари, ирригация ва мелиорация тармоқлари, барпо этилган дарахтзорлари, аҳоли зич жойлашган селитеб комплекслари мавжудлиги билан ажралиб туради.

Суғориш ўсимликлар ривожланиши билан биргаликда воҳалар иқлимининг юмшоқ бўлиши, континенталлиги ва куруқлиги жиҳатларининг атрофдаги чўл худудларга таққослаганда камайишига олиб келади. Интенсив буғланиш воҳаларда ҳавонинг мутлақ ва нисбий намлигини оширади, дарахт-бута ўсимликларининг кўплиги эса шамолнинг тезлигини кескин пасайтиради. Воҳаларда иссиқликнинг кўп қисми намликнинг буғланишига сарф бўлиши оқибатида бутун вегетация даврида ҳаво ҳарорати чўлга нисбатан бирмунча паст бўлиб, бу фарқ 3⁰ гача етиши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда воҳалар устида ҳарорат инверсияси кузатилиб, интенсив суғориладиган майдонларда бу сутка давомида рўй беради.

Суғориш ўз хусусиятига кўра амалда янги бўлган антропоген аллювийнинг шаклланишига олиб келиб, уни тупроқшунослар агроирригацион қатлам деб аташни қабул қилган. Бу қатлам бир неча йиллар давомида суғориш натижасида далаларда сув таркибидаги лойқанинг чўкишидан вужуд келган. Мирзачўл воҳаси худудида суғориш натижасида қуйидаги тупроқ типлари шаклланган: 1) ариқ ва каналлар бўйидаги қумли ва қумоқ ирригацион ётқизиклар билан аралашиб кетган тупроқлар; 2) қадимдан суғориладиган оддий; 3) оддий воҳа; 4) қадимги суғориладиган ўтлоқ; 5) воҳа ўтлоқ; 6)

воҳа ўтлоқ-ботқоқ; 7) воҳа ботқоқ; 8) иккиламчи шўрланган тупроқлар.

Воҳаларнинг асосий таркибий қисмини агроландшафтлар ташкил этади. Мирзачўл ҳудудида ҳам агроландшафтларнинг қадимдан вужудга келишида Санзор, Зоминсув дарёлари ҳамда тоғлардан оқиб тушувчи мавсумий оқар сувларнинг роли муҳим ҳисобланади. Мирзачўл ҳудудида суғориб ишлов бериш учун шароитнинг қулайлиги бундан юз йиллар илгари кишилар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Мирзачўл қадимдан суғорилиб келинган дехқончилик марказларидан бири эканлиги бу ерда кишилар қадимдан ўтрок бўлиб яшаганликларини Эски Туятортар, Ўғизбойариқ каби суғориш шохобчаларининг номларидан ҳам билиш мумкин.

Мирзачўлнинг қадимги чўл қисмини ўзлаштириш, суғориладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида дастлаб унинг шимолий ва шимолишарқий қисмидаги майда тўлқинсимон пролювиал-аллювиал текисликлардан иборат бўлган Сирдарёнинг қадимги қайирусти террасалари ўзлаштирила бошланган. XX асрнинг 50-йилларидан сўнг пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида ерларни ўзлаштириш шимолиғарбга томон давом эттирилди. Сирдарёдан сув олувчи Жанубий Мирзачўл канали ишга туширилиб, унинг тармоқлари ва бир қанча ирригацион-гидротехник иншоотлар билан жиҳозланган антропоген гидрографик тўр вужудга келтирилди. Янгидан ўзлаштирила бошланган ерларда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг бир неча туманлари ва хўжаликлари ташкил этилиб, аҳоли турар жойлари, йўллар, транспорт-коммуникация тизимлари вужудга келтирилди.

Суғориш иншоотларининг кўпайиши Мирзачўлнинг барча суғориладиган ҳудудларида агроирригацион ландшафтлари таркиби ва кўламининг ўзгаришига сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар

ўз навбатида илгарига чўлнинг ландшафт-экологик шароитига катта таъсир кўрсатди. Суғориладиган майдонларда табиий ўсимликлар, тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг фаолияти, тупроқларнинг морфологик, физик, кимёвий ва биологик хоссалари ўзгарди, энг муҳими воҳа ландшафтларининг табиий шароити оптималлашиб борди.

Воҳа ландшафтларидан самарали фойдаланиш энг аввало тупроқларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқ. Мирзачўл ҳудудидаги суғориладиган ерларнинг кўп қисми турли даражада шўрланган ва шўрланмоқда. Бу эса ўз навбатида жойнинг турли компонентлари – рельефи, ер усти ва ер ости сувлари ҳаракати, иқлим, тупроқнинг таркиби ҳамда суғориш иншоотларининг ҳолати, суғориш маданияти ва бошқа бир қанча антропоген омилларга бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда Мирзачўл воҳаси тупроқлари мелиоратив ҳолати, сизот сувлари сатҳи, шўрланиш даражаси, тупроқ бонитировкаси, ер кадастри билан республикамиз ва вилоятлардаги тегишли илмий ташкилотлар ўрганиб, олинган натижалар таҳлил қилинмоқда.

Мирзачўл воҳа ландшафтларини ўрганиш борасида олиб бораётган илмий тадқиқот ишларимизда ҳудуднинг ландшафт компонентларида кузатилаётган ўзгаришларни баҳолаш ва уларни карталаштириш масалаларига эътибор қаратилади. Антропоген ландшафтларни ва уларнинг таркибий қисми бўлган воҳа ландшафтларини тадқиқ қилиш, уларни ўрта ва йирик масштабда карталаштириш, таснифлаш, шаклланиш тарихини ўрганиш, динамик ривожланишини кузатиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият эга. Воҳа ландшафтларида қишлоқ хўжалик экин турларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштириш ҳосилдорлик даражасининг ошишига ландшафт-экологик муаммоларни ижобий ҳал қилишга имконият яратади.

Адабиётлар:

1. Абдулқосимов А., Абдуназаров Р. Антропогенные изменения ландшафтов Кураминского хребта // Ўзбекистон ГЖ ахбороти, 39-жилд. – Тошкент, 2012.

2. Рафиков А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. – Т., 1976.
3. Мильков Ф.Н. Человек и ландшафты. Очерки антропогенного ландшафтоведения. – М.: Мысль, 1973.
4. Султонов Ю. Ландшафтлар географияси. – Т.: Ўқитувчи, 1974.
5. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 24-жилд. – Тошкент, 2004.
6. Географиянинг долзарб муаммолари // Конференция материаллари. – Самарқанд, 2006.

Резюме

В статье освещаются некоторые вопросы изменения природного ландшафта под воздействием человека. Эти проблемы рассмотрены применительно к Голодной степи.

Resume

In this article considered issues of change physical landscape on the impact of men. These issues very considered applying to steppe.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАР ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Абдуганиев О., Маҳкамов Э., Тўхташова Ф.

Таянч сўзлар ва иборалар: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, биологик хилма-хиллик, экологик хавфсизлик, антропоген таъсир, ҳавзавий ёндашув, табиий муҳит хилма-хиллиги.

Кириш. Табиий экосистемаларда биологик ва ландшафт хилма-хиллиги (БЛХ) ни сақлаб қолиш муаммоси табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш соҳаларида амалга ошириладиган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, БЛХ даражаси юқори ва ноёб бўлган ҳудудларни сақлаб қолиш давлат дастурларига киритилган бўлиб, бундай муаммолар геокомплексларни консервациялаш йўналиши орқали ҳал этилиши мумкин. Бу йўналишда ландшафтларни табиий қиёфасини сақлаш орқали уларнинг чидамлилигини узоқ муддатга таъминлаш имконияти яратилади.

Геокомплексларда ресурсларни қайта тикловчи ва муҳит ҳосил қилувчи вазифаларни бажариш имкониятини сақлаш технологик, маъмурий-ҳуқуқий, иқтисодий, биотехник, маърифий ва тарғибот каби тадбирлар орқали амалга оширилади. Бундай тадбирлар муайян ҳудудларда экологик хавфсизликни таъминлаш имконини беради. Экологик каркас фақат муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд (МЭТХ) лардан иборат бўлиб қолмай, балки ўз ичига сувни муҳофаза қилиш, автомобиль йўллари, техноген объектларнинг санитария-химоя зоналари ҳамда бошқа ёндош

ҳудудларни ҳам қамраб олиши керак. Натижада, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ўртасидаги биологик турларнинг миграцияси, модда ва энергия алмашилиши ҳамда ландшафтлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни яхшилаш имконияти юзага келади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур мақоланинг асосий мақсади муҳофазага олинган ҳудудлар тизимини шакллантириш мезонларини ўрганишдан иборат. Тадқиқотда миллат ва давлатнинг табиий геофондини сақлаш ёки маълум экологик мақсадларни кўзлаган ҳолда МЭТХлар тизимини шакллантириш мезонлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур ишнинг тадқиқот объекти сифатида МЭТХлар тизимини шакллантиришнинг географик жиҳатлари танланган.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракатлар режаси ва стратегиясида МЭТХлар тизимини барпо этиш йўллари ва келажак истиқболлари белгилаб берилган. Табиий муҳитни сақлаш ва қайта тиклашда юз бераётган салбий

Ўзгаришларни геокомплексларнинг ўзи баргараф эта оладиган ҳамда ўзини ўзи қайта тиклайдиган хусусиятлар ҳисобга олинади. Бунинг учун, ҳар бир минтақада уларнинг ноёб табиий комплексларини сақлаб қолувчи, муҳофаза қилувчи ҳамда оқилона фойдаланиш имкониятини берувчи турли даражадаги МЭТХлар фондини ташкил этиш керак.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Фарғона водийсида МЭТХларнинг регионал тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилди:

Экологик хавфсизликни таъминлаш мезони. Бу мезон асосида БЛХни сақлаш мақсадида МЭТХлар тизимини шакллантиришни назарда тутди. Бу функционал жиҳатдан бирлашган табиий объект ва ҳудудларлар мажмуаси бўлиб, ягона яхлит тизимда бир-бирини тўлдириши ҳамда узулуксиз ишлаши лозим бўлган тармоқдир. Бунинг учун МЭТХлар тизимини ташкил этишда экологик каркасга мос келувчи илмий геоэкологик ёндашувни қўллаш зарурдир. Бу ҳолат минтақада ягона экологик каркасни ҳосил қилиб, антропоген таъсир натижасида ландшафтларни ўзгаришига, жумладан, БЛХни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Зонал–провинциаллик мезони. Бунда турли даражадаги ландшафтлар ва улардаги ноёб объект ҳамда ҳудудларнинг ўзига хос ва эътиборга олиш зарур бўлган хусусиятларини сақлаб қолиш зарурияти қўйилади. МЭТХлар тизими географик репрезентативликни таъминлаш имкониятига эга бўлиши керак. Чунки, муҳофазага олинган ҳудудлар турли биогеографик, геологик-геоморфологик, тупроқ, флора ва фаунага эга бўлган ҳудудларини бирлаштиб, геокомплексларнинг таркибий қисми сифатида бир бутунликни ташкил этади. Шунинг учун, турли биогеографик чегаралар, яъни флора ва фаунаси ягона бўлган ҳудудлар, кушлар оммавий тўхтаб ўтадиган минтақалар ҳамда “Қизил китоб”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар тарқалган ареалларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ландшафт мезони. Ҳар бир географик ландшафтда МЭТХларни комплекс ташкил этишга эътибор қаратилади. Лекин, амалда турли даражадаги ва мозаикасимон ландшафт тузилишига эга ҳудудларда буни амалга тадбиқ этиш имконияти муаммолидир. Бу мезонда фақат айрим ҳудудлар учун хос бўлган, майдони чегараланган ва жуда ноёб хусусиятга эга ландшафтларни муҳофаза қилиш масаласи ётади.

Табиий комплексларни сақланганлик мезони. МЭТХларни мутоносиб танлашдан географик комплексларда табиий ресурсларни қайта тикловчи ва табиий муҳит ҳосил қилувчи имкониятлари ҳисобга олинади. Чунки, бу имкониятлар геокомплексларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий вазифалари ҳисобланади. Табиий географик комплексларнинг ўзгарганлик даражаси уларда МЭТХларнинг белгиланган мақсади, режими ва геоэкологик функциясига кўра қайси турини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради.

Ҳавзавий ёндашув мезони. Бу мезонда МЭТХни лойиҳалашда барча катта сув йиғувчи майдонлар яъни қайси ҳавзада жойлашганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, Сирдарёда кўп учрайдиган балиқлардан дўнгпешона сон жиҳатдан камайиб бормоқда. Чунки, бу балиқ урчиш учун дарёнинг ўнг ирмоқларининг юқори оқимида уруғ ташлайди. Сув омборларининг қурилиши бундай балиқларни камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, сув ҳавзалари яхлитлигини таъминлаш ва уларда сувни муҳофаза қилиш зоналарини ташкил этишга эътибор қаратилади. Чунки, бундай ҳимоя зоналари сув объектларининг ифлосланиши, саёзланишини олдини олади, сув маромини сақлаб туради, сувда яшовчи организмлар миграциясини таъминлайди.

Антропоген таъсирга энг сезгир табиий ҳудуд ва объектларни сақлаш мезони. Айрим ҳудудларда шундай табиий географик комплекслар ёки табиат компонентлари учрайдики, улар инсон фаолияти таъсирига жуда тез берилади. Натижада, уларнинг ноёб

хусусиятлари қайта тикланмайди ёки мутлақо йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун, улардан фойдаланишда бу хусусиятни ҳисобга олиш, эҳтиёткорона ёндашиш ҳамда айрим ҳолатларда уларни хўжалик фаолиятдан мутлақо чиқариб юбориш мақсадга мувофиқдир. Бу мезон асосида ўзгаришга учраган геокомплексларнинг муҳим хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида табиат ёдгорлиги даражасидаги МЭТХларни ташкил этишга эътибор қаратилади.

Рекреацион табиий объектларни сақлаш мезони. Геокомплекслардаги энг қизиқарли ҳамда ҳозирги кунда рекреация ва туризм мақсадларида фойдаланилаётган ҳудудларни МЭТХнинг алоҳида тоифасига киритиш лозим. Чунки, бундай ҳудудлардан маданий ва рекреация мақсадларида фойдаланиш орқали тез ўсаётган ва ёшлар салмоғи юқори бўлган республикамиз аҳолисининг рекреацион талабини қондиришга эришилади. Ўзбекистон Республикасининг геомажмуалари ҳам бой маданий ва тарихий мероснинг интеграл қисмидир. Ушбу мероснинг репрезентатив объектлари ва

компонентлари албатта сақланиши зарур.

Хулоса. Табиий муҳит ва унинг хилма-хиллик даражасини сақлаб қолишда ҳамда геокомплексларни оптималлаштиришда МЭТХлар тизимини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Табиат хилма-хиллигини сақлаб қолиш учун турли даражадаги табиий ҳудудлар ва уларнинг компонентларини муҳофазага олинади. БЛХни сақлаб қолиш учун мақбул майдон МЭТХлар мақомида ажратилиши керак. Бу жараён юқорида келтирилган мезонлар ва тамойиллар асосида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. МЭТХлар тизимини шундай ташкил этиш керакки, биринчидан, улар табиий муҳитнинг экологик мувозанатини оптимал сақлашга, иккинчидан, улардан турли мақсадлар учун фойдаланишга қодир бўлсин. Умуман олганда, маҳаллий, миллий ва глобал миқёсида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини шакллантириш ҳозирги кунда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тадбирларидан биридир ва давлат экологик сиёсатида мос тушади.

Адабиётлар:

1. Андреева И.В., Ротанова И.Н. Типизация ландшафтов и ландшафтное разнообразие в системе особо охраняемых территорий Алтайского края // География Азиатской России на рубеже веков. - Иркутск: Изд-во Ин-та географии СО РАН, 2001. -С. 30-31.

2. Андреева И.В. Организация системы особо охраняемых природных территорий на основе ландшафтного подхода (На примере Алтайского края). Дисс. кандидата географических наук. - Барнаул, 2005. - 241 с.

3. Иванов А.Н. Охраняемые природные территории / А.И. Иванов, В.П. Чиждова. - М.: Изд-во Московского университета, 2003. - 119 с.

Резюме

В данной статье рассматривается формирование системы особо охраняемых природных территорий на основе геоэкологических критерий.

Resume

The organization of the system of separately protected natural territories on the base of the geoecological criteria is discussed in this article.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ҚЎҚОН ВОҲАСИНИНГ ЭКОЛОГИК – ГИДРОГЕОЛОГИК ЖИҲАТИДАН РАЙОНЛАШТИРИШ

Боймирзаев К.М., Солиев И.Р.

Таянч сўзлар: Қўқон шамоли, Қўқон воҳаси, “классик” воҳа, гидрогеологик хусусиятлар, экологик – гидрогеологик районлаштириши.

Қўқон воҳаси Сўх конуссимон ёйилмасида жойлашган бўлиб, Олой тизмаси этакларидаги адиролди текисликларидан бошланиб, Марказий Фарғона чўллари ичкарасига қараб кириб боради. Воҳа табиатининг умумий хусусиятларига кўра водийнинг бошқа ҳудудларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Чунки Фарғона водийсига кириб келадиган ҳар қандай ҳаво оқимлари дастлаб Қўқон воҳаси жойлашган ҳудудларга ўз таъсирини ўтказиши. Воҳада ҳаво ҳарорати жанубдан шимолга томон “рельеф экспозицияси”га боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Денгиз сатҳидан 405 метр баландда жойлашган Қўқон шаҳри яқинида июль ойининг ўртача ҳарорати 26,8° ни, энг юқори ҳарорат 42° ни ташкил этса, январнинг ўртача ҳарорати Қўқонда -2,2° ни, энг совуқ ҳарорат эса – 31,1° гача пасайиши мумкин.

Воҳанинг катта қисмида йиллик ёғин миқдори Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларига нисбатан кам – 80-100 мм, Қўқон шаҳри атрофида 98 мм атрофида. Нисбий намлик миқдори анча паст, ҳарорат нисбатан иссиқ ва курук бўлиб, баҳор ва кузда ҳароратнинг исиб кетиши натижасида ҳаво босими пасаяди. Йилнинг айна шу даврида Хўжанд дарвозаси орқали Мирзачўлдан водийга томон Қўқон шамоли эсади, шамолнинг тезлиги 20-25 м\сек га етади. Қўқон воҳаси Фарғона водийсидаги “классик” воҳа бўлиб, аҳоли, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар водийнинг энг тараққий этган ҳудудларидан ҳисобланади.

Воҳа ҳудуди ер ости сувларининг минераллашуви, фойдаланилиши ва гидрогеологик хусусиятлари, экологик ҳолати ўрганилиб, экологик-гидрогеологик жиҳатидан районлаштириш ишлари баҳоли – қудрат бажарилди.

Аввало Қўқон воҳасининг геологик

тузилиши ўрганилиб, уни мураккаб тўртламчи давр ётқизикларидан иборат эканлиги аниқланди ва иккита кесмага ажратилди, жумладан:

1. Биринчи кесма воҳанинг жанубий қисми адир этакларидаги текисликлардан иборат бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Бу ҳудуд асосан харсангтош, кумтош, шағал ва кумлар аралашмасидан иборат. Кесмани куйи қисми шимолда Катта Фарғона канали (КФК) нинг жанубий соҳилларига тўғри келади. Бу қатламда соз тупроқ ва кумоқ тупроқлар қалинлиги 10-20 метрни ташкил этади.

2. Иккинчи кесма Катта Фарғона каналининг шимолий соҳилларидан Марказий Фарғона чўллари гача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Кесманинг бу қисмида асосан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли бўз, оддий бўз, ўтлоқ-ботқоқ, шўрхоқ ва кумоқ тупроқлар тарқалган.

Мазкур икки кесма асосида воҳанинг гидрогеологик шароити ҳам таҳлил қилинди. Биринчи кесма ўтказилган ҳудудда ер ости грунт сувларининг сатҳи бироз куйида – 10 м, баъзан ундан ҳам чуқурроқда ётади. Ўтказилган иккинчи кесмада шаклланган ер ости сувларининг асосий қисми шу ҳудудларда ҳосил бўлади. Иккинчи кесма ҳудудида ер ости грунт сувлари ер бетига нисбатан яқинда – 0,5-1,0 метр, баъзан ундан ҳам юзага яқин жойлашган. Тупроқ шўрланишининг асосий сабаби ҳам шу грунт сувлари сатҳи билан боғлиқ. Артезиан сувлари кўп ҳолларда босимли бўлади.

Гидрогеологик нуқтаи-назардан воҳа Сўх ер ости суви конига тегишли, ер ости суви асосан, ер усти сувларининг сингишидан ҳосил бўлади. Бунда Сўх дарёси ер ости сувларининг ҳосил бўлишига асосий манба ҳисобланади.

Сўх дарёсининг суви тоғолди қисмида тоза, ифлосланмаган, қуйи қисмида қисман ифлосланган, баъзи жойларда Cd-1,0 РЭМ гача ифлосланган. Қўқонсой, Оқтепасой, Наймансой, Бочқирсой, Картан, Бувайда каналлари Сўх дарёсининг ирмоқлари бўлиб, суғориш мақсадида фойдаланилади.

Воҳа худудини экологик ҳолатига таъсир этувчи экологик-гидрогеологик жиҳатлари таҳлил қилиниб, қуйидаги экологик районларга ажратиш мумкин:

1. Экологик ҳолати қониқарли район. Бу районда ер ости сувларининг умумий қаттиқлиги ва чўкинди қолдиқ 1,0 РЭМгача, бошқа ифлослантувчи компонентлар 0,5 РЭМ атрофида. Муҳандис геологик жараёнларнинг ривожланиши суст. Геологик муҳитнинг чидамлик даражаси юқори. Бу районга воҳанинг марказий қисми, Қўқонсой ва Собиржон ариғининг ўртасидаги майдонни эгаллайди. Шўрланмаган, кадмий, мишьяк, алюминий, селень хромларнинг миқдори 0,3-0,4 РЭМгача, пестицидлар-0,5 РЭМгача, нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш кузатилмаган.

Ўрганилган худуднинг юқори қисмида ер ости сувлари сатҳи 20-30 м, грунт сувлари юзасининг қиялиги, аралаштириш хусусиятининг юқорилиги туфайли ер ости сувларининг ифлосланиш даражаси паст. Қуйи қисмида ҳам ифлосланиш ҳолатлари учрамайди, бунинг сабаби ер ости сувларининг қалин – 15-20 метрли ёпувчи ётқизиклар билан тўсилганлигидир. Бу ётқизиклар ер ости сувларини ифлосланишдан ҳимоялайди.

Экологик ҳолати қониқарли ҳисобланадиган мазкур районда қишлоқ хўжалигида суғоришнинг ортиши, минерал ўғитларни меъёридан ортик ишлатилиши ва янги ерларни ўзлаштирилишининг кенг кўламда олиб борилганлиги, гидрогеологик шароитни ўзгаришига олиб келган. Шунинг учун мазкур районда табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қуйидагича олиб борилиши мумкин:

- ер ва сув бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни мунтазам муҳофаза қилиб бориш

ишларини йўлга қўйиш;

- минерал ва турли кимёвий ўғитлардан меъёрида фойдаланиш, улар миқдорини қискартириб бориш;

- Қўқон воҳасининг жанубий қисмида – ер ости сувлари ҳосил бўладиган жойларда, кўп сув талаб қиладиган қишлоқ хўжалик экинлари ўрнини кам сув талаб этадиган экин турлари билан алмаштириш;

- саноат корхоналари, фуқаро объектлари ва турли қурилиш иншоотларини ер ости сувлари ҳосил бўлиш худудларида барпо этишни дахлдор ташкилотлар билан келишган ҳолда амалга ошириш;

- Аҳоли манзилгоҳлари ва бошқа иншоотларни босқичма-босқич канализациялаштириш кабилар.

2. Экологик ҳолати шартли қониқарли район. Ер ости сувларининг умумий қаттиқлиги ва қуруқ қолдиқлари 1,5 РЭМ гача ва бошқа ифлослантувчи компонентлар 1,0 РЭМ гача. Бу район ҚФКнинг қуйи қисми, шарқдан Собиржон ариғи, шимолдан Қўқон шаҳри оралиғини ўз ичига олади. Мазкур районда ер ости сувлари таркиби мавсумга қараб ўзгаради, чўкинди қолдиқ баҳорда 0,5 г/л, кузда эса 0,2-0,3 г/л, умумий қаттиқлик эса 3,2-5,9 мг-экв/л гача ўзгарган.

Ушбу районнинг жанубий қисмида тупроқлар пестицид билан 0,6 - 0,8 РЭМгача ифлосланган. Айрим жойларда РЭМдан Pb-1,3 марта, Zn-1,4 марта, Mn-1,5 марта кўп ифлосланган. Ҳосил бўла бошлаган агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги 2-метргача етади. Шўрланмаган, пестицид, оғир металллар билан ҳам ифлосланмаган. Экологик ҳолати яхши. Ер ости сувлари ифлосланишдан ҳимояланмаган, сув сатҳи 2-3 метрни ташкил этади. Чўкинди қолдиқ ва қаттиқлиги 0,3-0,8 РЭМгача етган.

Худуд заҳарли пестицид, оғир металллар билан 1,0 РЭМ гача ифлосланган. Районнинг жанубида ЯҚКЗ, автокорхоналар, Шимолий Сўх газ-нефть қони жойлашганлиги туфайли нефть маҳсулотлари ва фенол билан ифлосланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Конуссимон ёйилманинг шағалли майдонида суғоришни кескин ўсганлиги сабабли ифлосланиш 150-160 м гача етган.

Ушбу районнинг экологик ҳолатини яхшилаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади:

- Конуссимон ёйилманинг бош қисмида иложи борича кам сув талаб этадиган қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни ташкил этиш;

- Мавжуд аҳоли манзилгоҳлари ва иншоотларни босқичма-босқич канализациялаштириш;

- Нефть маҳсулотларини сақлаш, ташишда ва улардан фойдаланишда ер ости сувларига сизиши учун йўл қўймаслик ва уни қаттиқ назоратга олиш;

- Табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ва тегишли ташкилотлар руҳсатисиз ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудда саноат ва турар жой иншоотларини қурмаслик.

3. Экологик ҳолати танг хавфли район. Бу ҳудудда ер ости ва ер усти сувлари, тупроқ, ҳаво аэрация зонаси ҳар хил унсурлар билан ифлосланган. Ифлосланиш меъёри 1,0-2,0 РЭМ гача, баъзи жойларда ундан ҳам юқори. Бу районга ҳам табиатини муҳофаза қилиш бўйича юқорида қайд этилган биринчи ва

иккинчи районларга тегишли тавсиялар берилди. Қўшимча қилиб эса қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- Янги Қўқон кимё заводи чиқиндиларини йиғиш чуқурларини йўқотиш;

- ер усти ва ер ости сувларига, атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндиларни ташловчи корхона, ташкилотларни қаттиқ назорат остига олиш;

- Қўқон шаҳри ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари канализацияга уланган бўлса, тиндирувчи ўраларни йўқотиш;

- тозалаш иншоотларини замон талаблари асосида қайта таъмирлаш;

- барча ёпиқ дренажларни қайта таъмирлаш, тик дренаж қудуқларни тўхтовсиз ишлашини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон воҳасида олиб борилган тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатадики, асосий ифлослантирувчи манбалар қишлоқ хўжалик майдонларини суғориш, ҳудуддаги саноат корхоналари ва аҳоли хўжаликлари ҳисобланади. Буларнинг салбий таъсирини ўрганиш ва бартараф этиш учун эса ҳудудда мукамал илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб боришни шароитни ўзи тақозо этади.

Резюме

Среди оазисов Ферганской котловины Кокандский оазис является наиболее подверженным негативным последствиям физико-географических процессов, протекающих с исторических времен орошаемого земледелия по настоящее время. Одной из причин вызывающей нарушение экологического равновесия ландшафтных комплексов Кокандского оазиса является повышение уровня грунтовых вод, вызванное большим расходом воды во время полива агрогеосистем.

Resume

The article is about the wind erosion over the cultivating soil in agricultural plantations. It is considered one of the dramatically catastrophes of nature in Kokand oasis. Preventing and minimizing the approaching natural disaster is not satisfactory. Existing woods and bushes are being cutting down and in some places they have disappeared already. It is important to perform certain measures for environmental protection. These arrangements will serve as a prevention of send transformation towards the oasis and send spreading.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР: ЧЎЛ ЗОНАСИДА АТМОСФЕРА ЁГИНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ХУСУСИДА

Ҳалимова Г.С., Хидирова Г.Р.

Таянч сўзлар ва иборалар: чўл зонаси, чучук сув муаммоси, атмосфера ёгинлари, маҳаллий сув ресурсларидан самарали фойдаланиши.

Бугунги кунда инсониятнинг бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда, бир неча дунёвий муаммо-инқирозлар юзага келмоқдаки, ушбу хуружларни ҳал қилмасдан туриб, инсониятнинг порлоқ келажагини таъминлаб бўлмайди. Айрим олимлар инсоният олдида ўз ечимини кутаётган глобал муаммоларни олтига гуруҳга ажратадилар ва улар таркибида 24 та муаммо мавжудлигини кенг ўқувчилар оммасига ҳавола қиладилар (Лавров, Гладкий, 2000). Улар орасида хом-ашё муаммоси тилга олиниб, унинг ўзагида чучук сув танқислиги туради. Ҳозирнинг ўзиданоқ сайёрамизда 1,2 млрд. аҳоли сув танқислигидан азият чекмоқда. Ишончли башоратларга кўра 2025 га бориб сув танқислиги 5,5 млрд. гача аҳолини қамраб олиши мумкин.

Дунёдаги қуруқликларнинг 1/3 бир қисми чўл ва чала чўл зонасида жойлашган. Ушбу ҳудудларда ичимлик ва суғорма сув муаммоси янада кескинدير. Ўзбекистон Республикаси учун ҳам чучук сув муаммоси стратегик аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимиз ҳудудининг 70 фоиз қисми чўл ва чала чўл зонасига киради.

Мамлакатимиз ҳудудида ҳосил бўладиган маҳаллий сув захиралари ҳозирги кунда ижтимоий талабнинг атиги 18 фоизини қондиради, холос (Сув Ўзбекистон келажаги учун... 2007, 35 б.). Қолган қисми эса Тожикистон, Қирғизистон давлатларидан кириб келадиган трансчегаравий дарёлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон) ҳисобидан қондирилади.

Бундан ташқари, иқлимий шароитнинг тобора қурғоқлашиб бораётганлиги туфайли чўлланиш жараёни хуруж қиляётганлиги ҳам бор ҳақиқатдир. Иқлимшунос олимларнинг айрим башоратларига кўра, 2030 йилга бориб Амударё сувининг 1/3, Сирдарёники эса 1/5 ҳажмда камайиши кутилмоқда (Ососкова ва бошқ. 2005, 54б.). Бунинг устига сувга

бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда сув ресурсларини тежаш, асраб-авайлаш бўйича қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан чучук сув муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Ушбу муаммони юмшатишнинг аниқ йўлларида бири, атмосфера ёгинлари туфайли ҳосил бўладиган сувлардан самарали фойдаланишдир. Гап шундаки, атмосфера ёгинларнинг аксарият қисми табиий шароитда самарасиз буғланиб кетади. Тоғ олди районларида эса, улар сув тошқинлари тарзида намоён бўлади ва иқтисодий, маънавий, экологик зарар ва офатларга сабаб бўлади.

Чўл зонасида атмосфера ёгинларининг миқдори кам бўлсада, ҳосил бўладиган сувларнинг ялпи кўлами катта ҳажмни ташкил қилади. Бизнинг хомаки ҳисобларимизга кўра 40,3 минг км² майдонга эга бўлган Бухоро вилояти ҳудудида атмосфера ёгинлари туфайли (1951-2000 йилларда ўртача кўп йиллик ёгин миқдори 129,8 мм) ҳар йили 5,2 млрд. м³ атрофида сув ҳосил бўлади. Бу миқдор Зарафшон дарёсининг ўртача кўп йиллик оқимига тенгдир. Худди шундай ҳолатни республикамизнинг қурғоқчил зонасида жойлашган ҳудудларда кузатиш мумкин.

Фикримизча, чўл зонасида ёгинлар туфайли ҳосил бўладиган сувлардан фойдаланишни энг аввало қуйидаги жойларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1) Мустақиллик туфайли мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида 2009 йилдан бошлаб қуриляётган намунавий турар-жой бинолари томига тушадиган (мавжуд турар жойларда ҳам) ёгинларни бир жойга тўплашга мослаштириш керак. Гап шундаки, томлари шифр билан қопланган юзалардан ёгин сувларининг 80 фоизгача қисмини тўплаш мумкин. Масалан, Бухоро шаҳри шароитида 250 м² майдондан 20-25 м³ ҳажмда чучук сув

тўплаш имконияти мавжуд. Бу борада ота-боболаримиз ўзига хос тажрибаларга эга бўлган. Айрим хонадонларда бундай ҳолатни ҳозирги кунда ҳам кузатиш мумкин. Қурғоқчил зонада жойлашган айрим хорижий давлатларда эса, бу соҳада ибратли тажрибалар мавжуд (Назаров ва бошқ. 2010).

2) Чўл зонасида жойлашган паст тоғларда (бунга биринчи навбатда Маарказий Қизилқум чўлига тегишли тизмалар киради) баҳор ойларида ҳосил бўладиган сувларни тўплаш ҳаётий заруриятдир. Мазкур жойларда атмосфера ёғинлари одатда, баҳор ойларида сув тошқинлари тарзида намоён бўлади ва тоғ этагидаги тупроқларни ювилишига, яйловларни нобуд бўлишига ва мавжуд инфратузилмаларни ишдан чиқишига сабаб бўлади. Ушбу офатларни бартараф қилиш мақсадида тоғ ёнбағирларини “кўндаланг жўяк” усулида фитомелиорация қилиш лозим. Айрим йирик сойлар этагида эса, кичик сув омборларини қуриш мақсадга мувофиқ. Бу борада Қулжуктов тизмасининг жанубий ёнбағрида жойлашган Тошбулоқсой, Янтоқсой, Чуруқсой этаклари жуда қулай имкониятларга эга. Ушбу жойларда кичик сув омборларини қурилиши, *биринчидан*, сув тошқинлари туфайли содир бўладиган офатлар бартараф қилинади. *Иккинчидан*, теварак атрофдаги чорвани сув таъминоти бирмунча яхшиланади. *Учинчидан*, маҳаллий аҳоли ва хорижий туристларнинг дам олиши учун қулай имкониятлар яратилади. Бу ерда туристлар тизманинг нодир ўсимлик, ҳайвонот дунёси,

жозибадор рельеф ажойиботлари ва “Қизилқум ботаника боғи” билан танишадилар ҳамда маҳаллий аҳолининг этнотуристтик имкониятлардан баҳраманд бўладилар (Хидирова, Халимова, 2013).

3) Тақирли майдонларда ҳосил бўладиган сувлардан фойдаланиш имкониятлари ҳам мавжуд. Тажрибалар асосида аниқланганки Бухоро вилояти худудига ёндош жойлашган Лебаб (Чоржев) вилояти худудидаги тақирларнинг бир гектар юзасида 285 м³ сув ҳосил бўлади (Лалыменко ва бошқ. 1983, 96б.) Биргина Бухоро вилоятида 200 минг гектардан ортиқ тақирли ва тақирсимон ерлар борлигини инобатга олсак, қанча маҳаллий сув захиралари борлигини тушуниш қийин эмас. Бундай ерлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Навоий вилоятларида ҳам катта майдонларни эгаллайди. Ота-боболаримиз мазкур сувлардан турли усуллар асосида фойдаланиб келганлар. Ҳозирги кунда улардан қолган баъзи гидротехник иншоотлар тарихий-меъморий ёдгорлик сифатида сақланиб келинмоқда холос (Низомов, 2008).

Ҳозирги даврда жаҳон мамлакатларида, жумладан, республикамизда сувга бўлган талаб ортиб бораётган экан, энг аввало қурғоқчил зонадаги маҳаллий сув захираларини мукаммал ўрганиш, улардан замонавий усуллар асосида фойдаланиш ва уларни асраб-авайлаш энг долзарб, стратегик вазифалардан биридир. Бу борада нафақат географ, гидролог балки ёндош фан ва амалиёт вакиллари хамкорлиги зарур.

Адабиётлар:

1. Лавров С.Б., Гладкий Ю.Н. Глобальная география. 11 класс. – Москва: “Дрофа”, 2000. – 352 стр.
2. Сув Ўзбекистон келажаги учун энг муҳим омил. – Тошкент, 2007. - 136 бет.
3. Ососкова Т.А., Спекторман Т.Ю., Чуб В.Е. Изменение климата. – Ташкент, 2005. – 54 стр.
4. Назаров И.Қ., Аллаёров. И.Ш., Халимова Г.С. Чўл зонасида яшовчи ҳалқларнинг маҳаллий сув имкониятларидан фойдаланиш тажрибаси ва амалиёт // Табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг географик асослари. Республика илмий-амалий конф. материаллари тўплами. – Наманган, 2010. – 17-20 б.
5. Хидирова Г.Р., Халимова Г.С. Қулжуктов тизмаси (Қизилқум) ландшафтларининг экотуристтик имкониятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 41-жилд. – Тошкент, 2013. – 143-147 б.
6. Лалыменко Н.К., Лалыменко И.И., Бердиев С. Освоение такырных почв с использованием местного поверхностного стока. – Ашхабад: «Ылым». – 268 стр.
7. Низомов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси. - Тошкент, 2008. -336 б.

Резюме

В статье, на примере Бухарской области, рассматриваются вопросы рационального использования атмосферных осадков, как источник пресных вод в условиях аридных территорий.

Resume

In this article reviewed issues of rational utilization of precipitation, as a source of drinking water in the condition of arid regions, in the case study Bukhara region.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ХУДУДИНИНГ ЭКОЛОГИК–МЕЛИОРАТИВ
КОМПЛЕКСЛАРИ ВА УЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ**

Холиқов Р., Обидов У., Дехқонбоева М.

Таянч сўзлар: *суғориладиган ҳудудлар, экологик-мелиоратив комплекслар, мелиорация турлари, сизот сувлари, гидрогеологик шароит, ландшафт-геокимёвий усул.*

Кириш. Суғориладиган ҳудудларда экологик мелиоратив комплексларни ажратиш ва уларни мелиорациялаш агроландшафтларга экологик-мелиоратив баҳо беришда катта аҳамиятга эга. Марказий Фарғона ҳудудининг катта қисми Сўх ва Шоҳимардонсойнинг конус ёйилмалари этакларида Сирдарёнинг чап соҳили қайирусти терассаларида, шунингдек, аккумулятив аллювиал-деллювиал ётқизиқлардан пасткам Сирдарёга нишаб бўлган оғир дренаж ҳолатли текисликларни ташкил этади. Ҳудуднинг географик жойланиши унинг геологик, геоморфологик, гидрогеологик ва тупроқ-мелиоратив ҳолатларини водийнинг бошқа ҳудудларидан кескин фарқ қилишига олиб келган.

Марказий Фарғонани ҳавза ичидаги ҳавза деб аташимиз ўринлидир, чунки унинг гидрогеологик ҳолати ва у билан боғлиқ экологик мелиоратив шароитлар рельефнинг пасткамлиги туфайли водийнинг юқори гипсометрик нуқталаридан марказга йўналган ер ости оқимининг кириб келиши билан белгиланади. Марказий Фарғонанинг оғир дренаж ҳолати тупроқ грунтининг сув ўтказиш қобилияти туфайли сизот сувларининг юқорилама ҳаракатини юзага келтиради. Бу жараёнлар айниқса, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва суғориш билан боғлиқ бўлиб, деярли 70 йилдан ортиқ давр ичида ландшафт-мелиоратив ҳолат кескин ўзгарди.

Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш бошлангунга қадар бўлган гидрогеологик ҳолатни белгилашда ташлама-зовур тармоқларининг йўқлиги салбий ҳолат ҳисобланган. 1970 йилларга келиб эса коллектор зовур тизимлари ҳар гектар ерда 26 дан 63 погонметрга тенг бўлди. Хусусан, Шимолий Боғдод ташлама коллекторининг қурилиши

билан Сўх конус ёйилмаси шимоли-шарқий қисмларида жойлашган Марказий Фарғона ерларида сизот сувлар сатҳи кескин пасайди. Ёзёвон массивидан ўтган Файзобод коллектори туфайли эса бу ердаги сизот сувларнинг сатҳи 1-1,5 метрдан 1,5-2 метргача пасайди. Шунингдек, юқори, ўрта ва қуйи Қизилтепа коллекторлари ҳам сизот сувлар сатҳини пасайишига олиб келди.

Марказий Фарғонадаги ер ости сувларининг гидрогеологик ҳолатида сизот сувлар сатҳи билан уларнинг шўрланиш кўрсаткичлари асосий ҳолатни белгилайди. Айниқса, Сўх-Исфайрам конуслараро пасткамликларда қадимги кўл аллювиал ётқизиқлари билан боғлиқ тузларнинг тўпланиши мазкур ҳудуд ерларининг кучли шўрланишида асосий манба бўлиб келган. Суғоришнинг давомлилиги туфайли мазкур ҳудуддаги тузларнинг аста-секин ювилиши содир бўла бошлади. Айниқса, Ёзёвон қишлоғи ва уни атрофидаги ерларда сизот сувларидаги туз миқдори 0-1-1 г/л гача камайди. Марғилон воҳасининг шарқий ҳудудларидаги туз миқдори 3-5 г/л гача пасайди. Сирдарёнинг аллювиал водийларида ҳам суғориш туфайли сизот сувларининг туз миқдорини камайиши рўй берди. Айниқса, Сирдарёнинг 1-1,5 км радиусидаги қайир ва қайир усти террасасида сизот сувларининг туз таркиби 1 г/л гача пасайди ва суғориш орқали тузларни ювилиши ва дарё суви орқали чиқиб кетиши содир бўла бошлади. Суғоришнинг дастлабки йилларида Марказий Фарғона тупроқларининг таркибидаги тузларнинг ювилиши содир бўла бошлади, бу элливиал жараённинг кучайиши билан боғлиқ эди. Ўзлаштиришнинг узоқ даврларига келиб грунт сувларининг гидрогеологик таркибида кескин ўзгаришлар рўй берди. Бундай

Ўзгаришлар айниқса Фарғона вилоятининг Марказий Фарғона худудларини катта майдонларини эгаллаб олган. Данғара, Бувайда, Риштон, Боғдод, Олтиарик туманларида салбий ҳолатда бўлиб зовур сувларидаги минераллилик даражаси 2,26-2,48 г/литрни ташкил этиб суғориладиган майдонларга кириб келган туз миқдори чиқиб кетаётган туз миқдоридан бир неча маротаба ортиқ бўлган. Сизот сувларининг сатҳи 1-1,5 метргача бўлган худудларда эса туз миқдори 3 г/литр ва ундан ортиқни ташкил этган.

Марказий Фарғонанинг ўзига хос географик ўрни, рельефи, иклимий гидрологик ҳолати ва суғоришнинг таъсирида тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг механик таркиби худудда ўзига хос тупроқ экологик-мелиоратив комплексларни ва уларнинг геохимёвий хусусиятларини юзага келтиради. Тупроқларнинг агрохимёвий хусусиятларини геохимёвий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг тарки-бини ташкил этган камёб элементлар (Fe, Rb, Tn, Ce, Cs, Ta, Li) сув-тупроқ-ўсимлик геохимёвий занжирида бошқа озук-моддалар билан бирга иштирок этади.

Марказий Фарғона тупроқларининг геохимёвий хусусиятлари жуда мураккаб бўлиб, айниқса шўрхоқлар ва суғориладиган ўтлоқи соз тупроқлар учун характерли хусусият уларнинг механик таркибини устки қатламларидан қуйи қатламларигача томон оғирлашиб бориши билан бирга енгил ва ўрта қумоқли механик таркибга эга эканлигидир. Ўтлоқи соз тупроқларда суғориш таркиби оғирлашиб боради. Д.Холдоров (2006)нинг тадқиқотларига кўра суғориладиган тупроқларнинг юза қатламида эритма концентрацияси 10,5-12,5 г/литрни шўрхоқларда эса 240 г/литрни ташкил этади.

Марказий Фарғонадаги ер ости сувларининг сарфланишида Решеткина маълумотларига кўра грунт орқали 44,5 %ни ташлама коллекторлар орқали 17,5% ни ташкил этади. Сизот сувларнинг сарфланишида бирмунча катта кўрсаткични буғланиш ва транспирация ташкил этади ва бу эса сизот сувлар чиқимининг 38%ни ташкил этади. Марказий Фарғона худудидан буғланиш ва транспирация орқали чиқиб кетаётган сизот сувларнинг миқдори йилига ўртача 6000м³ гектарни ташкил этади.

1-жадвал

Марказий Фарғонанинг экологик –мелиоратив комплекслари

№	ЭМК	Хўжаликда фойдаланиш учун талаб этиладиган мелиорация турлари	ЭМК лари экологик ҳолати
1	Кучсиз шўрланган конус ёйилмаларининг куйи периферик қисмларининг ЭМКлари	Енгил мелиорация, коллектор-дренаж тармоқларини доимий назорат қилиш	Бирмунча борқарор лекин номутаносиблик бор
2	Ўртача ва кучли шўрланган аллювиал текисликлар ва пастқамликларнинг ЭМК лар	Жиддий мелиоратив талаб этилади. Шўр ювиш, колдлектор-дренаж тизимларини қатъий назорат қилиш зарур.	Шўрланиш, иккиламчи шўрланиш кузатилади, ботқоқланиш ривожланиши мумкин биологик маҳсулдорлик паст
3	Дўнг ва марза қумли ЭМК лар	Табиат қўриқхонаси сифатида муҳофаза этиш, ландшафт этолони сифатида табиий ҳолатни сақлаб қолиш	Бирмунча коникарли лекин ноқонуний ов қилишни ман қилиш талаб этилади
4	Сирдарё қайир ва қайир усти терассаларининг ўтлоқ аллювиалтупроқли ЭМК лар	Сизот сувлар сатҳини пасайтириш, дренаж ҳолатини яхшилаш талаб этилади.	Шўрланишга нисбатан ботқоқланиш кўпроқ, гидроморфлашув ҳолати юқори.

Марказий Фарғонанинг экологик мелиоратив комплексларини ҳосил бўлишида сизот сувларининг режими, баланси, тупроқ қатламининг хусусият-

лари билан бирга ўсимлик қопламининг ҳам аҳамияти каттадир. Табиий ёки маданий ўсимликлар қопланган худудлар ўрганилганда маданий экинлар юзасидан

транспирацияни кўплиги аниқланган. Бунинг асосий сабаби, маданий ўсимликларнинг бу ерда бирмунча қалин қопламларни ҳосил қилиши, суғоришнинг мунтазамлиги бўлиб, айниқса 1 гектар пахта майдони йилига ўртача 6165 м сувни буғлатади. Бу эса ер ости сувларининг мувозанатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўрта мураккаб гидрогеологик шароитга эга бўлган Марказий Фарғонада кирим ва чиқим ўртасидаги фарқ сизот сувларининг қандай чуқурликда ётганига боғлиқдир. Шунингдек, гидрогеологик жиҳатдан Марказий Фарғона барқарор ва барқарор бўлмаган гидрогеологик режимли ҳудудга ажратилади. Маданий экинлар майдонлари, суғориш интенсивлигига кўра бекарор

гидрогеологик режимга эга ҳисобланади ва бу суғориш таъсирида сизот сувларининг сатҳи кўтарилиши ва иккинчи томондан транспирацияга боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Фарғона ҳудудининг геокомплексларини инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариши ва тупроқ экологик-мелиоратив ҳолатини ҳосил бўлишидаги табиий-антропоген омилларни динамик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таснифладик. Бунда асосан геокомплексларни тадрижий ривожланишидаги қиёсий географик, ландшафт-геокимёвий услублардан фойдаланилди. Мазкур услублардан фойдаланилган ҳолда қуйидаги экологик-мелиоратив комплекслар ажратилади.

Адабиёт:

1. Холдоров Д. Марказий Фарғонанинг шўрланган ўтлоқи соз тупроқлари ва шўрҳоклари геокимёси. Номзодлик диссертацияси автореферати. Тошкент, 2006.

Резюме

В статье рассматриваются вопросы формирования эколого-мелиоративных комплексов Центральной Ферганы и пути их мелиорации.

Resume

The article considers the problem of ecological reclamation complexes central Fergana and ways of their reclamation.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ОБОСНОВАНИЕ ПУНКТОВ НАБЛЮДЕНИЙ ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКОГО МОНИТОРИНГА ЗА ЗАГРЯЗНЕНИЕМ ПРИГРАНИЧНЫХ РАЙОНОВ УЗБЕКИСТАНА С КИРГИЗИЕЙ (НА ПРИМЕРЕ ДОЛИНЫ РЕКИ МАЙЛУУ-СУУ)

Сабитова Н.И., Холдорова Г.М.

Ключевые слова: мониторинг, геоэкология, загрязнение, геоинформационный анализ, горнорудные объекты, радиоактивные элементы, тяжёлые металлы.

Введение. Трансграничные горнорудные объекты, расположенные вдоль границ Узбекистана на территории Кыргызстана многие годы являлись одними из основных минерально-сырьевых баз урана и некоторых цветных металлов. В результате здесь скопилось большое количество отвалов добычи и складирования отходов горнорудной промышленности. Объекты расположены в условиях горного рельефа и подвергаются процессам размыва, разрушения и выноса на территорию долинной части

Узбекистана загрязняющих окружающую среду химические компоненты оказывающее отрицательное влияние на жизнедеятельность населения.

Объект исследования - долина реки Майлуу-Суу, расположенный в северной части Ферганской долины (Узбекистан). Верхняя часть бассейна реки Майлуу-Суу, т.е. зона формирования стока расположено на территории Кыргызстана, в 100 километрах от областного центра Джалал-Абад на высоте 800-900 метров над уровнем моря.

Рядом с городом Майлуу-Суу находится одно из самых крупных в мире хранилищ радиоактивных отходов. Вследствие чего, город признан (относительно) самым загрязнённым городом в мире. Расстояние от города Майлуу-Суу до границы Узбекистана составляет 24 километра.

Цель исследования: обосновать и дать рекомендации по размещению пунктов наблюдений мониторинга за загрязнением приграничных районов Узбекистана с Кыргызстаном (на примере долины реки Майлуу-Суу).

Задачи исследования: на основе новых достижений в области картографии и геоморфологии, а также на базе использования геоинформационных систем (ГИС) усовершенствовать методику размещения сети геоэкологического мониторинга направленного на изучение воздействия загрязнения радиоактивными элементами и тяжёлыми металлами долины реки Майлуу-Суу.

Методы и виды проведённых исследований. Для решения поставленной задачи были проведены камеральные и полевые работы на конусе выноса реки Майлуу-Суу: изучение результатов ранее проведённых исследований направленных на оценку степени загрязнения, дешифрирование и анализ топографических карт и аэроснимков, морфоскульптурный и морфометрический методы анализа геоморфологических условий исследуемой территории, а также особенности пространственной дифференциации ландшафтов.

Степень изученности проблемы. Результаты исследований степени загрязнения воздействия горнорудных объектов расположенных на территории Кыргызстана (Айтматова, Апарин, 2003; Алёшин, Торгоев, Лосев, 2000; Торгоев, Алёшин, 2009 и др.) свидетельствуют о том, что в почвах, воде и донных отложениях водотоков присутствуют радиоактивные элементы и тяжёлые металлы (уран, селен, хром и др.) концентрация которых в некоторых случаях многократно превышает ПДК. Подземные воды и поверхностные водотоки, омывают отвалы и многие из

них непосредственно вытекают из хвостохранилищ, расположены непосредственно в русле рек и ручьёв впадающих в р. Майлысу. В результате формируются широкие ареалы загрязнения не только вблизи хвостохранилищ в Майлуу-Суу, но и на значительном удалении от них в зоне рассеяния стока р. Майлысу на территории Узбекистана.

Основная часть. Несмотря на большое количество научных трудов по проблеме геоэкологического картографирования, в настоящее время нет принятой картографической основы для оптимального научно обоснованного размещения наблюдательных пунктов. Считаем, целесообразным для этих целей использовать картографический метод пластики рельефа (Метод пластики рельефа ..., 1997). Составляемые на исследуемые территории карты пластики рельефа, с использованием также ГИС-технологий, основываются на тщательном морфологическом анализе поверхности обследуемой территории по топокартам. По этому методу принципиально отличающиеся элементы рельефа – выпуклости и вогнутости, образующие литодинамические потоки, как один из основных факторов, создающих пространственную неоднородность природных объектов и явлений, в самом начале работ в виде каркаса контуров закладываются на карту-основу. По карте мы можем определять направление литодинамических потоков, области формирования, транзита и аккумуляции взвешенных и растворенных веществ. Составление карты пластики рельефа и на её основе геоморфологической и ландшафтной конуса выноса реки Майлуу-Суу в масштабе 1:50 000 и их анализ становится одним из важных этапов проведения картографических работ при организации и проведении мониторинговых исследований приграничных районов Узбекистана.

Геоморфологическая карта, составленная на основе пластики рельефа, позволила увидеть порядок следования

форм рельефа – выпуклостей и вогнутостей. Морфоструктурные и морфометрические показатели явились важнейшей составной частью легенды и содержания геоморфологической карты на основе пластики рельефа.

Карта пластики рельефа является идеальной основой для ландшафтных исследований и оценке степени техногенного воздействия на них отходов урановых хвостохранилищ расположенных на территории Кыргызстана. При составлении ландшафтных карт целесообразно использование метода географической локализации, т.е. операции привязки ландшафтных рисунков к элементам форм рельефа выделяемых на карте пластики рельефа. Также использован метод индикационной локализации, т.е. привязка и уточнение границ ландшафтных рисунков с тематическими картами – четвертичных отложений и геоботанической. В объем этого анализа входит оценка связи рисунков с теми или иными свойствами ландшафта. Одним из наиболее важных геометрических критериев для дешифрирования служит форма контура. При морфографическом анализе она служит одним из главных признаков состава растительности контуров.

По аэроснимкам можно получить различные морфометрические характеристики контурной текстуры ландшаф-

тов: линейный размер, площадь, периметр, рассеченность (изрезанность) и ориентированность, что имеет определённое значение для обоснованного размещения точек наблюдений геоэкологической мониторинговой сети. Выявление на исследуемых участках репрезентативных наблюдательных точек, при этом ограничив их количество, позволит экономично провести исследования.

Имея определённый опыт работы с картами, по одной лишь конфигурации или рисунку, по взаиморасположению контуров форм рельефа и фаций (урочищ) можно показать о возможных местах концентрации загрязняющих веществ. Пространственное проявление дифференциации водно-геохимических потоков загрязняющих долины Майлуу-Суу практически полностью определяется элементами мезо- и микрорельефа. На повышениях образуются растекающиеся местные потоки геохимических растворов, направленные в прилегающие понижения. Понижения, наоборот, оказываются приемниками водно-геохимических потоков. Карта пластики рельефа и тематические карты (геоморфологические и ландшафтные) составленные на её основе могут играть важную роль при обосновании выбора мест заложения наблюдательных точек (рис.1).





Рис.1. Рекомендуемое размещение точек наблюдения мониторинговой сети на карте пластики рельефа участков Майлуу-Суу.

Условные обозначения: 1. Форма рельефа – выпуклая; 2. Границы между геосистемами; 3. Реки и каналы; 4. Пункты наблюдательной сети мониторинг. Расположение точек наблюдений на формах рельефа: 4 - вогнутой и 5 - выпуклой

Установлено необходимость расположения наблюдательных точек, в долине Майлуу-Суу, в следующей последовательности: **пункт № 1** в зоне

формирования водно-геохимических потоков.

Данный пункт является “командным”, форма рельефа выпуклая, пролювиально-

аллювиальные отложения реки Майлуу-Суу. Здесь наблюдается резкое падение скорости течения реки, что, возможно, приведёт к увеличению концентрации загрязняющих веществ в поверхностных и подземных водах, в почвенном покрове и растительности. Это связано с тем, что в данной точке будет возможно фиксировать загрязнение, поступающее с хвостохранилищ, расположенных на территории Кыргызстан, а также природное загрязнение, связанное с механической (гравитационной) миграцией элементов.

Пункты сети мониторинга №2, №3, №4 нами расположены вдоль канала Пахтаабад, на межконусных понижениях (на вогнутых формах рельефа). Расположение данных пунктов определяется тем, что после посёлка происходит выполаживание рельефа и уменьшается скорость водного потока (поверхностного и подземного).

Место расположения точек наблюдений характеризуется хорошей естественной дренированностью. Почвы серозёмы, материнской породой для них являются лёссы и лёссовидные суглинки. Структура серозёмов слабая, с хорошей водопроницаемостью и влагоёмкостью. Пункты сети мониторинга №2, №3, №4

расположены в средней части конуса выноса реки Майлуу-Суу и характеризуются переносом и дифференциацией по площади конуса, литодинамическими потоками химических веществ и формированием загрязнения на большом удалении от источников поступления загрязняющих веществ в окружающую среду.

Пункт № 5 нами расположен на контактной зоне, между конусом выноса реки Майлуу-Суу и реки Тентаксай, **№ 6** пос. Эскикишлак и **№7** полевой стан Даминбайчек. Пункт №5 расположен в зоне разгрузки потока грунтовых вод конуса выноса реки Майлуу-Суу. Места расположения пунктов №6 и № 7 рассматриваем в пределах исследуемого участка как зону разгрузки растворенных химических компонентов для исследуемого участка Майлуу-Суу.

В заключении следует отметить, что для обоснованного размещения наблюдательной сети геоэкологического мониторинга в долине реки Майлуу-Суу, необходимо использовать комплекс методов. При этом, как на первом этапе работ, так и последующих целесообразно проведение исследований на основе карты пластики рельефа.

Литература:

1. Айтматова Дж.И., Апарин В.Б. Хвостохранилища радиоактивных отходов и их влияние на компоненты окружающей среды на территориях урановых рудников Майлуу-Суу и Чаркесар // Наука и новые технологии, 2003, №3.- с.71-82.
2. Алёшин Г., Торгоев И.А., Лосев В.А. Радиационная экология Майлуу-Суу. – Бишкек: Илим, 2000. - 96 с.
4. Метод пластики рельефа в тематическом картографировании // Сборник научных трудов. – Пушино, ОНТИ НИЦБИ АН СССР, 1987. - 160 с.
5. Торгоев И.А., Алёшин Ю.Г. Геоэкология и отходы горнопромышленного комплекса Кыргызстана. – Бишкек: ИЛИМ, 2009. – 239 с.

Резюме

Мақолада Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош тоғ-кон саноати чиқиндилари тўпланган ҳудудларида геоэкологик мониторинг ўтказиши учун қузатув таянч нуқталарини белгилаш масалалари кўрилган. Ушбу масала Мойлисув дарёси мисолида ёритиб берилган.

Resume

In this article discussed the selection of the observin points for monitoring of industrial garbage in geoeological regions of the mountainous boundry of Uzbekistan and Kirgizistan. This issue is discussed as an example of Maliisuv river.

Рекомендует:

доц. Миракмалов М.Т.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Ҳожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А.

Таянч сўзлар ва иборалар: экологик қонун ва қонуниятлар, экологик таълим-тарбия, экологик онг, экологик маданият, соф миллий экологик қадриятлар, исломий экологик қадриятлар, умуминсоний экологик қадриятлар.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да режалаштирилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг миқёсида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча фанлар ислоҳатларига муҳтожлик сезгани каби, экологик фанларни ҳам амалий, ҳам бошқа фанлар билан бирга ривожлантириш давр талаби бўлиб қолди. Бунинг исботи сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибидаги Ўзбекистон экологик ҳаракати дастури мақсад ва вазифаларида ҳам аҳолининг экологик билимларини оширишга мўлжалланган бандлар мавжуд. Бунда узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим дастурини шакллантириш, экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакаси ва маълумотини оширишнинг самарали тизимини яратиш Давлат дастурини амалга оширишда мазкур ҳаракатнинг фаол иштирок этиши назарда тутилганидир.

Асосий қисм. Ўзбекистонда экологик таълим ҳозирда амалда фақатгина олий ўқув юртларидагина жорий қилинган. Бироқ, унга ажратилган арзимасгина соатлар мобайнида талабаларда экологик дунёқарашни шакллантириш ва керакли кўникмаларни сингдириш иложсиз. У ҳам айрим олий ўқув юртларида бошқа фанлар таркибига киритилган бўлиб, у аксарият ҳолларда таянч мутахассисликка эга бўлмаган ўқитувчиларга юклатилган. Агар бугунги талабалар эртага иқтисодиёт, бошқарув ташкилотларида фаолият олиб боришлари ва тегишли қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи роль ўйнашлари назарда тутилса, унинг самараси ҳам ойдек

равшан.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, экология фанларини география ихтисослиги бўйича таянч маълумотга эга бўлган иложи бўлса, табиий географик мутахассис-педагоглар ўқитгани мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳудуддаги экологик муаммолар асосан ўша жойдаги табиий географик қонуниятларнинг бузилиши негизида рўй беради. Бу ўринда забардаст олим Н.Қ.Назаровнинг: **“География ҳудудлар-фалсафаси, географ-ҳудудлар экологи”** деган ҳикматомуз фикрлари ўринлидир.

Экологик онг - экологик тарбиянинг асоси бўлиб, табиатни асраб-авайлашда, унга онгли муносабатда бўлишда, бойликлардан тежамкорона фойдаланишда, нохуш табиий ҳодисаларнинг олдини олишда, энг муҳими атроф муҳитини доимо тоза сақлашда номоён бўлади.

Экологик тарбия ҳам экологик онг сингари: “оила-боғча-мактаб-ўрта махсус ўқув юрти (ёки олий ўқув юрти)-корхона-маҳалла”-бўғинида шаклланиб боради. Албатта, бу кетма-кетлик шартлидир, аммо экологик тарбиянинг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёсдир.

Оилада болани табиатни севишга, уни эъзозлаш руҳида тарбиялаш келажакда болада хушфезллик, бағрикенглик, гўзалликни ҳис қила билиш, борини авайлашга-йўғига чидашга, сабр-такот, муомилалилик хислатларини шаклланишига туртки бўлади. Уйда гултувакдаги гулга керакли вақтда сув қуйиб, уни парваришлаган ўғил ёки қиз ҳеч қачон ташқарида ўсиб турган дарахт шохини синдирмайди, қафасдаги қушчага ёки аквариумдаги балиққа маҳлиё бўлган, унга озиқа берадиган болақай, эртага дарахтда ўтирган қушга тош отиши

кийин. Шу ўринда халқимизнинг ардоқли ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг: **“Кичиклигида чумчуққа тош отган бола катта бўлганида одамга ўқ отиши мумкин. Бешавқатлик билан жиноятнинг ораси бир қадам”**- деган битикларини эшлаш кифоя.

Экологик тафаккурнинг олий босқичи **экологик маданиятдир**. Атроф муҳит билан алоқадор барча анъана ва кўникмалар мажмуаси экологик маданиятни билдиради. Инсоният ортида қанчалик бой маданий мерос бўлмасин, ҳар бир инсон ўз маданияти ва маънавиятини ўзи ҳар сафар янгидан яратади, бошқа бировнинг маданиятини ўзига тўлиқ сингдириб олиш мумкин эмас. Маданийлик ирсий механизмлар тизими орқали пайдо бўлмайди, фақат ўқиш ва ўқитиши орқали шаклланади. Оила, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрти, ишхона табиий инсондан ижтимоий, маданий инсон яратиш учун хизмат қилади. Демак, табиат билан инсоннинг ҳамкорлигидаги ўзаро алоқадорлиги нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам беқиёс қимматга эгадир. Маънавият ва экология бир-бирини инкор этмаган ҳолда уйғун, ўзаро таъсир доирасида ривожланиб боради. Асрлар мобайнида табиатга, ерга, сувга бўлган муносабат маънавий-экологик кадриятларда ўз аксини топган ва экологик маданиятнинг пойдевори ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, халқимиз турмиш тарзида “экологияни маънавиятдан асло ажратиб бўлмаган”. Бошқача айтганда, маънавият юксак бўлган жойда экология ва табиий муҳитга эътибор юқори бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек: **“Умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга, миллий ўзга хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳаммиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур”**¹. Чунки

- **“Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир”**².

Гарчи “экология” тушунчаси XIX асрда фанга киритилган бўлсада, экологик қарашлар тарихини одамзод пайдо бўлган илк ижтимоий даврдан бошлаган маъқул. Шу маънода, барча халқлар қатори, ўзбек халқи ҳам жуда бой миллий экологик кадриятларга эга. Уларни уч қисмга бўлиш мумкин:

- соф миллий экологик кадриятлар;
- исломий экологик кадриятлар;
- умуминсоний экологик кадриятлар.

Мана шулар бугунги ўзбек миллий экологик қарашларининг уч манбаи ва уч таркибий қисмини ташкил этади.

Соф миллий экологик кадриятларга халқимизнинг энг қадимги замонлардан ҳозиргача яратган экологияга оид оғзаки ёки ёзма, илмий ёки бадиий шаклда ифодаланган қарашлари, фикр-мулоҳазалари, ўғитлари (масалан, “сувга тупурма”, “ерни урма”, “хайвонларга озор берма” ва х.к.), панд-насихатлари, тасвирий санъат асарларидаги экологик тарғиботга хизмат қиладиган талқинларнинг барчаси қиради.

Имом Бухорий, Имом-ат-Термизий, Боҳовиддин Нақшбанд, Хожи Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганлар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “Ободончиликка ярайдиган бир қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”. Унинг “Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат

¹ Сулаймонов А. Миллий камолат сари. - Т.: Ўқитувчи, 2010. – 18 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

эктирдим” деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур сайёҳ ва табиатшунос, умуман серкирра ижодкор бўлганлиги ҳаммамизга маълум. Ундаги экологик маданият ва қадриятлар шунчалик юксак бўлган-ки, у ўлкани билган кишиларни ҳурмат қилган, уларнинг қадрига етган ва улар билан ҳамisha маслаҳатлашган. “Бирор сафарга чиқишдан олдин ер, сув билур кишиларни чорлаб, атроф ва томонлар суриштирилар эди”-деб ёзади “Бобурнома” асарида. Бобур узоқ сайлга чиққанда унинг чодирни тепасига куш уя қўйган. Кетиш чоғида чодирни бузмай, куш полапон очиб, учиб кетишини пойлаш учун чодирда бир лашкарни қолдириб кетганлиги ҳақиқат. Мана *Бобурдаги экологик маданият, мана буюк шоҳнинг экологик маънавияти.*

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, экологик қадриятлар маънавий қадриятлар замирида шаклланишига шубҳа йўқ. Мустақиллик туфайли тикланган бебаҳо қадриятлар тўғрисида гапирар эканмиз, ўзбек халқи бой маънавий-экологик меросга эга бўлиб, мана шу меросдан, ўз маконини, заминини, яшаш муҳитини асрашга ва муҳофаза қилишга қаратилган саъий-ҳаракатлар, анъана ва урф-одатлар ўз аксини топган ҳамда бу меросни сақлаш, бойитиш, ёш авлодлар тарбиясига сингдиришга катта аҳамият берилган. Ҳозирда, аввало таълим тизимида “Экология” фанини ўқитишни қатъий тарзда йўлга қўйиш, ўқитилаётганини янада такомиллаштириш ҳамда улар мазмунига юқоридаги экологик мерос элементларини сингдириш давр талабидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Ўзбекистон экологик ҳаракат дастури, 2009.
3. Аҳлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1990.
4. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989.
5. Маънавият ва экология: замин ва қадриятлар уйғунлиги (Лойиҳа муаллифи Р.Султонов). - Т.: Extremum Press, 2012.
6. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолар. - Т.: Муҳарир, 2013.
7. Сулаймонов А. Миллий камолат сари. - Т.: Ўқитувчи, 2010. – 18 б.
8. Хошимов.Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. - Т.: Шарқ, 2012.

Резюме

В статье речь идет об экологическом воспитании, об экологической культуре и самосознании.

Resume

The article talks about the ecological education, ecological culture and selfunderstanding.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалова М.Т.

ТУПРОҚ ҚОПЛАМИНИНГ СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Уразбаев А.К., Тасболат Б.

Таянч сўзлар: *тупроқ қопламининг структураси, рельеф пластикаси усули, рельеф элементлари, дельталарнинг “дарахтсимон” структураси, топографик харита, элементар тупроқ ареаллари.*

Тупроқ қопламининг структураси ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши В.М.Фридланд номи билан боғлиқ. У ўзининг машҳур асари “Тупроқ қопламининг структураси” (1972) асарида шундай деб ёзади: “Тупроқ қопламининг структураси математикадаги структура тушунчасига

яқин. У ҳам структурани ҳосил қилувчи элементлардан ташкил топган ва бу элементлар ўзига ҳос алоқаларга эга бўлади. Бу элементларнинг ўзаро алоқадорлиги тупроқларнинг тараққиётини ташкил қилади”. Фалсафа луғатида (1976) структура тушунчасига

шундай таъриф беради: “Система ҳосил қилувчи элементларнинг ўртасидаги ўзаро алоқалари ва муносабатларининг бирлиги”. Бошқача айтганда, объектнинг структураси деганда биз ана шу объектнинг ички тузилишини тушунамиз.

В.М.Фридланд тупроқлар географияси фанига “Элементар тупроқ ареаллари” деган тушунчани киритди ва ҳар бир объект мана шу “Элементар тупроқ ареаллари”нинг жойланиши билан бир-биридан фарқ қилади. Б.Рассел структурага шундай таъриф беради: “Структура доимо муносабатни талаб этади, оддий синф (объект) структурага эга эмас”. Бошқача сўз билан айтганда, ҳар бир объект ўзидаги элементларнинг ўзаро муносабатини ҳосил қилади ва шу структурага эга бўлган объектнинг ички тузилиши бошқа объектларда учрамайди.

В.М.Фридланд томонидан ишлаб чиқилган тупроқ қопламанинг структураси ҳақидаги таълимот М.А.Глазовская (1969), И.Н. Степанов (1986) ва бошқа олимлар томонидан ривожлантирилди. М.А.Глазовская (1969) Марказий Тяньшань тоғларида ўзининг олиб борган геокимёвий тадқиқотларининг натижасида шундай хулосага келади: “ Ернинг тупроқ қоплами структураси – бу тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикувидир”. Ана шунинг учун ҳам олиманинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, тупроқ қопламанинг структурасини ўрганишда рельефга катта эътибор бериш барча географ тупроқшунослар олдида асосий вазифа бўлиб қолди. И.Н.Степанов юқорида айтиб ўтилган олимларнинг фикрларини ва илмий ғояларини давом эттирган ҳолда шундай хулосага келади: “Тупроқ типлари фақат рельеф типлари билан боғланиб қолмасдан, балки шу билан бир қаторда рельефнинг структураси, яъни ички тузилиши билан ҳам чамбарчас боғлангандир”. И.Н.Степанов тупроқ қопламанинг структурасини табиатда текшириш ва тупроқ хариталарини тузиш учун ажойиб “Рельеф пластикаси” усулини таклиф этди ва унинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Гарчи В.М.Фридланд томонидан тупроқ қопламанинг структураси ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган бўлсада, аммо унинг бошланғич илмий ғоялари тупроқшунос олимлар В.В. Докучаев, Н.М. Сибирцев ва бошқалар томонидан ҳам айтиб ўтилган. В.В. Докучаев ўзининг машҳур асари “Жарлар ва унинг аҳамияти” (1953) китобида шундай деб ёзади: “Рельеф доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Ана шунинг учун ҳам рельефга боғлиқ ҳолда табиатнинг қолган барча элементлари ҳам ўзгаради”. В.В.Докучаев тупроқларнинг рельеф билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, тупроқларни уч гуруҳга бўлади: 1) “автоном” тупроқлар; 2) сув айирғичнинг ёнбағрида жойлашган “ёнбағир” тупроқлари; 3) рельефнинг пастлик элементида жойлашган “қарам” тупроқлар. В.В.Докучаевнинг шогирди, биринчи “Тупроқшунослик” дарслигининг муаллифи Н.М.Сибирцев шундай деб ёзади: “ Табиатдаги тупроқларнинг жойлашиш ҳудудлари (контурлари) – бу рельеф шакллариининг жойлашиш ҳудудлари”дир.

В.М.Фридланд томонидан ишлаб чиқилган таълимот барча тупроқшунос ва географ-тупроқшунос олимлар томонидан тан олинди ва ривожлантирилди. Рельеф структурасига бўлган катта эътибор фақат географ-тупроқшунос олимлар орасида эмас, балки шу билан бир қаторда бошқа табиатшунос олимларнинг илмий асарларида ҳам учрайди.

Аммо юқорида айтиб ўтилган олимлар ўзларининг илмий ишларида тупроқ типларини далада, яъни экспедиция шароитида ажратишнинг асосида нима бўлиши керак деган масалага катта эътибор бермаган. Бошқача айтганда, юқорида айтиб ўтилган кўп олимларнинг тадқиқотлари асосида топографик хариталар бўлган. Аммо ана шу топографик хариталар асосида экспедицияга чиқишдан олдин рельефнинг ички элементини (баландликлар, пастликлар) ажратишга унча эътибор бермади. Ана шу камчиликларни эътиборга олиб, И.Н.Степанов

лаборатория шароитида топографик хариталар асосида “Рельеф пластикаси” харитасини тузишни таклиф этди ва барча табиий географик фанлар бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар асосида “Рельеф пластикаси” харитаси бўлиши зарур эканлигини илмий асослаб берди.

И.Н.Степанов “Тупроқ қопламининг структураси” ҳақидаги таълимотни янада ривожлантириб, у ўзининг “Дунё тупроқларининг шакллари” (1986) китобида шундай деб ёзади: “Ҳар бир тупроқ типи ўзига хос геометрияга ва симметрияга эга. Тупроқ типларининг ана шу геометрия ва симметрия хусусиятларидан амалиётда кенг фойдаланиш тупроқлар географияси ва картографияси фанининг асосий вазифасидир”. И.Н.Степановнинг тупроқ қопламининг структураси бўйича олиб борган илмий изланишларига яқун ясаб, шундай дейиш мумкин: И.Н.Степанов В.В.Докучаев орзу қилган тупроқларнинг ҳақиқий илмий хариталарини тузди. Бу хариталарда ҳар бир объектнинг тупроқ қопламини структураси яққол кўрсатилди.

Рельеф пластикаси усули асосида тупроқ структурасини ўрганиш ва махсус тупроқ хариталарини тузишда яна бошқа олимлар ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. Ф.И.Хакимов (1989) тупроқларнинг мелиоратив шароитини баҳолашда тупроқ типларининг рельеф структураси билан боғлиқлигига катта эътибор берди ва тупроқ қопламини структурасининг янги тузилган харитаси мисолида тупроқ жараёнларини олдиндан башорат қилди. Н.И.Сабитова Зарафшон водийси мисолида тупроқ типларининг ва грунт сувлари чуқурлигининг рельеф структураси билан боғлиқлигини ўрганди ва бу билан мелиоратив гидрогеологияда ҳам рельеф структурасини ўрганиш катта илмий янгиликларга олиб келишини кўрсатиб берди.

А.К.Ўрозбоев (2002) Амударё ҳозирги дельтаси тупроқ қопламининг структурасини ўрганиш жараёнида тупроқ типлари билан кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси ўртасида боғлиқлик борлигини илмий асослаб берди.

Амударё ҳозирги дельтасининг тупроқ қопламини структурасини ўрганиш шуни кўрсатдики (Уразбаев, 2002), гидроморф тупроқлар (ботқоқ, ўтлоқ, шўрхоқ) асосан кичик дельталарнинг қуйи қисмларида ва ҳар хил кичик дельталарнинг туташган қисмларида учрайди.

Шундай қилиб, “Тупроқ қопламининг структураси” ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. В.В.Докучаев ва Н.М.Сибирцев тупроқ қопламининг структураси ҳақидаги дастлабки илмий фикрларни билдирдилар. Улар тупроқларни рельеф билан боғланган ҳолда ўрганишни таклиф этдилар.

2. В.М.Фридланд ўзидан аввал бўлган барча илмий ғояларни таҳлил қилиб, табиий географиядаги тизимли усулга таянган ҳолда “Тупроқ қопламининг структураси” таълимотини ишлаб чиқди ва назариясини асослаб берди. У тупроқлар географияси фанига “Элементар тупроқ ареаллари” тушунчасини киритди.

3. М.А.Глазовская ва И.Н.Степанов томонидан “Тупроқ қопламининг структураси” таълимоти ривожлантирилди. М.А.Глазовская тупроқ қопламининг структурасини ўрганишда рельефнинг асосий роль ўйнашини геокимёвий тадқиқотлар асосида исботлади. И.Н.Степанов “Тупроқ қопламининг структураси” фақат рельеф типлари билан эмас, балки рельеф структураси билан ҳам боғлиқлигини назарий асослаб берди.

4. “Тупроқ қопламининг структураси” ҳақидаги таълимот тупроқ картографияси фани билан чамбарчас боғланган. Тупроқ қопламининг структурасини рельеф пластикаси хариталари асосида тузилган тупроқ хариталарида яққол кўриш мумкин. Бу мавзули хариталарнинг амалий аҳамиятини Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркменистон Республикалари мисолида тузилган тупроқ хариталарида кўриш мумкин.

5. В.М.Фридланд томонидан ишлаб

чикилган бу таълимот ҳозирги вақтда И.Н.Степановнинг шогирдлари томонидан ривожлантирилмоқда. Улар ўз тадқиқотларида рельеф пластикаси харитаси асосида тузилган тупроқ хариталарининг амалиётда қўлланилишига катта эътибор бермоқдалар.

6. “Тупроқ қопламанинг струк-

тураси” ҳақидаги таълимотнинг ҳаққоний эканлигини олимларнинг олиб борган тадқиқотлари исботламоқда. Сабаб, бу таълимотнинг асосида фалсафа фанидаги “Тизимнинг умумий назарияси” таълимоти ва табиий географиядаги тизимли усул ётади.

Адабиётлар:

1. Глазовская М.А. Типы почвенно-геохимических сопряжений // Вестн. МГУ. Сер. 5. Геогр., 1969.
2. Докучаев В.В. Избранные труды. – М., 1953.
3. Солнцев В.Н. Системная организация ландшафтов. – М., 1981
4. Степанов И.Н. Формы в мире почв. – М., 1986.
5. Уразбаев А.К. Системная организация природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи. Автореферат диссерт. на соиск.уч. степени докт.геогр. наук. - Ташкент, 2002.
6. Философия луғати. - Тошкент, 1976.
7. Фридланд В.М. Структура почвенного покрова. – М., 1972.
8. Хакимов Ф.И. Почвенно-мелиоративные условия опустынивающихся дельт. - Пушкино, 1989.

Резюме

В данной статье рассматриваются вопросы становления и развития учения о структуре почвенного покрова и роль данного учения в современном почвенном картографировании.

Resume

This article deals with the questions of formation and doctrine development of soil cover structure and role of this doctrine in modern soil mapping are considered.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

АГРОМЕТЕОРОЛОГИК ҲОЛАТНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Жўрабоева Х., Кўчқорова М., Сулаймонов Э.

Таянч сўзлар ва иборалар: агрометеорологик ҳолат, метеорологик кузатишлар, халқ тақвими, об-ҳаво ўзгариши, об-ҳаво ўзгаришини олдиндан айтиши, об-ҳаво ўзгаришининг маҳаллий белгилари.

Кириш. Маълумки, ҳар бир этнос (халқ) муайян ҳудудда шаклланади ва ривожланади. Агар этнос бир ҳудудда узоқ вақт яшаса, у ўша ҳудудга оптимал мослашади ва қоидага кўра, табиий мувозанатни бузмайди, асрлар давомида табиатдан фойдаланишнинг фақатгина шу халқ учун хос бўлган анъаналарини шакллантиради (Баллиева, 2003). Ушбу анъаналар минг йиллар давомида сақланиб, доимий равишда бойитиб борилади ва авлоддан-авлодга бериб келинади. Агрометеорологик ҳолатни башорат қилиш усулларини аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган табиатдан фойдаланиш анъаналардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бу соҳа халқларнинг маънавий маданияти сифатида баҳоланиб, этнометеорология

йўналишида ўрганиб келинмоқда.

Этнометеорологияда об-ҳавони, экиннинг ҳосилдорлигини, дарё сувининг миқдорини, тупроқнинг етилиш вақтини аниқлашда жойнинг табиий хусусиятлари ва жонли табиатнинг фенологик ўзгаришлари ҳисобга олинади.

Метеорологик кузатишлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар эраимиздан олдинги V асрларга оид қадимги юнон ёзма манбаларида учрайди. Шунингдек, бундай маълумотларни Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари асарларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, буюк тибшунос олим Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур “Уржуза”си (“Тиб ҳақида шеърӣ асар”)да иқлим ва унинг шаклланиши ҳамда инсон саломатлигига таъсири ҳақида тўхталиб, шундай ёзади:

“Зарурий ишлардан биринчиси ҳаводир. Ҳавога Қуёшнинг ҳукмлари бор. У ҳукмлар (йил) фаслларида ва ёритқичларга тушишида аён бўлади. Иқлимларга ҳам унинг (Қуёшнинг) таъсири бор” [1; 30б.]. Олим инсон саломатлиги ва ранги (ирқи)га иқлимнинг таъсирини қуйидагича изоҳлайди: “[Кишиларнинг] рангига қараб [мизожига] далил ахтарма, агар унга мамлакатларнинг таъсири бўлган бўлса. Занж (Африканинг шарқий соҳили)да иссиқлик танларни ўзгартириб юборган, ҳатто у танларнинг терисига қораликни кийим қилиб кийгизган. Сақлаб (славян)лар ўзига оқликни олган, шу қадарки, уларнинг териси нафис-нозик бўлиб кетган. Агар етти иқлимнинг чегарасини билиб олсанг, мизожнинг ҳамма турларига ошно бўлган бўласан. Ўша иқлимлардан (мизожда) мўътадил ва текиси тўрттинчисидир, ранг унда мизожга тобедир” [1; 26 б.].

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Агрометеорологик ҳолатни башорат қилишнинг анъанавий усулларини айрим жиҳатлари этнолог, фолклоршунос, биолог, метеоролог, агроном каби соҳа вакиллари эътиборини тортган бўлсада, географиянинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу йўналиш бўйича этнологияда бажарилган ишлар “анъанавий халқ билимларини ўрганиш” мавзуси остида амалга оширилаётган бўлиб, айрим олимлар бу соҳани алоҳида ўрганилиши лозимлигини таъкидламоқдалар (Руднев, 1990). Юқоридагиларга асосланиб, агрометеорологик ҳолатни башорат қилишнинг анъанавий усулларини географик жиҳатдан ўрганиш тадқиқот ишининг мақсади сифатида белгиланди.

Асосий қисм. Ҳаво ҳарорати, босим, шамол, булут, ёғингарчилик, қуёш нури, атмосферанинг ионлашганлиги каби омиллар кишилар саломатлигига, меҳнат фаолияти ва иш унумдорлигига бевосита таъсир этади. Шунинг учун қадим замонларданок халқлар, хусусан, кўпроқ вақтини очиқ ҳавода ўтказувчи деҳқон ва чорвадорлар, шунингдек, кўчманчи халқлар, табиатда бўладиган

ходисаларни кузатиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билишга ва шунга қараб фаолият олиб боришга одатланганлар. Метеорология, астрономия, геология ва геоморфология каби илмий билимлардан мутлақо беҳабар деҳқонлар, асрлар давомида табиатни фенологик кузатиш ва оддий астрономик билимлар асосида халқ тақвими (календари)ни ишлаб чиққанлар. Қишлоқ хўжалигида зарур бўлган календарь 90 циклдан иборат бўлиб, ҳар фасл 90 кунга бўлинган, яъни, баҳорги тўқсон (ҳамал, савр, жавза), ёзги тўқсон (саратон, асад, қавс), кузги тўқсон (мезон, ақраб, қавс) ва қишки тўқсон (жаддий, далв, хут).

Халқимиз орасида об-ҳаво, ер, сув ва қишлоқ хўжалик экинларининг етилиши тўғрисидаги айрим мақол ва ҳикматли сўзларнинг сақланиб қолганлиги ҳам юқоридаги тақвим (календар)лар билан боғлиқ. Масалан, “Саксонда савокда, тўқсонда товоқда (шоли)”, “Олтмишда осмондан, етмишда ердан келади (иссиқ ҳарорат)”, “Асадда оралаб ейсан, сунбулада саралаб ейсан” ва бошқалар.

Аждодларимиз об-ҳаводаги ўзгаришларни, экиннинг ҳосилдорлигини, тупроқнинг етилиш вақтини аниқлашда жойнинг минтақавий хусусиятлари ва жонли табиатнинг фенологик ўзгаришларини ҳисобга олишга, дарё сувининг миқдори ва ҳатто тошқиннинг хавф туғдириш даражасини олдиндан башорат қилишга интиланлар.

Атмосферада содир бўладиган, аммо метеорологик асбоблар қайд қила олмайдиган об-ҳаводаги кескин ўзгаришларни айрим ўсимликлар ва жониворлар олдиндан сезадилар. Қуйида халқимиз томонидан асрлар давомида тўпланган об-ҳавонинг ўзгаришини белгиловчи айрим аломатларни келтирамиз.

1. Осмон жисмлари (Қуёш, Ой, юлдузлар)ни кузатиш орқали об-ҳавони олдиндан айтиш: Қуёш чиқишидан олдинги шамол ва қора булут – ёмғир белгиси; қуёш кечкурун булутлар орқасига ўтиб ёки қорамтир қизариб ботса, яъни шафақ тўқ қизил бўлса, эртасига об-ҳаво айнийди; тушга бориб

Куёш хиралашса – эртасига ҳаво айнийди; юлдузларнинг кўпроқ жимирлаши ҳаво айнишидан дарак беради; янги Ой туғилиши – ой орасида об-ҳаво ўзгаради.

2. Атмосферадаги айрим ҳолатларни кузатиш ва об-ҳавони олдиндан айтиш:

осмонда қора булутларни пастлаб тез сузиб юриши узоқ давом этадиган ёмғир белгиси; шиддат билан ёққан йирик ёмғир тез тўхтади, шивалаб ёққан ёмғир узоқ вақт давом этади; агар кундузи ҳаво очик бўлиб, кечга яқин туман тушса, совуқни кутиш мумкин; ёмғир пайтида бирданига шамол турса – ҳаво очилишидан дарак беради; кундузи иссиқ, кечаси совуқ бўлса, ҳаво узоқ вақт очик бўлиши мумкин.

3. Ўсимликларни кузатиш орқали об-ҳавони олдиндан айтиш:

Йўнғичқа гули, қоқигул юмилса, ҳаво айнийди; гуллар одатдагидан кўра кўпроқ хид таратса, ёмғир ёғишини кутиш мумкин; баҳорда терак кучаласи ҳавода учиб юрса, ҳаво очик бўлади; олма ва айрим мевали дарахтлар ёз охирида иккинчи марта гулласса, куз яхши келади; ёзда дарахтларда сариқ барглари пайдо бўлиши кузнинг барвақт келишидан, кузда баргларнинг эрта тўкилиши эса қишнинг эрта келишидан дарак беради; агар терак барглари кузда учидан сарғая бошласа, баҳор эрта келади, пастдан сарғая бошласа – кеч келади.

4. Ҳайвонлар ва ҳашоратларни

Адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисоалар. - Т.: "Фан", 1987. – 352 б.
2. Аҳмадалиев Ю. Этноэкологиянинг долзарб масалалари. – Фарғона, 1997. - 34 б.
3. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование: Автореф. дис. ...доктора исторических наук. –М.: МГУ, 2003. - 49 с.
4. Жабборов И. Ўзбеклар. - Т.: "Шарқ", 2008. – 240 б.
5. Мўминов О. Қизикарли география. - Т.: "Ўзбекистон", 1978. - 255 б.
6. Руднев В.В. Этнометеорология // Сов. этнография. - М., 1990. - №4. - С. 42-54.
7. http://www.dissercat.com/catalog/istoricheskie_nauki/etnologiya/
8. <http://www.dissercat.com/news/rss>

Резюме

В данной статье рассматриваются этноэкологические основы прогнозирования агрометеорологических условий. На основе анализа местных обычаев даны рекомендации прогнозирования погоды.

Resume

Ethnoecological bases of agrometeorological conditions prognosing are revealed in the given article. Recommendation of weather forecast is given on the bases of analyses of local traditions.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

СУҒОРИЛАДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Тажиев Қ.Қ.

Таянч иборалар: суғориладиган ҳудудлар, ер-сув ресурслари, коллектор-зовур ҳавзалари, дельта, табиат компонентлари, табиатни муҳофаза қилиши.

Кириш. Ҳозирги вақтда суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун авваломбор ҳар бир объектни тизим деб қарамоқ мақсадга мувофиқдир. Маълумки, суғориладиган ҳудудларда коллектор-зовур тармоқларининг йиғиндиси коллектор-зовур ҳавзасининг функционал яхлитлигини ҳосил қилади. Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғида иккита коллектор-зовур ҳавзалари мавжуд, яъни булар Қўнғирот коллектор-зовурлар тармоғи ва Устюрт коллектор-зовур ҳавзаси.

Асосий қисм. Коллектор-зовур ҳавзаси суғориладиган ҳудудларда учрайдиган ягона функционал яхлитликни ҳосил қилган тизим ҳисобланади. Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғидаги суғориладиган ҳудудлар юқорида айтиб ўтилган Қўнғирот коллектор-зовур тармоқлари ва Устюрт коллектор-зовур ҳавзасида жойлашган. Бу ерда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқоридаги коллектор-зовур ҳавзаларида жойлашган суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш учун биринчи навбатда коллектор-зовур ҳавзаларининг ички структурасини билиш ва уни ҳар томонлама илмий-амалий ўрганиш лозим. Қўнғирот коллектор-зовур тармоқларининг ички тузилиши ўз навбатида Улдарё кичик дельтасининг юқори, ўрта ва қуйи қисми, Қиётжарган кичик дельтасининг қуйи қисми ва Раушан кичик дельтасининг қуйи қисмидан ташкил топган бўлса, Устюрт коллектор-зовур ҳавзаси Улдарё кичик дельтаси юқори қисмининг шарқий томони, Амударё ўзани баландликларидан, Раушан кичик дельтаси юқори қисми ва Оқбошли кичик дельтасининг юқори қисмларидан иборат. Коллектор-зовур ҳавзасини ташкил этган кичик

дельталарнинг структураси ана шу ҳавзадаги табиат компонентларининг ҳолатини белгилаб беради, яъни суғориладиган ҳудудлардаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолати, грунт сувларининг чуқурлиги, минераллашув даражаси, ер усти сувларининг кимёвий таркибини кичик дельталарнинг структураси белгилаб беради. Масалан, Қўнғирот коллектор-зовур тармоғида Қиётжарган кичик дельтасининг қуйи қисми жойлашганлиги учун бу кичик дельтада тупроқларнинг мелиоратив ҳолати салбий бўлса, Устюрт коллектор-зовур ҳавзасида Оқбошли кичик дельтасининг юқори қисми жойлашганлиги учун бу кичик дельтадаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхши бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир коллектор-зовур ҳавзасининг ер-сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш учун ана шу коллектор-зовур ҳавзасини ташкил этган кичик дельталарнинг қисмларини (юқори, ўрта, қуйи) аниқ билмоқ лозим ва уни албатта ҳисобга олиш керак бўлади.

Кичик дельталарнинг қуйи қисмларида ва уларнинг туташган ҳудудларида салбий хусусиятларга эга бўлган тупроқлар тарқалган бўлади, яъни тупроқларнинг сув-физик хусусиятлари ёмон, оғир механикавий таркибга ва жуда кам миқдорда чириндига эга бўлади. Кичик дельталар эгаллаган ҳудудларда тупроқ қоплами структураси ва тупроқ мелиоратив ҳолатининг тартибли ўзгариши ўз навбатида суғориладиган ҳудудлардаги ер-сув ресурсларидан оқилон фойдаланишда коллектор-зовур ҳавзасининг ички структурасини ҳисобга олишни талаб этади, яъни ҳар хил кичик дельталардан ташкил топган турли коллектор-зовур ҳавзаларида ҳеч қачон ер-сув ресурслари бир хил хусусиятга эга

бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар хил кичик дельталарда жойлашган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати маълум бир коллектор-зовур ҳавзасидаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини белгилаб беради. Ана шунинг учун ҳам маълум бир коллектор-зовур ҳавзасидаги ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда рельеф пластикаси усули асосида тузилган тупроқ карталари асос бўлиши лозим. Бу карталарда тупроқларнинг рельеф структураси билан боғлиқлиги яққол кўрсатилиши билан бир қаторда, тупроқларнинг кичик дельталарнинг ҳар хил қисмларида (юқори, ўрта, қуйи) ҳар хил бўлиши ҳам кўрсатилади. Рельеф пластикаси усули асосида тузилган тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва тупроқ таркибидаги тузларнинг кимёвий таркиби карталарида ҳам тупроқ мелиоратив ҳолатининг рельеф билан боғлиқлиги яққол тасвирланади.

Суғориладиган ҳудудлардаги ер-сув ресурсларнинг ҳолатини ўрганиш табиат компонентларининг сифатини аниқлашда грунт сувининг ролини кўрсатиб беришни тақозо этади. Бизларга маълумки, грунт сувлари ер-сув ресурсларининг ҳолатига сезиларли таъсир этади. Шунинг учун ҳам ер-сув ресурсларининг ҳолатини ўрганишда грунт сувининг ролини кўрсатиш доимо ижобий натижа беради, яъни грунт сувларининг ролини кўрсатишда коллектор-зовур ҳавзалари картасининг аҳамияти янада ошади.

Рельеф пластикаси усули асосида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда олдинга қўйилган мақсаднинг иқтисодий томонига алоҳида эътибор беришни талаб этади. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши шуни кўрсатадики, ер-сув ресурслари ҳолатини аниқ майдонлар асосида кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Тупроқ мелиоратив ҳолатини аниқ майдонлар

асосида ўрганиш ва уни махсус мавзули карталарда кўрсатиш ҳар бир коллектор-зовур ҳавзасида жойлашган хўжаликлар учун муҳим аҳамиятига эга, яъни коллектор-зовур ҳавзаси карталарида ҳар бир хўжаликларнинг жойлашган ўрни ҳавзанинг қисмлари бўйича (юқори, ўрта, қуйи) аниқ кўрсатилган бўлади.

Рельеф пластикаси усули асосида Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғидаги суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларининг ҳолатини ўрганиш ва муҳофаза қилишда маълум бир аниқ коллектор-зовур ҳавзасидаги табиат компонентларининг динамик ўзгаришини ўрганишни талаб этади. Ер-сув ресурсларини муҳофаза қилишда табиат компонентларининг ҳозирги ҳолатини сақлаш ва яхшилашга катта эътибор бериш лозим. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керак бўладики, коллектор-зовур ҳавзасини ташкил этган кичик дельталарда ер-сув ресурсларининг ҳолати тартибли ҳолда ўзгаради ва улар кичик дельталарнинг структураси билан чамбарчас боғланган бўлади. Шунинг учун ҳам, кичик дельталардан ташкил топган коллектор-зовур ҳавзаларининг ички структурасини ўрганиш ер-сув ресурсларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса. Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ва уларни муҳофаза қилишда йирик масштабли рельеф пластикаси картаси ва ўрта масштабли мавзули карталар коллектор-зовур ҳавзаларининг ички тузилишини ва табиат компонентларининг рельеф структураси билан боғлиқлигини аниқ тасвирлайди. Бу карталар суғориладиган ҳудудлардаги табиат компонентларининг ўзгаришини аниқ маълумотлар билан изоҳлаб беради.

Резюме

В статье освещаются проблемы охраны окружающей среды в современной дельте Амударьи и использования земельно-водных ресурсов.

Resume

The article discussed environmental protection modern Amu Darya delta and the use of land and water resources.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

**ВЕГЕТАЦИЯ ИНДЕКСИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ
(ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

Матчанов М., Сафаров Э.Ю.

Таянч иборалар: *вегетация индекси, “ArcView” дастури, “Landsat” сунъий йўлдоши, қизил ва инфрақизил нурлар, булутлилик даражаси.*

Географик тадқиқотларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти фазога сунъий йўлдошларнинг учирлиши ва улардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнининг ривожланиши билан ошиб бормоқда. Жумладан, табиий географик тадқиқотларда ер юзасидаги воқеа ва ходисаларни тез, янги маълумотлар асосида таҳлил қилиш, атроф-муҳит ҳолатини доимий мониторингини олиб бориш, қишлоқ хўжалик имкониятларини географик баҳолаш ва бошқа изланишларни олиб боришнинг тезкор муҳити шаклланимоқда. Бу эса табиий географик тадқиқотларнинг нисбатан кам қўлланиладиган йўналишлари, жумладан, ўсимлик оламини географик ўрганишнинг кенг имкониятларини яратиш бермоқда. Ушбу мақолада юқоридаги тадқиқот ишларидан бири сифатида вегетация индекси Хоразм вилояти мисолида кўриб чиқилади.

Дастлаб вегетация индекси тушунчасига тариф бериш мақсадга мувофиқ. “Вегетация” сўзи “ўсиш” маъносини бериб, ўзбек илмий адабиётларида вегетация даври сифатида кенг қўлланилади ҳамда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, гуллаши ва уруғларини пишиб етилиши учун ҳарорат етарли бўлган даврни ифодалайди [1]. Чет эл адабиётларида бу сўз ўсимлик қоплами, умумий ўсимлик дунёси ёки ўсимликлар тарқалган ҳудудни ифодалайди [2,3]. Вегетация индекси глобал ўсимлик қоплами мониторингини олиб боришда кенг ишлатилиб қуёш нурининг тушиш қиялиги ва экин турига боғлиқ ҳолда миқдорий ўзгаради. Таҳлилга олинган космик суратларда қишлоқ хўжалик ерлари ўртача тўқ кулрангда, тупроқ эса очик кулрангда акс этиб, тўқ кулранг вегетация индексини ифодалайди.

Вегетация индекси услуби тарихига қисқача назар соламиз. Фазовий тадқиқотлар 1957 йили 4 октябрь собиқ Иттифоқ томонидан “Sputnik 1” фазо кемасининг учирлиши билан бошланган. Собиқ Иттифоқ ва АҚШ томонидан фазо кемаларининг муваффақиятли учишлари кейинчалик уларни метеорологик тадқиқотларда ишлатиш учун мукаммаллаштиришга тўртки бўлди. Бу каби фазо платформалари, асосан, Ер атмосферасини кузатиш ва обҳавони олдиндан айтиб бериш мақсадида фойдаланилган. 1960 йилларнинг бошларида сунъий йўлдошларнинг “TIROS” шаклларига телекамералар ва радиометрлар ўрнатилди. Бу ишлар кейинчалик 1964 йилгача “Nimbus” сунъий йўлдошлари орқали, Миллий Океанологик ва Атмосфера Администратсияси (NOAA) платформасида эса Мукаммаллаштирилган жуда юқори резолуцияли радиометр (AVHRR) анжомлари билан таъмирлаш орқали давом этди. Сайёрамизнинг юзасидан акс этувчи (рефлексия) инфрақизил, қизил ва термал инфрақизил тўлқинлар ўрганилди. Шу даврда “NASA” томонидан, кейинчалик эса “Landsat” дастури сифатида қараладиган, Ер ресурслари технологияси сунъий йўлдоши ишлаб чиқилди. Бу каби дастлабки сунъий йўлдошлар минимал спектрал аниқликка эга бўлсаларда, вегетация индекси ва булутларнинг хусусиятларини ўрганишга асос бўладиган қизил ва инфрақизил тўлқинларни тадқиқ қилишда ҳам фойдаланилган. “Landsat-1” сифатида номланган Ер ресурслари технологияси сунъий йўлдоши 1972 йил 23 июлда “NASA”нинг Кўп спектрли сканнери (MCC) билан биргаликда Ерни масофадан ўрганиш имкониятлари борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борди.

Шу тадқиқотлардан бири АҚШнинг Буюк текисликлари бўйлаб шимолдан жанубга томон кузги ва ёзги қурғоқчилик, баҳорда ўсимликларнинг ўсиб ривожланишини ўрганиш билан шуғулланган. Тадқиқот иштирокчиси доктор Роберт Хаас сенсорларнинг спектрал сигналлари орқали ўсимликларининг биофизик хусусиятлари, миқдори ва бошқа тўғирлаш ишларини амалга ошириш мумкинлигини аниқлади. Математик олим Жоҳн Счелл ёрдамида улар қизил ва инфрақизил радиация фарқлари, уларнинг умумий қиймати орқали қуёшнинг зенит бурчаги таъсирини меъёрлаштириш каби ишларни амалга оширдилар. Бошқача айтганда, қизил ва инфрақизил радиациянинг ўзаро алоқадорлиги “Вегетация индекси” номини олди. Кейинчалик кўплаб тадқиқотчилар ҳам қизил ва инфрақизил радиация ҳамда бошқа спектрал тўлқинларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиб, Вегетация индексининг меъёрлаштирилган фарқини (NDVI) ер юзасининг ўсимлик қопламани кўсатишини тадқиқ қилишди. Шу билан вегетация индексини тез ва қисқа вақтларда аниқлаш имкони туғилди, ўсимликларининг фотосинтез қобилятини ўрганиш ишлари бошланди.

Яшил ўсимликлар спектридаги қуёш радиациясининг фотосинтез жараёни учун фойдали қисми – фотосинтетик фаол радиацияни ўзлаштириб олади. Ўсимликларнинг япроқлари ҳам инфрақизил спектрал ҳудудда нурларни акс эттириш ва ютиш жараёнида қатнашади ҳамда улар қуёш радиациясининг яримини ўзларида ушлаб туради. Бу фотосинтетик фаол радиациянинг 700 нанометрдан катта қисми япроқда органик молекулаларнинг синтезланишига етарли эмас. Буларни кучли абсорбцияси (ўзлаштирилиши) ўсимлик хужайраларини зарарлайди, ортиқча қизиб кетишига олиб келади. 400-500 ва 600-700 нанометрли тўлқинлар, яъни спектрнинг фотосинтез жараёнига фойдали қисми, шу жараён учун ютилади ва қора рангда бўлади, чунки бу тўлқин узунлигидаги нурлар акс

этмайди. Инфрақизил нурларнинг эса 700 нанометрдан катта қисми япроқда органик молекулаларнинг синтезланишига етарли эмаслиги сабабли кўпроқ акс этади, қайтади. 500-600 нанометрли яшил нурларни япроқ ўзидан қайтаради, шу сабабли бизнинг кўзимиз япроқни кўк рангда кўради. Булут ва қорлар эса кўзга кўринадиган қизил тўлқинларни акс эттириб, инфрақизил нурларни ютади ҳамда инфрақизил спектрал ҳудудда қора бўлиб кўринади. Бундай ҳолатда келган нурлардан қайтиб кетганларининг фарқи спектрда акс этиши орқали вегетация индексини ифодалаб, қиймати 0.0 ва 1.0 орасида ўзгаради. “NDVI” нинг ўзи эса -1.0 ва $+1.0$ қиймат орасида бўлади ($NDVI = (NIR - Red) / (NIR + Red)$).

Вегетация индекси юқоридаги формула асосида, одатда, “ArcView” дастури ёрдамида аниқланади. Бунинг учун “Landsat” дастурининг геотифф (geotiff) ўлчамдаги суратидан учинчи (қизил-red) ва тўртинчи (инфрақизилга яқин-near infrared) диапазонлари дастурга киритилади. Уларнинг умумий тузилмаси (properties)дан фойдаланиб тасвир стандарт оғиш (standart deviation) ҳолатига ўтказилади. “ArcView” мулоқат ойнаси файл менюсининг бўш жойидан “Special Analyst” буйруқлар қатори ишга туширилади ва ундан “Raster calculator” мулоқат ойнаси тикланади. Унда юқоридаги формула ёрдамида вегетация индекси аниқланади.

Хоразм вилоятининг вегетация индексини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган тартибда “Landsat” дастурининг 2010 йил 03 ва 07 июлдаги таҳлил учун зарур суратлари киритилди. Вилоят ҳудуди иккита “Landsat” дастури суратида тўлиқ тасвирланади, аммо суратларнинг олинган вақти сунъий йўлдошнинг орбитадаги ҳаракатига боғлиқ ҳолда етти кунга фарқ қилади. Уларнинг булутлилик даражаси 0% ва сифати 9 даражани ташкил этади. Булутлилик даражаси қанчалик кичик бўлса таҳлилий маълумотлар шунчалик аниқ бўлади. Таҳлилга олинган суратларни танлашда қуйидаги ҳолатлар инобатга олинди:

- Вилоятда кенг ҳудудларда экиладиган асосий экин турлари пахта, шоли, буғдой, ем-хашак экинлари ва бошқалардир;

- июль ойида вилоятнинг деҳқончиликка яроқли ҳудудлари деярли бўш қолмайди. Асосан пахта, шоли, ем-хашак экинлари, боғлар, поллиз экинлари ўсимлик қопламини ташкил этади;

- йилнинг бошқа ойларида у ёки бу экин турлари учун экишга тайёрланган ўсимлик қопламисиз ҳудудлар шаклланади, бу тадқоқот объектининг юқори вегетация индексини аниқлаш имкониятини камайтиради;

- ёгин микдорининг энг кам даври, яъни булутсиз давр, шу ойга тўғри келиб, куёш радиацияси ер юзасига тўсиқсиз етиб келади.

Бизнинг ҳолатда вегетация индексини аниқлашнинг энг мақбул даври июль ойига тўғри келади. Олинган натижани таҳлиқ қилсак, вилоятнинг деҳқончиликда фойдаланиладиган ерларида вегетация индекси кўрсаткичи юқори, чўлларга томон пасайиб боради. Султон Увайс паст тоғларида эса бу давр ўсимлик қопламисиз бўлган (1-расм).

Вегетация индексининг 0,1 ва ундан кичик микдорлари ҳосилдорлик кўрсаткичига эга бўлмаган тошли, қумли

ҳудудларни (назарий жиҳатдан қорли ҳудудларни ҳам) ифодалайди. 0,2-0,3 кўрсаткич эса бутазор ва ўтлоқларни, бизнинг тадқиқотимизда эса суғориб деҳқончилик қилинадиган ҳудудларнинг катта қисмини кўрсатди. Шу билан бирга 0,6-0,8 мўътадил ва тропик ўрмонларни ифодаласа [3], вилоят ҳудудида тўқайзолар, боғдорчилик ва дарахтсимон ўсимликларнинг тарқалган ҳудудларини белгилаб берди.

Изланиш натижаларида қуйидаги хулосаларга келинди:

Вилоят ҳудуди тасвирланган ҳар иккала суратларнинг олинган вақти турличалиги сабабли радиация ва акс этиш микдорлари орасида фарқ мавжуд бўлиб, улар устида радиометрик тўғирлаш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда тадқиқот объекти бўйича бир хил натижалар олиш имконияти мавжуд бўлади.

Вегетация индекси ўсимлик қопламининг энг зич ёки яхши ривожланган давридаги суратларда максимал вегетация индексини аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, тадқиқот мақсади ва тадқиқотчининг билимлари доирасида зарурий даврдаги суратлар таҳлилга олиниши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ҳамидов А. Ўсимликлар географияси. –Т.: Ўқитувчи, 1975. - 242 б.
2. Yann Chemin. Remote Sensing of Planet Earth. Published by InTech Janeza Trdine 9, 51000 Rijeka, Croatia. 2012 у. p-250.
3. <http://earthobservatory.nasa.gov/Features/MeasuringVegetation>
4. U.S. Geological Survey Earth Resources Observation and Science Center. <http://glovis.usgs.gov>

Резюме

В данной статье обобщены понятие, краткая история индекса вегетации и сведения по его теоретической сущности, приведен порядок его определения, а также результаты практических работ по его состоянию в Хорезмской области.

Resume

The concept and the brief history of vegetation index and information on its theoretical essence were summarized, the procedure of its determination and the results of practical work related to Khorezms' vegetation index indicated in this article.

Тавсия этувчи:

доц. Миракмалов М.Т.

ЖАДИДЛАР ТАЪЛИМОТИДА ТАБИЙ ГЕОГРАФИК АТАМА, ТУШУНЧА ВА ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Эгамов Б.Ю., Миракмалов М.Т.

Таянч сўзлар: жадиждлар, геоморфология, иқлим, табиий географик ҳодиса, тупроқ, термин, атама, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.

Кириш. XIX аср охирлари ва XX асрнинг биринчи чораги ўзбек табиий географик терминшунослиги тараққиётининг ўзига хос даври ҳисобланади. Бу даврда яратилган барча адабиёт (дарслик, қўлланма)лар ва матбуотдаги мақолалар араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувида ёзилган бўлиб, аксар атама, тушунча ва терминлар араб, рус ва туркий терминларнинг транскрипцияси таъсирида шаклланган. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Мунтахаби жўғрофияи умумий” (Қискача умумий география, Самарқанд-1906), “Мадҳали жўғрофияий имроний” (Аҳоли географиясига кириш, Самарқанд-1905), “Мухтасари жўғрофияи Русий” (Россиянинг қискача географияси, Самарқанд-1905); Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Адибус-соний” (Тошкент, 1907), “Ер юзи” (Тошкент, 1908); Ф.Каримийнинг “Жўғрофияий риёзий” (Математик география, 1914); Абдулла Авлонийнинг “Мақтаб жўғрофияси” (маълум сабабларга кўра нашр этилмаган) каби дарслик, қўлланма ва мақолалари араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида нашр этилган.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг таҳлили. Жадиждлар томонидан яратилган дарслик, қўлланма ва мақолаларда фойдаланилган эски ва ҳозирги давр табиий географик терминларни таҳлил қилар эканмиз, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- геоморфология ва тупроқ билан боғлиқ терминлар;

- иқлимшуносликка оид терминлар;

- сув билан боғлиқ бўлган терминлар;

- Коинот, борлик ва табиий географик ҳодиса, жараёнлар билан боғлиқ бўлган терминлар;

- ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ терминлар.

Геоморфология ва тупроқ билан боғлиқ терминлар. Мунавварқори “Ер юзи” дарслигида табиий географик терминларни ўқувчиларга ўта содда, раван ва тушунарли тилда баён этган. У ўзининг “Ер юзи” дарслигида табиий географик термин ҳисобланган тоғ ва тепани таърифлар экан, шундай дейди; - “*Юқори кўтарулгон жойларни баланд бўлса тоғ, паст бўлса тепа дейилур*”. *Қир* – қир, *адир*, *чорвоқ* – очик экин майдонлари, *чўл* – сувсиз, текис жой, *дола (ува)* – экин экиладиган, сувга бой, обикор ерлар, “*Яйлов* – тоғ ва тепалар устидаги мол ўтлайдургон текис жойларни дейилур”–деб таъриф беради. Аслида ҳам шундай, яйлов тоғлардаги ёзги ўтлоқ, альп ва субальп ўтлоқлардир. Яйловлар одатда тоғларнинг ясси, текис ва ўрмонсиз ёнбағирларида бўлади. *Дарбанд* – икки тоғ орасидаги тор йўллар, *соҳил* – денгиз, қўл ва дарёларнинг бўйлари, *манбат* – унумдор, *бурун* – қуруқлик қисмининг сувга чиққан, ингичка жойи, *барзаҳ* – ярим оролларнинг қуриқликка туташ, тор жойи. Лабрадор, Калифорния, Арабистон, Камчатка, Корея, Ҳинди-Хитой ярим оролларидаги қуруқлика туташ тор жойи *барзаҳга* типик мисол бўлади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Мунтахаби жўғрофияи умумий” дарслиги ҳамда “Саёҳат хотиралари”да *ажром* – осмон жисмлари, *арз* – Ер, *жазира* – орол, *шаба жазира* – ярим орол, *магора* – ғор, *қарагаса* – қора тупроқ, *мусаттаҳ* – текис, ясси жой, *сухра* – қоя, *қиё* – қоя, *зов* – дара. “Баъзан икки тарафи буюк тоғ, баъзан бир тарафи туби йўқ *зов*, баъзан *мусаттаҳ*. Ва бир замон кўрарсан, оризали (сунъий ўрмон, маданий ўрмон), хулоса, ҳар лаҳза ва ҳар

замоннинг манзараси бошқа ва ажойибдур”.

Иқлимшуносликка оид терминлар.

Иқлимшуносликка оид терминлар асосан Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Адибус-соний” ҳамда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Мунтахаби жўғрофияи умумий” асарларида учрайди. Мунавварқори “Адибус-соний” дарслигида фасллар ҳақида; - “*Бир йилда тўрт фасл вордур. Бири – ёз, иккинчиси – куз, учинчиси – қиш, тўртинчиси баҳордур. Ҳар фасл уч ой бўлур. ... Куз фаслида мактаб ва мадрасалар очилур. Ўқишлар бошланур. Экинлар ўрилур. Дарахтларнинг япроқлари тўкилур. Ёмғурлар ёғар. Сувлар музлар*” – деб ёзади.

Мунавварқори “Адибус-соний” дарслигининг “Фанний дарслар” бобида “Ҳаво” ҳақида тўхталиб шундай дейди; - “*Дунё юзи “ҳаво” исмлиқ бир жисм ила тўла бўладур. ... Ҳаво ўзи рангсиз, тиниқ, юмшоқ бир жисм бўлгонлиги учун бизим кўзимизга кўринмайду. Ер юзидаги инсонлар, ҳайвонлар ва дарахтларнинг ҳар бирлари шул ҳаво ила тирикдурлар.*

Сув билан боғлиқ бўлган терминлар. Жадид асарларида сув, океан, денгиз ва дарё каби терминлар кўп қўлланилган. Денгиз термини Мунавварқорининг “Адибус-соний” ва “Ер юзи” дарсликларида “океан” ва “денгиз” маъноларида қўлланилган. “Адибус-соний”да денгиз терминига: “*Денгизлар беш бўлак бўлиб, Баҳри муҳити Кабир (Тинч), Баҳри муҳити Атлас (Атлантика), Баҳри муҳити Ҳинд (Ҳинд), Баҳри муҳити мунжамиди Шимолий (Шимолий муз) ва Баҳри муҳити мунжамиди Жанубий (Жанубий Муз) деб аталур*” деб таърифланса, “Ер юзи” дарслигида эса, “*Ўқёнус сувлари (Дунё океани-Б.Э., М.М.) бешга бўлинур: Баҳри муҳити кабир (Тинч), Баҳри муҳити атлас (Атлантика), Баҳри муҳити Ҳинд (Ҳинд), Баҳри муҳити мунжамиди шимолий (Шимолий Муз), Баҳри муҳити жанубий (Жанубий) деб аталур*”– дейди. Кўриниб турибдики, денгиз жадид адабиётларида ҳам денгиз, ҳам океан маъноларини англаган.

М.Абдурашидхонов дарёнинг

таърифини келтирар экан; - “*Наҳр деб, тоғлардаги булоқлардан, қор ва ёмғурлардан пайдо бўлиб, бир-бирига қўшилур, зўрайгон сувларни айтилур*”– дейди. Бехбудий Марс сайёраси ҳақида тўхталиб: “*Миррих юлдизини устига туфроқ, тош, ўт, сув, гиёҳ, булут, ёмғур, қор бордур. Миррихни гиёҳлари қизилдур. Аввалги асрларга йўқ экан, ўтган аср ичиға Миррихға икки қанал (катта арик) пайдо бўлбдурки, режа тортиб қозғондек тўғри ва иккисини ароси уч юз чақиримдан зиёда*”–деб ёзади. У канални “катта арик” деб номлайди. Мунавварқори эса, “*Инсон кучила қозилгон бўғозларни қанол дейилур*” – дейди.

Мунавварқори дарёларнинг тўйиниши ва куйилиш жойлари ҳақида шундай дейди: “*Наҳрлар кўлларга ва денгизларга бориб куюлодурлар. Наҳрларнинг чикодурғон ерларини манбаъ (манбаъи), бориб қуядурғон ерларини мансуб (мансаби) дейилур*”. Бу икки термин ҳам ҳозирги кунда шаклан ва мазмунан ўз аҳамиятини, маъносини йўқотмаган. *Кўрфаз* – кўлтиқ термини ҳақида Мунавварқори “*қуруғлиқ орасиға сукулуб киргон сув (денгиз – Б.Э., М.М.)ларни кўрфаз дейилур*”–дейди.

Коинот, борлиқ ва табиий географик ҳодиса, жараёнлар билан боғлиқ бўлган терминлар. Коинот ва табиий географик ҳодиса, жараёнлар билан боғлиқ бўлган терминлар М.Бехбудий ва М.Абдурашидхоновнинг асарларида кўпроқ учрайди. Жумладан, М.Бехбудийнинг “Мунтахаби жўғрофияи умумий” дарслигида сайёра икки маънода қўлланилганлигини кўриш мумкин. Биринчи маъноси сайёра (планета) маъносида бўлса, иккинчиси юлдуз дея таърифланган. Жумладан, “*Еримиз Офтобға нисбат учланчи сайёра (юргувчи юлдуз)дур. Юргувчи юлдузларнинг ҳаммаси бенур ва ёруғликни офтобдан оладур*”. – деган таърифиға кўра, Қуёш системасидаги сайёраларни юлдуз деб ҳам атайди.

Фазо–юлдузлар, сайёралар оралиғидаги макон, бўшлиқ, атмосферанинг ерни ўраб турган қисми. *Мустақарри* –

сайёралар, думли юлдузлар, Ой, Ер сунъий йўлдошларининг фазодаги ҳаракат йўли (орбита). *Сайёра* – Куёш системасига кирувчи йирик осмон жисмлари.

Мунавварқорининг “Ер юзи” дарсли-гини “Ернинг сурврат ва ҳаракати” деб номланган бобида табиий географик жараён ва ҳодисалар билан боғлиқ терминлар мавжуд. Жумладан, *ҳаракати юмия* – Ернинг бир сутка давомида ўз ўқи атрофидаги айланма ҳаракати. *Ҳаракати санавия* – Ернинг Куёш атрофида айланиши.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ терминлар. *Ўлан* – ўтлоқ, яшил майсазор, *манбит* – кўкаламзор, боғлар, *кўклик* – ям-яшил, экинзорлар билан банд бўлган ерлар. *Беша* термини Маҳмуд-хўжа Бехбудийнинг “Саёҳат хоталари”да тўқай, чакалакзор маъносида қўлланилади. У “Икки тарафи ям-яшил,

вағўнимиз соядор ва ери кўринмас ёввойи беша орасидан кетар”.-деб ёзади. *Зувоҳиқ* – судралиб юрувчи ҳайвонлар, *ёбони* – ўз ҳолича яшайдиган ҳайвон ва қушлар.

М.Абдурашидхоновни “Адибуссоний” дарслигининг “Ҳайвонотлар” деб номланган бобида ҳайвонот олами тур ва синфларга ажратилади. Дарсликда: “Ерда юрадирган, осмонда учадурган, сувда яшайдурган катта ва кичик жонли нарсаларнинг ҳаммасини ҳайвонлар дейилур”. – дейди.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жадидлар таълимотида табиий географик тушунча, атама ва терминшунослик муҳим ўрин олган. Бугунги кунда улардан табиий географик тушунча, атама ва терминларнинг ўзбекча муқобилини жорий этишда кенг фойдаланишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2003. – 232 бет.
2. Бехбудий М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1997. – 232 бет.
3. Бехбудий М. “Ойна” ж., 1914 йил 37-сон.

Резюме

В данной статье кратко анализированы происхождение, виды и формирование физико-географических терминов и понятий, использованные в учебной литературе и в других изданиях джадидов в конце XIX и в начале XX веков.

Resume

In it shortly analyzed the origins, types and forming terms and notions used in jadid's academic literature and newspaper at the end of XIX and the beginning of XX.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

АНТИПОД ВА ДУПЛЕТ НОМЛАР ҲАҚИДА

Камолов М.Н., Хакимов Қ.М., Бурхонов Э.

Таянч сўзлар: *географик жой номлари, антипод, географик объект, термин, олимлар, топоним, атама, сайёҳ.*

Инсоният томонидан яратилган географик номлар орасида келиб чиқиши билан объектни дунёнинг турли минтақаларида жойлашганлигини акс эттирадиган номлар гуруҳи ҳам мавжуд. Улар кўпинча географик объектнинг бирини иккинчисига нисбатан терс томонда, яъни кураи заминнинг қарама-қарши томонида жойлашганлиги ёки муайян минтақага ёки маъмурий

жиҳатдан мамлакат марказига нисбатан ўрнини белгилайди. Шу сабабдан, бундай номлар таркибида “анти” кўшимчаси кўп учрайди. Масалан, Тинч океан ҳавзасидаги Янги Зеландия давлатига қарашли Антипод ороллари номи бунга яққол мисол бўлади. Уларни 1800 йили инглиз денгизчиси Генри Уотерхауз кашф этган. Ороллари Антипод деб номланишига уларнинг географик

жойлашиши сабаб бўлган.

Антипод сўзи грек тилида *anti* - “қарши, зид” *podos* - “оёқ”, яъни Ер юзининг бир-бирига қарама-қарши нуқталарда жойлашган деган маънони англатади. Инглиз денгизчиси Генри Уотерхауз сайёҳати вақтида, ушбу ороллар координаталарини аниқлаган (49° 45' ж.к., 178° 45' ш.у.) ва улар Гринвич обсерваториясига нисбатан умуман қарама-қарши (51° 29' ш.к., 0° 00') томонда жойлашганлиги туфайли шундай аталган.

Қайд қилингандек, жой номлари орасида бир географик объектни иккинчисига таққослаб, улар Ер юзининг қарама-қарши томонларида жойлашганлигига ишора қилиб берилган номларни кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, Ер шарининг энг жанубида жойлашган Антарктида қитъасининг номи таркибида ҳам анти - «тескари», «қарама-қарши» маъносидаги қўшимча бор. Арктика - сўзи юнон тилида, арктикос - «шимолий». Қадимги юнонлар шимолий кутб атрофида жойлашган ерларни арктикос - «шимолий» ер деб аташган ва уни Катта Айиқ (Етти оғайни) юлдузлар туркуми остида жойлашган деб ҳисоблашган.

1886 йили инглиз океанографи Жон Меррей жанубий кутб атрофидаги қитъага ном танлашда қийналмаган. Ушбу қитъани Арктикага нисбатан қарама-қарши томонда жойлашганлигини инобатга олиб, унга анти қўшимчасини қўшган ҳолда Антарктида номи билан харитага киритган. Шу даврдан бошлаб, энг сўнги кашф этилган қитъа, фанда ва барча турдаги географик хариталарда шу ном билан мустаҳкам ўрнашиб қолди. Антарктида – Арктикага қарама-қарши томонда жойлашган жанубий материк.

1492-1503 йилларда Х.Колумб томонидан янги қитъа кашф этилган бўлса ҳам, аммо у Ҳиндистонга янги йўл очганлигини эътироф этиб, ўзи кашф этган оролларни ягона ном билан Вест-Индия («Ғарбий Ҳиндистон») деб атаган, натижада Ҳиндистон эса Ост-Индия («Шарқий Ҳиндистон») номини олган. Христофор Колумб томонидан Америка кашф этилгунга

қадар дунё харитасида Европа, Осиё ва Африка қитъалари маълум бўлган.

Флоренциялик денгиз сайёҳи Америго Веспуччи Жанубий Американинг шимоли-шарқий ва шарқий соҳилларини ўрганиб, ўз мактубларида номаълум ерларга борганлигини ёзиб, уни Янги дунё деб аташни таклиф қилган. Эҳтиёткорлик билан иш юритадиган географларни кутиб турмасдан, кўпчиликка Педро Мартир номи билан танилган, италиялик тарихчи Пьетро Мартире д'Ангьера океан орти кашфиётларга бағишланган “Янги Дунё ҳақида” номли асар ёзган. Ушбу асар чоп этилгандан кейин ҳар иккала материкни Янги Дунё деб аташ расм бўлган. Табиийки, илгаридан маълум бўлган ерларни, қарама-қаршилиқ қонуниятига биноан Эски Дунё деб аташган.

Маълумки, Америка сўзи флоренциялик денгиз сайёҳи Америго Веспуччи номи билан боғлиқ. У Жанубий Американинг шимоли-шарқий ва шарқий соҳилларини ўрганган ва 32 бетдан иборат мактубида номаълум ерларга борганлигини ёзган. 1507 йили немис хариташуноси М.Вальдземюллер ўз харитасига бу ерларни «Америго ерлари» (Америго Веспуччи тилга олган ерлар маъносида), деб киритган. М.Вальдземюллер ушбу номни дастлаб ҳозирги Жанубий Америка материгига нисбатан қўллаган, кейинчалик у бутун қитъа номига айланган. Фламандлик харита-шунос Г.Меркатор илк бор номни ҳар икки материк учун қўллаган ва XVI асрнинг иккинчи яримидан бошлаб Америка қитъанинг ягона номига айланган.

Осиё ва Европа номларини ҳам маълум маънода антоним дейиш мумкин. Осиё – Ер шаридаги энг катта қитъа (бутун куруқлик майдонининг 30 фоизини эгаллаган). Евросиё материгининг шарқий қисми. Осиё шимолий ярим шарнинг барча географик минтақаларини ўз ичига олади. Топоним Asia шаклида Гомернинг «Илиада» асарида тилга олинган (милоддан аввалги VIII аср). Ушбу термин милет мактабининг асосчилари Фалес, Анаксимандр, Гекатей (милоддан аввалги VI

аср) томонидан илмий адабиётларга киритилган. Дастваб топоним Эгей денгизининг шарқий соҳилларига нисбатан қўлланилган. Кейинчалик ушбу ҳудудда пайдо бўлган Пергам подшолигини римликлар Осиё деб аташган.

Милоддан аввалги 133 йилда римликлар ушбу ҳудудларни босиб олиб, Осиё провинциясини ташкил этган. Герадот асарларида (мил. авв. V аср) Осиё деб ҳозирги Туркиянинг ғарбий қисмигина таърифланган. Бошқача айтганда, Осиё номи Ўрта денгизнинг соҳилларига хос атоқли от ҳисобланган. Кейинчалик бу ном шарқий ерларга ҳам ёйилиб, умумлашиб кетган ва дастваб Қуйи Осиё, сўнгра Буюк Осиё номлари, XVIII-XX асрларда Кичик Осиё, Жануби-Шарқий ва Жануби-Ғарбий Осиё, Ўрта Осиё, Марказий Осиё сингари қитъанинг айрим қисмларини англатувчи номлар пайдо бўлган. Осиё – дастваб кичик бир ернинг номи бўлган бўлса, замонлар ўтиши билан шарққа томон ареали кенгайиб борди ва кейинчалик энг катта қитъанинг умумлашган номи бўлиб қолди.

Европа – Евросиё материгининг ғарбий қисмида жойлашган қитъа номи. Юнон мифологиясида финикийлар подшоси Агеноранинг қизи – Европа. Қадимги юнонлар ривояти бўйича осмон худоси ҳисобланган Зевс, хўкиз қиёфасида қизни ўғирлаб, Крит оролига олиб кетган. Гўзал малика шарафига куруқликнинг катта бир бўлаги унинг номи билан Европа деб аталган. Малика Европани ўғирлаш саҳнаси бир қатор буюк рассомларни (Тициан, В.Серов) машҳур асарлар яратишга илҳомлантирган. Бу шунчаки ривоят бўлса ҳам, қадимги греклар шу йўл билан маъно-мазмун мавҳум бўлган топонимни изоҳлашга ҳаракат қилишган. Мутахассисларнинг ёзишича, топоним милоддан анча аввал пайдо бўлган. Маълумки, эрамиздан аввалги VI-асрдаги қадимги Юнон бадий адабиётларида Европа сўзи учрайди. Масалан, Аполлон худосига бағишланган мадҳияда Европа номи, Болқон ярим оролидаги унча катта бўлмаган ҳудудларга нисбатан қўлланилган.

Қитъа номи сифатида топоним дастваб милоддан аввалги VI-V асрда қадимги Юнонистон олимлари Герадот ва Гекатей томонидан фанга киритилган. Мутахассислар томонидан топонимнинг илмий этимологияси ҳозиргача аниқланмаган бўлса ҳам, аммо унинг икки хил изоҳи бор. Биринчиси, топоним Олд Осиёда пайдо бўлган ва Европа сўзи осури тилида эреб - «кун ботиш томон», «қоронғулик», «ғарб» маъносини ифода этган. Осурийлар ватанидан ғарбда жойлашган барча ерларга нисбатан эреб сўзини қўллашган. Иккинчиси, Европа сўзи лисоний жихатдан ҳинд-европа тиллар оиласига мансуб, аммо этимологияси номаълум. У Эуропа шаклида қадимги Юнонистондаги Фессалии ва Этолии тарихий вилоятлари жойлашган ҳудудларга нисбатан қўлланилган. Кўп асрлар давомида истеъмолда бўлган ном кейинчалик барча ҳозирги ҳудудларни қамраб олган.

Дунёнинг қарама-қарши томонларига ишора қилувчи топонимлар ҳам кўп. Масалан, Пекин - Хитойнинг ҳозирги пойтахти ва Нанкин - ўзининг икки минг йиллик тарихида кўп марта бу шарафга муяссар бўлган шаҳар, улар “шимолий пойтахт” ва “жанубий пойтахт” деган маъноларни англатади. Худди шундай маълумот Япониянинг аввалги пойтахти Киото - “ғарбий пойтахт” ва ҳозиргиси Токио (1869 йилдан) - “шарқий пойтахт” номларида ҳам мужассам. Янги Зеландиянинг иккита энг катта ороли - Шимолий ва Жанубий деб аталаши ҳам бунга мисол бўлади.

Бир қатор географик атамалар таркибида ҳам “анти” қўшимчаси мустаҳкам ўрин олган ва у айрим қарама-қарши бўлган географик жараёнларни бир-бирига солиштириш имконини беради. Чунончи, *пассат-антипассат*, *циклон-антициклон*, *синклинал-антиклинал* ва ҳоказо. Анти (юнонча, *anti* - “қарши, зид”) қўшимчаси кўпинча муайян сўзларга олд томонидан қўшилади ва ўзи қўшилган сўз маъно ифодаси бирор нарсанинг қарама-қаршиси, зидлилигини англатади.

Топонимлар орасида антонимик алоқаси борлиги яққол кўзга ташланиб турадиган географик номларни ҳам топиш қийин эмас. Чунончи, Бразилияда номлари кейинча шаҳарларга берилган икки дарё бор - Параиба («ифлос сув») ва Паракату («тоза сув»). Худди шундай топонимик антонимлар қаторига Испаниянинг Ўрта денгизда жойлашган Балеар ороллари гуруҳи таркибидаги Мальорка (лотинча, майор - «катта») ва Менорка (лотинча, менор - «кичик») ороллар номини ҳам киритиш мумкин.

Марко Поло (XIII аср) «Марко Поло саёҳати» номли китобида Эркаклар ва Аёллар ороллари ҳақида маълумот берган. Китобда ёзишича, оролда яшовчи эркаклар бир йилда фақат уч ой аёллар оролида яшаб, қолган вақтда овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Аёллар эса ўғил болаларни 14 ёшгача тарбиялаб, кейин оталари олдига жўнатишган. Топонимист олимлар Марко Поло китобидаги маълумотларни асосли деб ҳисоблаб, ушбу оролларни Арабистон денгизида жойлашган деб тахмин қилишган.

Зид маъноли - антонимик номлар географик объектларни ўзаро таққослаш имконини бериши билан бирга, улар ёрдамида бундай номларнинг юзага келишига сабаб бўлган омиллар (табiiй, тарихий, географик, ижтимоий, иқтисодий ва ҳоказо) ни аниқлашда ҳам кўмак бериши мумкин. Кўпинча Ер шарининг турли нукталарида жойлашган бундай номларнинг бири аниқланса, иккинчисини ҳам аниқлаш осон бўлади.

Дуплет - (лотинча, duplex-«икки томонлама») сўзи эгизакдек туюладиган, шакл ва талаффузда ўхшаш, аммо турли маъно-мазмунни касб этган географик номларга нисбатан қўлланилган. Бошқача айтганда, бундай номларнинг сирти, шакли, талаффузи ўзаро ўхшаса ҳам, аммо улар турлича маънони англатади. Масалан, Брест (Белорусь) - қахрамон шаҳар, қадимий славян тилида брестье-«оқ қайинли ўрмон». Францияда ҳам шу ном билан шаҳар бор, унинг этимологияси тушунарсиз бўлса ҳам, аммо келиб чиқиши ўсимлик билан

боғлиқ эмаслиги аниқ. Ирландия денгизидаги Мэн оролининг номи кельт тилида - «қоя» маъносини ифодаласа, АҚШ даги Мэн штатининг номи капитан Мэн номи билан боғлиқ. Конго дарёларининг номини ҳам оддий ўхшашлик деса бўлади. Якутиядаги Конго якут тилида конгай - «сокин», иккинчиси Африкада банту тилларидан бирида - «тоғ, тоғдан бошланадиган дарё».

Шакли, талаффузи ўхшамайдиган, турли тиллар маҳсули бўлган, аммо маъноси бир хил бўлган топонимлар ҳам кўплаб топилади. Масалан, испан тили мутахассиси Касабланка шаҳрининг номининг маъноси «Оқ уй» эканлигини яхши билади. Араб дунёсида шаҳарни *Дар-ул-Байда* - «оқ уй» деб аташади. Географиядан хабардор киши қўшимча тарзда Касабланка - Марокашдаги йирик порт шаҳар деб изоҳ бериши мумкин. Шаҳарда бўлган саёҳатчилар ундаги кўплаб иморатлар оқ мармар билан безатилганлиги ва куёш нури таъсирида бу бинолар, киши кўзини қамаштирадиган ажиб бир манзарани касб этиши тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия махсус хизмат вакиллари Испания яширин радиостанцияси тарқатган Рузвельт ва Черчиллнинг бўлажак олий даражадаги учрашуви ҳақидаги хабарни эшитиб, таржима бобида хатога йўл қўйган. Бу хато уларни Британия бош вазири У.Черчиллни Америка Қўшма Штатлари Президентининг резиденцияси бўлган - «Оқ уй»га ташриф буюради деган нотўғри хулоса олиб келган, аслида эса учрашув жойи Марокашнинг Касабланка шаҳри бўлган.

Географик объектларни белгилашда жой номи билан бирга перифраза (юнонча, *περι-«атрофида, ёнида»* ва *φράζο-«сўзлайман»*), яъни топонимларнинг ўрнини босувчи сўзлардан кенг фойдаланилади. Улар географик объектни ўзгача шарҳлаб, у ҳақида ўзига хос маълумот беради. Ушбу усул ёрдамида ном тўғридан-тўғри ифодаланмайди, уни билвосита, яъни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар билан қўллашади. Рус топонимисти Е.М.Поспеловнинг

ёзишча, охирги вақтда перифраза объектларни норасмий ва оригинал номи сифатида топонимист олимлар диққатини кўпроқ жалб қилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сўнги пайтларда географик номларни ўзига хос тарзда ифода этиш усули ёзувчилар ва журналистлар томонидан амалиётда кенг қўлланилмоқда. Жой номлари ўрнини босувчи сўзлардан фойдаланиш, матн ёки маърузада номларни такроран қўлланмаслик имконини берадиган стилистик усул ҳисобланади.

Географик номларнинг ўрнини босувчи сўзларнинг пайдо бўлишида, номнинг ахборот ташиш функциясининг камайиши ёки етарли эмаслиги муҳим роль ўйнаган. Топоним ўрнини босувчи сўзлар анча қадимдан маълум. Масалан, Самарқанд - *сайқали рўи замин*, Тошкент - *шарқ дарвозаси*, *дўстлик шаҳри*, Киев - *рус шаҳарлари онаси*, Санкт-Петербург - *Шимоллий Пальмира* ва ҳоказо.

Етти ўр ва қирда жойлашган шаҳар деган ибора кенг тарқалган ва бу тушунча, дастлаб Рим шаҳрига тегишли бўлган. Шаҳарга ҳақиқатдан ҳам *Палатин*, *Капитолий*, *Авентин*, *Эсквилин*, *Целий*, *Виминал*, *Квиринал* номли еттита тепаликда асос солинган. Тошкентни ҳам паст-баланд худудда жойлашганлиги боис уни Римга ўхшатиб етти ўр ва етти қирда жойлашган шаҳар

дейишади. Германияда Рур вилоятини мамлакат пўлат юраги, индустриал маркази, кўмир ва пўлат ери деб аташади. Венеция каби канали кўп ва ўзига хос худудий жойлашувга эга бўлган Амстердам, Копенгаген, Стокгольм, Санкт-Петербург каби шаҳарларни *шимоллий Венеция* деб аташ расм бўлган.

Икки қарама-қарши тузум (социалистик ва капиталистик) мавжуд бўлган мафкуравий кураш даврида, қарши томонга нисбатан жой номи ўрнини босувчи сўзлар кўп қўлланган. Масалан, АҚШ президенти Р.Рейган СССР га нисбатан *зулм империяси* деган иборани ишлатган, қарши томон Нью-Йоркни “сарик шайтон” шаҳри деб атаган. Бундай номларнинг кўпчилиги семантик маънога эга ва аёвсиз мафкуравий курашнинг белгиси ҳисобланади. *Озодлик ороли* (Куба), *Минг кўллар мамлакати* (Финляндия), *Музлар ва оловлар мамлакати* (Исландия), *Дунёнинг учунчи қутби* (Жомолунгма), *Олтин водий* (Фарғона), *Дунё томи* (Помир), *Қора қитъа* (Африка) каби сўзлар ҳам норасмий ва оригинал номларга мисол бўлади. Топоним ўрнини босувчи мажозий сўзлар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, шу сабабдан келажакда жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда улардан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Агеева Р.А. Страны и народы: Происхождение названий. - М.: Наука, 1990. - 258 с.
2. Мурзаев Э.М. География в названиях. - М.: Наука, 1979. - 166 с.
3. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сирини. - Т.: Ўзбекистон, 1985. - 120 б.
4. Интернет сайт: wikipedia.org

Резюме

В статье рассматриваются топонимические антитепы и дуплеты различных регионов мира. Приводятся конкретные примеры этих типов топонимов, а также политические, социальные, экономические мотивы их образования.

Resume

In this thesis questions of toponimic and doublets of various regions of the world. Concrete examples of toponimics and political, social economic motives of their formation resulted.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ

Солиев А., Ҳайдарова С.

Таянч сўзлар: аҳоли миграцияси, келганлар, кетганлар, миграция қолдиги, миграция интенсивлиги, ташиқи ва ички миграция, вилоятлар, шаҳар ва қишлоқ жойлар, мустақиллик йиллари.

Аҳоли миграцияси натижасида унинг мавжуд ва доимий миқдорида ўзгаришлар содир бўлади. Кўчиб кетган жойларда аҳолининг ёш-жинс, миллий таркиби ўзгаради, унинг “қариши” юз беради. Бу жойларда туғилиш кўрсаткичи пасаяди, ўлим эса кўпаяди, оила қуришда ҳам айрим муаммолар вужудга келади. Айни вақтда кўчиб келган жойлар аҳолисининг ёш-жинс ва миллий таркиби ҳам ўзгаради, унинг “ёшариши” кузатилади, никоҳ ҳолати бироз фаоллашиб, туғилиш кўрсаткичлари (хусусан, янги қурилиш амалга оширилаётган шаҳарчаларда) нисбатан кўтарилади.

Аҳоли миграциясининг кучли селективлик ёки саралаб олиш хусусияти мавжуд. У кўпинча аҳолининг маълумотли, малакали қатламларини “териб олади”, филтрлайди. Миграциянинг ушбу функцияси аҳоли бандлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, уларнинг сифат кўрсаткичлари масалалари билан ҳам боғлиқ. Айниқса унинг шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жараёни билан алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, одатда, қишлоқ → шаҳар йўналишида аҳоли миграцияси ривожланган бўлади. Шу билан бирга тескари, яъни шаҳар → қишлоқ йўналиши оз бўлсада қишлоқ жойларга шаҳар турмуш тарзини олиб киради. Бу борада ташқи меҳнат миграцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ташқи миграцияҳозирги замон глобаллашув жараёнининг ажралмас бир қисми ёки кўрсаткичи ҳисобланади.

Бу жараён глобал хусусиятга эга бўлиши билан бир қаторда унинг минтақавий, географик жиҳатлари ҳам бор. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасида аҳоли миграцияси, унинг

ҳажми, йўналиши, интенсивлиги, оқибатлари ўзига хос. Энг аввало таъкидлаш лозимки, авваллари мутахассислар республикамиз туб аҳолисининг миграцион фаолсизлиги, унинг хусусан бошқа жойларга кўчиб бориши майлининг заифлигини эътироф этишарди. Эндиги шароитда эса, мамлакатимиз маҳаллий аҳолисининг ҳам миграцион ҳаракатчанлиги анча ошди. Аммо бу жараён кўпроқ республикамиз доирасида кузатилиб, у аҳоли сонининг ўзгаришига кучли таъсир этмайди.

Ўтган асрнинг 80-йилларига қадар Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши юқори суръатларда бўлган ва бу ҳолат унинг нафақат юқори даражадаги табиий кўпайиши, балки ташқи миграциянинг ижобий натижалари билан ҳам боғлиқ бўлган. Таҳлиллар кўрсатишича, 1980-1990 йилларда ҳам кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар миқдори, умумий аҳоли алмашув ҳажми сезиларли даражада кўп бўлган. Масалан, 1987-1989 йилларда келганлар ва кетганларнинг сони, алоҳида олганда, 400-450 минг киши атрофида бўлган. Эътиборлиси шундаки, мустақиллик йилларига хос миграциянинг салбий қолдиғи (сальдоси) бирмунча олдинроқ бошланган. Чунончи, у 1988 йилда минус 30,1 минг, 1989 йилда – минус 80,5 минг ва 1990 йилда минус 115,5 минг кишини ташкил этган.

Мустақиллик йилларида бир вақтлар республикамизга турли сабаблар туфайли кўчиб келганларнинг ўз юртларига қайтиб кетишлари натижасида ташқи миграциянинг салбий қолдиғи анъанавий, мунтазам тус олди. Гарчи келганлар ва кетаётганларнинг миқдори 80-йилларга қараганда бирмунча камайган бўлсада, улар ўртасидаги фарқ ортиб борган. Келганларнинг энг юқори кўрсаткичи 1991 йилда қайд этилади

(371,0 минг киши), унинг энг оз миқдори эса 2011 йилга тўғри келади (136,6 минг киши). Кетганлар сони 1992 йилда 424,1 минг кишини ташкил этган ҳолда, унинг энг минимал даражаси 2010 йилда

кузатилади -183,9 минг киши. Шундай қилиб, 1991-2012 йилларда келганлар сони 2,2 мартага, кетганлар 1,9 мартага қисқарган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли миграцияси (минг киши)

Йиллар	Келганлар	Кетганлар	Миграция қолдиғи +, -
1991	371,0	401,3	-30,3
1992	349,4	424,1	-74,7
1993	302,4	356,5	-54,1
1994	221,7	360,7	-139,0
1995	167,8	256,8	-89,0
1996	148,6	198,9	-50,3
1997	146,6	195,0	-48,4
1998	143,3	193,3	-50,0
1999	162,6	224,7	-62,1
2000	145,9	212,5	-66,6
2001	151,8	229,6	-77,8
2002	152,8	236,1	-83,3
2003	139,7	232,7	-93,0
2004	147,4	243,5	-96,1
2005	144,8	246,4	-101,6
2006	144,0	209,2	-65,2
2007	151,2	214,3	-63,1
2008	149,7	195,8	-46,1
2009	138,1	187,7	-49,6
2010	139,8	183,9	-44,1
2011	136,6	184,1	-47,6
2012	169,7	210,6	-40,9

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Умуман олганда, мустақиллик йилларидаги республикамиз аҳолисининг миграциясини 3 асосий фазага ёки босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич 1991-1993 йилларни қамраб олади. Бу даврда келганлар сони йилига 300-370 минг кишини ташкил этган. Иккинчи босқич келаётганлар бўйича фақат бир йилни, яъни 2004 йилни ўз ичига олади (айрим минтақаларда, масалан, Тошкент шаҳрида у бироз давомли бўлган). Шу йилда келганлар 222 минг кишига тенг бўлиб, қолган даврда – учинчи босқичда бу даражадаги рақамлар такрорланмаган, яъни 200 минг кишига етмаган.

Кетганлар бўйича биринчи босқич 1991-1992 йиллар, иккинчи босқич 1993-1994 йиллар оралиғида кузатилади. Учинчи, яъни ҳозирги босқич 1995 йилдан бошланади. Миграция айланмасининг якуний натижаси, яъни қолдиғига кўра эса бундай турғун босқичларни аниқлаш бирмунча қийинроқ. Аммо умумий хулоса шундан иборатки, бу даврда миграция сальдоси республикамиз

учун ҳамма вақт минус (салбий) бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг энг юқори даражаси 1994 йилга тўғри келади (-139,0 минг киши), 2005 йилда ҳам у 100 мингдан ортиқроқ бўлган. Ўртача олганда эса, мамлакатимиз ташқи миграция ҳисобидан йилига 67 минг кишига яқин аҳолини “ютқазган”.

Кўрилатган даврда жами миграция қолдиғи минус 1473 минг кишини ташкил этган. Агар фараз қилайлик ташқи миграция натижаси бу даврда нолга тенг бўлганда, республикамиз аҳолиси 30488,6 минг киши (01.01.2014 й.) эмас, балки 31961,6 минг кишига етган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон аҳолиси фақат унинг табиий кўпайиши ҳисобидан ортиб борганда, унинг юқоридаги ҳолати қайд этилар эди. Ваҳоланки, ташқи миграция мавжуд табиий кўпайишнинг маълум бир қисмини ҳам “олиб кетган”, табиий кўпайиш салбий миграция қолдиғини қоплаб, республика аҳолисининг тадрижий ўсиб боришини ҳам таъминлаган. Масалан, 1999 йилда

умумий табиий кўпайиш республикада 414,3 минг кишига, миграция сальдоси эса минус 62,1 минг кишига баробар бўлган ёки миграция қолдиғи якуний табиий кўпайишнинг яқин 15,0 фоизини ташкил этган.

2000 йилда табиий кўпайиш 394,7 минг, миграция сальдоси – 66,6 минг киши, 2005 йилда бу кўрсаткичлар, мос ҳолда 392,9 ва 101,6, 2006 йилда 411,6 ва 65,2, 2008 йилда 508,9 ва 46,1, 2009 йилда 519,0 ва 49,6, 2012 йилда 479,9 ва 40,9 минг киши бўлган. Шу йиллар бўйича манфий миграция қолдиғининг табиий кўпайишдаги улуши 2005 йилдаги 25,9 фоиздан 2012 йилдаги 8,5 фоизгача фарқ қилади. Юқорида келтирилган салбий миграция қолдиғи, табиийки, ташқи миграция ҳисобидан шаклланади. Ички миграция, гарчи жами миграция айланмасининг 75-80 фоизини ташкил этсада, унинг натижаси республика аҳолисининг умумий сонига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. 2003 йилда жами келганларнинг 95,1 %, кетганларнинг 59,0 фоизи ички миграция оқимида тўғри келган, 2012 йилда бу кўрсаткичлар 97,3 ва 78,4 фоизданни ташкил этган.

Аввал қайд этганимиздек, мамлакатимизда рўй бераётган миграция жараёнларининг салбий натижаси асосан туб (махаллий) миллат вакиллари ҳисобидан эмас, кўпроқ русийзабон халқларнинг ўз юртиларига қайтиб кетиши (реэмиграцияси) туфайли вужудга келган. Масалан, Ўзбекистон шаҳар жойларида (асосан Тошкент, шунингдек Ангрен, Олмалик, Чирчиқ, Фарғона кабиндустриал марказлардан) кўчиб кетган жами 115,5 минг нафар кишилардан 26,7 минг кишиси, 1998 йилда 117,0 мингдан 34,0 минг кишиси рус миллатига мансуб. Ушбу миллат вакиллари улуши миграция қолдиғида ҳам кўпроқ: 2004 йилда улар 28,1 фоизга, 2007 йилда 19,3 фоизга тенг. Миқдор жиҳатдан қозоқларнинг ҳиссаси янада юқорироқ - 2004 йилда жами миграция қолдиғида 36,5 минг, шундан 18,3 минг киши шаҳар жойлар ҳисобидан, 2008 йилда 31,3 минг киши, шу жумладан қишлоқлардан 16,9 минг

киши қозоқ миллатига тўғри келади.

Демак, миграцион алоқаларнинг этник таркибида дастлаб руслар, улар эса деярли тўлиқ шаҳар жойлардан кўпроқни ташкил қилишган бўлса, сўнгги йилларда қозоқларнинг миграцион фаоллиги ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларда ортган. Шу билан бирга, аввалги йилларда якуний миграция сальдосида еврей, татар, украинларнинг иштироки сезиларли даражада бўлган; кейинчалик ушбу миллат вакиллари сони республикада камайиб бориши натижасида уларнинг бу борадаги кўрсаткичлари минималлашиб борган. Айнивақтда маҳаллий миллат вакиллари тожикларнинг миграция жараёнида қатнашуви ҳам республикамиз учун салбий бўлган.

Аҳоли миграциясининг этник хусусиятлари унинг такрор барпо бўлиши, яъни табиий ҳаракат кўрсаткичларига ҳамда жами мамлакат аҳолисининг миллий таркибига ўз таъсирини ўтказган. Маълумки, туғилишнинг умумий демографик кўрсаткичи (ҳар минг кишига ҳисоблаганда) туғилганлар сонининг, аҳоли миллий таркибидан қатъий назар, умумий сонига нисбатан аниқланади. Туғилиш кўрсаткичи пастроқ бўлган миллат вакиллари миқдорининг камайиб бориши шароитида эса, бу жараёнлар кўпроқ фақат туғилиш даражаси анъанавий юқори бўлган туб миллат вакиллари нисбатан ҳисобланади. Табиийки, бундай ҳолатда умумий кўрсаткичлар бирмунча кўтарилиши мумкин. Айни пайтда номахаллий миллат вакиллари кўчиб кетиши натижасида мамлакат жами аҳоли таркибида маҳаллий миллат, яъни ўзбекларнинг улуши ортиб боради. Жумладан, агар ўзбеклар 1989 йил аҳоли рўйхатида кўра 71,4 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу миқдор 82,9 фоизга етган.

Миграция жараёнларида аёлларга нисбатан эркаклар фаол қатнашишади. Ёш жиҳатидан эса 20-24 ёшдагилар кўпроқ (23-25 %), иккинчи ўринда 16-19 (20-22 %) ва кейинги ўринда 25-29 (14-16 %) ёшдагилар туради.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миграцияси (минг киши ҳисобида)

Минтақалар	1991 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2012 й.	жами 1991-2012 йй. кўчиб келганлар	жами 1991-2012 йй. кўчиб кетганлар
Ўзбекистон Республикаси	<u>371,0</u> 401,4	<u>167,8</u> 256,8	<u>145,9</u> 212,5	<u>144,8</u> 246,4	<u>139,8</u> 183,9	<u>169,7</u> 210,6	40116,0	53227,1
Қорақалпоғистон Республикаси	<u>31,4</u> 31,6	<u>13,2</u> 18,8	<u>12,9</u> 16,8	<u>12,8</u> 34,2	<u>14,3</u> 27,0	<u>12,1</u> 23,1	467,4	537,4
вилоятлар								
Андижон	<u>21,9</u> 25,2	<u>8,5</u> 12,0	<u>6,2</u> 8,3	<u>4,7</u> 6,8	<u>5,7</u> 6,3	<u>5,8</u> 7,8	207,2	235,9
Бухоро	<u>38,2</u> 40,4	<u>6,8</u> 11,1	<u>6,1</u> 9,6	<u>4,0</u> 8,9	<u>4,3</u> 6,9	<u>4,5</u> 8,9	169,0	241,4
Жиззах	<u>12,7</u> 16,0	<u>3,7</u> 9,1	<u>6,2</u> 9,3	<u>7,3</u> 18,9	<u>7,9</u> 11,2	<u>7,7</u> 10,0	161,5	216,8
Навоий	-	<u>15,1</u> 16,6	<u>11,2</u> 14,5	<u>12,1</u> 21,4	<u>11,4</u> 13,7	<u>12,1</u> 18,9	254,4	357,2
Наманган	<u>18,0</u> 9,8	<u>5,8</u> 8,4	<u>4,3</u> 6,3	<u>3,3</u> 4,9	<u>4,4</u> 5,2	<u>4,2</u> 5,1	122,0	140,2
Самарқанд	<u>27,9</u> 36,5	<u>9,8</u> 19,6	<u>9,9</u> 17,2	<u>10,8</u> 19,2	<u>12,3</u> 15,4	<u>9,3</u> 13,7	264,3	427,3
Сирдарё	<u>14,2</u> 17,3	<u>5,4</u> 11,0	<u>7,8</u> 10,9	<u>6,3</u> 12,3	<u>6,7</u> 8,8	<u>7,1</u> 8,2	170,2	245,6
Сурхондарё	<u>20,1</u> 19,3	<u>9,3</u> 12,0	<u>11,1</u> 14,0	<u>10,7</u> 14,0	<u>11,6</u> 12,7	<u>12,1</u> 13,5	280,5	337,7
Тошкент	<u>56,7</u> 67,3	<u>26,6</u> 44,0	<u>23,6</u> 32,1	<u>23,2</u> 37,1	<u>15,5</u> 27,5	<u>22,3</u> 34,5	577,7	832,1
Фарғона	<u>40,2</u> 40,2	<u>16,2</u> 22,6	<u>12,8</u> 18,5	<u>13,0</u> 16,8	<u>12,7</u> 14,0	<u>12,9</u> 14,1	360,3	447,4
Хоразм	<u>16,7</u> 11,8	<u>5,8</u> 6,5	<u>7,3</u> 8,6	<u>6,4</u> 10,0	<u>7,3</u> 8,3	<u>7,3</u> 9,5	167,4	188,8
Қашқадарё	<u>20,6</u> 21,2	<u>7,2</u> 10,0	<u>11,7</u> 14,1	<u>8,3</u> 9,8	<u>10,1</u> 10,9	<u>12,8</u> 13,6	238,0	283,2
Тошкент ш.	<u>52,4</u> 64,8	<u>34,3</u> 54,4	<u>14,8</u> 32,3	<u>21,9</u> 32,1	<u>15,6</u> 16,0	<u>39,5</u> 29,7	571,7	786,7

Изоҳ: қаср суратида келганлар, маҳражида кетганлар.

Жадвал муаллифлар томонидан ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Умуман олганда, жами мигрантларнинг 82-83 фоизи меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлганлардан иборат. Айнан шу тоифадаги кишиларнинг кўчиб юришларида “меҳнат қилиш” сабаби етакчилик қилади.

Аҳоли миграциясининг интенсивлиги, йўналишлари, ҳажми ва унинг натижалари мамлакат минтақаларида ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар ҳудудларнинг демографик сиғими ва салоҳияти, иш ўринлари билан таъминланганлиги, хўжалиги ва унинг тармоқлар таркиби (ихтисослашуви), урбанизация даражаси, экологик ҳолати кабилар билан боғлиқ. 2-жадвалда республика вилоятлари кесимида келганлар ва кетганларнинг миқдор кўрсаткичлари келтирилган. Статистик маълумотлар таҳлили бўйича 1991-2012 йилларда келганлар ва кетганларнинг сони Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида кўпчи-

ликни ташкил этади. Эътиборлиси шундаки, айнан шу минтақаларнинг республика аҳолисининг ташқи миграциясида ҳам ўрни катта. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан кўпроқ русийзабон халқлар кўчиб кетишган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасидан асосан қозоқ миллати кўчиб кетган. Қозоқлар шунингдек, Тошкент ва Навоий вилоятларидан ҳам кўпроқ миграция қилишади.

Ўртача бир йилда Қорақалпоғистонга 21,2 минг киши келган бўлса, бу ердан ҳар йили 24,4 минг киши кўчиб кетган. Бу кўрсаткичлар, мос ҳолда, Тошкент вилоятида 26,3 ва 37,8 минг киши, Тошкент шаҳрида 26,0 ва 35,8 минг киши. Демографик салоҳияти бўйича Ўзбекистонда олдинги мавқеларни эгаллаган Самарқанд вилоятида юқоридаги кўрсаткичлар 12,0 ва 19,4; Фарғона вилоятида – 16,4 ва 20,3 минг киши ва ҳк.

3-жадвал

Ўзбекистон минтақаларида аҳоли миграциясининг интенсивлиги
(ҳар минг кишига нисбатан)

Минтақалар	2000 йил			2012 йил		
	келганлар	кетганлар	миграция қолдиғи	келганлар	кетганлар	миграция қолдиғи
Ўзбекистон Республикаси	6,0	8,7	-2,7	5,7	7,1	-1,4
Қорақалпоғистон Республикаси	8,6	9,9	-1,3	7,1	13,6	-6,5
вилоятлар						
Андижон	2,8	3,7	-0,9	2,1	2,9	-0,8
Бухоро	4,3	6,8	-2,5	2,6	5,2	-2,6
Жиззах	6,4	9,5	-3,1	6,5	8,4	-1,9
Навоий	14,4	18,5	-4,1	13,8	21,4	-7,6
Наманган	2,2	3,2	-1,0	1,7	2,1	-0,4
Самарқанд	3,7	6,4	-2,7	2,8	4,1	-1,3
Сирдарё	12,1	16,9	-4,8	9,6	11,0	-1,4
Сурхондарё	6,4	8,1	-1,7	5,4	6,1	-0,7
Тошкент	10,1	13,7	-3,6	8,4	12,9	-4,5
Фарғона	4,8	6,9	-2,1	3,9	4,3	-0,4
Хоразм	5,4	6,5	-1,1	4,4	5,8	-1,4
Қашқадарё	5,4	6,7	-1,3	4,6	4,9	-0,3
Тошкент ш.	6,9	15,1	-8,2	17,1	12,9	+44,2

Жадвал муаллифлар томонидан ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бироқ бу рақамлар вилоятлар аҳолисининг миграция фаоллигини тўлиқ акс эттирмайди. Бу борада, айниқса миграция интенсивлигини ҳисоблашда, келганлар ва кетганларни, миграция қолдиғини минтақалар ҳар минг киши аҳолисига нисбатан аниқлаш талаб

этилади. Масалан, 2000 йилда жами Ўзбекистон Республикаси бўйича келганлар 6,0 %, кетганлар 8,7 % ва миграция қолдиғи минус 2,7 % – га тенг бўлган. 2012 йилга келиб бу кўрсаткичлар бироз пасайган: 5,7; 7,1 ва минус 1,4 %.

Минтақалар (худудлар) микёсида миграция интенсивлиги Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида энг юқори кўрсаткичларга эга. Тошкент шаҳрида бундай ҳолат кўпроқ 2012 йилга тегишли, Навоий вилоятида эса кўрилатган ҳар икки йилда ҳам миграция интенсивлиги юқори бўлган: 2000 йилда вилоятнинг ҳар минг киши аҳолисига келганлар 14,4, кетганлар 18,5 киши тўғри келган ҳолда; бу рақамлар 2012 йилда 13,8 ва 21,4 промиллени ташкил этган.

3-жадвал маълумотларига бўйича миграция интенсивлигининг Сирдарё вилоятида ҳам бирмунча юқорилиги кўриниб турибди.

Айни вақтда Фарғона водийси аҳолисида унинг даражаси унча катта эмас (хусусан, Наманган вилоятида). Миграция қолдиғи эса 2000 йилда энг катта салбий кўрсаткич Тошкент шаҳрида (8,2 промилле ёки 0,82 %), шунингдек, Сирдарё (минус 4,8 %), Навоий (4,1 %) ва пойтахт вилоятида (3,6 %) қайд этилади. 2012 йилда ҳам мазкур худудлар аҳолиси, бошқа минтақаларга қараганда, миграция ҳисобидан кўпроқ камайган (аниқроғи аҳоли табиий

кўпайишининг кўпроқ қисмини салбий миграция “олган”). Шу йилда Қорақалпоғистондан ҳам кўчиб кўчиб кетганлар сони бирмунча ортган, натижада, манфий миграция қолдиғи ҳар минг аҳолига 6,5 кишига тенг бўлган. Бу кўрсаткичнинг энг юқориси эса Навоий вилоятида – минус 7,6 %. Тошкент вилоятида у 4,5 киши, Бухорода 2,6 киши. Нисбатан оз кўрсаткичлар 2012 йилда Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида кузатилади.

Умуман олганда, кўпгина вилоятларда миграция айланмаси (келганлар ва кетганлар йиғиндиси) ҳамда унинг қолдиғи 2000-2012 йиллар мобайнида камайиб борган. Фақат Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий ва Тошкент вилоятларида у кўпроқ кетганлар ҳисобидан кўтарилган. Шу билан бирга, алоҳида қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида миграция кўлами энг катта бўлган Тошкент шаҳрида унинг натижаси илк бор ижобий хусусият касб этган: пойтахтга 2012 йилда келганлар 17,1 %, кетганлар 12,9 % ва миграция сальдоси плюс 4,2 % ни ташкил этган.

Резюме

В статье, на базе большого фактического материала, анализируются тенденции и факторы, динамика и структура, направления миграции населения Узбекистана в 1991-2012 гг. Рассматриваются поло-возрастной и национальный состав мигрантов, региональные особенности миграции населения республики.

Resume

In the article, on the basis of major factitive materials, analyzed trends and factors, dynamics and structure, direction of migration of population of Uzbekistan in the periods of 1991-2012 years. Discussed gender-age and ethnic structure of migration, regional specifications of migration of population of the Republic.

Тавсия этувчи:

доц. Азимов Ш.А.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ МАСКАНЛАРИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАРИХИЙ -ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Аҳмадалиев Ю., Комилова Н., Фаниева М.

Таянч сўзлар: қишлоқлар, қишлоқ жойлар, аҳоли манзилгоҳлари, адирлар, сойлар, сугорма деҳқончилик, топонимика.

Кириш. Худуднинг кишилар томонидан ўзлаштирилиши ҳақида география фанида икки хил дунёқараш мавжуд. Дастлабки фикр Д.Рикардога тегишли бўлиб, унга кўра инсоният доимо энг яхши унумдорликка эга бўлган, қулай жойлашган худудларни биринчи бўлиб

ўзлаштирган. Худуднинг ўзлаштирилиши ҳақидаги иккинчи, биринчисига бутунлай тескариси бўлган фикр америкалик иқтисодчи Г.Ч.Кэрига тааллуқли. Унинг таъкидлашича, инсоният дастлаб унумдорлиги камроқ бўлган ерларни ўзлаштириб, кейинчалик унумдор туп-

роқларга ўтган. Бундай ҳолатнинг сабаби, дастлабки даврларда инсонни табиатга таъсир этишдаги имкониятининг чекланганлигидир. Чунки, унумдор ҳудудлар ўрмон ёки қалин чакалакзорлар билан қопланган бўлиб, уни ўзлаштиришга, ўрмонни кесишга одамнинг кучи етмаган, шунинг учун у дастлаб унумсизроқ тупроқларни, сўнгра иш қуролини такомиллаштириб, унумдорроқ ҳудудларни ўзлаштиришга ўтган (Ракитников, 1970). Бу икки бир-бирига қарама-қарши бўлиб кўринган ғояларнинг ҳар иккиси ўз даври учун тўғри эканлигини Фарғона водийсида аҳоли манзилгоҳларининг шаклланишида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам аҳоли масканларини ҳудудий жойлаштиришни такомиллаштиришда тарихий-географик ёндашув кутилган натижа беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Географик тадқиқотларда қишлоқ жойлар ва қишлоқ жойлардаги аҳоли масканлари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур мақоланинг асосий мақсади қишлоқ жойларда аҳоли масканларини ҳудудий ташкил этилишининг тарихий-географик жиҳатларини ўрганиш орқали қишлоқ аҳоли кўрғонлари жойлаштиришни режалаштиришда амалга ошириш мумкин бўлган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Фарғона водийсидаги суғориш тизимининг шаклланишига тўхталиб, В.В.Бартольд (1965) бу жараён аҳоли манзилгоҳларининг тарихий ташкил топиши билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳақида батафсил маълумот беради. Фарғона водийсида пайдо бўлган дастлабки аҳоли масканлари унумдорлиги камроқ бўлган адирлар минтақасида бўлган. Улар қаторига Косон, Чодак, Акси, Ош, Аравон, Мингтепа, Қува, Ўзган, Сўх киради. Бу даврдаги аҳоли манзилгоҳлари жойланишидаги ўзига хос хусусият уларнинг дарё ҳавзаларининг юқори қисмида, кичик ариқлар ёрдамида ерларни суғориш имконияти бўлган жойларда вужудга келганларидир.

Кейинчалик суғорма деҳқончилик

ривожланиши натижасида Фарғона водийсида ҳам йирик суғориш каналларининг бунёд этилиши кузатилди. Наманган вилоятида Янгиарик, Андижон вилоятида Андижонсой ва Шаҳрихонсой, Улуғнор каналларининг қурилиши билан дарё қирғоқларидан узоқда жойлашган шаҳарлар, қишлоқлар бунёд этилган.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Суғориш тармоқларининг ривожланиши оқибатида водийдаги аҳоли манзилгоҳларининг ҳозирги кўриниши XIX асрнинг охирига келиб тўлиқ шаклланди. Бундай жойланишга табиий - иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсир кўрсатган. Бутун қишлоқ жойлари географиясида бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам ҳудуднинг кичиклигига қарамадан юқоридаги омиллар таъсирида қишлоқлар жойланишида қуйидаги ўзига хос хусусиятлар кузатилади:

1. Аҳоли манзилгоҳлари дарёларнинг қирғоқларидаги тор, узун тасмасимон водийларда жойланиши Сирдарёнинг ўнг қирғоғи учун, айниқса, хосдир. Наманган вилоятидаги Подшоотасой, Чортоқсой, Чодаксой, Ғовасой, Косонсой дарёлари водийсидаги қишлоқлар лентасимон кўринишда жойлашганлиги харитада қайд этилган.

2. Водийдаги барча дарёлар адирлар халқасидан чиққандан сўнг конуссимон ёйилмалар ҳосил қилган. Бундай ёйилмаларнинг типик вакили сифатида Сўх конуссимон ёйилмаси мисол бўла олади. Исфара, Сўх, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Аравонсой, Оқбура, Мойлисой, Норин каби дарёларнинг адирлар халқасидан чиқиш жойларида аҳоли манзилгоҳлари конуссимон ёйилмаларда бир текис жойлашган.

3. Конуссимон ёйилмаларда бир текис жойлашган қишлоқларда савдо-маданий алоқаларини йўлга қўйилиши билан ҳар бир ёйилмани «марказий манзилгоҳи» шаклланди. Учинчи типдаги аҳоли манзилгоҳлари суғориш тармоқлари билан бир қаторда «марказий манзилгоҳ»га нисбатан жойлашганлигини кўриш мумкин. Бундай марказлар вазифасини Исфара, Қўқон, Олтиариқ, Марғилон, Асака, Андижон, Учкўрғон

каби шаҳарлар бажарган. Одатда, марказий манзилгоҳнинг конуссимон ёйилманинг ўрта қисмида жойлашганлиги унинг иқтисодий омиллар (савдо маркази, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув, транспорт тугуни) таъсирида йириклашиб кетишига олиб келган.

4. Адирлар, тоғли худудлар ва Марказий Фарғонадаги чўлли ландшафтларда якка ҳоллардаги йирик қишлоқлар шакллланган. Ҳозирда туман марказлари вазифасини бажарадиган бундай аҳоли манзилгоҳларига Бўз, Чуст, Поп, Сўх, Мингдон, Чимён, Ёзёвон, Мингбулоқ қабилар қиради.

5. Фарғона водийсининг ўзига хос табиий ва иқтисодий шароити таъсирида юқоридаги 4 та ўзига хос хусусиятли қишлоқлар гуруҳи шакллланган. Минтақада йирик суғориш каналларининг қурилиши оқибатида бу қишлоқларнинг жойланишида катта ўзгаришлар кузатилмайди. Фақатгина конуссимон ёйилмаларнинг этакларида тартибсиз жойлашган қишлоқлар камайиб, улар ўрнига суғориш тизимига мос келувчи, лентасимон кўринишдаги қишлоқлар бунёд этилди. Масалан, Жанубий Фарғона каналининг қурилиши билан Марҳамат туманидаги Тўпқўрғон, Тўртқўл, Шўрқақир, Бешюзтаноб, Мирзахўжа, Оқмақтаб, Қизил қамчин қишлоқлари ўрнида, суғориш ариғи қирғоғида лентасимон кўринишдаги Шукурмерган қишлоғи бунёд этилган.

Умуман олганда, Фарғона водийсидаги қишлоқлар ўзига хос, бетакрор манзарани акс эттиради. Улар, одатда, ариқ ва каналлар бўйида бир-бирига тутшиб кетган ҳолда, занжирсимон жойлашган. Шу сабабдан кўпгина қишлоқлар топоними «арик», «жўй», «сой» каби қўшимчалар билан боғлиқ. Қишлоқларнинг бажарадиган функцияларига боғлиқ ҳолда бўлиниши водий учун ҳам хосдир. Бундай ихтисослашувни уларга қўйилган номлар орқали таҳлил қилиш мумкин (Қораев, 1998).

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган қишлоқлар топонимикасида сув ва суғориш тармоқлари номи кенг тарқалган. Ариқ, қўл, сой, кудук, булоқ

терминлари шу аҳоли манзилгоҳининг суғорадиган сув ҳавзасига нисбатан, «обод» аффикси суғориш натижасида «гуллаб яшнаган ўлка» маъносида кенг тарқалган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп экиладиган экинлар ёки кенг тарқалган дарахтлар номи билан (пахта, ғалла, шоли, бодом, узум, анор ва бошқалар), қишлоқ хўжалигида банд бўлган ижтимоий қатлам (деҳқон, чорвадор, боғбон, мироб ва бошқалар) номи билан боғлиқ жой номлари кўпинча аҳоли манзилгоҳларининг дастлабки даврдаги, ҳақиқий ихтисослашувини аниқлашга кўмаклашади.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашмаган қишлоқлар водийда кўп учрамаса-да, аралаш вазифани бажарувчи турлар кенг тарқалган. Фарғона водийси атрофидаги тоғлардан бошланадиган дарёларнинг юқори қисмидаги қишлоқлар «муқаддас зиёратгоҳлар» (янгича ёндошувда қўриқхоналар) вазифасини бажаради. У қишлоқларнинг топонимида ислом динига тааллуқли бўлган азиз авлиёлар, пайғамбарлар номлари кўпчиликни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашмаган иккинчи қишлоқлар гуруҳи таркибида бозор ва карвон сўзлари кўп қатнашади. Бундай қишлоқлар аҳолиси кўпроқ савдогарлик билан машғулдир.

Хулоса. Бугунги кунга келиб, қишлоқ аҳоли кўрғонларини жойлаштириш ва йириклаштиришга қўйиладиган талаблар ўзгарди. Ҳозирги қишлоқларни жойлаштиришга қўйиладиган талабларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, саноатдан фарқ қилиб, кенгрок майдонни эгаллайди, ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ердан фойдаланиш турига қараб (яйлов, суғориб деҳқончилик қилиш) аҳоли кўрғонлари жойлаштирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқларни ортиқча йириклаштириш меҳнаткашларни иш жойларига (далага) етказиш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга сабаб бўлади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги экинлари устидан

бўладиган (доимий) агротехник назоратни олиб бориш қийинлашади. Ушбу ҳолат аҳоли кўрғонларини жойлаштиришда биринчи навбатда ҳисобга олиниши зарур.

2. Қишлоқда шаклланаётган кўп укладли иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари учун мос келувчи турар жой массивларини яратиш лозим. Фермер хўжаликлари ривожланган хорижий мамлакатлар ва республикамиздаги мавжуд тарихий тажрибани ўрганган ҳолда аҳоли кўрғонлари ва вақтинча истиқомат жойларини яратиш тизимини шакллантириш бугунги куннинг асосий тамойилига айланмоқда.

3. Тарихан шаклланган қишлоқлар функциясини батафсил ўрганиш асосида янги ташкил этилаётган қайта ишловчи саноат тармоқлари (тегирмон, концерва цехлари) ва савдо шахобчаларини жойлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4. Қишлоқ ҳудудларида ягона аҳоли кўрғонлари тизимини яратиш, марказий аҳоли кўрғони атрофида бошқа кичикроқ кўрғонларни бир текисда жойлашувини таъминлаш, маданий-маиший ва коммуникация тизими тармоқларини ташкил этишда қурилиш, санитар-гигиена, экология ва бошқа мезонларнинг бажарилишини таъминлаш зарур.

5. Қишлоқ уйларини қуришда жойнинг табиий-иқлим ва агродемографик шароитини ҳисобга олиш, демографик босим юқори, суғориладиган ерлар миқдори етишмайдиган шароитда бир

қаватли, сифатсиз қурилиш материалларидан уй қуришни чеклаш, қонун ҳужжатларига демографик босимни ҳисобга олувчи қурилиш мезонларини киритиш лозим.

6. Қишлоқ жойларда таълим-тарбия, тиббий хизмат кўрсатиш, савдо муассасалари жойлаштирилишининг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш керак. Янги мезонларни ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини жойлаштиришда уларни ижтимоий инфратузилмаларга мослаштириш. Муқобил машина трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар сотиш шахобчалари, мини банклар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш шахобчаларини жойлаштиришни аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан қулай географик ўрнини аниқлаш ва жойлаштириш режаларини тузиш.

Демак, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини жойлаштиришнинг ер ресурслардан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ масалаларини янада чуқурроқ ўрганилиши ҳозирги куннинг талабига мос тушади. Бинобарин, бир ёки бир неча туманлар, қишлоқларнинг иқтисодий, ижтимоий-демографик, тарихий ва экологик шароитларини ҳар томонлама тадқиқ этиш иқтисодий география фанида муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана // Соч., Т.3. - М.: Наука. 1965. -С. 5-31.
2. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч., Т.2. Часть 1. - М.: изд. Восточ. лит. 1963. - С. 1-66.
3. Ракитников А.А. География сельского хозяйства /проблемы и методы исследований. -М.: Мысль, 1970. -324с.
4. Кораев С.К. Ойконимия Узбекистана.: Автореф. дис....доктора географич. наук. –Т.: УзНУ, 1998. - 50 с.

Резюме

В данной статье рассматриваются историко-географические аспекты территориальной организации населенных пунктов в сельской местности. На основе изучения населенных пунктов сельской местности Ферганской долины даны рекомендации по совершенствованию их размещения.

Resume

The historical and geographical features of the local organization of the peoples living places was viewed in this article. Recommendations on the base of developing to organize of learning people's living in the villages of Fergana valley were given in this article.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНING МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Қодиров М.А., Усмонов М.Р., Ҳасанов Ж.Ю.

Таянч сўзлар ва иборалар: аҳоли, миллий таркиб, миллатлар, маҳаллий аҳоли, урбанизация, миграция, шаҳар жойлар, қишлоқ туманлари, табиий ҳаракат.

Самарқанд вилоятининг демографик вазияти ўзига хос бўлиб, у аввало аҳоли сонининг юқори даражада ўсишида намоён бўлади. Самарқанд вилояти 1998 йилдан бошлаб республикамизда аҳоли сони жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 3270,8 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шу билан бирга, Самарқанд вилояти республикамизнинг бошқа вилоятларига нисбатан энг сермиллатли вилоят ҳисобланади.

Самарқанд вилояти этник таркибининг ривожланиши узоқ тарихий давр билан боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиши бир неча тарихий воқеаларга бориб тақалади. Самарқандни араблар, муғил-

лар, руслар ва бошқалар томонидан босиб олинишини, бир неча марта ҳукуматнинг ўзгаришига, турли йирик мамлакатларнинг пойтахтига айланишига олиб келди. Шунинг учун Самарқанд вилояти аҳолиси миллий таркиби жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган минтақа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда вилоятда 90 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Лекин, охириги йиллар маълумотида кўра вилоятнинг туб аҳолиси бўлган ўзбек ва тожикларнинг ўсиши юқори. Вилоят аҳолисининг 77,6 % ўзбеклар, 10 % тожиклар ва 4,5 % руслар ташкил этади, кейинги ўринларда украинлар, арманлар ва корейслар туради.

1-жадвал

Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий таркиби
(фоиз ҳисобида)

№	Миллатлар	1959 йил	1970 йил	1979 йил	1989 йил	2011 йил
	Жами аҳоли	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1.	Ўзбеклар	70,8	75,6	78,5	77,3	77,6
2.	Тожиклар	4,0	4,6	4,9	9,2	10,0
3.	Руслар	10,7	8,2	6,6	5,0	4,5
4.	Украинлар	0,8	0,6	0,5	0,6	0,6
5.	Қozoқлар	0,5	0,4	0,4	0,4	0,2
6.	Озарбайжон	0,9	0,5	0,7	0,3	0,3
7.	Арманлар	0,8	0,7	0,6	0,3	0,7
8.	Татарлар	6,5	5,2	4,2	3,1	0,002
9.	Яҳудийлар	1,4	1,2	0,8	0,6	0,2
10.	Корейслар	0,6	0,6	0,5	0,4	0,4

Жадвал муаллифлар томонидан тузилган

Жадвал маълумотларидан кўринадики, вилоят аҳолисининг асосий қисмини ҳамма вақт ўзбеклар ташкил этган, бироқ жами аҳоли салмоғида уларнинг ошиши 1959-2011 йиллар мобайнида 6,8 %, тожиклар 2,5 баробарга кўпайган, руслар 6,2 % ва бошқа миллатлар салмоғи эса камайган. Бошқа миллат вакиллари-нинг камайиб бориши уларнинг ташқи миграцияси оқибатида содир бўлган. Асосан татарлар ва яҳудийлар салмоғи камайган. Вилоят аҳолисининг миллий таркиб-бини республиканинг бошқа

вилоятлари билан солиштирганда шу нарса маълум бўлдики, ўзбеклар салмоғи Самарқанд вилоятида 77,6 %, Тошкент вилоятида 62,1 %, Сирдарёда 69,4 %, Хоразм, Қашқадарё ва Андижонда 90 фоиздан юқоридир.

Республикамизнинг айрим вилоятларида аҳоли салмоғи кўплиги жиҳатидан 2-ўринни тожиклар эгаллайди. Тожиклар салмоғи асосан Самақанд, Сурхондарё, Сирдарё, Наманган вилоятларида нисбатан юқори бўлиб, у ўртача 11-12 %ни ташкил этади. Руслар салмоғи эса

**Ўзбекистон Республикаси шаҳар аҳолисининг миллий таркиби
(2011 йил; жамига нисбатан фоизда)¹**

№	Вилоятлар	Миллатлар									
		ўзбеклар	тожиклар	руслар	украинлар	қozoқлар	oзарбайжонлар	арманлар	татарлар	яхудийлар	корейслар
	Ўзбекистон Республикаси	77,4	4,8	5,6	0,5	2,7	0,2	0,2	1,4	0,06	0,8
1.	Андижон	92,1	1,2	1,3	0,07	0,03	0,07	0,07	0,6	0,05	0,1
2.	Бухоро	85,1	2,8	0,4	0,3	1,9	0,3	0,2	1,9	0,3	0,3
3.	Жиззах	85,9	2,3	2,6	0,2	2,9	0,1	0,3	1,2	0,02	0,4
4.	Қашқадарё	90,4	3,7	1,7	0,2	0,1	0,2	0,08	0,8	0,1	0,09
5.	Навоий	79,8	1,2	6,6	0,5	4,0	0,9	0,1	2,2	0,2	0,2
6.	Наманган	86,8	10,0	0,8	0,05	0,04	0,04	0,03	0,2	0,03	0,2
7.	Самарқанд	77,6	10,0	4,5	0,6	0,2	0,3	0,7	0,002	0,2	0,4
8.	Сурхондарё	79,5	13,8	2,5	0,4	0,2	0,07	0,04	0,8	0,03	0,08
9.	Сирдарё	69,4	11,2	6,7	0,2	1,7	0,6	0,2	1,8	0,02	1,7
10.	Тошкент	62,1	5,9	10,8	0,7	8,2	0,3	0,2	3,0	0,2	3,0
11.	Фарғона	86,9	5,7	2,7	0,2	0,04	0,06	0,1	0,2	0,1	0,3
12.	Хоразм	95,8	0,03	1,0	0,1	0,9	0,03	0,02	0,5	0,003	0,6
13.	Тошкент ш.	66,2	1,2	18,0	1,6	2,0	0,5	0,7	4,1	0,007	2,1

¹Қорақалпоғистон Республикаси бўйича маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли ушбу минтақа жадалга киритилмаган.
Жадвал муаллифлар томонидан тузилган.

мустақилликдан кейинги йилларда анча камайиб борган. Ҳозирда бу миллат вакиллари асосан Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ҳамда Навоий вилоятларида яшайди (2-жадвал).

Ўзбек, тожик ва руслардан ташқари, республикамиз вилоятларида аҳоли салмоғининг кўплиги билан қозоқлар, татарлар, корейсларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг, шунингдек, озарбайжонлар, арманлар, украинларнинг ҳам салмоғи кейинги йилларда анча камайиб борган. Маълумки, шаҳар аҳолиси турли миллатларнинг кўплиги билан ажралиб туради, шунинг учун шаҳар жойларида ташқи миграцияда туб жой аҳолиси бўлмаган миллатлар фаол қатнашади.

Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби бир-биридан фарқ қилади. Вилоят маркази Самақанд шаҳрида ўзбеклар билан бир қаторда тожиклар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари, руслар ва бошқа туб жой аҳолиси бўлмаган миллатларнинг қарийб ҳаммаси шаҳарларда, яъни уларнинг асосий қисми Самарқандда яшайди. Вилоятда яшовчи тожикларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрида ва унинг атрофида, яъни Самарқанд туманида жойлашган. Ўтказилган аҳоли рўйхатлари маълумотларига кўра, 1979 йилга нисбатан 1989 йилда вилоят шаҳар аҳолисида ўзбеклар ва руслар салмоғи бирмунча камайган. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси бу ерда ҳам камайган бўлиб, тожиклар салмоғи қарийб 8 мартага ошган.

Вилоят тожикларининг асосий қисми шаҳар жойларда яшайди (асосан Самарқанд шаҳрида), уларнинг қишлоқ аҳолисидаги салмоғи камчиликни ташкил этади. Республикамининг бошқа вилоятлари сингари Самарқанд вилоятида ҳам миллатларнинг урбанизация даражаси бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек миллатига мансуб бўлганлар 1979-1989 йилларда урбанизация даражаси бирмунча пасайган бўлиб, унинг сабаби қишлоқларда яшовчи аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичи юқорилигидир. Шу давр мобайнида вилоятда ҳам аҳолининг урбанизация даражаси пасайган. Охири

йилларда Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқларнинг Самарқанд шаҳрига кўшилганлиги ва вилоятдаги бир нечта қишлоқларнинг шаҳар аҳоли пунктларига айлантирилганлиги вилоятда урбанизация даражасининг ортишига олиб келди. Самарқанд вилоятида урбанизация даражасининг юқорилиги билан туб жой аҳолиси бўлмаган миллатлар, яъни руслар, украинлар, корейслар, татарлар ва бошқалар ажралиб туради, уларнинг урбанизация даражаси ўртача 95 %ни ташкил қилади. Бу миллатларнинг жойлашув ареали асосан шаҳар жойларида, биринчи навбатда Самарқанд шаҳрига тўғри келади. Шунингдек, тожик ва эрони миллатига тегишли бўлган аҳоли ҳам асосан шаҳарларда истиқомат қилади. Тожиклар асосан бир жойда, Самарқанд шаҳрида ва унинг атрофида компакт ҳолда жойлашган. Нисбатан озчиликни ташкил этувчи миллатлардан турклар асосан, Оқдарё туманининг Лоиш ва Дахбет шаҳарчаларида, қозоқлар – Нурободда, араблар – Пастдарғом туманида истиқомат қилади.

Бундан ташқари, миллатлар салмоғининг ўзгаришида собиқ Иттифоқ даврида аҳолининг механик ҳаракати натижасида руслар, арманлар, украинлар, корейслар ва бошқа туб жой аҳолиси бўлмаган кишиларнинг нафақат Самарқанд вилоятида эмас, балки бутун республикамизга кўчиб келиши ҳам сабаб бўлган. Мустақилликдан кейинги йилларда эса, юқорида номлари келтириб ўтилган миллатларнинг кўпчилиги Ўзбекистондан кўчиб кетишган.

Ҳар бир миллат салмоғининг ошишига аҳоли миграциясидан ташқари, аҳолининг табиий ўсиши даражаси ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Маълумки, вилоят туб жой аҳолиси ҳисобланган ўзбек ва тожикларда, аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичи юқори, шунинг учун уларнинг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айни вақтда бошқа миллатга мансуб аҳолининг кўпчилигида табиий кўпайиш кўрсаткичлари ниҳоятда паст, бу эса улар салмоғининг камайишига таъсир этмасдан қолмайди.

Адабиётлар:

1. Алексеев Ю.Н., Нормуродов Х.Н. Самаркандская область. – Т., 1982. – с. 133.
2. Солиев А.С., Кодиров М.А. География населения и населенных пунктов Самаркандской области. – Самарканд, 1988. – с. 69.
3. Рашидов А.К. Навкирон Самарканд. – Т., 1987. – б. 35.

Резюме

В статье рассматривается национальный состав населения Самаркандской области. Эти материалы анализируются на фоне других регионов республики.

Resume

In the article reviewed national structure of population of Samarkand region. The results is analyzed on with comparison to other regions of the Republic.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЛАНДШАФТЛИ ЁНДАШУВ

Абдувалиев Х., Абдурахмонов Д., Жўраева О.

Таянч сўзлар ва иборалар: аҳоли, ҳудудий ташкил этиши, баландлик, вилоят, сойлар, деҳқончилик, ландшафт турлари

Кириш. Турли тарихий даврларда аҳолининг сони таҳлилларига назар ташласак, унда аҳолининг жуда секинлик билан ўсганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ, XIX асрнинг охиригача чорагидан сўнг аҳолининг кескин ўсиши кузатилган. XX асрнинг иккинчи ярмидан эса ўсиш суръати янада жадаллашди. Маълумотларга кўра, ишлов бериладиган ерлар инсон яшаши учун ўта қулай ҳудуд сифатида қаралади. Бундай ҳудудларда жами аҳолининг 70 % истиқомат қилмоқда. Унинг устига дунёнинг урбанистик салоҳияти 50 % бўлгани ҳолда уларда яшовчи 3,3 млрд аҳоли қуруқлик юзасининг 1 % ида яшамоқда. Шунингдек, дарё водийларида ва қуриқликнинг 200 м гача бўлган ҳудудларида зичлик ўта юқорилаб кетган (айрим ҳудудларда 1 кв м га 2000 киши). Кўриниб турибдики, инсоннинг ресурсларга бўлган талаби ошиб бормоқда ва бу ҳолат аҳолининг ўсиб бориши ва ишлов берилаган ерларга тўғри пропорционалдир.

Аҳолининг зичлашуви ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги дастлаб Европа ҳудудларида яққол сезила бошланди. Айнан Германияда XIX аср бошлариданоқ унинг келажакдаги таназзули башорат қилинди. Ўша даврлардананоқ Германияда аҳоли яшашида табиий ҳудуднинг ўта муҳимлиги ва уни режали

асосда ташкил этиш масалалари кенг ёритила бошланди. 1960-1970 йиллардан бошлаб Европа давлатларида аҳолининг иқтисодий-экологик муаммолари бевосита ландшафтларнинг ўзгариши ва бузилган ландшафтларнинг ортиб бориши билан изоҳлана бошланди. Фан соҳасида эса “ландшафт” (Landschaft), “ландшафтларнинг боқа олиш қобиляти”, “ландшафтли районлаштириш” тушунчалари ҳамда “ерларни яхшилаш” (Landesverbesserung, landesverschönerung), “ландшафтларни боқиш, қараш” (Landschaftspflege), “ландшафтни ташкил қилиш” (Landschaftsgestaltung) каби илмий терминлар пайдо бўлиши бунга мисолдир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Бугунги кунда Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона вилоятида аҳолининг зичлиги тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжаликнинг ортишига ва табиий-аграр имкониятнинг (Ю.Аҳмадалиев, 2007) пасайишига олиб келмоқда. Вилоятнинг табиий картасига назар ташласак, аҳоли зич яшайдиган ҳудудлар денгиз сатҳидан 400-600 м баландликка эга бўлган ҳудудларга тўғри келади. Шунингдек, ушбу ҳудудлардаги аҳоли зичлигининг энг юқори кўрсаткичлари Сўх, Исфара, Марғилонсой, Исфайрамсой конус ёйилмаларидан ҳосил бўлган қия текисликлардан иборат. Вилоят аҳоли-

сининг ўртача зичлиги 1 км кв майдонга 455 киши бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич Сўх–Исфара конус ёйилмаларидан ҳосил бўлган қия текисликларда жойлашган Учкўприк, Боғдод, Бувайда ва Риштон туманларида ўртача 590 кишига етади.

Бирок, вилоятнинг 400 м гача бўлган ҳудудлари ва 600-700 м дан юқори ҳудудларида аҳоли зичлиги 400-600 м баландликка эга бўлган ҳудудларга нисбатан пастлиги кузатилади. Бунинг асосий сабаби 400-600 м баландликка эга бўлган вилоят ҳудудида суғориш имкониятнинг 400 м гача ва 600 м дан юқори ҳудудларга нисбатан кўплигидадир. Айнан 400-600 м баландликдан иборат ҳудудда Катта Фарғона канали шарқий Шохимардонсой ва Фарғона шаҳри атрофи ҳудуди ва ғарбий Сўх сойи ва Қўқон шаҳар атрофи ҳудудларини бирлаштирувчи ўзига хос ареал вазифасини бажаради. Бу ўринда агломерация омилини ҳам ҳисобга олиш лозим, яъни Қўқон ва Фарғона шаҳар атрофи ҳудудларида аҳолининг вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан зич жойлашган. Юқоридаги масалаларни кенгроқ таҳлил этиш тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Вилоят аҳолиси зичлиги ва жойлашуви тадқиқот объекти сифатида танланган бўлса, аҳолининг баландлик минтақаланиши, гидрологик шароитларга қараб таҳлил этиш йўллари аниқлаш ва ўрганиш тадқиқот ишининг предмети белгилайди.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Тадқиқотга бирламчи маълумотлар сифатида аҳоли жойлашуви ва зичлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, илмий ғоя ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мавзуга оид асарлари, Олий мажлисда қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг шу соҳадаги тадқиқот ишлари бирламчи маълумотлар сифатида хизмат қилади.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Фарғона вилоятида ерлар-

дан фойдаланишда юзага келадиган геоэкологик муаммоларни бартараф этишда ландшафтли ёндашувни зарурлиги тадқиқотчилар томонидан олиб борилган (Ю.Аҳмадалиев, Д.Мўминов, 2010). Тадқиқотда қишлоқ жойлардаги геоэкологик ҳолатни ўзгаришига ташхиз қўйиш, башоратлаш ва салбий томонга бўладиган ўзгаришларни олдини олиш асосий мақсад қилиб олинган ҳамда иқтисодий антропоген таъсир миқдорини ўрганиш билан бирга унинг ҳар бир ландшафт турига таъсири алоҳида ўрганилган. Шунингдек, Л.Алибеков (1982) томонидан ривожлантирилган “геожуфтлик” назариясини геоэкологик шароитни ўзгаришидаги аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни геоморфологик жиҳатидан юқорида жойлашган ландшафт турларидан, қуйида жойлашган ландшафтларга ва аксинча ҳолатларда юз берадиган “модда ва энергия” алмашинуви унинг натижасида юз берадиган ўзгаришлар тадқиқот диққат марказига олинган.

Ю.Аҳмадалиев ва Д.Мўминовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда Фарғона вилоят ҳудуди тўртта баландлик минтақасига ажратилган ва мос келувчи туманлар кесимида таҳлил этилган. Бирок, вилоят табиий картасига назар ташласак, унда аҳоли зич яшайдиган ҳудуд икки катта қисмга Сўх сойи ва Қўқон шаҳар атрофи ҳамда Шохимардонсой ва Фарғона шаҳри атрофи ҳудудига ва бу ҳудудларни бирлаштирувчи Катта Фарғона канали ҳавзаси билан боғланган ареал-ҳудудга тўғри келади. Бу икки минтақа баландлик минтақаланиши жиҳатидан етарлича фарқланишга эга.

Шунинг учун вилоят аҳолисининг жойлашувини тадқиқ этишда гидрологик омилнинг устунлиги ва ерни суғориш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ажратиладиган икки минтақа ва улар ўртасида боғланган ҳудуд аҳолиси алоҳида бирлик сифатида олинади. Вилоятнинг шимолий (Олтиариқ, Ёзёвон, Тошлоқ туманлари шимолий қисми) ҳудудлари иккинчи минтақа сифатида, жанубий (Ўзбекистон, Фарғона

туманлари жануби ва Сўх туманлари худуди) худудлар учинчи минтака сифатида ажратиб олинади. Бу ўринда Ю.Аҳмадалиевнинг табиий қишлоқ хўжалиги районлари, О.Абдуғаниевнинг ландшафт турларини ажратиш тамойиллари, Д.Мўминовнинг баландлик минтақаланиши бўйича аҳоли жойлашуви бўйича олиб борилган тадқиқотлари натижаларига ҳам катта эътибор қаратиш талаб этилади.

Фарғона вилоятини геоэкологик, ландшафт таснифи ва баландлик минтақалари бўйича олиб борилган Ю.Аҳмадалиев, О.Абдуғаниев ва Д.Мўминовларнинг тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда вилоят худудини баландлик минтақаланиши, ландшафт турларига мос ҳолдаги ареаллар (майдон) усулидан фойдаланиб районлаштириш ўтказиш амалга оширилади.

Хулоса. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашган шароитда ерлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни ташкил этиш бугунги куннинг ўта

долзарб масалаларидан биридир. Европа давлатлари тажрибасида синалган ва ердан фойдаланишда ландшафтлар гуруҳининг аҳамияти муҳимлиги қайта-қайта таъкидланган бир шароитда республика худудидида хусусан аҳоли зич яшовчи Фарғона водийси худудларида мукамал амалий ландшафт тадқиқотлари ўтказиш муҳим вазифадир. Зеро, ландшафтларни тўғри тақсимлаш ва уларга мос ҳолда таъсир этиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш ва геоэкологик вазиятни оптималлаштиришга эришиш мумкин. Бу ўринда ландшафтларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ўта муҳимлигига урғу бериб, Тбилиси давлат университети профессори Н.К.Элизбарашвили фикрларини келтирмоқчимиз: – “Грузия иқтисодиёти юқори даражадаги давлат эмас, аммо унинг ландшафтларига тўғри таъсир этиш орқали уни дунёнинг энг йирик саноатлашган минтақасига айлантириш мумкиндир”.

Резюме

В данной статье освещены геоморфологические и гидрологические факторы, влияющие на размещение населения. Основное внимание уделено на совершенствование территориальной организации населения Ферганской области с учетом ландшафтного подхода.

Resume

In the article hydrological and geomorphological conditions which influences to population density and its development were illuminated. Author basically paid attention to landscape approach problem in increasing regional organizing the population of Ferghana province.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЎРГАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Атажонов М., Пайзуллаев М.

Таянч сўзлар: қишлоқ жойлар, қишлоқ туманлари, аҳолининг таъминланиши даражаси, “Қишлоқ” дастури, ижтимоий инфратузилма, намунавий лойиҳа, қишлоқ аҳоли пунктларининг бош схемаси ва архитектура лойиҳалари, турар жой фонди.

Ўзбекистон геодемографик вазияти таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ жойларда аҳоли табиий кўпайишининг шаҳарларга нисбатан юқорилиги, оилада кўп болалилик анъаналарининг кўлаб қувватланиши, доимий миграциянинг сустлиги каби омиллар бу жойларда ижтимоий географик мазмун касб этувчи ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган

муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, замонавий иқтисодий ва ижтимоий география доирасида мамлакатимиз қишлоқ жойларини тадқиқ этиш кўлами анча кенгайди. Бу борада айниқса, ижтимоий инфратузилма соҳаларини географик ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари бир қанча олимларнинг илмий ишларида ўз аксини

топган (А.Солиев, Р.Маҳмадалиев, М.Назаров, З.Тожиева ва б.).

Маълумки, 2008 йилнинг 5 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур йўналишлар бўйича чоратадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046 сонли қарори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чоратадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутилидиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган.

Давлат дастурининг муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларидан бири аҳолини уй-жой билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, аҳолини уй-жой билан таъминланиш борасида 2009-2013 йиллар мобайнида ҳудудларнинг архитектуравий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош режалари ишлаб чиқилиб, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг намунавий лойиҳалари тайёрланди ва «Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа» тадқиқот институти ташкил этилди.

Шунингдек, қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришда қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш тизими ва қурилишни тубдан такомиллаштиришга қаратилган, хусусан, қишлоқ аҳоли пунктларини бош схема ва архитектура лойиҳалари асосида қуриш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари амалга жорий этилди. Жумладан, қишлоқда уй-жой архитектураси ва

қурилишни лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий объектларини қуриш лойиҳаларини табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Намунавий лойиҳа деганда, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини минтақаларнинг табиий-иқлим шароитлари, жойнинг рельеф хусусиятлари, ҳудудларнинг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда намунавий уй-жойлар қуриш учун «Қишлоққурилиш-лойиҳа» МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳа назарда тутилади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1167, «2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1687, «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги ПҚ-1902, Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилиши режалаштирилган. Бунга мос равишда, Ўзбекистон қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини молиялаштириш учун 2010 йилда 428,9 млрд., 2011 йилда 576,5 млрд., 2012 йилда 906,0 млрд. сўм маблағ ажратилди. 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг қишлоқ туманларида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 млн. кв. м. бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу

мақсадларга 1,2 млрд. доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда узунлиги 732 км асфальтланган автомобил йўллари, бир қанча ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилди. Натижада эса қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлик даражаси ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ жойларининг демографик, ижтимоий географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 2013 йилда эса қишлоқ туманларида 353 та массивда умумий майдони 1 млн. 500 минг кв.м. бўлган 10 мингта уй-жой барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Бунинг учун қарийб 650 млн. доллар миқдордаги маблағ йўналтирилди, унинг 106 млн. доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари ҳисобланади. 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг кв. м. бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири уй-жой фонди ҳажмидир. Ҳозирги вақтда ҳар бир кишига ўртача 14.8 кв.м га уй-жой тўғри келмоқда. Айни пайтда, қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви, канализация, марказий иситиш тизими, табиий газ, иссиқ сув таъминоти кабилар билан таъминланиш даражаси аҳамиятли рол ўйнайди. Шу мақсадда мавжуд турар-жой фондиди реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг амалга ошири-

лиши натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Маълумки, 2013 йилда Тошкентда “Замонавий уй-жой қурилиши-қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги Халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга эканлиги яна бир бор таъкидланди. Жумладан, унда иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассислар ушбу соҳа бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан ўзларининг ижобий фикрларини билдириб ўтдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аҳолининг уй-жой билан таъминланишининг географик жиҳатларини ўрганиш замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб илмий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, бундай тадқиқотларнинг амалий ечимлари, таклиф ва тавсияларидан қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Солиев А. ва бошқалар. Қишлоқ жойлар демографияси. - Т., 2005, - 140 б.
2. Солиев А.С., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). - Т., 2009.
3. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. (Амалий қўлланма). - Т.: “Илм-зиё”, 2009.

Резюме

В статье рассматриваются географические особенности изучения обеспеченности сельского населения Узбекистана с жилищной площадью.

Resume

The survey geographic respect study of provide by home population of rural areas in Uzbekistan in this article.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

“СОҒЛОМ БОЛА” ЙИЛИДА ЧАҚАЛОҚЛАР ЎЛИМИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Темиров З. А.


Таянч сўзлар: репродуктив саломатлик, чақалоқлар ўлими, туғилиш коэффиценти, туғилиш суръати, ўлим коэффиценти.

Андижон вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва чақалоқлар ўлимини камайтириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар ҳозирги кунда жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Сабаби, вилоятда туғиш ёшидаги аёллар сони йил сайин ортиб бормоқда (1-расм). Бу

кўрсаткичнинг ортиб боришини 1990 йилларда туғилиш суръатини юқори бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. 2003 йилда вилоятда фарзанд кўриш ёшидаги аёллар сони 569,9 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 715,4 мингга ёки 125% га ортган. Шунга мувофиқ тарзда туғилганлар сони ҳам ортиб борди.

1-расм

Андижон вилоятида фарзанд кўриш ёшидаги аёллар салмоғининг ўсиши (киши)




Расм Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди

Андижон вилоятида 2003-2012 йиллар давомида туғилиш коэффиценти ошиб боргани кузатилади (2-расм). 2003 йилда туғилиш коэффиценти ҳар минг киши ҳисобига 18,7 ни ташкил этган.

2003-2008 йиллар мобайнида бу коэффиценти ортиб борди ва 2008 йилда у 25,2 промиллега тенг бўлди. Ундан кейинги даврда вилоятда туғилиш коэффиценти бир оз пасайди.

2-расм

Андижон вилоятида туғилиш коэффиценти динамикаси (%)



Жадвал Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди


Андижон вилоятида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида чақалоқлар ўлими камайиб бормоқда. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида бу борадаги кўрсаткич сезиларли даражада

камайганини кузатиш мумкин. 2003 йилда ҳар мингга туғилган чақалоқнинг 14 тасида ўлим ҳодисаси кузатилган бўлса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир амалга оширилган чора-

тадбирлар натижасида бу кўрсаткич 2012

йилда 7 тага тушди.

3-расм

Андижон вилоятида чақалоқлар ўлими (ҳар 1000 нафар туғилган болага нисбатан)

Расм Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди

Болалар ўлимининг касалликлар тури бўйича таҳлилида нафас аъзолари касалликлари 46,1 %, перинатал давр касалликлари 37,1 %, туғма нуқсонлар 13,3 %, инфекция касалликлар 2,3 % ни ташкил этган. Бошқа касалликлар эса 1,2 % га тенг бўлган.

Вилоятда чақалоқлар ўлими туманлар миқёсида таҳлил қилинганда ҳудудий тафовутлар кузатилди (Жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилаётган йилларида шаҳарларда 13 промилледан 9,3 промиллега пасайиш кузатилган бўлса, қишлоқ туманларида бу кўрсаткич 12 промилледан 7,9 га камайган. Умуман олганда, шаҳарларда туманларга нисбатан чақалоқлар ўлими юқорилиги билан характерланади.

Жадвал

Андижон вилояти шаҳар ва туманларида чақалоқлар ўлими коэффицентлари (%)

№	Туман ва шаҳарлар номи	2008 йил	2012 йил
1	Андижон ш.	14.0	9.2
2	Асака ш.	7.5	8.5
3	Ҳонобод ш.	11.7	12.5
Қишлоқ туманлари			
1	Олтинкўл	10.6	5.9
2	Андижон	15.4	7.9
3	Балиқчи	15.2	7.5
4	Бўз	8.0	4.7
5	Булокбоши	10.0	7.0
6	Жалакудук	10.2	7.4
7	Избоскан	12.7	8.9
8	Улуғнор	8.2	4.6
9	Қўрғонтепа	11.6	6.0
10	Асака	12.5	8.9
11	Марҳамат	12.0	14.5
12	Шаҳрихон	9.0	12.8
13	Пахтаобод	14.3	11.6
14	Хўжаобод	14.4	9.2

Жадвал Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Таҳлилларга кўра, чақалоқлар ўлимини энг юқори кўрсаткичлари Марҳамат (14,5), Шаҳрихон туманида (12,8), Пахтаободда (11,6) ва Ҳонобод шаҳрида 12,5 промиллени ташкил этди. Энг паст кўрсаткичлар эса Улуғнор ва Бўз туманларида кузатилиб, мос равишда 4,6 ва 4,7 промиллега тенг бўлди.

Андижон вилоятида туғилиш суръати кейинги йилларда пасайиб бориши билан бир қаторда чақалоқлар ўлими кўрсаткичларида ҳам пасайиш кузатилди. Вилоятда чақалоқлар ўлими коэффицентларини таҳлил қилиш жараёнида чақалоқлар ўлимини камайтиришга доир қуйидаги таклиф ва тавсияларни

ишлаб чиқишга имкон берди:

- мустақкам оилани шакллантириш ва оила барқарорлигини оширишда эрта турмуш қуришни олдини олиш;

- чақалоқлар ўлимини камайтириш ва баркамол авлодни тарбиялашда оналарнинг фарзандлар кўриш орасидаги даврини узайтириш лозим. Вилоятда туғилаётган иккинчи ва ундан кейинги фарзандларнинг 50 % уч йилдан ортиқ вақт оралиғида туғилган 50 % эса бир ёки икки йилгача бўлган давр оралиғида туғилган. Келгусида барча туғиш ёши орасидаги интервални 3 йил ва ундан ортиқ вақтга етказишга эришиш мақсадга мувофиқ.

- вилоятда фарзанд кўриш ёшидаги аёллар салмоғи ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 1989 йилда вилоятда табиий кўпайиш 26,3 промиллега тенг бўлган. Фарзанд кўриш ёшидаги аёллар салмоғининг ортишини бу ёшга етган аёллар туғилган даврда туғилиш коэффициенти юқори бўлганлиги билан изохлаш мумкин. Ҳозирда туғилиш коэффициенти пасайиб

бориши келгусида туғиш ёшидаги аёллар салмоғининг ҳам камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида туғилиш сонининг камайишига сабаб бўлади. Бинобарин, чақалоқлар ўлимини камайтириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилиши долзарб масалага айланиши лозим;

- чақалоқлар ўлимининг асосий сабаби оналарнинг ҳомиладорлик вақтида содир бўлган касалликлари билан боғлиқ бўлмоқда. Никоҳдан олдинги тиббий кўрик ва ёш оналарнинг ҳомиладорлик вақтидаги тиббий кўрик сифатини янада яхшилаш орқали чақалоқлар ўлимини камайтиришга эришиш мумкин.

- академик лицей, касб хунар коллежларининг битирувчи курсларида ҳамда олий таълим муассасалари талаба йигит-қизларига “оила мактаби” ўқув курслари ташкил этилса ва ёшларга оила мустақкамлиги, фарзанд тарбияси каби билимлар берилса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Тошкент, 1997.
3. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Тошкент, 2001.
4. Андижон вилояти статистика бош бошқармаси малумотлари.

Резюме

В данной статье проведен географический анализ младенческой смертности Андижанской области и разработаны предложения и рекомендации по её снижению.

Resume

The geographic analyses child mortality by Andizhan region and examined offers and recommendation to decrease by child mortality in this article.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

ГОРОДА УЗБЕКИСТАНА НА ПУТИ К УСТОЙЧИВОМУ РАЗВИТИЮ

Турсунов Х.Т.

Ключевые слова: города и агломерации, устойчивое развитие, эколого-экономические проблемы, сбалансированное развитие, национальная стратегия.

В настоящее время мы являемся свидетелями обострения многих социально-экономических и экологических проблем, которые особенно зримо проявляются в городах и агломерированных формах расселения. Несмотря на это, города, в которых с каждым годом

увеличивается число жителей, становятся предпочтительной «экологической нишей» для большинства людей.

Устойчивое развитие современного города – это исключительно актуальная и вместе с тем, сложная задача, которая должна решаться на междисциплинарном

уровне, с участием всех жителей и руководства города. После принятия концепции устойчивого развития и «Повестки Дня на XXI век», в конце XX века, началось движение городов мира к устойчивому развитию. В системе ООН созданы структуры, призванные помогать переходу к устойчивому развитию (НАВИТАТ – Центр ООН по человеческим поселениям, UEF – Форум по городской среде и др.) .

Ряд крупных городов и регионов мира уже включились в выполнение Программ устойчивого развития, представили свои "Планы устойчивого развития", в которых решаются практически все без исключения проблемы - от поддержания экологически обоснованного соотношения между освоенными и естественными территориями (в том числе сохранение даже на территории городов участков "дикой природы") и до создания системы сокращения и утилизации всех отходов [2]. Это - программы действий, которые направлены на решение актуальных сегодня и перспективных проблем. Но главное - они позволяют видеть проблему обеспечения устойчивого развития в комплексе, во всех видах человеческой деятельности и для всех компонентов загрязняемых ландшафтов (место проживания, промышленность, транспорт, отходы, вода, воздух, и др.). Программы включают мероприятия в области экологического образования и воспитания.

Обычный план устойчивого развития города может включать в себя следующие разделы:

- Советы (требования) к руководству.
- Советы (предложения) гражданам.
- Повышение качества воздуха и воды.
- Сбережение энергии. Альтернативная (зеленая) энергетика.
 - Городские ландшафты.
 - Отходы. Сокращение, переработка, хранение.
 - Рециклинг, очистка.

- Экономическое развитие с учетом интересов природы.
- Транспорт. Экологичный транспорт.
- Природоохранные технологии.
- Действия местного управления.
- Реклама природоохранной деятельности.
 - Экореконструкция (города, завода, энергокомплекса, агрокомплекса, транспортного комплекса, свалок и др.).
 - Экологическое образование и образование для целей устойчивого развития и др.

По мнению ряда экспертов, в развивающихся странах наблюдается «слабая устойчивость» и нужны значительные усилия, время, средства, инновационные технологии для достижения «сильной устойчивости». Время не ждет, и любая страна, в том числе и Узбекистан, должна проводить целенаправленную эколого-экономическую и градостроительную политику для достижения устойчивости в среднесрочной или в долгосрочной перспективе.

В настоящее время в Узбекистане в 119 городах и 1065 городских поселках проживает более 51% населения. При этом, крупные, средние и малые города, центры различного функционального профиля, имеют свои специфические эколого-экономические и географические проблемы. Недостаточная изученность проблем и необходимость обоснования методологии обеспечения экологической безопасности и устойчивого развития городов на базе построения эффективных систем природопользования и оздоровления окружающей среды, является приоритетной задачей в достижении устойчивого, сбалансированного развития Узбекистана в долгосрочной перспективе.

В Национальной стратегии устойчивого развития Узбекистана(1999 г.) отмечается, что «сбалансированная экологическая и экономическая политика государства в рамках обеспечения устойчивого развития предполагает решения тесно взаимосвязанных проблем

создания благоприятных условий жизни населения в городах и населенных пунктах путем ведения системы научно-обоснованного градостроительства и районной планировки, устраняющие все отрицательные последствия современной урбанизации».

В отдельных малых, средних и крупных городах наблюдается изношенность инфраструктуры, загрязнение воздуха, главным образом автотранспортом (от 60 до 80%), загрязнение воды, почв, подтопление, нехватка озеленения, недостаток рабочих мест и др. Вместе с тем, за последние годы в городах Ташкенте, Самарканде, Андижане, Намангане и в ряде других осуществлена существенная реконструкция, построены современные здания, широкие улицы и транспортные развязки, обновляется автопарк, создаются парковые территории для отдыха населения. Эти позитивные тенденции создают благоприятные условия для постепенного перехода городов Узбекистана на путь устойчивого развития в среднесрочной перспективе.

Согласно опыта развитых стран, в крупных городах Узбекистана можно создание сначала небольших новых эко-районов в городах (моделей эко-сити), а затем все большая экологизация всех мест расселения с целью повышения качества жизни, сохранения и восстановления природы и всех компонентов ландшафтов, сокращения поступления загрязнений и их исключения, утилизации, снижения энергопотребления, повышения эстетических качеств застройки, и др., и в итоге - восстановление экологического равновесия с природной средой. Основным фактором является постепенные позитивные сдвиги в образе жизни, потреблении, деятельности и устремлениях людей, в экологизации всей человеческой деятельности в городах.

На наш взгляд, переход страны к устойчивому развитию начинается с крупных городов, сеть которых является основным каркасом расселения. Именно крупные города, которые имеют

необходимую инфраструктуру, конкурентоспособные кадры, инвестиции и инновации могут стать базовыми для эволюционного перехода страны устойчивому развитию. Уникальным в этом отношении является крупнейший город Центральной Азии, столица Республики Узбекистан-Ташкент, который одновременно является ядром и центром крупной агломерированной формы расселения.

Перспективное развитие города (согласно ТЭО Генплана) на расчетный срок (2030 г.) планируется на территории 41800 га [3]. На будущее предусматривается дальнейшее развитие города Ташкента как столицы независимого государства, лидера социально-экономического прогресса республики. Вопросы градостроительного и социально-экономического развития столицы решаются в контексте общереспубликанской системы размещения производительных сил и расселения населения Узбекистана с учетом взаимосвязей Ташкента и его пригородной зоны как единого народнохозяйственного, социального и природно-экологического комплексов.

В ближайшем будущем предполагается увеличение площади города на 8,63 тыс. га. за счет земель Кибрайского, Среднечирчикского и Зангиатинского районов. В новых границах рост населения прогнозируется до 3,0 млн. человек, плотность населения – 72,9 чел/га.

Наиболее уязвимыми элементами среды в городе являются водные объекты – р. Чирчик и запитанные из него ирригационные правобережные и левобережные каналы. В наибольшей степени захлавлена и не обустроена прибрежная зона р. Чирчик, которая нуждается в расчистке от производственных объектов, складирования мусора; требуется здесь благоустройство и озеленение. В настоящее время количество крупных предприятий в городе уменьшилось. Площадь неэффективно используемых территорий в промзонах достигает 1200 га. Анализ транспортной сети города показал, что город не имеет законченной

структуры магистральной уличной сети и полных транспортных развязок для непрерывного движения транспорта, недостаточно транспортных сооружений с полными развязками автомобильного движения, что увеличивает время на передвижение и связи между районами города.

В Ташкенте ежегодно образуется до 1 тыс. т твердых бытовых отходов, 10% которых подвергается промышленной переработке и обезвреживанию, остальные вывозятся на полигоны и свалки. На промышленных предприятиях образуется около 1 млн.т промышленных отходов, часть из которых используется вторично, остальные складываются на свалках и полигонах, 10% скапливается в пром-зонах либо на несанкционированных свалках, загрязняя окрестности и водоёмы. Все участки несанкционированных свалок требуют проведения благоустроительных работ. В ближайшем будущем в столице планируется повышение эффективности использования земель, снижение загрязнения атмосферного воздуха вдоль транспортных магистралей, увеличение площади зеленых насаждений, выполнение мер водо- и почвоохранного значения без ущерба для отводимых территорий под жилую и общественную застройку. Возрастет площадь общественной зелени – парки, бульвары и скверы. Проектируемая схема водоснабжения разработана с учетом максимального водосбережения. Существующая мощность водозаборных сооружений сохраняется, но в системе водоснабжения города намечается комплексная реконструкция.

По расчетам к 2030 г ожидается рост населения, увеличение пассажиропотока и рост подвижности населения. С

увеличением территории города увеличится средняя длина поездки, соответственно увеличивается работа массового транспорта, что приводит к необходимости увеличения парка подвижного состава. В исторических зонах города, в ходе реконструкции общественной и жилой застройки с целью эффективного использования земель предусматривается строительство многоэтажных или подземных гаражей. Намечается реализация программы использования потенциала энергии солнечной радиации. На начальном этапе рекомендуется внедрение солнечно-тепловых установок для покрытия тепловых нагрузок только на вновь строящихся зданиях жилой застройки города. За период до 2020 г. планируется построить солнечных тепловых установок общей площадью – 1027,93 тыс.м², а всего на расчетный срок за период до 2030 г. – общей площадью – 2035,425 тыс. м².

Проектом развития Ташкента и пригородной территории предусматривается выделение долин каналов и р.Чирчик в качестве основных ландшафтно-рекреационных зон города с созданием парков, гидропарков, садов, скверов, набережных, бульваров. Новые рекреационные территории намечается также создать вдоль берегов основных городских водотоков: на севере – в долине канала Бозсу, на северо-западе – на канале Кара-камыш, на юго-западе – канала Анхор, и междуречья каналов Салар-Джун, на востоке и юге – долины р.Чирчик. Эти и другие положительные тенденции в развитии Ташкента и других городов Узбекистана закладывают прочный фундамент в будущее устойчивое развитие страны.

Литература:

1. Национальная стратегия устойчивого развития Республики Узбекистан. – Ташкент, 1999. - 118 стр.
2. Тетиор А. Устойчивое развитие городов. – М.: 2000. – 195 стр.
3. Шивалдова Н. Ташкент, каким Ты будешь завтра? [http:// www.econews.uz](http://www.econews.uz)

Резюме

Мақолада Ўзбекистон шаҳарларини барқарор ривожлантиришининг айрим муаммолари таҳлил қилинган. Тошкент шаҳрини барқарор ривожлантириши масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Resume

This article discusses some of the issues of sustainable development of cities of Uzbekistan. Particular attention is paid to the issues of sustainable development of the city of Tashkent.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ШАҲАРЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИ

Нуранов М.З., Наурызбаева Г.Т., Ембергенов Н.Ж.

Таянч сўзлар ва иборалар: шаҳарлар, шаҳар жойлар, экология, урбоэкология, атмосфера чиқиндилари, таъсир зонаси, хом ашё.

Шаҳарлар – аҳоли манзилгоҳлари ижтимоий меҳнат тақсимотининг маҳсули сифатида вужудга келган асосий типи, ҳозирги замонда аҳолининг энг кенг тарқалган ва жойлашган шаклидир. Шаҳар ва қишлоқларни бир-биридан ажратиб турадиган асосий белги – уларнинг халқ хўжалигида бажарадиган функцияси. Аҳоли манзилгоҳлари бир-бири билан ўзаро қалоқада бўлиб, турли ҳудудий тизимларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам аҳоли манзилгоҳларини географик жиҳатдан ўрганишда уни доимий алоқада бўлган бир бутун система деб қараш, унинг ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳарларни экологик “урбоэкологик” жиҳатдан ўрганиш географиянинг ривожланган тармоқларидан биридир. Шаҳарлар йириклашиб борган сари уларнинг хом ашёга бўлган талаби ва атроф-муҳитга таъсири кучайиб борди. Ҳозирги кунда шаҳарлар катта-кичиклиги ва функциясига қараб хом ашё ресурсларга талаби бўйича бир-биридан кескин фарқланади. Энг аввало шаҳарларга тоза сув керак бўлади. Маълумотларга қараганда аҳоли сони 1 млн. кишига тенг бўлган шаҳарга йилига тахминан 0,5 км³ сув талаб этилади.

Сувнинг асосий қисми табиий оқим, яъни дарё сувлари бўлиб, у ҳозирги кунда ҳар хил кимёвий чиқиндилар билан ифлосланиши кучаймоқда. Шаҳарларда энг кўп ёқилғини, айниқса, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариш жараёнида кислород, оксидланувчи водород ва углеродларни ишлатади. Ҳисоб-китобларга қараганда аҳолиси 1 млн. киши бўлган шаҳарлар йилига 50,0 млн. т ҳаво ишлатади.

Атмосферани чанг билан ифлословчи ва миқдори бўйича шаҳарнинг энг кўп ишлатадиган кейинги маҳсулоти

минерал-қурилиш хом ашёсидир (йилига 10,0 млн. т гача). Техноген ресурслардан энг асосий ўринни ёқилғи: кўмир – 3,8; нефть – 3,6; табиий газ – 1,7 ва суюқ ёқилғи – 1,6 млн. т ташкил этади. Ҳар бир бундай катталиқдаги шаҳар йилига 7-8 млн. т шартли ёқилғи истеъмол этади.

Шаҳарлар истеъмол қиладиган асосий ресурслар – саноат корхоналарида ишлатиладиган хом ашёлардир. Лекин, уларнинг хом ашё турларига бўлган талаби шаҳарларнинг ихтисослашувига ҳам боғлиқ. Маълумотларга кўра, аҳолиси 1 млн. бўлган шаҳарда қора металлургия 3,5 млн. т, рангли металлургия эса 1,0 млн. т, тоғ-кимё 1,5 млн. т, техникавий ўсимлик 1,0 млн. т, энерго-кимё 220 минг т хом ашёсини ишлаб чиқаради. Шунингдек, бундай шаҳарлардаги озиқ-овқат саноати ҳам кўп миқдорда хом ашёни ишлатади. Аҳолиси йилига 1 млн. т озиқ-овқат истеъмол қилади. Демак, бундай катталиқдаги шаҳар йилига тахминан 29 млн. т (сув ва ҳаво бундан мустасно) ҳар хил маҳсулотларни ишлатади ва улардан фойдаланиш ва ташиш жараёнида атроф-муҳит маълум миқдорда зарар кўради. Атроф-муҳитни ифлословчи бундай моддаларнинг айрим қисми атмосферага, бир қисми эса сувга ёки қаттиқ чиқинди кўринишида тупроққа тушади.

Шаҳарлар нафақат хом ашё истеъмол қилади, балки маълум миқдорда табиатга ҳар хил чиқиндилар чиқаради. Аҳоли сони юқорида келтирилган катталиқдаги шаҳарларда атмосферани булғовчи саноат ва маиший чиқиндилар таркиби ҳам хилма-хилдир.

Атмосфера чиқиндиларининг асосий қисмини сув буғлари ва аэрозол (10,8 минг т), углекислота гази (1,2 минг т), олтингугурт ангидриди (240 т), углерод оксиди (240 т) ва чанг (180 т) ташкил этади. Бундан ташқари, шаҳарлар

кам миқдорда атмосферага азот оксиди, органик моддалар (фенол, бензол, спирт, эритмалар, ёғли кислоталар), хлор, туз кислотаси, водород сульфати, аммиак, фтор, углерод сульфати, кўрғошин бирикмалари, мышьяк, ртут ҳамда чанг таркибида никель, уран, кобальт, кадмий, бериллий моддаларини чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, бундай

чиқиндиларнинг тарқалиши жуда нотекис. Масалан, иссиқлик электр станциялар ва иситиш мосламалари тўлиқ ишлайдиган қиш ойларида атмосферага чиқадиган чиқинди миқдори ошади. Атмосферанинг ер билан чегара қисмини булғовчи углеводород миқдори йилига 10,8 минг т дан кўпайиб боради.

Жадвал

Шаҳарлар майдони ва унга боғлиқ уларнинг марказдан таъсир этиш зонаси

Шаҳар аҳолиси сони (минг киши)	Шаҳарнинг ўртача майдони, км ²	Ўртача таъсир этувчи майдони, км ²	Марказдан таъсир этувчи чегараси, км	
			энг юқори	энг кам
1000 дан кўп	179	3390	59	13
999 – 500	74	2370	44	12
499 – 100	34	1550	33	10
99 – 50	22	385	26	2

Шунингдек, шаҳарлар атроф-муҳитга ҳар хил қаттиқ ва концентрацияланган чиқиндилар ҳам чиқаради. Аҳоли сони 1 млн. кишига тенг бўлган шаҳарлар ҳар йили канализация орқали атроф-муҳитга 350 млн. т ҳар хил ифлос сувларни чиқаради. Чиқиндилардан ИЭС кул ва шлаклари (550 минг т), ёғоч чиқиндилари (400 минг т), қора металлургия чиқиндилари (320 минг т), озик-овқат саноати чиқиндилари (130 минг т), рангли металлургия чиқиндилари (120 минг т), қурилиш ахлатлари (50 минг т), кальций хлорид (20 минг т), авто шиналари (12 минг т), қоғоз ва картонлар (9 минг т), резина (7,5 минг т), полимер чиқиндилар (5 минг т), обой, чарм, жун ва бошқалар ташкил этади.

Маълумки, шаҳарларда аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан уларда ишлаб чиқариш ҳам ривожланиб боради. Шу боис, шаҳарларда аҳоли сони қанча кўп бўлса, улар таъсир зонаси ҳам шунча катта бўлади.

Келтирилган жадвалдан шуни кўриш мумкинки, аҳоли сони 50-100 минг кишилик шаҳарлар майдони 22 км кв., ўртача таъсир этувчи зона майдони эса 385 км кв. ни ташкил этса, таъсир этувчи масофа эса марказдан 2-26 км гача этади.

Бу кўрсаткич аҳоли сони 1 млн. кишилик шаҳарларда улар эгаллаган майдон 179 км кв., таъсир этувчи зона майдони 3390 км кв., таъсир этиш чегараси эса 13-59 км гача этади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкин, шаҳарлар бундай кўп миқдорда атроф-муҳитга таъсири оқибатида ўзига хос шаҳар атрофи “микроиқлими” шаклланади ва бу кўпроқ салбий характерга эга бўлади. Шаҳарларнинг атроф-муҳитга таъсири кўпроқ шамол йўналишига боғлиқ. Шунинг учун саноат корхоналарини қуриш учун жой танлашда шамол йўналишини эътиборга олиш, иложи бориша шаҳардан олисроқ қуриш лозим.

Адабиётлар:

1. Проблемы урбанизации на рубеже веков. – Смоленск: Ойкумена, 2002. – 382 с.
2. Экологический атлас Узбекистана. – Т.: UNESCO Организация Объединенных Наций по вопросам Образования, Науки и Культуры, 2008. – 22 с.
3. www.yahoo.com

Резюме

В этой статье рассмотрены урбэкологические процессы и их влияние на природу. Обращается внимание на людность, величину городов и на их экологическое влияние на окружающую среду.

Resume

In this article reviewed urban-ecological processes and their influence to the nature. The importance is given to the density of population, vastness of cities and their ecological impac to environment.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НОЗОГЕОГРАФИК ВАЗИЯТИ

Ходжаева Г.А., Ембергенов Н.Ж., Турдымамбетов И.Р.

Таянч сўзлар ва иборалар: аҳоли, нозогеография, экологик вазият, аҳоли касалланиши, Орол денгизи муаммоси, аҳоли ўлими, гўдаклар ўлими.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат негизида аҳоли саломатлиги муҳим ўрин эгаллайди. Бу, айниқса, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда ўз аксини топмоқда. Масалан, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли саломатлигига катта эътибор қаратилаётганлиги, қолаверса 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб номланиши бунинг ёрқин мисолидир. Бундай саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилиши келажак авлодда соғлом турмуш тарзи шаклланиши учун пойдевор бўлади.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий шароити ва унинг ҳудудий хусусияти республикамиз нозогеографик вазияти ва аҳолининг касалланиш даражасига таъсир этади. Бу жиҳатдан олиб қараганда Қорақалпоғистон Республикаси Устюрт платоси, Қизиқум чўли ва Амударё дельтасининг бир қисми, Орол денгизи билан боғлиқ экологик вазияти мураккаб ҳисобланган мамлакатимизнинг иқлими кескин континентал бўлган шимоли-ғарбий қисмида жойлашган.

Қорақалпоғистон аҳолиси 01.01.2013 йил маълумотларига кўра 1712,0 минг киши. Аҳоли зичлиги 1 км² майдонга тахминан 10,3 кишига тенг. Аҳолининг ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланиши 44,8 минг кишига; умумий ўлим ҳар минг кишига 8,2 киши; гўдаклар ўлими 11,9 промилле; аёллар ўлими эса ҳар минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан 24,3 нафарни, ҳар минг тирик туғилган болага нисбатан 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 16,4 болани ташкил этади (2012 й.).

Минтақа мамлакатимизнинг шимоли-ғарбида жойлашганлиги сабабли киши совуқ, ёзи эса иссиқ ва қуруқ бўлади. Қайд этганимиздек, бу ўлка Ўзбекистоннинг энг совуқ ҳудудларидан

биридир. Январь ойининг ўртача ҳарорати $-4-8^{\circ}\text{C}$ атрофида, энг паст ҳарорат -33°C гача тушиб кетади. Иқлими кескин континентал ва йиллик ёғин миқдори 90-200 мм. Сўнгги йилларда аҳоли жойлашувида бирмунча ўзгаришлар кузатилмоқда, яъни аҳоли жанубга томон тобора “силжиб” бормоқда. Бунинг асосий сабаби Орол денгизи атрофидаги ноҳуш экологик вазиятдир.

Қорақалпоғистон экологик жиҳатдан мамлакатимизнинг энг номақбул минтақаси ҳисобланади. Бугунги кунда ҳудуд аҳолиси орасида сил, камқонлик (анемия), юқумли ичак хасталиклари, буйрак ва ўт қопининг сурункали касалликлари энг кўп учрайди. Бу жиҳатдан Қорақалпоғистон мамлакатимизда етакчи ўринларда туради. Таъкидлаш жоизки, минтақа мамлакатимизда сил касаллиги билан боғлиқ ўлим ва касалланиш кўрсаткичлари бўйича энг юқори ўринни эгаллайди.

Қорақалпоғистонда аҳолининг умумий касалланиши 2012 йили ҳар минг кишига 767,2 кишини ташкил этади. Бу бўйича туманлар бир-биридан кескин фарқланиб, ушбу кўрсаткич энг юқори туманлар Қўнғирот, Мўйноқ, Тахтақўпир ҳисобланиб, уларда ҳар минг кишига касалланиш 1050-1100 кишига тенг ва республика кўрсаткичларидан паст кўрсаткич Чимбой, Кегейли туманлари ва Тахиатош шаҳрига тўғри келади.

Агар аҳолининг умумий касалланиши бўйича кейинги йиллардаги маълумотларини таълил этсак, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич ҳар минг кишига ўртача 767,2 кишига тенг бўлган ва республика туманларини аҳолининг умумий касалланиши бўйича қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- аҳолининг умумий касалланиши (ҳар 1000 кишига 1100 дан) юқори бўлган Нукус, Кегейли, Хўжайли, Қўнғирот ва

Қонликўл;

- ушбу кўрсаткич (ҳар 1000 кишига 1000-1100) ўртача бўлган Мўйнок, Тахтакўпир, Қораўзак туманлари, Тўрткўл, Нукус ва Тахиатош шаҳарлари;

- умумий касалланиш (ҳар 1000 кишига 1000 дан) паст бўлган Беруний, Амударё, Эллиққалъа, Шуманай ва Чимбой туманлари.

Аҳолининг касалланиш даражаси бевосита аҳоли ўлимига таъсир этади. Қорақалпоғистонда аҳолининг умумий кўрсаткичи 4,8 промиллега тенг (2012 й.). мазкур кўрсаткич 2000-2012 йилларда ўртача 5,1 промилле ташкил этди. Бу жиҳатдан ҳам республика туманлари бири-биридан кескин фарқ қилади ва уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- аҳоли ўлими (6 ‰ дан) юқори бўлган Нукус, Кегейли туманлари;

- аҳоли ўлими (5,0-6,0 ‰) ўртача бўлган Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой, Тахтакўпир туманлари;

- аҳоли ўлими (4,0-5,0 ‰ дан) паст бўлган Тўрткўл, Беруний, Амударё, Қонликўл, Қораўзак туманлари ва Нукус, Тахиатош шаҳарлари;

- ушбу жараён (4 ‰ дан) энг паст

бўлган Эллиққалъа, Шуманай, Мўйнок туманлари.

Аҳолининг ижтимоий турмуш шароитида гўдақлар ўлими кўрсаткичининг паст бўлиши муҳим ўрин эгаллайди. Қорақалпоғистонда гўдақлар ўлими мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига нисбатан юқори. Статистик маълумотларга қараганда гўдақлар ўлими 2001-2012 йиллар давомида гўдақлар ўлими ўртача 16,5 ‰ га тенг бўлган. Бу кўрсаткич шимолий туманларда 20,0 ‰ дан юқори, марказий туманларда 15,0-20,0 ‰ атрофида, жанубий туманларда эса 15,0 ‰ дан кам бўлганлиги кузатилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистоннинг нозогеографик вазияти ва аҳолининг касалланиш даражаси ҳудудий тафовутларга эга. Минтақа ичимлик суви таркибининг гигиеник талабларга жавоб бермаслиги оқибатида юқорида таъкидлаб ўтилган касаллик тур ва гуруҳлари кенг тарқалган. Бу вазиятнинг барчасини ҳудуднинг экологик инқироз ўчоғи бўлиб қолганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Адабиётлар:

1. Атаниязов О.А. и др. Аральский кризис и медико-социальные проблемы Каракалпакстана. – Нукус, 2001.
2. Ембергенов Н.Ж. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар. География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2011. – 165 б.
3. Комилова Н.Қ., Солиев А.С. Тиббиёт географияси. – Тошкент, 2005. – 159 б.
4. Комилова Н.Қ., Ембергенов Н.Ж. Қуйи Амударё минтақасининг нозогеографик вазияти // География фаннинг назарий ва амалий масалалари. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007.
5. Турдимамбетов И. Проблемы и пути улучшения нозоэкологической ситуации в Республике Каракалпакстан // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – 42 жилд. – Т., 2013.

Резюме

В этой статье проанализированы географические особенности заболеваемости населения, общей и младенческой смертности Республики Каракалпакстан.

Resume

In this article analyzed the geographic specific of disease, crude death and infant mortality rates of Republic of Karakalpakstan.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИНГ ДЕМОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

Ембергенов Н.Ж., Турсинов М.Ж., Алиева Б.

Таянч сўзлар ва иборалар: аҳоли, аҳоли жойлашуви, демографик вазият, минтақа, экология, касалликлар, туғилиш, аҳоли ўлими, Оролбўйи ҳудуди.

Экологик муаммо – инсон ва табиатнинг ўзаро алоқаси натижасида содир бўладиган жараёнлар. Жумладан, Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида вужудга келган экологик фожиа бунга яққол мисол бўла олади. Денгизнинг қуриган тубидан атмосферага кўтарилаётган чанг ва тузлар таъсир доираси жуда катта ва у йил сайин кенгайиб, глобал муаммога айланиб бормоқда. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўтган асрнинг 2-ярмидан бошлаб Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида минтақада халқаро аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуаси тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларидаги чиқишларида, Марказий Осиё бешта мамлакатлари Олмати декларациясида (2009 й.) денгиз ҳавзасидаги экологик ҳалокат муаммоси глобал хусусият касб этишини алоҳида қайд этган.

Минтақада шамолнинг асосан шимол ва шимоли-шарқдан эсиши натижасида денгиз қуриган тубидан ҳавога кўтарилаётган чанг ва тузлардан кўпроқ унинг жануб қисми катта зарар кўрмоқда. Шу сабабли, экологик вазият, авваламбор Қорақалпоғистон табиатининг ўзгаришида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур муаммо, ўз навбатида, аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг миграциясига, ҳар хил юкумли касаллик турлари ва у билан касалланганлар сонининг кўпайиши эса, ўлим даражаси, айниқса гўдаклар ўлимининг юқори бўлишига олиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасидаги демографик вазият ва унинг таҳлилларидан маълум бўлишича, содир бўлаётган жараёнлар шимолдан жанубга, яъни Орол денгизидан узоқлашиб борган сари фарқланиб боради. Бундай ҳудудий тафовутлар аҳолининг табиий кўпайиш

жараёнлари, энг аввало ўлим кўрсаткичлари, ташқи миграция ва жойланишида яққол кўзга ташланади.

Маълумки, Оролбўйи аҳолисининг юқори даражада касалланиши ва касаллик турларининг кўпайишига бевосита денгиз қуриши ҳамда унинг қуриган тубидан кўтарилган чанг тўзонлар билан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, шунингдек, ичимлик суви сифатининг талаб даражасига жавоб бермаслиги катта таъсир этмоқда. Бинобарин, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш минтақада ечилиши муҳим бўлган шу куннинг асосий муаммоларидан биридир. Чунки, Қорақалпоғистон марказлашган сув таъминоти билан яхши таъминланмаган; бундай хизмат республика аҳолиси сувга бўлган эҳтиёжининг фақат 33,0 %, жумладан шаҳарларда 60,0 %, қишлоқ жойларда эса 10 %ни ташкил этади [3].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу масала юзасидан олиб борилган қатор амалий ишлар натижасида аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси ва сифати бирмунча яхшиланди, аммо мазкур муаммо ҳамон кескинлигича қолмоқда. Муаммонинг кескинлиги, биринчидан, минтақа аҳолисининг асосий қисми ичимлик суви билан таъминланмаганлиги, иккинчидан эса, мавжуд сувнинг сифати талаб даражасига жавоб бермаслиги билан ифодаланади.

Минтақа ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар юзасидан Ф.Назировнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистонда марказлашган сув таъминоти билан аҳолига етказиб берилаётган сувнинг 30 фоизи талаб даражасига жавоб бермайди. Тахтақўпир ва Нукус туманларида бу кўрсаткич 95 фоизгача етади, Шуманай, Амударё ва Беруний туманларида эса аҳолининг атиги 20-22 % марказлашган ичимлик суви билан таъминланган [4].

Ичимлик суви сифатида жанубий ва

марказий ҳудудларда кишлоқ аҳолисининг аксарият қисми босма қран ва қудуқлардан фойдаланилса, шимолий туманларда эса ариқ сувларини истеъмол қилишмоқда. Айниқса ариқ сувлари ичимлик сифатида қўлланишга умуман ярамайди. Сабаби, Амударёга унинг юқори ва ўрта оқимидан ҳар йили таркибида турли хил минерал ўғит, пестицид ва гербицидлар билан ифлосланган 4,5-5,0 млрд м³ ҳажмдаги коллектор сувлари қуйилмоқда. Бундан ташқари, дарёга ҳар йили 400 минг куб м саноатда фойдаланилган сувлар кўшилади [1].

Таъкидлаб ўтилгандек, минтақанинг экологик вазияти инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қорақалпоғистонда аҳолининг умумий ва гўдақлар ўлими даражаси тадқиқ қилинаётган барча йилларда мамлакатимиз ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган. Масалан, аҳолининг умумий ўлими 1991 йили ҳар минг кишига 6,8 ва 2010 йилда 5,1 кишини ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич мамлакатимизда мос равишда 6,2 ва 5,0 кишига тенг бўлди. Қорақалпоғистонда гўдақлар ўлими 1996-2010 йилларда ҳар минг тирик туғилган чақалокқа 27,6 ва 12,6 ни, мамлакатимизда эса бу кўрсаткич ўртача 24,2 ва 11,5 ни ташкил қилган.

Минтақадаги мавжуд экологик вазият демографик жараёнларнинг ички тафовутларини келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2001-2010 йилларда аҳолининг умумий ўлими ўртача 5,4 промиллени ташкил этган ва у Оролқум чўлидан¹ 100 км узоқликда жойлашган ҳудудда 6,0 промилледан юқори, 100-150

км гача бўлган минтақада 5,5-6,0 промилле ва 150 км дан олис бўлган ерларда 5,5 промилледан кам бўлган.

Аҳолининг ижтимоий турмуш шароитида гўдақлар ўлими кўрсаткичининг паст бўлиши муҳим ўрин эгаллайди (гўдақлар ўлими ривожланган давлатларда ҳар минг тирик туғилган чақалокқа 3-5 ни ташкил этади). Қорақалпоғистонда гўдақлар ўлими мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига нисбатан юқори. Статистик маълумотларга қараганда гўдақлар ўлими 2001-2010 йиллар давомида ҳар минг тирик туғилган чақалокқа 21,3 дан 12,6 га камайган. Бу давр мобайнида гўдақлар ўлими ўртача 16,5% га тенг бўлган. Мазкур кўрсаткич шимолий туманларда 20,0% дан юқори, марказий туманларда 15,0-20,0% атрофида, жанубий туманларда эса 15,0% дан кам бўлганлиги кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Оролбўйи минтақасида экологик вазият билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш кўп жиҳатдан илмий ёндашишни тақозо қилади. Ҳозирги кунда минтақада юз бераётган экологик муаммо, унинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнларга таъсирининг салбий оқибатлари жаҳоннинг қатор халқаро ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтлари диққат марказида турибди. Шунингдек, ушбу масалалар билан шуғулланувчи бошқа илмий-тадқиқот институтлари томонидан қатор амалий ишлар бажарилиб, мунтазам равишда илмий ва амалий анжуманлар ўтказилиб борилиши лозим.

Адабиётлар:

1. Бахиев А., Ешанов Т.Б., Аметов М.Б., Хожаниязов Д., Утамбетов Б. Дəўиримиздин экологиялық машқалалары. – Ноқис: Билим, 2001. – 292 б.
2. Ембергенов Н.Ж. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар. География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2011. – 165 б.
3. Икрамова Н. Минтақа экологиясини тартибга солиш муаммолари. – Т.: Фан, 2006. – 47 б.
4. Экология хабарномаси. №3(84), 2008.

Резюме

В статье изучена и анализирована экологическая ситуация и ее влияние на демографические процессы Республики Каракалпакстан.

Resume

In the article studied and analyzed the ecological situation and its affect to the demographic processes of Republic Karakalpakstan.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

¹Орол денгизининг қуриган туби “Оролқум” чўли деб номланади

ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Қаюмов А.А., Уралов Е.О.

Таянч сўзлар: меҳнат ресурслари, иш билан бандлик, демографик ҳолат, аҳоли яшаш пунктлари, турмуш даражасининг ўсиши, аҳоли бандлиги, оилавий бизнес, кичик бизнес, ўсмирлар, нафақахўрлар, хизмат кўрсатиш, кооперация.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасида бугунги кунда энг муҳим, кейинга қолдириб бўлмайдиган ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири турли ҳудудларида яшовчи аҳолининг меҳнатга лаёқатли ва доимий иш жойига муҳтож қатламини иш билан таъминлаш ҳисобланади. Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз рухий, жисмоний ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисмидир. Мамлакат меҳнат ресурслари деганда меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган (Ўзбекистон Республикасида эркаклар учун 16-59 ёш, аёллар учун 16-54 ёш) аҳоли, шунингдек иқтисодда банд (ўсмирлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори ёшдаги) шахслар тушунилади. Бундан ишламаётган I, II гуруҳ ногиронлари, имтиёзли пенсия олувчилар истисно қилинади.

Меҳнат ресурслари ва иш билан бандлик ўзаро узвий алоқадор хусусиятига эга. Иш билан бандлик шакллари-нинг кенгайиб бориши меҳнат ресурсларини бойитишга хизмат қилади. Бирок, аҳоли сонининг ўсиши унинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш борасида ҳам муайян масъулиятларни келтириб чиқаради. Булардан асосийси — фаровон ҳаёт кечириш учун иш ўрни ва етарли даромад ҳажмига эга бўлиш ҳисобланади. Шунга кўра, ҳар қандай ижтимоий йўналтирилган тараққиёт йўлидан бораётган мамлакат учун ишчи кучи бандлиги муаммосини ҳал этиш муҳимдир. Аҳолининг минтақа бўйича жойлашуви, демографик ҳолати, аҳоли пунктларининг ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасини ўсиши, яшаш шароитининг яхшила-нишида асосий омиллардан бири бўлгани ҳолда, унинг иқтисодиётда фаоллиги ва

турли соҳаларда банд бўлиши, меҳнат қилиши, бир сўз билан айтганда, ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Зарафшон минтақасига республика ҳудудининг 37,4%, аҳолисининг 19,9%, ялпи ички маҳсулотининг 27%, саноат маҳсулотининг 25,7%, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 26,7%, донли экинлар майдонининг 20,1%, пахта экин майдонининг 18,4% тўғри келади. Минтақа хўжалик тузилмаси қишлоқ хўжалигига асосланган бўлиб, иқтисодий фаол аҳоли-нинг салмоқли қисми қишлоқ хўжали-гида фаолият кўрсатади. Аҳолининг бандлик ҳолатини турли соҳаларнинг ривожланиш даражаси орқали кўриш мумкин. Минтақа ҳудудларидаги иқтисодий фаол аҳоли, шунингдек, мавсумий ишчилар ҳам қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъмин-ланишида фермер хўжаликлари муҳим рол ўйнаши лозимлиги таъкидланмоқда. Лекин фермер хўжаликлари қишлоқ аҳолисини доимий иш билан таъминлай олмаяпти. Чунки хўжаликлардаги иш мавсумий характерда бўлганлиги боис, фермер хўжалигидаги доимий ишчи сони чекланиши табиий ҳолдир.

Ҳудудлар хўжаликларида тадбир-корлик билан шуғулланувчи кишилар ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ фаолиятда банд. Меҳнатга лаёқатли ёш-даги аҳоли сони билан меҳнат билан банд кишилар сони ўртасида анча тафовут сезилади. Бу ҳол меҳнат ёшидаги киши-ларнинг маълум фоизи меҳнатга яроқсиз ҳолатдалиги билан изоҳланади. Шунинг-дек, ишсизлик муаммоси ҳам қишлоқ-ларда мураккаб муаммолардан саналади. Ишсизлик муаммоси минтақа қишлоқ-ларида аввало аҳолининг касб-корларига мос ишнинг йўқлиги сабабли юзага

келади. Иш ўринлари туманларда доимий равишда яратиб борилмоқда, лекин бундай иш ўринлари барқарор эмаслиги, кишиларнинг мутахассислик даражасига мос келмаслиги ишсизликнинг доимий сақланиб туришига олиб келади. Минтақада Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида доимий яшайдиган аҳоли ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони

йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Фақатгина Когон туманида пасайиш кузатилгани юқоридаги жадвалдан маълум. Ишлаётган ўсмирлар ва нафақахўрлар сони Бухоро шаҳрида катта кўрсаткичга эга; Когон шаҳри ҳамда Каттақўрғон, Нуробод, Оқдарё, Пахтачи туманларида пасайган.

Жадвал

Зарафшон минтақасининг меҳнат ресурслари

Туманлар номи	Доимий аҳоли сони		Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони (минг киши)		Ишлаётган ўсмирлар ва нафақахўрлар сони (киши)		Иқтисодий фаол аҳоли сони (минг киши)		Иқтисодиётда банд аҳоли сони (минг киши)	
	2010	2011	2010	2011	2010	2011	2010	2011	2010	2011
Минтақада										
Бухоро ш	270	271,3	203,1	213,4	1,1	1,14	177,7	141,3	167,1	170,7
Навоий ш	132,7	134,8	93,3	97,1			73,3	78,7	70,8	71,3
Самарқанд ш	404,0	406,7	327,5	338,8	1,6	1,4	269,3	272,5	258,9	266,7
Каттақурғон ш	79,3	80,0	49,4	51,4	0,2	0,1	44,8	45,0	43,1	43,9
Когон ш	55,9	57,0	37,8	39,8	0,19	0,2	30,88	30,2	29,5	30,1
Зарафшон ш	73,8	74,0	51,2	56,7			47,0	44,3	45,3	46,6
Туманлар										
Бухоро	131,6	140,8	58,8	61,6	0,2	0,22	50,74	70,3	48,7	49,7
Булунгур	153,2	154,3	69,7	72,3	0,4	0,5	53,2	54,6	50,9	52,8
Вобкент	116,3	121,6	67,7	71,3	0,3394	0,41	53,92	60,21	52	53,1
Гиждувон	261,6	271,4	116,6	122,6	1,188	1,26	99,96	127,3	99,1	101,2
Жондор	140,9	149,7	77,3	81,2	1,056	1,06	54,53	72,5	52,4	53,5
Жомбой	137,7	138,8	70,2	72,9	0,5	0,4	54,4	55,7	51,8	53,7
Иштихон	198,9	200,5	96,0	99,6	0,4	0,3	67,6	69,8	63,2	67,1
Кармана	102,9	105,6	58,3	63,9			53,0	45,7	49,9	50,0
Каттақурғон	224,3	226,2	114,6	118,9	0,7	0,5	94,5	89,8	80,5	85,7
Когон	62,4	65,8	39,4	41,5	9,265	9,27	33,51	31,7	32,2	32,9
Конимех	37,7	30,2	20,9	24,4			20,6	17,3	19,5	18,2
Нарпай	173,2	174,0	92,6	96,1	0,5	0,5	61,6	68,0	58,4	65,5
Навбахор	89,6	97,2	44,5	55,7			48,5	39,0	45,4	44,3
Нуробод	119,7	121,0	59,6	61,9	0,9	0,4	50,2	49,1	48,1	47,4
Нурога	81,4	82,3	49,6	44,4			36,4	31,9	33,2	29,5
Олот	82,7	86,6	46,7	49,3	0,428	0,43	37,62	40,9	36,4	37,2
Оқдарё	124,0	124,7	77,1	80,0	0,3	0,2	46,7	47,0	44,2	45,0
Пайарик	206,7	208,3	109,8	113,8	0,4	0,5	81,4	83,6	77,3	80,9
Пастдарғом	283,4	285,9	146,3	151,5	0,1	0,4	89,7	100,5	84,7	96,9
Пахтачи	123,3	123,7	70,2	72,8	0,6	0,4	57,5	57,8	54,1	56,0
Пешку	100,3	105,9	56,7	59,6	0,15	0,15	47,4	50,1	45,7	46,7
Ромитан	118,7	122,8	70,8	75,5	0,12	0,12	60,75	58,7	58,3	59,5
Самарқанд	289,1	292,1	154,4	159,6	0,4	0,9	101,7	102,0	96,2	98,2
Тайлок	158,1	159,5	84,4	87,6	1,2	0,4	57,3	56,0	54,5	53,7
Томди	21,9	16,1	12,5	13,6			14,6	9,6	13,7	6,8
Ургут	398,4	402,7	198,3	205,0	0,6	1,1	136,9	142,5	128,2	137,1
Учкудук	37,5	35,1	26,6	23,2			34,4	22,8	34,0	17,9
Шофиркон	150	155,4	86,4	90,7	0,2	0,21	67,13	79,8	64,4	66,0
Хатирчи	164,6	173,2	76,5	93,0			51,6	72,6	49,1	66,9
Коракул	134,9	143,7	80,5	84,4	0,577	0,58	72,35	70,3	69,5	70,0
Коровулбозор	14,4	15,6	14,2	14,8	0,475	0,48	13,4	7,2	12,8	13,1
Қизилтепа	122,1	133,2	61,7	75,7			49,6	59,1	47,0	59,3
Кушработ	105,8	106,6	53,0	55,1	0,2	0,2	39,8	39,2	35,8	37,1

Жадвал: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Иқтисодиётда фаол аҳоли сони Самарқанд, Навоий, Каттақўрғон шаҳарларида юқори, бироқ Бухоро, Когон, Зарафшон шаҳарларида ўтган йилдагига

нисбатан пасайиш кузатилади. Туманлар даражасида эса энг юқорилари Гиждувон, Ургут, Пастдарғом, Хатирчи, Нарпай туманларида кузатилади.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилишнинг асосий йўли қишлоқларда ижтимоий бозор инфратузилмаларини, яъни аҳолини хусусий ишлаб чиқариш соҳасига йўналтириш, қишлоқ ҳудудларида кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига ҳал қилиш мумкин. Зарафшон минтақаси қишлоқларида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш учун фақатгина иш ўринларини яратиш кифоя қилмайди. Аслида, ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ва барқарор хўжалик тизимини яратиш учун малакали мутахассисларга эҳтиёж жуда катта.

Минтақада ривожлантириш лозим ва мумкин бўлган соҳалар мавжудки, айти соҳалар минтақанинг индустриал ривожланиши ва иқтисодий жиҳатдан республикадаги муҳим ҳудудлардан бирига айланишига ёрдам беради. Бу соҳалар, энг аввало, қурилиш саноатига тегишли бўлиб, Иштихон, Хатирчи, Зармитан туманларида мавжуд рангдор металл ҳамда қурилиш хом-ашёлари захиралари қазиб олиш ва улар асосида корхоналар бунёд қилиш билан боғлиқ. Мавжуд энгил саноат корхоналари ишини қайта тиклаш ва жонлантириш талаб этилади. Бундан ташқари, Зарафшон минтақаси табиий ландшафтларнинг турли манзараларига эга бўлган ҳудуддир. Тоғ ва тоғ олди туманлари Нурота, Ургут, Иштихон ҳамда чўл ҳудудларида туристик ва рекреация объектларини бунёд қилиш, туризм инфратузилмасини шакллантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, аҳолининг қўшимча даромад манбалари-

ни кўпайтириш имкониятлари бор.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич чуқурлаштириб борилиши иш билан банд аҳоли сонининг ўсишини таъминламоқда.

Зарафшон минтақасида ишсизликни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантириш; мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш; йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш; маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган энгил ва озиқ-овқат саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш; хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бандлик соҳаларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш; ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш манбаи бўлган иш билан бандлик даражасининг ошишига, аҳолининг ижтимоий муҳофазасининг кучайишига янада кенг йўл очиб беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Абируқов Қ.Н. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. - Т.:Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
- 5.Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. - Т., 2004.
- 6.Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. - Т.: Академия, 2000.
- 7.Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. - Т., 1998.
8. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т., 2006.

Резюме

В статье, на основе всестороннего анализа современного состояния трудовых ресурсов, имеющих большое значение в Зарафшанском экономическом районе и сделаны некоторые выводы.

Resume

On the basis of a comprehensive analysis of the current state of labor, which is of great importance and in particular Zerafshan economic region, the main conclusions are made.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ КАРАКАЛПАКСТАНА

Ходжаева Г., Кушаев Р.

Ключевые слова: население, воспроизводство, трудовые ресурсы, занятость населения, сельская местность, трудоспособное население, возрастная структура, материальное производство, половозрастная структура.

Трудоспособное население является главным фактором использования всех ресурсов материального производства. Исключительно важное место оно занимает в сельском хозяйстве, которое по степени замены ручного труда механизированной пока отстает от промышленности, транспорта, строительства. Быстрое развитие сельского хозяйства, в особенности освоения новых земельных и минерально-сырьевых, водных ресурсов, в значительной мере зависит от наличия и степени воспроизводства трудоспособного населения.

Численность населения и его половозрастная структура определяют размер и состав трудовых ресурсов, а движение населения, его воспроизводство, которая составляет естественную основу – формирования трудовых ресурсов – этой потенциальной рабочей силы, от степени увеличения и использования которой во многом зависит уровень экономического развития.

В Республике Каракалпакстан, где много неиспользованных природных, в частности земельных, минерально-сырьевых ресурсов и предстоит в ближайшей перспективе развивать новые отрасли промышленности и сферу услуг, темпы воспроизводства населения (и следовательно трудовых ресурсов) играют очень большую роль.

Возрастной состав населения дает возможность определить численность тех категорий, которые в будущем вступят в трудоспособный возраст или, наоборот, выйдут из него. В Республике Каракалпакстан сравнительно большой удельный вес занимают подростки – потенциальные кадры народного хозяйства в ближайшем будущем.

В структуре населения Республики Каракалпакстан большой удельный вес занимают возрастные группы до 15 лет. По переписи на 15 января 1970 года они составили 332 тыс. чел., а по статистическим данным на 1.01.2013 года достиг 603,1 тыс. человек, или 35,2 % от всего населения. Это значит, что ежегодный приток подростков в трудоспособное население будет равняться 19-23 тыс. человек.

Число же выходящих из трудоспособного возраста составляет примерно 3,6-4,0 тыс. человек в год, и такое количество сохранится в течение ближайших 10-15 лет. Это говорит о том, что прирост трудовых ресурсов достигает 15-18 тыс. человек в год. Сравнительная оценка изменения в возрастной структуре населения сельской местности Республики Каракалпакстан показывает, что удельный вес населения в трудоспособном возрасте начиная с 1979 года повысился до 45,6%. Все это происходит, в основном, за счет увеличения детской возрастной группы и уменьшения удельного веса лиц пенсионного возраста. Следовательно, неуклонное уменьшение удельного веса лиц пенсионного возраста при росте доли населения трудоспособного и детского возраста свидетельствует о наличии в Республике Каракалпакстан тенденции омоложения населения.

Изменения в возрастной структуре населения сельской местности непосредственно повлияли на уровень экономической нагрузки трудоспособного населения. В связи с увеличением доли трудоспособной части населения начиная с 1989 года в Республике Каракалпакстан, наблюдается стабилизация экономической нагрузки населения.

Однако, следует отметить, что размещение населения и вовлечение резервов труда в сельское хозяйство требует желать лучшего.

Таким образом, динамика роста и территориальная организация населения по природным экономическим районам, и в целом по республике Каракалпакстан не одинаково. Большой прирост населения наблюдается в южных районах, особенно в Амударьинском, Берунийском, Элликалинском и Турткульском районах. В связи с этим трудообеспеченность и резервы труда не везде совпадают. Например, в южных районах республики размещено более 438,9 тыс., т.е. 53,8% сельского населения и только 16% пахотно-пригодных земель, а в северных и центральных районах же, соответственно, 363,8 тыс., т.е. 44,6% сельского населения и 71,3% пахотно-пригодных земель. Поэтому, для освоения колоссальных резервов земель северного Каракалпакстана возникает необходимость полного использования внутренних резервов труда и отчасти компенсировать путем перераспределения населения между природно-экономическими районами, что обеспечивает повышения материального благосостояния сельского населения Республики Каракалпакстан.

Значительно быстро растет численность рабочих и служащих в сфере услуг – торговле, коммунальном хозяйстве, в системе платного обслуживания населения, здравоохранении. В связи с возрастанием численности детей увеличивается и количество работников дошкольных учреждений и воспитателей, а также учительского состава. Определенная часть трудоспособных людей занята в домашнем и личном хозяйстве. Они при первой же возможности могут быть вовлечены в фермерское и арендное хозяйство.

В настоящее время в Республике Каракалпакстан насчитывается более 901,6 тыс. человек в трудоспособном возрасте. Из них 418,5 тысяч учатся в средних общеобразовательных школах, в высших и средних специальных учебных

заведениях. Исключая инвалидов, находящихся в трудоспособном возрасте, можно считать, что экономически активные трудовые ресурсы Республики Каракалпакстан составляют 637,9 тыс. человек.

Расчеты показывают, что 2/3 трудовых ресурсов, приходится на долю сельской местности. Если учесть нужды народного образования, здравоохранения, торговли, бытового обслуживания населения, строительства на селе, то для сельскохозяйственного производства остается примерно 208 тыс. человек. Фактически же на сельскохозяйственных предприятиях работает 191,8 тыс. человек. Таким образом, нагрузка посевной площади на одного человека составляет 2-2,5 га. При комплексной механизации производственных процессов можно довести нагрузку посевной площади хлопчатника до 5-7 гектаров, зерноводство – до 7-10 гектаров, люцерны – до 35-50 гектаров, среднюю площадь всех сельскохозяйственных культур – до 8 гектаров. Следовательно, существующее количество трудоспособных, занятых в земледелии, достаточно для дополнительного освоения еще 50-60 тыс. гектаров и доведения общей посевной площади до 450 тыс. гектаров.

Поэтому утверждение, будто собственных трудовых ресурсов сельского хозяйства Республики Каракалпакстан не хватает для расширения посевных площадей и для организаций дополнительных отраслей, что требуется переселение из других регионов, на наш взгляд, необоснованно. Сельское трудоспособное население и в перспективе будет являться источником обеспечения других отраслей производства и инфраструктурных объектов сельской местности рабочей силой. Другое дело, что и сейчас, и в дальнейшем потребуется внутриреспубликанское и внутрирайонное переселение.

В Турткульском районе почти исчерпаны резервы пахотно-пригодных земель, район давно осваивает Кырккызский массив, который находится не

совсем далеко от густонаселенных территорий. В начале этот массив осваивались всеми хозяйствами по принципу пайщиков, а в последующем там организовано новое хозяйство «Кырккыз», выделены средства на освоение земель. Для дальнейшего расширения посевных площадей начато внутрирайонное переселение людей из густонаселенной зоны Турткульского района в Кырккызский массив. Примерно такое же положение с освоением новых территории в Берунийском районе.

В северных районах Каракалпакстана – Шуманайском, Канлыккульском, Кунградском, Нукусском, Кегейлийском, Чимбайском и Тахтакупырском дополнительная потребность в рабочей силе носит иной характер. В границах каждого из них имеются свободные массивы, освоение которых проводится с подключением под посевы зерноводства, технических (айгабагар), рапса и кормовых культур.

В то же время северные районы испытывают значительные трудности из-за текучести кадров. В связи с этим для положительного решения рационального использования сельских трудовых ресурсов вытекает необходимость организации инфраструктурных объектов, позволяющих привлечь трудоспособных жителей села, временно свободных от полевых работ в сфере услуг.

В настоящее время в связи с расширением рыночных отношений в

сельских местностях создаются благоприятные условия для развития сферы услуг. Однако, из-за мелкокишличного расселения многие населенные пункты находятся на значительном расстоянии друг от друга. Так, например, в Кунградском, Муйнакском и Тахтакупырском районах занимающих 80,7% территории Каракалпакстана, в среднем на 10 тысяч населения приходится всего 6 торговых предприятий. Отсюда вполне очевидно, что показатели производства товаров на душу населения и платных услуг значительно ниже по сравнению со средне республиканскими.

Сельское население, проживающее в кишлачно-аулных типах поселений, в силу культурно-бытовых неудобств, тратит много времени за счет собственного досуга, а иногда и в ущерб работы, что требует проведения необходимых мероприятий по быстрейшему переводу мелкокишличного образа жизни в поселки и создания инфраструктурных объектов, отвечающих требованию сегодняшнего дня. Это весьма сложное дело, требующее для своего решения планомерной, кропотливой и упорной работы. Осуществление его в жизнь разрешит самую острую проблему обеспечения наилучшего условия труда, быта и отдыха людей и, тем самым создает благоприятную обстановку для рационального использования трудовых ресурсов сельской местности Республики Каракалпакстан.

Литература:

1. Солиев А.С. Проблемы расселения и урбанизаций в Республиках Средней Азии. - Т., 1991.
2. Рафиков А.А. Оценка природно-мелиоративных условий земель южного Приаралья. - Т.: «Фан», 1984.
3. Умаров Е.К., Ходжаева Г.А. Основные направления социально-экономического развития РК // УзР ГЖ ахбороти, №23. –Т., 2003.

Резюме

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ жойлари меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари ўрганган. Асосий эътибор мазкур муаммонинг ҳудудий жиҳатларига қаратилган ва улар аниқ мисоллар ёрдамида асослаб берилган.

Resume

In this article studied rational using of labour forces in the rural areas of the Republic of Karakalpakstan. The major importance is given to regional aspects of this issue and they are based on real time examples.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ПЕРВИЧНОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ФАКТОРОВ ОБРАЗОВАНИЯ РЕЛИГИОЗНО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНА

Шведов В.Г., Шведова В.В.

Ключевые слова: География религий, районообразование, религиозно-географический район, фактор районообразования.

Религия, как особая и одна из старейших форм познания действительности, предоставила объективную основу для формирования ряда научных направлений: религиоведения, теологии, истории религии, религиозных философии и социологии и т.д. В их числе география религий является одной из наименее разработанных в теоретическом отношении дисциплин. Следует заметить, что создание её методологии, понятийного аппарата, системы принципов и подходов к разработке конкретной тематики всё ещё находятся в зачаточном состоянии.

В российской науке в качестве самостоятельной области познания география религий была выделена в конце 1960-х годов П.И.Пучковым [7]. Однако в его понимании её задачи были сведены к составлению и описанию пространственного размещения конфессий в различных регионах мира. Схожей позиции придерживались и другие исследователи в этой области [1; 6]. Имеет место и мнение, при котором география религий рассматривается всего лишь в качестве одной из ветвей социальной географии [3].

Подобное положение вещей представляется неудовлетворительным постольку, поскольку значение религиозной составляющей играет большую роль в ментальном сознании людей, самым серьёзным образом оказывает влияние на мировую экономику, культуру и политику. Причём в последнее время её весомость лишь возросла. Кроме того, без специальных, углубленных в ретроспективу, знаний по географии религий, крайне сложно понять и объяснить особенности общественно-географической среды абсолютного большинства регионов современного

мира [10].

В этой связи, одним из ключевых теоретических вопросов является научно обоснованное выделение территориальных конфессиональных неравномерностей, то есть – проведение районирования по религиозному признаку. При этом, как представляется, формировать понятие о религиозно-географическом районе следует, опираясь на имеющееся в общественной географии универсальное определение района Н.Н. Колосовским [5]. Исходя из него, под религиозным географическим районом (РГР) следует понимать определённый сектор земной поверхности, выделенный по признаку исторически сложившегося в его пределах конфессионального фона, и отличающийся по данному признаку от соседствующих с ним территорий.

При этом, разумеется, что территориальные неравномерности в конфессиональном фоне возникают не «сами по себе», а в результате воздействия определённых условий, которые в данном случае выступают в качестве факторов тематического районообразования. Под факторами районообразования, согласно М.М. Жирмунскому [4], выступают действенные силы, приводящие к формированию и дальнейшему существованию конкретных территориальных систем. Исходя из этого, в религиозно-географическом районообразовании можно выделить ряд следующих, рассмотренных далее, факторов.

В первую очередь упомянем этнокультурный фактор. Ф. Ратцель полагал [8], что народам свойственно «осмысление пространства», в результате которого географические данности обретают духовное и эмоциональное значение. Восприятие территории своего проживания как Родины, а себя – как

уникальной общности, формирует в менталитете определённого человеческого сообщества осознание тесной связи с высшими силами, которые покровительствуют именно ему и именно на данной земле. В этом случае религия приобретает характерную «народную» окраску, что в значительной степени определяет конфессиональные особенности той или иной территории. В одних случаях такое восприятие делало религию моноэтнической, такой, как иудаизм или синтоизм, а в других – полиэтнической, как ислам или христианство. Это позволяет согласиться с тем, что ознакомление с процессами этно- и культурогенеза необходимо при проведении религиозно-географического районирования.

Схожую оценку можно дать и социально-идеологическому фактору, с учетом того отличия, что здесь первоначальное значение принадлежит не этносам, а социальным стратам с присущими им идеологическими взглядами. Он же, в свою очередь, тесно связан с политическим фактором, т.к. зачастую идеология правящих кругов соответствует основному направлению проводимой ими политической линии. Как идеология, так и политика, часто имеют религиозную «окраску». При этом идеи могут носить как «чисто» теологический характер, так и подразумевать под собой определённые социальные и экономические интересы. К примеру, целью крестовых походов, в сущности, было разграбление материальных ценностей Ближнего Востока.

Немалое значение в религиозно-географическом районообразовании играет административный фактор, также тесно связанный с политическим. Межгосударственные границы, как известно, выполняют разделительную и контактную функцию. Это вполне применимо и к религиозной сфере. В первом случае граница ограждает определенную территорию от какого-либо влияния, в том числе и религиозного, из зарубежья. Контактная же функция имеет противоположное

выражение. При ее проявлении государственная граница обеспечивает не только религиозные контакты сами по себе, но и некоторые заимствования. Примером этого служит отсутствие в мусульманской Бангладеш традиции потребления говядины как результат многовекового тесного общения с индуистской средой соседней Индии.

Важную роль в формировании РГР имеет ретроспективный фактор. По определению В.В. Винокурова, феномен религии рассматривается не только в предметах, действиях, представлениях, переживаниях человека и общества, но и во времени [По: 1]. С течением времени с районом происходит множество внутренних, внешних, количественных и качественных изменений. Они наслаиваются друг на друга, создавая уникальный религиозный фон и определяя его ключевые особенности. Например, разница между суннитским и шиитским направлениями ислама столь велика, что стала причиной конфликта между представителями данных течений. В его основе находится историческая специфика распространения этого вероучения на Ближнем и Среднем Востоке, а также – особенности местных домусульманских верований, мифологии, этнического менталитета, материальной и духовной культуры.

Не менее важна при формировании религиозных районов роль естественно-природного фактора. Поскольку религия – явление, прежде всего, социальное, то следует отметить, что природно-естественный фактор не может быть в данном случае ведущим. Тем не менее, его роль нельзя недооценивать, т.к. особенности и состояние окружающей природной среды нередко оказывает значительное влияние на разные аспекты общественной жизни, в т.ч. – и на религиозный. Формирование и развитие религии, как важнейшего элемента цивилизации происходит на определенном «плацдарме», которым, как раз, и оказывается определенная природно-географическая среда. Она же, в свою очередь, может и благоприятствовать, и

препятствовать развитию и распространению определённых религиозных взглядов и представлений.

В этой связи, в первую очередь следует отметить, что в случае с политеистическими культами древней истории человечества, естественно-природные условия влияли не только на уровень развития и степень распространённости конкретного верования, но и определяли его внутренние особенности и внешние отличия. Так, практически для всех коренных народов Сибири, проживавших в таежной среде, существенную роль в культовой жизни играло ежегодное справление «медвежьих» праздников. У этносов, чей быт был тесно связан со степной средой и кочевым образом жизни, такого явления не наблюдалось.

Природно-климатическая среда определяет основные условия жизни человека, пути добывания ресурсов, основные источники опасностей и способы защиты от них. Это находит особое и непосредственное отражение в ранних формах религии. Многие религиоведы и историки религии [2;11] полагают, что именно естественные условия обитания человека в свое время стали первопричиной и определяющим фактором зарождения религии как социального феномена. Также, природные условия во многом определяют локальные особенности уже широко распространившихся мировых религий, влияя на процесс складывания самобытности и уникальности конфессионального фона той или иной территории. Простейшим примером тому

является затруднение миссионерской деятельности в непривычных для её носителей природно-климатических условиях или в «просто» труднодоступных, из-за сложных ландшафтных условий, местностях (джунгли, пустыни, горы и т.д.).

Тем не менее, рассмотренный фактор не может рассматриваться как основополагающий в религиозно-географическом районообразовании. Подтверждением тому служит наличие на землях с идентичными природными условиями разных верований; и наоборот – распространение какой-либо конфессии на территориях с отличающимися друг от друга природно-климатическими условиями. Кроме того, следует понимать, что в случае полной зависимости религии от естественной среды, распространения каких-либо конфессий за пределы территорий их зарождения просто не происходило бы.

Совокупное действие всех перечисленных факторов многосторонне и оказывает непосредственное воздействие на процесс формирования образования религиозно-географических районов. Вместе с тем, следует отметить, что в настоящее время, в связи с общей слабой разработанностью теоретико-методологической проблематики географии религий, разделение перечисленных факторов на ведущие и вспомогательные в образовании РГР пока является проблематичным. В этой связи авторы оставляют за собой возможность решения этой задачей по ходу своей дальнейшей работы.

Литература:

1. Арзуманов И. А. Методологические аспекты моделирования религиозного пространства Забайкалья // Образование, культура и гуманитарные исследования Восточной Сибири и Севера в начале XXI в. Материалы международного научного симпозиума «Образование, культура и гуманитарные исследования Восточной Сибири и Севера в начале XXI в.» // Под. ред. Р. И. Пшеничникова. – Улан-Удэ: Издательско-полиграфический комплекс ФГОУ ВПО ВСГАКИ. С. 157-163.
2. Армстронг К. Краткая история мифа. М.: «Открытый мир», 2005. 160 с.
3. Булаев В.М., Горина К.В. Конфессиональное пространство как предмет социальной географии [электронный ресурс]. URL: <http://journals.kantiana.ru/upload/iblock/d1b/vggevnomrkc1,%20mc.%20jr.%20vqarkdoyrxph.pdf> (дата обращения 21 января 2014).
4. Жирмунский М.М. Принцип историзма в советской экономической географии // XIX Международный географический конгресс в Стокгольме. - М.: изд. АН СССР, 1961. С. 245-249.
5. Колосовский Н.Н. Теория экономического районирования. - М.: Наука, 1969. 336 с.
6. Максаковский В.П. Географическая картина мира. - М.: Дрофа, 2003. Кн. I. 496 с.

7. Пучков П.И. Современная география религий. - М.: Наука, 1975. 182 с.
8. Ратцель Ф. Политическая география. - СПб.: Питер, 2008. 1156 с.
9. Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. - М.: ТЕРРА-Книжный клуб, 2001. 528 с.
10. Шведов В.Г. Историческая политическая география: обзор становления, теоретические основы, практика. - Владивосток: Дальнаука, 2006. 259 с.
11. Яблоков И.Н. Религиоведение. - М.: Гардарики, 2004. 317 с.

Резюме

Мақолада, иқтисодий ва ижтимоий география фанида нисбатан кам ўрганилган динлар географияси, жумладан диний географик районлаштириш масаллари кўриб чиқилган. Асосий эътибор бундай районлаштиришнинг бирламчи омиллари таҳлилига қаратилган.

Resume

This publication deals with important theoretical problem of Geography of Religions – the formation of special regions at this scientific discipline. The definition of Religious-Geographical Region is made. The row of factor, that created this form, is defined. Submit the «operation» and importance for consideration each of them.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛМАСИДА ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Қурбонов Ш., Солиев А.

Таянч сўзлар: қишлоқ маъмурий тумани, маъмурий ҳудудий бўлиниш, вилоят, республика, бошқарув.

Мамлакатларнинг маъмурий-ҳудудий тузилмаси сиёсий географик объект сифатида ўта мураккаб тизим ҳисобланиб, унинг шаклланиши тарихий, сиёсий, иқтисодий, географик ва бошқа омилларга боғлиқ. Ушбу тузилманинг энг асосий функцияси (вазифаси) турли даражадаги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқаришдир.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар, шу жумладан уларнинг куйи поғонасида жой олган қишлоқ маъмурий туманларининг (ҚМТ) сони, чегаралари, номланиши мумкин қадар барқарор, оптимал бўлгани мақсадга мувофиқ. Мамлакат ҳудуди бир хил турган шароитда ҚМТ-нинг сонидаги даврий ўзгаришлар (кўпайиши ёки камайиши) ижтимоий-сиёсий, маъмурий ислохотлар, янги ерларни ўзлаштириш, иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби, аҳоли жойлашуви каби сабаблар таъсирида юз беради [2]. Бинобарин, қишлоқ туманларини ҳар томонлама “ичкаридан” ўрганиш иқтисодий ва ижтимоий география фанида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай мамлакатнинг умумий иқтисодий, сиёсий, географик хусусиятлари айнан ана шундай йирик масштабли тадқиқотлар асосида аниқланади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда маъмурий-ҳудудий бўлиниш (бирликлар) ҳар хил бўлган. Масалан, 16-18 асрларда Хива хонлиги, Бухоро амирлигида маъмурий-ҳудудий бўлиниш турлича номланган. Хива хонлигининг маъмурий бўлиниши “вилоят” деб аталган бўлса, 18-асрдан бошлаб “бекликлар” тушунчаси қўлланилган. Энг кичик маъмурий бўлиниш эса “мачитқўм” деб юритилган [3].

20-аср бошларига келиб маъмурий-ҳудудий бўлинишда қатор ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврда Ўзбекистон маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги ва Россияга қарам бўлган Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигига бўлинган. Туркистон генерал-губернаторлигида асосий маъмурий-ҳудудий бирликлар вилоят (область), уезд, волость, участка ва оксоқолликлардан иборат бўлган. Бухоро амирлиги ҳудуди 29 та вилоятга, вилоятлар эса амлоқларга, амлоқлар қишлоқларга ажратилган. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги 11 та туман (ҳозирги Бухоро вилояти) алоҳида маъмурий бирликлар ҳисобланган. Будаврда Хива хонлигида 20 та беклик, 2 та ноиблик ва Хива шаҳрига бўлинган [3].

Хонлик ва амирликлар тугатил-

ганидан сўнг маъмурий-худудий бўлинишда бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 1920 йил 8 октябрда Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари расман эълон қилинади. Шу йили куз ойида маъмурий-худудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоқлар ва қишлоқларга бўлинди. 1923 йилда Бухоро маъмурий-худудий бўлинишга тузатишлар киритилиб, 8 та вилоят (Бухоро, Кармана, Нурота, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки), 28 та туман ва Шарқий Бухорога ажратилган.

Хоразм Халқ Совет Республикаси худудида 28 та туманимавжуд бўлган, 1924 йилда эса унинг таркибида уч вилоят (Қозоқ-Қорақалпоқ, Янги Урганч, Тошхөвуз) ва Хива тумани ташкил этилади. Ушбу йилда Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегараланиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилади. Унинг таркибига дастлаб 7 та вилоят (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм), Конимех автоном райони ва Тожикистон АССР кирган. 7 вилоят ўз навбатида, 23 уезд, 240 волостга ва 1163 қишлоқ советларига бўлинган [1].

Маъмурий-иқтисодий районлаштиришнинг амалга оширилиши муносабати билан 1926 йил 29 сентябрда 1924 йилда ташкил этилган маъмурий-худудий бўлиниш тугатилиб, 10 округ (Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Қўқон, Хўжанд, Бухоро, Ўрта Зарафшон, Самарқанд), 1 автоном республика (Тожикистон АССР), 87 туман ва 1746 та қишлоқ фуқоролар йиғини юридик мақом олган. Бироқ, 1930 йилда округларга бўлинишлар ҳам бекор қилинади ва уларнинг ўрнига 9 шаҳар, 84 та туман, 1696 та қишлоқ шўросидан иборат бўлган маъмурий бўлиниш вужудга келади.

Марказ кўрсатмаси билан 1929 йилда Ўзбекистон таркибида бўлган Тожикистон мухтор республикаси собиқ СССР тасаруфидаги иттифоқдош республикага айлантирилади. Республикада эса маъмурий-худудий

бўлиниш 1937 йилги Конституцияда расмийлаштирилди ва у вақтга келиб, унинг доирасида бир мухтор республика, 3 округ, 109 туман, 22 шаҳар, 16 шаҳарча ва 1392 қишлоқ шўроси бўлган [1].

1938 йил 15 январдан бошлаб Ўзбекистон худудидаги ҳозирги вилоятлар қайта шакллана бошлади. Шу йили Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ташкил қилинади, 1941 йилнинг 6 мартда Андижон, Наманган, Сурхондарё, орадан икки йил ўтиб эса Қашқадарё вилояти ажратилади.

1957-1961 йиллар мобайнида собиқ Иттифоқда олиб борилган маъмурий-худудий бирликларни йириклаштириш сиёсати натижасида республика маъмурий-худудий бирликларида ҳам бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, Наманган вилояти Андижон ва Фарғона вилоятларига, Қашқадарё эса Сурхондарё вилоятига кўшиб юборилди. Шу билан бирга, мавжуд 117 та қишлоқ туманларидан 56 таси тугатилди [6].

Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлиниши мустақиллик йилларида сифат жиҳатидан янги - бозор муносабатларига мувофиқ ҳолда такомиллаштирилди. Ўн иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳуқуқий тизими” деб аталган 16 бобининг 68-моддасида шундай дейилган. “Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат”. Конституциянинг 69-моддасида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг розилиги билан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган (*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1998, б 14*).

Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий тузилмаси ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳридан иборат. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси ва

вилоятлар таркибига шаҳарлар, қишлоқ туманлари, шаҳарча ва қишлоқлар киради. Мамлакатимиз маъмурий-худудий қисмларини уларнинг ҳуқуқий мақомига кўра, қуйидаги 3 тоифага ажратиш мумкин. Юқори тоифадаги қисмлар-Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ўз ичига олади. Ўрта тоифадаги қисмлар-қишлоқ ва шаҳар туманлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардан иборат. Қуйи тоифада эса туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овулларнинг фуқаролар йиғинлари ўрин олади.

“Туман” Темурийлар даврида қўлланилган ибора бўлиб, 10 минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бера олиш имкониятига эга бўлган маъмурий-худудий бирликлар маъносида ишлатилган [5]. Ҳозирда туманлар жойлардаги

ижтимоий-иқтисодий ва маданий масалаларни ҳал қилувчи асосий бўғинлардан ҳисобланади. Республикамиздаги маъмурий-худудий янгилликлар, авваламбор, туманлар чегарасининг ўзгариши билан амалга оширилади.

Қуйи маъмурий бирлик саналган қишлоқ туманларининг сони ўтган йиллар мобайнида ўзгариб турган; 1937 йилда уларнинг сони 112 та, 1951 йилда 140 ва 1958 йилда 148 та бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларида “Совнархозлар” ташкил этилиши муносабати билан маъмурий бирликларнинг йириклаштирилганлиги уларнинг сонини камайишига олиб келди (1961 йилда - 117 та, 1966 йилда - 85 та). Кейинги йилларда қишлоқ туманларининг сонининг ўзгариши қуйидаги жадвал маълумотларида келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ туманлари сонининг тадрижий ўзгариши

Маъмурий бирликлар / Йиллар	1970	1975	1980	1985	1990	1995	2000	2005	2013
Ўзбекистон Республикаси	100	134	153	155	156	162	164	159	157
1.1 Қорақалпоғистон Республикаси	11	13	15	15	15	15	15	14	14
Вилоятлар:									
1.2 Андижон	8	12	13	13	13	14	14	14	14
1.3 Бухоро	11	13	15	10	16	10	11	11	11
1.4 Жиззах	-	10	11	11	11	11	12	12	12
1.5 Навоий	-	-	-	8	-	8	8	8	8
1.6 Наманган	7	10	11	11	11	11	11	11	11
1.7 Самарқанд	12	14	16	14	16	16	16	14	14
1.8 Сурхондарё	8	9	11	12	12	14	14	14	13
1.9 Сирдарё	10	7	9	9	9	9	9	8	8
1.10 Тошкент	9	14	15	15	15	15	15	15	14
1.11 Фарғона	9	12	13	13	14	15	15	15	15
1.12 Хоразм	7	9	9	10	10	10	10	10	10
1.13 Қашқадарё	8	11	15	14	14	14	14	13	13

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 157 та қишлоқ маъмурий туманлари (КМТ) мавжуд бўлиб, улар турли даврларда шаклланган. Туманларнинг тарихий шаклланиш жараёнини беш даврга бўлиш мумкин. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида, ўша пайтдаги қишлоқ хўжалик ислохотларини амалга ошириш ва бошқариш нуқтаи назаридан, хусусан “колхозлаштириш” (коллективлаштириш) ни амалга ошириш жараёнининг

бошланиши қишлоқ туманларининг ташкил топишига сабаб бўлди. Шу асосда мавжуд қишлоқ маъмурий туманларининг 25,2 фоизи 1926 йилда шаклланган. Ушбу туманларнинг аксарият қисми қадимдан суғорма деҳқончиликка ихтисослашган, ўзлаштирилган ҳудудларга тўғри келади (Хива, Шовот, Гурлан, Бешарик ва б).

Қишлоқ туманларининг сонидagi кўпайиш ёки камайиш кўпроқ маъмурий-

худудий ўзгаришлар, янги вилоятларни ташкил этилиши ёки бошқасига қўшиб юборилиши билан ҳам боғлиқ бўлган. 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, туманлар шаклланишининг иккинчи даврида (1927-1937 йиллар) 18 та туман ташкил топган бўлиб, улардан 6 таси 1932 йилда Ўзбекистон таркибига

қўшилган Қорақалпоғистон Республикасига тегишлидир (Хўжайли, Чимбой, Беруний ва ҳ.к.). Учинчи давр, асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларига тўғри келиб, бу даврда туманлар сони бештага ошган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманларининг шаклланиш даври бўйича гуруҳланиши (1.01.2013 йил ҳолатида)

т/р	Йиллар	Туманлар номи	Туманлар сони	Жамига нисбатан фоизда
1	1926	Кармана, Нурота, Булунғур, Нарпай, Пайарик, Пастдарғом, Самарқанд, Олтиарик, Бешарик, Учкўприк, Бухоро, Вобкент, Гиждувон, Когон, Қоракўл, Ромитон, Шофиркон, Ғузур, Косон, Шахрисабз, Яккабоғ, Наманган, Поп, Чуст, Янгиқўрғон, Денов, Сарийосиё, Термиз, Шеробод Ўртачирчик, Юқоричирчик, Янгийўл, Гурлан, Урганч, Ҳазорасп, Хива, Шовот, Янгиарик., Зомин, Жиззах.	40	25.5
2	1927-1939	Қўшқўпир, Оққўрғон, Зангиота, Шўрчи, Қарши, Жондор, Беруний, Кегейли, Мўйноқ, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Қува, Сирдарё, Каттақўрғон, Томди, Фориш, Учқўрғон.	18	11.5
3	1940-1959	Иштихон, Гулистон, Охунбобоев, Амударё, Бўка.	5	3.2
4	1960-1969	Қибрай, Бўстонлик, Бекобод, Музrabод, Жарқўрғон, Бойсун, Уйчи, Мингбулоқ, Чироқчи, Китоб, Нукус, Қамаша, Шуманай, Тахтақўпир, Қўнғирот, Боғдод, Риштон, Ўзбекистон, Фарғона, Боёвут, Сардоба, Бўз, Ховос, Оқдарё, Ургут, Конимех, Хатирчи, Ғаллаорол, Мирзачўл, Пахтакор, Андижон, Асака, Балиқчи, Избоскан, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Шахрихон.	37	23.5
5	1970-1979	Олтинкўл, Жалолкудук, Марҳамат, Пахтаобод, Улуғнор, Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Касби, Қизилтепа, Жомбой, Қўшрабод, Нуробод, Пахтачи, Оқолтин, Сайхунобод, Бувайда, Данғара, Тошлок, Қонликўл, Қораўзак, Эллиқалъа, Дехқонобод, Муборак, Нишон, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Ангор, Қизирик, Қумқўрғон, Охангарон, Паркент, Қуйичирчик, Пскент, Чиноз, Боғот, Хонка, Зафаробод.	40	25.5
6	1980-1990	Янгибозор, Олтинсой, Чортоқ, Пешку, Олот, Ёзьявон, Сўх, Мирзаобод, Учқудук, Навбахор.	10	6.4
7	1991 йилдан кейин	Булокбоши, Янгиобод, Тойлоқ, Фуркат, Қораулбозор, Миришкор, Узун,	7	4,4
Жами			157	100,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бўлиниши материаллари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кейинги 1960-1969 йилларни ўз ичига олган тўртинчи даврда 37 туман ташкил топган. Айтиш жоизки, юқорида таъкидланган даврда 45 та қишлоқ маъмурий туманлари тугатилиб бошқасига қўшиб юборилган ва уларнинг аксарияти қисқа вақт, 1-2 йил ичида яна қайта тикланган (. Бешинчи даврда эса 40

та (25,5 %) ҚМТ юридик ҳуқуқга эга бўлган. Уларнинг вужудга келишига, энг аввало, Мирзачўл, Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши, шунингдек, Фарғона водийсида ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришга қаратилган минтақавий сиёсат сабаб бўлган. 1980-1990 йилларда (6-давр) ўртача ҳар йилда

биттадан қишлоқ туманлари шаклланган.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ маъмурий туманларининг асосий қисми ёки 140 таси (89,2 фоизи) 1979 йилгача бўлган даврда шаклланган. Демак, хулоса қилиш мумкинки, республикамизнинг қишлоқ туманлари даражасидаги маъмурий - ҳудудий таркиби асосан ўтган асрнинг 80-йилларида ташкил топган. Сўнгги йилларда янги қишлоқ туманларининг деярли вужудга келмаслиги эса, республикамиз маъмурий-ҳудудий тузилишининг барқарорлашганлигидан дарак беради [7].

Мамлакатимизда туманлар сонидаги энг янги ўзгаришлар Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини кўшни туманларга, Тошкент вилоятининг Зангиота ҳамда Тошкент туманларини бирлаштирилиши натижасида юзага келган (*Ўз. Рес Қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 342-модда;*

2011 й., 16-сон, 165-модда). Шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Баҳористон ва Усмон Юсупов туманларининг иқтисодий салоҳияти ва ижтимоий инфратузилмасидан, меҳнат ва моддий ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида бу иккала туман бирлаштириб, уларнинг негизида Миришкор тумани тузилган (*ЎзР Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 38 модда*). Шу ўринда айтиш жоизки, қишлоқ туманлари сони ҳар доим, мамлакатнинг ички сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, оптимал бўлиши керак. Сабаби, уларнинг ҳаддан ташқари қисқариши, йириклашуви ва марказлашуви бошқарув органларини халқдан, уни кундалик эҳтиёжларидан узоқлаштиради, вужудга келган маҳаллий муаммоларни тезкор ҳал этишга имкон бермайди, уларнинг кўпайиб кетиши эса бошқарув тизимини, молиявий ҳолатни мураккаблаштиради.

Адабиётлар:

1. Абдуразаков С. К. Административно-территориальное устройство Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1987. – 102 с.
2. Социально-экономическая география: понятия и термины. Словарь-справочник // Отв.ред. А.П.Горкин. - Смоленск: Ойкумена, 2013. - 328 с.
3. Муртазаева Р. Ҳ. Ўзбекистон тарихи. – Т., 2003.
4. Ўзбекистон ССР маъмурий – территориал бўлиниши. – Тошкент, 1981. – 335 б.
5. Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганиш. - Т., 2001, б. 267.
6. Рўзиев А., Абиркулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. – Т.: Шарқ, 2001. - 144 б.
7. Кубонов Ш.Б. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий географияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2013, - 162 б.

Резюме

Сельские административные районы являются ключевым звеном в системе территориального управления. В статье рассматриваются динамика и территориальная структура этих низовых районов, их формирование и функция в Республике Узбекистан.

Resume

Rural administrated regions are important in the systematic territorial management. In this article reviewed dynamics and territorial structure of this rural regions, their formation and function in the Republic of Uzbekistan.

Тавсия этувчи:

доц. Азимов Ш.А.

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЙИРИК СУВ-ХЎЖАЛИГИ РАЙОНЛАРИ БЎЙИЧА ЖОЙЛАНИШИ

Исमतов Ж.А.

Таянч сўзлар ва иборалар: сув-хўжалиги, дарё ҳавзалари, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, район, гидрологик кўрсаткичлар, шаҳарлар, аҳоли, шаҳарлар тўри.

Кириш. Қадимдан ер юзининг кўп қисмида шаҳарларнинг шаклланиши ва жойланишида йўллар асосий аҳамият

қасб этган. Иқлимнинг кескин континенталлиги боис, Ўрта Осиёда аҳоли манзилгоҳларининг, хусусан,

шаҳарларнинг таркиб топишида йўллар билан бирга гидрографик тўрнинг аҳамияти каттадир. Чунончи, Ўзбекистон шаҳарларининг аксарияти дарё ва сойлар бўйида шаклланган.

Шаҳарлар хўжалигининг ривожланиши ва аҳоли сифimini уларни сув билан таъминловчи дарёларнинг сув сарфи, оқим ҳажми, оқим тезлиги, оқим модули, ўзан қиялиги каби гидрологик кўрсаткичлари белгилаб берганлиги сабабли шаҳарларни кенгайтириш ёки янгиларини ташкил этишда мазкур омилларни ҳисобга олиш талаб этилади. Айниқса, Ўзбекистон каби қурғоқчил ўлкаларда бу масала янада долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудуди, кўплаб гидролог ва географ олимлар томонидан илмий тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, турлича хавзаларга ажратилган. Жумладан, профессор В.Л. Шульц маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳудуди тўртта йирик (асосий): Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларига ажратилади¹. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи ҳудудлар гидрологик жиҳатдан тарихан маълум бир дарё хавзасига тегишли бўлсада, ҳозирда улар бошқа дарё хавзаси манбалари орқали сув билан таъминланади. Масалан, Бухоро воҳаси Зарафшон дарёси хавзасига, Қашқадарё вилоятининг ғарбий қисмлари Қашқадарё хавзасига кирса ҳам, бугунги кунда ушбу ҳудудлар Амударё суви билан таъминланмоқда, яъни Амударё сув-хўжалиги райони таркибига киради. Шу боис, Ўзбекистон ҳудудини йирик (асосий): Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё сув-хўжалиги районларига ажратиш ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу мақолада республика шаҳарлари мазкур сув-хўжалиги районлари доирасида ўрганилди.

Асосий қисм. Ўзбекистонда 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра, 1203 та шаҳар ва шаҳарчалар рўйхатга олинган бўлиб, уларда жами 15,4 млн. га яқин ёки мамлакат аҳолисининг 51,2 фоизи

жамланган (жадвал). Республика шаҳар манзилгоҳлари ҳамда улар аҳолиси йирик сув-хўжалиги районлари бўйича турлича тақсимланган.

Амударё сув-хўжалиги райони республиканинг энг йирик сув-хўжалиги райони ҳисобланиб, у мамлакат ҳудудининг ярмидан ортиғини эгаллайди. Ўзбекистоннинг жанубий, марказий, ғарбий ва шимоли-ғарбий (маъмурий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари, Қашқадарё вилоятининг ғарбий қисми ҳамда Навоий вилоятининг жанубий ва жануби-ғарбий) қисмлари Амударё сув-хўжалиги районига киради. Ўзбекистон шаҳар аҳоли пунктларининг 371 таси, яъни шаҳар ва шаҳарчаларнинг 30,8 фоизи Амударё сув-хўжалиги районида шаклланган. Шунингдек, район ҳиссасига 3,7 млн. га яқин шаҳар аҳолиси (мамлакат шаҳар аҳолисининг 24 фоизи) тўғри келади. Ўрганилаётган район шаҳар жойларининг 80 фоизидан кўпини майда шаҳарлар (аҳолиси 10 минггача) ташкил этади. Шу билан бирга, районда 35 та кичик, 14 та ярим ўрта, 9 та ўрта, 4 та катта (Бухоро, Қарши, Урганч, Термиз) ва 1 та йирик (Нукус) шаҳар мавжуд. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Амударё сув-хўжалиги райони майдони жиҳатидан республиканинг бошқа сув-хўжалиги районларидан олдинда бўлсада, унда йирик шаҳарлар тўри етарли даражада ривожланмаган, жуда йирик ва миллионер шаҳарлар эса умуман йўқ.

Шаҳар ва шаҳарчалар ҳамда шаҳар аҳолиси сони жиҳатидан республикада олдинги ўринда турувчи **Сирдарё сув-хўжалиги райони** Ўзбекистоннинг шимолий ва шимоли-шарқий (Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Навоий вилоятининг шимолий ва шимоли-шарқий) қисмларини ўз ичига олади. Районда 616 та шаҳар аҳоли пунктлари (республика шаҳарларининг 51,2 фоизи) таркиб топган бўлиб, уларда мамлакат шаҳар аҳолисининг 61,8 фоизи (9,5 млн) истикомат қилади. Ўзбекистоннинг ягона миллионер шаҳри – Тошкент, бешта йирик шаҳридан учтаси (Наманган,

¹ Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. - Т., Ўқитувчи, 1969. - Б.65.

Жадвал

Ўзбекистон шаҳарларининг йирик сув-хўжалиги районлари бўйича тақсимланиши

Ҳавзалар	Шаҳар ва шаҳарчалар сони Шаҳар аҳолиси (2013 йил 1 январь, минг киши)										Ҳавзалар бўйича	Жамига нисбатан фоизда
	3000га ча	3000- 5000	5001- 10000	10001- 20000	20001- 50000	50001- 100000	100001 - 250000	250001 - 500000	500000 дан катта	Миллионер		
Амударё	<u>127</u> 314,4	<u>125</u> 468,0	<u>56</u> 361,1	<u>35</u> 504,9	<u>14</u> 436,4	<u>9</u> 559,0	<u>4</u> 764,0	<u>1</u> 286,6	-	-	<u>371</u> 3694,4	<u>30,8</u> 24,0
Сирдарё	<u>109</u> 273,8	<u>184</u> 730,1	<u>185</u> 1263,6	<u>77</u> 1038,9	<u>42</u> 1174,9	<u>9</u> 574,5	<u>6</u> 979,6	<u>3</u> 1127,6	-	<u>1</u> 2340,9	<u>616</u> 9503,9	<u>51,2</u> 61,8
Зарафшон	<u>45</u> 103,6	<u>47</u> 178,7	<u>25</u> 175,2	<u>12</u> 169,8	<u>10</u> 268,9	<u>2</u> 134,7	<u>1</u> 131,1	<u>1</u> 477,0	-	-	<u>143</u> 1639,0	<u>11,9</u> 10,7
Қашқадарё	<u>25</u> 61,9	<u>28</u> 101,4	<u>10</u> 70,1	<u>4</u> 48,5	<u>5</u> 149,0	<u>1</u> 98,5	-	-	-	-	<u>73</u> 529,4	<u>6,1</u> 3,5
Жами	<u>306</u> 753,7	<u>384</u> 1478,2	<u>276</u> 1870,0	<u>128</u> 1762,1	<u>71</u> 2029,2	<u>21</u> 1366,7	<u>11</u> 1874,7	<u>5</u> 1891,2	-	<u>1</u> 2340,9	<u>1203</u> 15366,7	<u>100</u> 100

Изоҳ: жадвалдаги касрлар сурагида шаҳарлар сони, махражида ушбу шаҳарларнинг жами аҳолиси кўрсатилган, жадвалнинг охириги устунида мазкур кўрсаткичларнинг фоизлардаги тегишли улуши ифодаланган.

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Андижон ва Фарғона), 11 та катта шаҳридан 6 таси (Қўқон, Марғилон, Жиззах, Чирчиқ, Ангрен ва Олмалик) мазкур районда жойлашган. Мамлакат майдонининг 30 фоизга яқинини эгаллаган Сирдарё сув-хўжалиги районида шаҳар манзилгоҳлари сонининг кўплиги шаҳарлар тўрининг зичлигига сабаб бўлган.

Зарафшон сув-хўжалиги райони Самарқанд вилояти ва Навоий вилоятининг жануби-шарқий қисмини, асосан, Зарафшон дарёси водийсини эгаллайди. Мазкур райондан республика жами шаҳар жойларининг 11,9, шаҳар аҳолисининг 10,7 фоизи ўрин олган. Ушбу рақамлардан маълум бўладики, Зарафшон сув-хўжалиги райони шаҳар аҳоли пунктлари ва улар аҳолиси сонининг республика кўрсаткичларига нисбатан улуши деярли бир хил. Зарафшон сув-хўжалиги райони шаҳарларининг ҳам аксарияти майда ва кичик шаҳарлардан иборат. Районда Каттакўрғон ва Ургут ўрта, Навоий катта, Самарқанд йирик шаҳарлар гуруҳини ташкил этади.

Қашқадарё сув-хўжалиги райони Қашқадарё вилоятининг шарқий ҳудудларидан иборат. Ушбу район Ўзбекистоннинг йирик сув-хўжалиги районлари орасида майдони, шаҳарлар ва шаҳар аҳолиси сонига кўра энг кичиги ҳисобланади. Районда 73 та шаҳар манзилгоҳлари жойлашган бўлиб, унинг ҳиссасига 6,1 % шаҳар жойлар, 3,5 % шаҳар аҳолиси (0,5 млн) мос келади. Қашқадарё сув-хўжалиги районининг энг йирик шаҳри – Шаҳрисабз (98,5 минг) аҳолисининг сонига кўра ўрта шаҳарлар

гуруҳига киради. Районнинг Китоб, Камаш, Ғузор, Чироқчи ва Яккабоғ шаҳарлари ярим ўрта шаҳарлар қатламини шакллантирган. Қарши шаҳрининг тарихан шаклланишида Қашқадарёнинг роли катта бўлса ҳам, ҳозирги вақтда дарё шаҳар ҳудудига деярли етиб бормайди. Айни пайтда Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар Аму-Қарши канали орқали Амударё суви билан таъминланмоқда. Шу боис, шаҳар ва унга ёндош ҳудудлар Амударё сув-хўжалиги районида киритилди.

Хулоса. Ўзбекистон шаҳарлари сон ва сифат жиҳатдан йирик сув-хўжалиги районлари бўйича турлича тақсимланган. Амударё сув-хўжалиги райони Ўзбекистоннинг энг катта қисмини эгалласада шаҳар аҳолиси салмоғи нисбатан пастроқ. Бунинг боиси, районда аксарият майда шаҳарларнинг шаклланганлигидир. Сирдарё районида эса бу ҳолатнинг бирмунча акси кузатилади, яъни район шаҳарларининг республика жами шаҳарларидаги улушига нисбатан шаҳар аҳолисининг мос кўрсаткичи сезиларли даражада юқори. Зарафшон дарёси ва Қашқадарёнинг сув миқдори камлиги мазкур сув-хўжалиги районларида йирик шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишини бироз чеклаган.

Шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишига, уларнинг демографик сиғимига гидрологик омилларнинг таъсирини янада аниқроқ баҳолаш учун республиканинг ҳар бир катта ва кичик сув-хўжалиги районлари бўйича йирик масшабли тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Баратов П., Холматов Қ. Ўрта Осиё дарёларининг хўжалик аҳамияти. - Т.: Ўзбекистон, 1981.
2. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. - Т.: Ўқитувчи, 1969.

Резюме

В республике гидрографическая сеть и развивающееся на этой основе земледелие определяет основной рисунок размещения производства и расселения населения. В данной статье рассматриваются географические особенности распределения городских поселений по водохозяйственным районам Узбекистана.

Resume

In republic hydragraphic network and developing on this base of the husbandry defines the main drawing of the accomodation production and settling the population. In bottom article are considered geographical particularities sharing the town settlings on water economic region Uzbekistan.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Назаров М.И.

Таянч сўзлар ва иборалар: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агросаноат мажмуаси, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг негиз тармоғи ҳисобланган аграр соҳани ислоҳ қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, мазкур соҳа республика аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг хомашёга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги нафақат мамлакат агросаноат мажмуасининг етакчи бўғини бўлиб қолмай, балки қишлоқ жойлар иқтисодиётининг ҳам асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида аграр соҳанинг ривожланиши билан кўплаб хўжалик тармоқлари чамбарчас боғланган. Айниқса, мамлакатимиз қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида мазкур соҳанинг аҳамиятини таъкидлаш жоиз. Булар эса, ўз навбатида, республикада хўжаликнинг мазкур тармоғини ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши муаммоларини комплекс тадқиқ қилишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўтган давр ичида республика аграр тармоғида хўжалик юриштининг ташкилий шакллари ўзгарди, фермер хўжаликлари вужудга келди, уларнинг географияси кенгайди. Ҳозирда республикада ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 17,6% ни ташкил қилиб, 2000 йилга (30,1%) нисбатан сезиларли пасайган бўлишига қарамай, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш сурати 2000 йили 103,0% дан 2012 йили 106,6% га ўсганлигини кузатиш мумкин. Мазкур кўрсаткич деҳқончиликда 106,0%, чорвачиликда эса 107,6% ни ташкил қилади. Айтиш жоизки, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 57,8% зироатчиликга, 42,2% эса чорвачилик ҳиссасига тўғри келади. Ушбу кўрсаткичлар 2000 йиллар

бошида, мос равишда, 50,2% ва 49,8% га тенг бўлган. Бу борада республикада яқин ҳориж мамлакатлари орасида юқори поғонани эгаллайди.

Ҳозирда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий учта хўжалик юритиш шакли – қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари мавжуд. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида уларнинг иштироки турлича. Жумладан, 2011 йили ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,2%, фермер хўжаликлари 34,1% ни, деҳқон хўжаликлари 63,7% ни ташкил қилган бўлса, ушбу рақамлар 2000 йил бошида, мос равишда, 28,9%; 5,1%; 66,0% га тенг бўлган. Булардан кўринадики, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида етакчи мавқени деҳқон хўжаликлари эгаллайди, аксинча, қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши кескин қисқарганлигини, фермер хўжаликларининг ҳиссаси эса ортанлиги кузатилади. Бундай ривожланиш жараёнларини қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, деҳқончилик маҳсулотларида етакчи улуш фермер хўжаликлари ҳиссасига (56,0%) тўғри келса, 42,8% деҳқон хўжаликлари ва атиги 1,2% эса қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳиссасига тегишлидир. Чорвачиликда бутунлай бошқача манзара кўзга ташланади. Ушбу йўналиш маҳсулотининг 92,2% биргина деҳқончилик хўжаликлари етказиб беради. Бу борада қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликларининг улуши 3,6% ва 4,2% ни ташкил қилади, холос. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида фермер хўжаликларининг иштирокини ўсиб бораётганлиги ва фермерчилик бугунги аграр ислохотларнинг том маънодаги устувор йўналишига айланганига гувоҳ бўламиз.

2007 йили республикада жами 217 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, уларнинг сони оптималлаштирилгандан сўнг 2012 йилга келиб 69184 та бўлди. Улардан 37567 таси – пахта ва ғалла етиштиришга, 3715 таси – сабзавот-полизчиликка, 7506 таси – чорвачиликка, 17068 таси – боғдорчилик ва узумчиликка, 3328 таси асаларичилик ва балиқчиликка ихтисослашган.

Республикада фермер хўжаликлари асосий ердан фойдаланувчиларга айланди. Чунончи, ҳозирда жами экин майдонларнинг 84,4% ёки 3063,2 минг гектар экин ерлар уларнинг тасарруфидадир.

Фермер хўжалиklarини оптималлаштиришгача бўлган даврда ҳар бир фермерга ўртача 26 гектар ер майдони тўғри келган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич ўртача 44,3 гектарни ташкил қилади. Шунингдек, 2000 йилда фермер хўжаликларида банд аҳоли сони 295 минг кишидан 2011 йили 1357 минг кишига етди. Ушбу кўрсаткич аграр секторда банд бўлган жами аҳолининг (3,2 млн.киши) 42,4 % га тенгдир.

Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони ва уларнинг улушини кескин қисқаришига олиб келди. Уларга бириктирилган экин майдонлари ҳам 2000 – 2012 йилларда 2744,6 минг гектардан 75,5 минг гектарга камайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўзининг сони ҳамда кўплаб турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги иштирокига кўра деҳқон хўжаликлари муҳим ўринга эга. Уларнинг сони 2000 йили 3243,6 минг тадан 2011 йилда 4792,7 минг тага етди. Деҳқон хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилардир. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришда уларнинг улуши 63,7%, деҳқончиликда 42,8% ни, чорвачиликда эса 92,2% ни ташкил қилади. Деҳқон хўжалиklarига 462,4 минг гектар экин майдони ажратилган бўлиб, республика жами экин майдонининг 12,7% га тенгдир.

Юқоридаги жараёнлар асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳам кўзга ташланади. Бунда турли мулкчилик шакллариининг ишлаб чиқариш салоҳияти ўзгаришлари яққол сезилади. Жумладан, республика деҳқончилигининг пойдевор тармоғи – пахтачиликда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2000 йил бошида 81,7% га тенг бўлса, 2011 йилга келиб, бу рақам 0,5% га қисқарди. Аксинча, бу даврда фермер хўжалиklarининг салоҳияти эса 20,7% дан 99,5% га ўсди. Шунингдек, ҳозирда етиштирилаётган доннинг 80,6%, узумнинг 55,8%, полиз маҳсулотларининг 50,5%, меванинг 47,6%, сабзавотларнинг эса 35,4% ни фермер хўжаликлари етказиб бермоқда. Аммо, фермер хўжалиklarининг асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги салоҳиятини юқори, деб бўлмади. Улар республикада етиштирилган гўштнинг атиги 2,6%, сутнинг 3,4%, тухумнинг 10,9%, жуннинг 6,8%, қорақўл терининг 4,2% ни беради. Бу борада биргина пилланинг асосий қисмини (98,0%) фермер хўжаликлари етказиб беради холос.

Ўзбекистонда чорва маҳсулотлари етиштиришда деҳқон хўжаликлари етакчи мавқени эгаллаб келмоқда. Мазкур хўжалиklar республикада етиштирилган гўшт (2011й. – 94,7%), сут (96,0%), тухум (54,5%), жун (84,3%), қорақўл терининг (63,0%) асосий қисмини таъминламоқдалар. Чорва хайвонлари сонининг асосий қисми ҳам, масалан, йирик шоҳли қорамолларнинг 93,7%, қўй ва эчкиларнинг 80,5%, сигирларнинг 94,7%, йилқининг 83,9% деҳқон хўжалиklarига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини фақатгина тухум (34,6%) ва қорақўл тери етиштиришда (32,8%) юқориликни кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар, аграр соҳада механизациялаш даражасининг ортиши, интенсив қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишлари-

нинг янада ривожланиши қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Мамлакат бўйича 2000-2011 йиллар мобайнида пахта ялпи ҳосили 3002,4 минг тоннадан 3500,0 минг тоннага, дон 4101,4 минг тоннадан 7140,1 минг тоннага ортиб, ўсиш суръати, мос равишда, 116,6% ва 174,1% ни ташкил қилди. Шунингдек, республикамиз ўтган даврда асосий қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг муттасил ортиб бориши билан ҳам алоҳида ўрин тутди. Масалан, 2000 йили пахтадан ўртача 21,8 центнер ҳосил олинган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йили 26,3 центнерни ташкил қилди. Бундай ижобий ўзгаришларни буғдой (27,6 ва 47,8) , сабзавот (183,8 ва 263,6), картошка (129,3 ва 196,0), мева (56,9 ва 97,8), узум етиштиришда (63,1 ва 98,2) ҳам кўриш мумкин.

Юқоридаги жараёнлар асосий чорва маҳсулотлари етиштиришда ҳам кузатилади: 2000 йили мамлакат бўйича жами 841,8 минг тонна гўшт етиштирилган бўлса, бу рақам 2011 йили 1564,2 минг тоннани, ўсиш суръати эса 185,8% ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич сут етиштиришда 186,3 %, тухум - 274,4%, жун -181,0%, қорақўл тери бўйича 136,7%, пилла етиштиришда эса 149,7% ни ташкил қилади.

Республикамизда аграр соҳа ривожланишининг минтақавий хусусиятлари

ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидида вилоятларни юқори, ўрта ва паст гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда Тошкент (13,5%), Самарқанд (13,0%), Андижон (10,0%) вилоятлари юқори поғонага мансуб бўлса, аксинча, Қорақалпоғистон Республикаси (3,0%), Сирдарё (3,9%), Навоий вилоятлари (4,5%) қуйи поғонага, қолган барча вилоятлар эса ўртача мавқени эгаллайди. Шунингдек, вилоятларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотидида қишлоқ хўжалигининг даражаси ҳам турличадир. Бу кўрсаткич республика бўйича ўртача 17,6% ни ташкил қилган ҳолда, Навоий вилоятидан (15,3%) бошқа барча вилоятлар улуши ундан юқори. Бу борада, айниқса Сирдарё (42,4%), Жиззах (40,9%), Сурхондарё (39,0%) вилоятлари етакчи.

Юқоридагилардан кўринадик, қишлоқ хўжалиги аксарият минтақалар иқтисодиётининг пойдевор тармоғидир. Унинг таркибий ўзгаришлари ва ривожланиши хусусиятлари, бу борадаги ҳудудий номуаносибликларни аниқлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва фермер хўжаликлари географияси, аграр соҳани ислоҳ қилиш ва ҳудудий такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш, замонавий агрогеографик тадқиқотларнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Солиев А.С., Аҳмедов Э.А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. - Т.: Университет, 2003.
2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.

Резюме

В статье рассматриваются тенденции развития и размещения сельского хозяйства республики, проведен анализ основных макроэкономических показателей.

Resume

In the article reviewed major trends of development and distribution of agriculture of the Republic, conveyed analysis of major micro-economical indices.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ СБАЛАНСИРОВАННОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Абдалова З.Т.

Ключевые слова: промышленность, территориальная сбалансированность, экономика, национальная экономика, социально-экономическое развитие, отрасль, ВВП.

В настоящее время, решение проблем сокращения по уровню социально-экономической диспропорций регионов и совершенствование территориальной структуры национальной экономики, является одним из важных приоритетных задач правительства страны.

В своем докладе Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов детально и всесторонне проанализировал имеющиеся проблемы и подробно остановился на программных задачах по выполнению важнейших приоритетов социально-экономического развития страны на перспективу. Перед правительством, министерствами и ведомствами поставлена задача по выработке конкретных мер по обеспечению взаимосвязанного комплексного развития территорий на основе определения приоритетных отраслей для каждого региона, наиболее полного использования природно-сырьевых ресурсов, ускоренного и сбалансированного развития промыш-


ленного производства, особенно перерабатывающих отраслей и сферы услуг, производственной и социальной инфраструктуры.

В регионах Республики Узбекистан отмечается существенная разница по уровню социально-экономического развития. Анализ территориальной структуры ВВП республики показывает, что относительно высокий уровень развития отмечается в городе Ташкенте, Ташкентской и Кашкадарьинской областях, а самые низкие – в Сирдарьинской, Джизакской, Сурхандарьинских областях и в Республике Каракалпакстан.

Сравнительный анализ распределения ВВП на душу населения показывает, что если в 2000 году разница между самым высоким и самым низким показателем составлял 4,7, то 2012 году это цифра была 9,6. Разница регионов по экономическому росту, в свою очередь, влияет на социально-демографические процессы, на доходы населения, на уровень жизни населения, миграции и др.

Рис. 1

Территориальная структура ВВП Республики Узбекистан, %




Как известно, промышленность играет важную роль в развитии регионов и в повышении уровня жизни населения. Изучение территориальной концентрации промышленности Республики Узбекистан показывает, что в настоящее время,

73,5% ВВП промышленности страны приходится на 6 регионов страны: на город Ташкент, на Ташкентскую, Андижанскую, Кашкадарьинскую, Навойинскую и Ферганскую области (рис. 2.)

Рис.2

Изменение уровня территориальной концентрации промышленного производства Республики Узбекистан, %



Примечание: 6 относительно промышленно развитые регионы: г.Ташкент, Ташкентская, Андижанская, Кашкадарьинская, Навойинская и Ферганская области.

Высокий уровень территориальной концентрации промышленности отмечается, в городе Ташкенте (21,1 %), Ташкентской области (12,4 %), в Андижанской (12,4%), Кашкадарьинской (10,5 %), в Навойинской (9,8%) и в Ферганской областях (7,3%). В остальных областях республики, как в Хорезмской, Сырдарьинской и Сурхандарьинской отмечается низкий удельный вес промышленного развития.

Анализ территориальной структуры промышленности Республики Узбекистан показывает, что в большинстве областях преобладают отрасли добывающей промышленности. Так например, на долю Кашкадарьинской области приходится 32% топливной промышленности и 75,6% нефтяной и газовой промышленности республики. Также, в областях с относительно с высоким уровнем социально-экономического развития как в Бухарской, Навойинской, Ферганской и Ташкентской областях, отмечается высокая доля отраслей машиностроения и металлообработки, легкой и пищевой промышленности.

Сложившаяся социально-экономи-

ческой ситуация в регионах, непосредственно связана, неравномерностью социально-экономического положения регионов, степенью освоения природных ресурсов, поддержания экологического равновесия, совершенствования территориальной структуры хозяйства и обеспечения занятости населения.

Государство предпринимает программные меры, чтобы не допустить резкой дифференциации в социально-экономическом развитии регионов, обеспечить сбалансированное развитие регионов с учетом их природно-экономического потенциала. Эти меры привели к сокращению межрегиональной дифференциации по уровню экономического развития, увеличению валового регионального продукта (ВРП), ускорились темпы развития слаборазвитых территорий. Высокие темпы роста ВРП регионов были обеспечены за счет высокотехнологичных индустриальных отраслей и сферы услуг. В результате произошли качественные изменения в структуре экономики регионов. Во всех регионах в структуре ВРП наблюдается

повышение доли промышленности и сферы услуг. Наиболее устойчиво развивались машиностроение, химическая, легкая и пищевая промышленность. Достижение этих результатов было бы невозможным без ускорения процессов модернизации экономики, технического и технологического обновления важнейших ее отраслей. Необходимо отметить, что успешная реализация более 550 инвестиционных проектов в рамках программы модернизации базовых отраслей экономики в регионах обеспечила опережающий рост перерабатывающих отраслей с высокой технологической оснащенностью. В итоге значительно повысилась конкурентоспособность товаров и услуг, предлагаемых на внутреннем и внешнем

рынках.

В условиях модернизации национальной экономики сфера услуг становилась важным стабилизирующим фактором экономического развития регионов. В ходе реализации программных мероприятий по развитию сферы услуг и сервиса произошли существенные изменения и структурные сдвиги в сфере услуг. Во многих регионах Узбекистана доля услуг в ВВП составила около 50%. В структуре услуг возросла доля финансово-банковских услуг, услуг связи и информатизации, транспортных услуг, торговли и прочих видов услуг. В свою очередь, все это повлияло на положительную динамику социального развития регионов.

Литература:

1. Андреев А.В., Борисова Л.М., Плучевская Э.В. Основы региональной экономики. - М: ИНФРА-М, 2012. - 336 стр.
2. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики: Учебник для вузов.- 4- изд. - М.: Изд.дом ГУВШЭ, 2004.
3. Салиев А.С., Янчук С.Л. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Республики Узбекистан. - Т.: Узбекистан, 2005. - 173 с.
4. <http://finance.uz/cat/economy/svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana>

Резюме

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Асосий эътибор макроиқтисодиётнинг ётақчи тармоғи – саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва ташкил этилишига қаратилган.

Resume

In this article discussed improvement of national economy in regional structure. The major importance is given to the branch of micro-economy – the development of production of industry and its organization.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ДАШТОБОД ШАҲРИНИНГ МИНТАҚАДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Дўсманов Ф.А.

Таянч сўзлар: шаҳар, аҳоли, миллат, туман, саноат, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги.

Ҳозирги вақтда Жиззах вилоятида 42 та шаҳарча 6 шаҳар мавжуд бўлиб, улар вилоят иқтисодий ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу шаҳар ва шаҳарчаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориш тарихи турли даврларга тегишли бўлсада, аксарият қисми пайдо бўлганига жуда кўп вақт ўтган эмас. Шунга қарамай бу

шаҳарлар тезлик билан ўсиб бормоқда. Вилоятда аҳоли сони бўйича иккинчи ўринда турадиган шаҳар бу Зомин туманидаги Даштобод шаҳридир. Шаҳарнинг туман ва вилоят иқтисодиётидаги ўрнини аниқлашда дастлаб унинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлаш келажакдаги аҳамиятини белгилашга ҳам асос бўлади.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни ишғол қилганидан сўнг унинг табиий, ҳамда минерал хом ашёлар бойликларини марказга ташиб кетиш мақсадида мазкур ҳудудни биринчи навбатда темир йўл тармоғи билан боғлаши керак эди. Темир йўл орқали нафақат юклар ташиб кетилиши кўзда тутилган, балки минтақага келтирилётган харбий кучлар ва бошқа халқларнинг кўчирилиши ҳам режалаштирилган эди. 1894-1899 йилларда ҳозирги Зомин туманининг Даштобод шаҳри орқали темир йўл линиясининг бир тармоғи ишга тушади ва бу ерда кичик бир станция пайдо бўлади. Кейинчалик бу станцияга, яъни 1907 йилда рус географ олими Обурчев номи берилади ҳамда станция атрофида аҳоли сони аста – секинлик билан кўпая боради. 1933-1937 йилларда станция шаҳар кўринишидаги кичик посёлкага айланади, шу билан бирга Зомин туманидаги эски “Қизил Чорвадор” колхозни маркази бўлиб хизмат қилади.

1955-1974 йилларда Мирзачўлда янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Обурчев станцияси асосий моддий таъминот марказига айланади. Чунки, янги ерларни ўзлаштириш учун керакли техника воситалари, қурилиш хом ашёси асосан шу ерга келиб тақсимланар эди. Ўзбекистон ССР Олий Совет президумининг 1974 йил 31 июлдаги №1197 сонли қарори билан Обурчев посёлкаси туманга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритилади ва унинг номи “Улянова”га ўзгартирилади ва бу ном билан шаҳар мустақиллик йилларигача аталиб келинади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг ўзининг ижтимоий иқтисодий сиёсатини олиб бориш баробарида, аҳоли манзилгоҳларни такомиллаштириш, уларга миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда номлар қўйиш йўлга қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги №240-1 сонли қарори билан Улянова шаҳрига янги ном “Даштобод” номи берилади ва у тасдиқланади.

Мустақиллик йилларида шаҳарда саноат корхоналари, ташкилотлар, кичик

корхоналар ташкил этилиши натижасида аҳоли сони янада кўпая борди. Бунда ижтимоий - иқтисодий соҳаларнинг ўсиб боришини эътиборга олиб, Даштободни вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига киритиш имконияти туғилади. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 1 қақирик 6 сессиясининг 204-1 сонли қарори билан Даштобод шаҳри вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига киритилди. Даштобод шаҳри бир йил давомида вилоятга бўйсунувчи шаҳар тоифасида фаолият юритди ва шаҳар Кенгашига депутатлар сайланди, шаҳар ҳокимияти ва бошқа вилоят ташкилотларининг бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг шаҳар бўлимлари фаолият кўрсатди. 1997 йил 30 сентябрда Президент фармонида мувофиқ Даштобод шаҳри яна туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимлиги тизимига ўтказилди. Бугунги кунда шаҳар Зомин туманида шаҳар ҳокимлиги мақомида фаолият кўрсатмоқда.

Зомин тумани аҳоли сони мустақиллик йилларида аҳоли табиий кўпайиши ҳисобига ортиб бормоқда. 2008 йил аҳоли сони 134 минг кишидан ортиқ бўлган ҳолда, 2013 йилга келиб 155 минг кишида ортиб кетди. Даштобод шаҳри аҳолиси кейинги йилларда деярли икки баробарга ошди, у 2001 йил 20,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2013 йилда 36,5 минг кишига етди ёки туман аҳолисининг 23,4 фоизига баробар бўлди.

Шаҳар аҳолиси миллий таркиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Шаҳар дастлаб темир йўл станцияси сифатида пайдо бўлганлиги боис, унинг аҳолиси собиқ Иттифокнинг турли минтақаларидан келтирилган миллатларнинг ҳисобига шаклланган. Ҳозирги вақтда шаҳарда ўзбек миллати билан бирга тожиклар, қирғизлар, корейслар, уйғурлар, украинлар, руслар ва бошқа миллатлар жамжихатликда яшаб келмоқда. Айнан шунинг учун таълим тили рус тили бўлган мактаб фаолият юритиб келган. Ўзбеклар шаҳар аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этади (90%). Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўплаб миллатлар

ўзларининг ватанларига кўчиб кетиш ҳоллари кучайганлиги сабабли ўзбек миллатининг улуши анча ортди. Шаҳарда 8 та маҳалла бўлиб, бундан ташқари 3 та аҳоли пунктлари ҳам шаҳар тасарруфидадир.

Даштобод шаҳри қулай иқтисодий географик ўринга эга, шаҳар Катта Ўзбек тракти автомобил йўли ва темир йўл бўйида жойлашган. У Жиззах ва Сирдарё вилоятлари чегарасида жойлашган бўлиб, Тожикистон билан ҳам чегарадош. Шаҳардан Тошкентгача бўлган масофа 180 км, вилоят марказигача 60 км ва туман марказигача эса 22 км ни ташкил этади. Мирзачўлни ўзлаштириш натижасида бу ерда бир қанча қурилиш, транспорт тизимлари жойлаштирилган. Шу билан бирга, шаҳарда саноат ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 3 та йирик саноат корхонаси, 4 та қурилиш, 6 та транспорт ва алоқа тизимлари, 3 та савдо ташкилотлари, деҳқон ва буюм бозорлари, 8 та хизмат кўрсатиш соҳалари мавжуд. Ўзбекистонда хусусий бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида шаҳарда 65 дан ортиқ хусусий ва 4 та тижорат тизимлари ташкил этилган. Бу ерда уй-жой, коммунал хўжалигининг бўлими ҳам мавжуд; аҳоли 100% электр энергия ва газ, 78% тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Даштободда 6 та умумий таълим мактаби, 600 ўринли 1 та транспорт касб - ҳунар коллежи, 1225 ўринга мўлжалланган 7 та болалар боғчалари фаолият юритмоқда. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолига яратилган турли хил қулайликлар унинг салоҳиятини янада ошириб бормоқда. Бу эса аҳолининг бу ерга атроф ҳудудлардан кўчиб келишни кучайтиради.

Ҳар қандай минтақанинг комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда бу ерда жойлашган шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг аҳамияти бекиёсдир. Шу нуктаи назардан ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос минтақалар локоматив вазифасини бажаради, деб айтиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам шаҳар аҳоли манзилгоҳлари

тизимини такомиллаштириш бўйича Республика Президенти ва Ҳукуматининг турли қарор ва фармонлари чиқарилмоқда. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида”, “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” каби қарорлари мисол бўла олади.

Даштобод шаҳрининг инвестицион салоҳияти мустақиллик йилларида янада ортиб бормоқда. Шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатан янада ривожлан-тириш учун инвестиция жалб қилишнинг бир неча йўналишларини санаб ўтиш мумкин. Бу, биринчи навбатда енгил саноатдир. Йирик пахтани қайта ишлаш заводининг мавжудлиги, унинг темир йўл линияси билан боғланганлиги тўқима-чилик саноати корхоналарини, ишчи кучининг етарли эканлигини ҳисобга олинса, мазкур тармоқдаги кўп меҳнат талаб қилувчи корхоналарни жойлаш-тиришга кенг имконият беради. Шаҳарнинг бир неча қишлоқ хўжалиги ширкатлари марказида жойлашганлиги фермер хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини ташкил этишга шароит яратади. Айниқса ушбу корхоналарнинг жуда катта миқдорда молиявий маблағларни талаб этмаслиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Бунга мисол тариқаси турли консерва цехлари, терини қайта ишловчи

цехларини айтиб ўтиш ўринлидир. Ғалла қабул қилиш пунктининг борлиги, албатта бу ерда дон маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ташкил этишга ижобий таъсир этади.

Даштобод шаҳри йирик автомагистралнинг бўйида жойлашганлиги, шаҳар тумандаги йирик аҳоли манзилгоҳи эканлиги инобатга олинса, бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва унинг турларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Умумий овқатланиш объектлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва автоёқилғи қуйиш объектлари тизимини

такомиллаштириш маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтириш билан бирга улар орасида соғлом рақобатни ҳам шакллантиради.

Шаҳарда аҳоли сонининг табиий ва миграцион жараёнлар натижасида ортиб бориши, уларни уй-жой билан таъминлаш масаласини мураккаблаштириб қўймоқда. Унинг ҳудуди ер участкаларининг берилиши ҳисобига кенгайиб боришини тартибга солиш, коммунал тизимлар билан таъминлашни яхшилаш масалалари ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Зомин тумани Даштобод шаҳрининг паспорти. 2009 йил.
2. Солиев А. ва бошқалар. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. - Т., 2010 .
3. Население Узбекистана. 2012 г. Статистика тўплами. - Т., 2012.

Резюме

В статье проводится краткий ретроспективный анализ формирования и развития одного из малых городов Джиззакского вилоята – города Даштабада. Рассматриваются также некоторые проблемы и пути дальнейшего развития города.

Resume

In this article represented brief retro-perspective analysis of formation and development one of the small town of Djizzakh region – Dashtabad city. Moreover, reviewed some issues and ways of further development of the city.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТРАНСПОРТНИНГ ТАЪСИРИ

Исаев А.

Калит сўзлар ва иборалар: шаҳар агломерациялари, транспорт марказлари, маятниксимон миграция, транспорт инфратузилмаси, транспорт тугунлари, автоқатнов, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ жойлар.

Одатда, мамлакат, район ёки минтақанинг иқтисодий картасида, энг аввало унинг шаҳарлари ва транспорт йўллари кўзга ташланади. Дарҳақиқат, шаҳарлар ва йўллар ҳар бир ҳудуднинг таянч нукталари, устунлари, “юраги” ҳисобланади. Айниқса, агломерациялар ривожланишини транспортсиз тасаввур қилиш қийин.

Агломерацияга берилган барча таърифларнинг негизида транспорт туради. Чунки, транспорт ҳудудларнинг ички ва ташқи алоқаларини амалга оширишда бош омилдир. Шаҳар агломерациясига фақат аҳоли манзил-

гоҳлари бирлашмаси эмас, шу билан бирга улар орасидаги қишлоқ ҳудудлар ҳам киради. Бу юқори урбанизациялашган ҳудудда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари жуда кўп ва зич жойлашган бўлади.

Агломерацияни ўрганган кўпчилик олимлар (Г.М. Лаппо, В.Г. Давидович ва б.) унинг шаклланишида транспортнинг ролига катта аҳамият беришган. Чиндан ҳам, агломерация учун зарурий шарт бўлган маятниксимон миграция бевосита транспорт қатновини йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Фарғона водийси барча шаҳарлари

вилоят ёки туман марказлари сифатида, асосан машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноат таъсирида ривожланмоқда. Таъкидлаш жоизки, Фарғона водийси агломерацияларининг шаклланиши дастлаб асосан транспорт инфратузилмасига боғлиқ бўлган бўлса, мустақилликдан кейин унинг ривожланишига саноат жуда катта таъсир кўрсатди. Масалан, Фарғона водийсида Фарғона-Марғилон, Наманган ва Андижон агломерациялари ўзига хос, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши, инфратузилма ҳамда шаҳар манзилгоҳлари шаклланишининг умумийлиги каби жиҳатлар билан ажралиб туради. Ўзининг демографик салоҳиятига кўра Фарғона водийсида Андижон агломерацияси алоҳида мавқега эга. Шу сабабдан водий агломерацияларининг асосий хусусиятлари Андижон агломерацияси мисолида кўриб чиқилади.

1897 йил Андижонда 47 минг киши яшаган бўлса, 1910 йилга келиб 76 минг киши рўйхатга олинган. Ипакчилик саноатининг энг йирик маркази бўлган Марғилонда эса XX аср бошида аҳоли сони 46 780 кишига етди. Айни пайтда Андижон шаҳри аҳолиси 361 минг кишидан ортди.

1996 йилда Асака шаҳрида автомобилсозлик корхонасининг қурилиши ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни Андижон шаҳрида ташкил этилганлиги шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бирга “йўлдош” шаҳарларда ортикча меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, агломерациялашув жараёнининг энг муҳим шarti бўлган манзилгоҳлар ўртасидаги аҳоли қатнови, яъни маятниксимон миграцияни жадаллаштирди. Ҳозирги кунда маятниксимон миграциянинг асосий йўналишлари Андижон-Асака-Куйганёр учлигига қаратилган.

Мустақиллик йилларига қадар агломерация ичидаги асосий ички ҳаракатлар “ядро” – Андижонга қаратилган эди. Истиқлолга эришгандан кейин Асака шаҳри ва Куйганёр шаҳарчасига

томон йирик ички ҳаракатлар йўналиши вужудга келди. Асака шаҳрига ҳар куни Марҳамат, Шаҳрихон, Андижон, Булоқбоши, Олтинкўл, Хўжаобод, Жалакудук туманларидан ишчи ва хизматчилар келиб кетадилар. Худди шундай ҳолат Андижон туманининг маъмурий маркази-Куйганёр шаҳарчасида ҳам кузатилади. Бу ерга Избоскан, Пахтаобод, Балиқчи туманларидан мигрантлар кўплаб келади. Сабаби, Куйганёр Андижон шаҳрдан 6 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, транзит транспорт тугуни ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда Андижон қишлоқ хўжалик институти, Қорадарёнинг бўйида эса дам олиш масканлари ҳамда Андижон туманининг маъмурий бинолари жойлашган.

Агломерация марказини 15 км масофада шарқ томондан Андижон тумани, ғарбдан Олтинкўл, жанубдан Асака, шимоли-ғарбдан Избоскан туманлари халқа шаклида ўраб олган. Навбатдаги халқа 25 км.ли масофани эгаллайди ва бу масофада Булоқбоши, Хўжаобод, Жалакудук туманлари жойлашган. Ғарбий йўналишда эса агломерацияга Шаҳрихон тумани туташади. Андижон шаҳрига агломерация худудидан ҳар куни ўртача 25-30 минг киши келиб-кетади, байрам ва дам олиш кунлари эса бу рақам 50 мингдан ортиши мумкин. Айни вақтда агломерация ядросидан йўлдош манзилгоҳларга бориб ишловчи маятниксимон мигрантлар ҳам кўп. Ҳар куни Андижон шаҳридан атрофдаги жойларга 7000 га яқин кишилар турли мақсадлар юзасидан бориб келадилар.

Андижон агломерацияси худудининг нисбатан текислиги унда ҳар хил транспорт турларини шакллантириш имконини берган. Автомобиль транспорти Андижон агломерациясида юк ва йўловчи ташишдаги салмоғи жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Агломерациядаги автомобиль йўллари ичида узунлиги 13 километрли Андижон шаҳрига шахобча йўл (4Р-17Д) ва узунлиги 31 км. бўлган Андижон шаҳри айланма йўл (4Р-130) юк ва йўловчи ташишдаги ҳажмига кўра алоҳида

аҳамиятга эга. Агломерация микёсида ташиладиган юк ва йўловчиларнинг асосий қисми қайд этилган йўлларга тўғри келади. Йўловчи ташишда Андижон-Асака (11 км), Андижон-Шаҳрихон (25 км), Андижон-Қўрғонтепа (38 км) йўналишлари катта салмоққа эга. Асака шахрининг ўзига хос “ўсиш кутби” эканлиги, Шаҳрихоннинг қулай транспорт географик ўрни, Қўрғонтепа йўналишининг эса транзит аҳамияти бунга сабаб бўлган. Айнан ана шу йўллар агломерация танасининг «катта томирлари» дир.

Андижон агломерацияси манзилгоҳлари орасидаги аҳоли катновини автомобиль транспортисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар орасидаги кундалик алоқаларни шаҳар ва шаҳар атрофи йўловчи ташиш транспорти амалга оширади. Марказий шаҳар-Андижондан 11 та йўналишда автобус ва 45 та йўналишда такси қатнови аҳоли манзилгоҳларини тўғридан-тўғри боғлаб туради.

Андижон шаҳри билан шаҳар ва қишлоқлар орасида қатнаётган транспорт воситалари асосан Андижон шохбекати, Эски-шаҳар бош бекати ва “жаҳон бозори” бекатлари орқали боғланган. Табиийки, улар орасида мигрантларнинг энг кўп қабул қилиш ва жўнатиш Андижон шохбекати ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда мазкур шохбекат шаҳар атрофи, туманлараро, вилоятлараро йўналишларда қатновчи автобусларни қабул қилишга мослашган. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб йўналишларда автобус қатнови ўрнини микроавтобус ва енгил автомобиллар эгаллаб олди. Натижада, илгари 30-35 та йўловчини ўзида сиғдирган 1 автобус ўрнига 2-3 та микроавтобуслар тўғри келмоқда. Бунинг оқибатида бекатларда транспорт воситалари кўпайиб, илгариги бекатлар ва йўлларнинг транспорт ўтказиш қобилияти бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди.

Водий агломерацияларида транспорт воситалари ва йўловчиларнинг кўпайиб бориши туфайли қуйидаги муаммолар вужудга келди:

- Серқатнов автомобиль йўл-

ларида тирбандликлар (“пробкалар”) вужудга келиб, ҳаракатланаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга ҳалал бермоқда;

- Турли хил автоҳалокатлар айнан шундай жойларда кўплаб содир бўлмоқда;

- Лицензиясиз фаолият юритаётган хусусий транспорт воситаларининг кўпайишига шароит туғилмоқда;

- Йўналишлар бўйича жадваллар сонини, вақтини назорат қилиш мураккаблашди;

- Урбоэкологик вазият салбийлашмоқда ва ҳ.к.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш шаҳар агломерацияларида аҳоли яшаши ва транспорт қатнови учун қулайликлар яратади.

Андижон бош бекати жойлашган ҳудудда ўзига хос кичик ҳудудий мажмуа шаклланган. Бош бекат билан 3 км.ли радиусда темир йўл станцияси, Андижон биокимё заводи, “Янги бозор”, Андижон тиллар педагогика ва Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтлари, бир неча кичик корхоналар жойлашган. Табиийки, бундай ҳудудий мужассамлашув баъзан нохуш экологик вазиятни ҳам вужудга келтиради.

Худди шундай вазиятни водийнинг бошқа агломерацияларида, жумладан Фарғона-Марғилон, Наманган ҳамда шаклланиб бораётган Қўқон атрофида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Фарғона шаҳрида турли хил кимё ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг мавжудлиги экологик ҳолатни янада кескинлаштиради.

Наманган агломерациясининг маркази, яъни Наманган шаҳри аҳолиси сўнгги йилларда тез ўсиб бормоқда. Ушбу агломерация таркибига кирувчи Учқўрғон, Ҳақулобод, Уйчи, Чортоқ каби шаҳарларда ҳам транспортнинг аҳамияти катта. Тўрақўрғон эса Наманган шаҳри билан троллейбус қатнови орқали боғланган бўлиб, улар деярли тутшиб кетган.

Наманган вилояти марказидан асосан Наманган-Чуст, Наманган-Учқўрғон йўналишларида йўловчи

катнови тиғиз. Чуст шахри эса Поп билан биргаликда ўзига хос худудий урбанистик тизимни ташкил қилади. Фарғона агломерациясида Қува, Қувасой, Хамза кабилар асосан транспорт маркази вазифасини бажаради. Йўловчилар катнови Фарғона-Марғилон, Фарғона-Қува, Фарғона-Риштон, Фарғона-Қувасой йўналишларида интенсив характерга эга. Мазкур агломерация Қўқон гуруҳ районлари билан ҳам боғланган. Бу борада Риштон, Боғдод, Олтиариқ шаҳарчалари ўзига хос боғловчи транспорт тугуни вазифасини бажаради. Шу асосда республиканинг қадимий шаҳарларидан бири Қўқон негизда ҳам

агломерация шаклланиб бормокда ва бу борада транспортнинг роли катта. Қўқон аторофида жойлашган Яйпан, Данғара, Бешарик, Учқўприк шаҳарлари ва шаҳарчалари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган транспорт марказлари функциясини ўтайди.

Шундай қилиб, аҳоли жойлашуви, хусусан шаҳарлар ривожланиши ва транспорт географияси ўртасида алоқадорлик мавжуд. Бинобарин, транспорт ва шаҳарлар географияси, Н.Н. Баранский таъкидлаганидек, бир бири билан узвий боғлиқ ва уларнинг муаммоларини ҳам шу тартибда ечиш мумкин.

Резюме

В статье показаны особенности формирования городских агломераций в густозаселенной Ферганской долине. На примере Андижанской агломерации рассмотрена роль транспортной инфраструктуры в формировании и развитии данной системы расселения.

Resume

In this article represented characteristics of formation of city agglomeration in densely populated Fergana valley in the case of Andijan agglomeration reviewed role of transport infrastructure in the formation and development the current system.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ВА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИКДА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ғаннаров А. Н.

Таянч сўзлар ва иборалар: транспорт, транспорт тизими, аҳоли жойлашуви, автомобил ва темир йўллар.

Жиззах вилоятида транспорт тармоғи автомобил ва темир йўл йўналишларидан иборат бўлиб, бу йўналишларнинг шаклланиши худудий характерга эгадир.

Темир йўллар Тошкент-Термиз йўналишининг бир қисми бўлиб, вилоятга Сирдарё вилоятининг Ховос тумани орқали кириб келади, Зомин туманига қарашли Даштобод, Зарбдор туманининг Бирлашган аҳоли пунктлари орқали Жиззах шахрига, ундан Ғаллаорол тумани орқали Самарқанд вилоятига ўтади. Таъкидлаш керакки, бу темир йўл 19-асрнинг охирида бунёд қилинган, бинобарин Ўзбекистондаги илк темир йўллардан ҳисобланади. Темир йўл линиясида 5 асосий бекатлар ва бир қанча тўхташ жойлари (разъездлар)


мавжуд бўлиб, бекатлар ҳам темир йўл қурилган даврларда ташкил этилган. Даштобод, Зарбдор, Жиззах, Ғаллорол, Лалмикор бекатлари асосийлари ҳисобланади. Шунингдек, вилоят худудида ички темир йўл йўналиши ҳам қурилган бўлиб, Жиззах, Пахтакор, Дўстлик, Гагарин шаҳарларини боғлайди, Фориш туманининг Учқулоч посёлкасига ҳам етказилган. Айни вақтда бу йўлдан фақат Учқулоч конидан руда ташишда фойдаланилади. Лекин вилоят ички темир йўли орқали асосий шаҳарлар оралиғида юк ва йўловчи ташишни ташкил қилиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Темир йўлнинг вилоят ишлаб чиқаришини худудий ташкил этишда ва аҳоли жойлашувида аҳамияти каттадир. Агар Тошкент-Термиз йўналишидаги

темир йўл аҳоли қадимдан яшаб келаётган ҳудудлар оралиғида қурилганлиги эътироф этилса, бундай ҳудудларнинг ўзаро боғланиши айти темир йўл воситасида янада мустақамланганлигини ва ҳудудий ривожланишга асос бўлганлигини таъкидлаш жоиздир. Биринчи навбатда темир йўл ўтган ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг аҳамияти ортди. Собиқ иттифоқ даврида темир йўл ўтган ҳудудлар вилоятнинг асосий саноатлашган минтақаси ҳисобланар эди. Жиззах шаҳри бунда марказий ўрин тутиб, Зомин, Зарбдор, Ғаллаорол туманларидан меҳнат ресурсларини жалб қилиш ва айти вақтда санаб ўтилган туманларда ишлаб чиқариш корхоналарининг шаклланишига таъсир кўрсатган. Даштобод шаҳрида ғишт заводи, Зарбдор посёлкасида дон элеватори, Ғаллаорол туманида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарининг бунёд қилинишига айти темир йўл кучли таъсир кўрсатган. Жиззахдан Пахтакор, Дўстлик ва Гагарин шаҳарчаларини боғловчи темир йўл линиясининг ўтказилиши бу чўл туманларида ҳам юк ва йўловчи

ташиш хизматини шакллантириш билан бирга туман марказларида саноатнинг айрим тармоқлари йўналишида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг шаклланишини осонлаштирди. Темир йўл линиясининг аҳоли пунктлари шаклланиши ва ривожланишида аҳамияти каттадир. Йўл ёқасида жойлашган аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш имконияти ошади, аҳоли сони ортиб боради ва шу билан бирга янги аҳоли пунктларининг вужудга келишига имконият туғилади. Бу айтикса текислик ҳудудларида сезиларли кечади. Вилоят ҳудудидан ўтадиган темир йўл линиялари кўплаб аҳоли пунктларининг вужудга келишига таъсир кўрсатган. Лекин, темир йўллардан унумли фойдаланмаслик бу имкониятнинг таъсирини йўққа чиқариши ҳам мумкин. Вилоят ҳудудидан темир йўл аксарият аҳоли жойлашуви ва аҳоли пунктларининг шаклланиши, бинобарин бу аҳоли пунктларида саноат корхоналарини бунёд қилиш учун қулай жойлардан ўтади.

Расм. Жиззах вилояти транспорт тизими асосий йўлларининг схемаси



Транспорт тизимида темир ва автомобил йўлларининг параллел

равишда шакллантирилиши вилоят ҳудудига хос жиҳатлардан биридир.

Вилоят ҳудудидан алоҳида магистрал автомобил йўллари билан Катта Ўзбек тракти ўтади. Вилоят ҳудудини бошқа вилоятлар билан боғловчи автомобил йўллари барча туманлар ҳудудида мавжуд, улардан айниқса, Жиззах – Янгиер, Жиззах-Самарқанд йўналишлари серкатновдир. Жиззах шаҳридан туман марказлари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларига боғланадиган автомобил йўллари аҳолининг турли даражада. Масалан, Жиззах шаҳридан Фориш туман маркази ва аҳоли пунктларига боғланадиган автомобил йўли Навоий вилояти ҳудудига ўтиш йўли ҳамдир. Жиззахдан Ғаллорол ва Бахмал туманларига борадиган автомобил йўли

бевосита Катта Ўзбек тракти билан қўшилиб кетади. Шунга кўра бу йўлларнинг аҳолининг вилоят ва ҳатто республика миқёсида аҳолига яқинлиги.

Шуниси эътиборлики, вилоят маркази бўлган Жиззах шаҳридан саноатлашган ва саноатлашиш имконият юқори ҳудудларга ҳар иккала транспорт воситасида боғланиш мавжуд. Бу ҳол ҳудудда саноатнинг турли тармоқларини ривожлантиришни осонлаштиради. Бунда шаҳар ва туман марказлари билан вилоят маркази ўртасидаги масофага ва транспорт тизими бўйлаб шаклланган аҳоли пунктларининг сонига алоҳида эътибор бериш лозим.

Жадвал

**Жиззах вилояти транспорт тизимининг асосий йўналишлари
ва уларга боғлиқ ривожланиш имкониятларига эга аҳоли пунктлари**

Йўналишлар Аҳоли пунктлари	Жиззах-Ховос	Жиззах- Самарқанд	Жиззах- Фориш	Жиззах- Мирзачўл	Катта Ўзбек тракти
Шаҳарлар	Даштобод.	Ғаллаорол		Пахтакор, Дўстлик, Гагарин	
Шаҳар посёлкалари	Зарбдор, Бўстон, Янги Бўстон.	Қўйтош, Маржонбулоқ, Лалмикор	Янги- кишлоқ, Учкулоқ	Учтепа, Наврўз, Мевазор, Мирзадала	
Қишлоқлар	Янгикишлоқ, Ҳамзабод, Сутбулоқ, Олтинсой Боймоқли, Ургут- обод, Бешноз, Оқчангал	Қорасой, Бахмалсой, Кўкғумбаз, Заргар, Қангли, Қизилқўрғон, Мўлабулоқ, Ғаллакор, Сарой	Куёвбоши, Ян гиобод, Мех- натобод, Қоратош, Анамуна Осмонсой, Ярашув, Тулак	Қахрамон, Чаманзор, Гулистон, Гулбаҳор, Пахтачи, Оқбулоқ	Пахтачи, Ёйилма, Сайхон
Алоҳида нукталар	3,6,9,10 разъездлар.			Тимирязев, Чимқўрғон	Манас, Наврўз

Жиззах вилояти туманлари ҳудудий географик жиҳатларига кўра тоғ ва ўзлаштирилган чўл ҳудудлари туманларига бўлинади. Айни ҳолат транспорт тизимидан фойдаланиш ва уни ташкил етишга таъсир этади. Кўриниб турибдики, вилоят марказига енг узоқ бўлган туманлар тоғли ҳудудларга тўғри келади, шу билан бирга уларга транспорт воситаларининг етиб бориш жиҳатлари турличадир. Масалан Янгиобод ва Бахмал туманлари марказларига етиб бориш Зомин ва Фориш туман

марказларига етиб боришдан кўра кўп вақтни олади, йўллар ўтган ҳудудларнинг рельеф хусусиятлари билан боғлиқ. Транспорт тизимига яқин жойлашган аҳоли пунктлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш нуқталари бўлиб хизмат қилиш мумкин. Бунинг учун бундай аҳоли пунктларининг табиий географик шарт-шароитларига боғлиқ бўлган иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари таҳлил қилиниши зарур. Текислик ҳудудларида бундай имкониятлар тўла намоён бўлади, албатта аҳоли сонини

ҳисобга олган ҳолда. Жиззах вилояти чўл туманларида аҳоли зичлиги анча пастлигини назарда тутилса, аввало ҳудуднинг меҳнат ресурслари билан таъминланишини ташкил қилиш зарурлиги таъкидланади. Тоғ туманларида ресурслар ва имкониятлардан фойдаланиш бир қанча табиий омиллар, хусусан йер юзасининг тузилиши ва мавсумий ёгингарчилик келтирадиган сел оқимлари туфайли мураккаблашади.

Жиззах вилояти транспорт тизимига бевосита яқин жойлашган ва транспорт тизимидаги ривожланишга боғлиқ равишда саноатлашиш имкониятлари мавжуд аҳоли пунктлари талайгина ва уларни ушбу имкониятлар билан боғлиқ

ўрганиб чиқиш ҳамда хулосалар чиқариш мумкин. Аввало, вилоят транспорт тизимидаги йўналишларни ҳудудий белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу вилоят марказидан бошланадиган ва бошқа ҳудудларга боғланадиган йўналишлар асосида олиб борилиши зарур. Транспорт йўналишлари ва улар атрофида жойлашган аҳоли пунктларининг саноатлашиш имкониятлари ҳудудий нуқтаи назардан турли даражада. Шу боис, аҳоли пунктларида саноатнинг транспорт тизими билан уйғун ривожлантириш бир қанча омилларга боғлиқ. Ушбу омилларни ўрганиш иқтисодий ва ижтимоий география фанида муҳим аҳамиятга эга.

Резюме

Населенные пункты и транспортные линии образуют основной каркас территории. Исходя из этого, в статье рассматриваются вопросы взаимосвязанного развития систем расселения и транспортной инфраструктуры в Джиззакской области.

Resume

Settlement and transport lines makes the major framework of territory, coming from this point of view in this article reviewed issues related to the development of the settlement system and transport infrastructure in Djizzak region.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ОСОБЕННОСТИ ПОЛЯРИЗОВАННОГО РАЗВИТИЯ В ПУСТЫННЫХ ТЕРРИТОРИЯХ

Янчук С.Л.

Ключевые слова и выражения: факторная схема размещения, регулярная схема размещения, полюс роста, линия роста, коридор роста, зона роста, экономический кластер.

Экономический прогресс сопровождается модернизацией не только отраслевой структуры хозяйства, в частности, увеличением доли сначала вторичного, затем третичного и четвертичного секторов, но и качественными сдвигами в пространственной структуре производства и расселения. При этом возрастание удельного веса отраслей, имеющих точечно-узловую форму пространственной организации, в сочетании с углублением географического разделения труда, ускоряет процессы урбанизации, представляющие собой, в сущности, пространственное проявление узловой концентрации производства,

капитала и населения, обусловленное агломерационными эффектами.

Однако часто ускользает от внимания наблюдателей тот факт, что внутренняя и внешняя (как локализационная, так и межотраслевая) экономия масштаба (а также другие факторы пространственной концентрации, не являющиеся объектом рассмотрения этой статьи), не ограничиваются эффектом узловой агломерации. Достаточно отметить, что возрастание роли транспорта, имеющего линейную форму территориальной организации и, в первую очередь, быстрое развитие тех коммуникаций, которые соединяют крупнейшие города,

способствует линейностремительным тенденциям в пространственной динамике производительных сил.

Неравномерность территориального развития – следствие взаимодействия природных, технологических, экономико-географических, конъюнктурных и случайных, в том числе политических, факторов – сопровождается формированием полюсов, линий, коридоров и зон роста (развития – если рост обусловлен технологическим прогрессом).

По нашему мнению, полюсами, линиями, коридорами и зонами роста выступают *характеризующиеся опережающими темпами роста*, соответственно:

- урбанистические ареалы,
- коммуникации транспорта и связи,
- прилегающие к этим коммуникациям экономические коридоры (включающие линии роста как инфраструктурные оси, как экономические стержни коридора роста),
- регионы, их группы или части крупных регионов.

Например, линии роста – это моно- и полимагистралы, либо вновь построенные, либо характеризующиеся более значительным (по сравнению с другими коммуникациями) увеличением инвестиций в модернизацию, а также грузо- и пассажиропотоков, объёма передаваемой информации на линиях связи. В пределах же коридора роста предприятия всех отраслей получают дополнительную прибыль, а население – удобства за счёт улучшения доступности к коммуникациям.

В противоположность полюсам, линиям и коридорам роста можно выделить полюса, линии и коридоры депрессии (либо упадка – в случае прекращения производства), возникновение которых связано с теми же факторами, что и формирование ареалов роста.

Поляризованное развитие имеет свои особенности, если сравнить, с одной стороны, равнинные территории со сравнительно однородными ландшафтными характеристиками и, с другой

стороны, горные, островные, прибрежные области, или районы, пересечённые крупными реками, изобилующие озёрами, болотами. В частности, в горных, в том числе пустынных горных, территориях, где прохождение основных коммуникаций приурочено к долинам и перевалам, наиболее ярко проявляется отмеченное Б.Б. Родоманом (1999) сходство «транспортного рельефа» с геоморфологическим. В Узбекистане границы узловых хозяйственных районов с часто совпадают с границами природных районов и проходят по хребтам (наиболее яркие примеры – границы Кашкадарьинского и Сурхандарьинского административно-экономических районов).

Есть свои различия в формировании полюсов, линий и коридоров роста и между регионами с разной степенью заселённости и хозяйственной освоенности. Специфичен характер поляризованного развития на слабоосвоенных территориях с экстремальными природными условиями. Это таёжные и тропические лесные массивы, пустыни: холодные арктические, высокогорные либо пустыни в традиционном понимании, с жарким и сухим климатом.

При рассмотрении особенностей поляризованного развития в пустынных территориях важно определить, берётся для анализа пустынная зона в физико-географическом или в экономико-географическом понимании. В первом случае мы должны включить в неё крупные массивы оазисов с высокой плотностью населения, где концентрируется орошаемое земледелие, обрабатывающая промышленность, активно растут города, формируются городские агломерации.

В занимающих десятую часть территории Республики Узбекистан оазисах предгорной зоны и Хорезма нельзя не заметить черты сходства городского расселения и размещения значительной части отраслей, производящих потребительские товары, особенно пищевой промышленности, а также иерархически организованной сферы

услуг по регулярной, кристаллеровской схеме.

Разумеется, и в оазисах классические шестиугольники сильно искривлены как под воздействием ландшафтных, особенно геоморфологических и гидрологических (привязка, по выражению А.С.Салиева, хозяйства и расселения к гидрографической сети) свойств местности, так и под влиянием факторной (веберовской) схемы. На последнюю ориентируются (Зимин, 1993), с одной стороны, предприятия горнодобывающей промышленности, с другой – новейшие наукоёмкие и уникальные производства; размещение же машиностроения представляет собой компромисс между факторной и регулярной системами.

Поэтому полюсами роста в оазисах чаще всего (но не всегда) становятся центральные места, сумевшие привлечь пропульсивные отрасли, которые передают импульсы роста через межотраслевые связи окружающей территории, линиями роста – коммуникации, соединяющие эти полюса. Коридоры роста в условиях густонаселённой и хорошо освоенной местности выражены достаточно чётко.

Однако пустыню можно рассматривать и в экономико-географическом понимании, т.е. как «малозаселённую территорию, не втянутую или недостаточно втянутую в сферу производства ввиду неблагоприятных условий труда и жизни» (Экономический потенциал пустынь и полупустынь, 1987). Сложность здесь заключается в том, что в условиях Средней Азии, где наблюдается исключительное разнообразие ландшафтов, хозяйство пустыни тесно взаимосвязано с экономикой оазисов, богарных и горно-пастбищных территорий. К тому же в нашем регионе имеется немало невысоких горных массивов и небольших оазисов. В большинстве областей Узбекистана и даже во многих туманах, например, в Кумкурганском, Шерабадском Сурхандарьи, Гузарском, Чиракчинском Кашкадарьи, Нуратинском Навоийской,

Фаришском Джизакской области сочетаются пустынно- и горно-пастбищное животноводство, богарное и поливное земледелие, добывающие и обрабатывающие промышленные производства.

Пустынные территории исторически развивались как животноводческая периферия, взаимодействующая с земледельческим хозяйством оазисных и богарных зон. И хотя ведущей сферой занятости остаются здесь отрасли первичного сектора – сельское хозяйство (в Узбекистане – каракулеводство) и горнодобывающая промышленность, определяющие общий рисунок расселения, в последние десятилетия увеличивается доля производств с высокой добавленной стоимостью, а также отраслей обслуживания. В частности, в пустынной зоне Республики Узбекистан располагаются не только добывающие, но и часть обрабатывающих, сервисных производств и учреждений подготовки кадров мощного химико-металлургического кластера, организационно входящего в систему Навоийского горно-металлургического комбината (НГМК) – одного из флагманов индустрии Узбекистана.

Центр кластера – город Навои в Зарафшанском оазисе, где располагаются управленческие структуры, гидрометаллургический и машиностроительный заводы, научно-исследовательские лаборатории и горный университет. В систему НГМК входят рудоуправления в городах Зарафшан и Учкудук Навоийской, Зафарабад Бухарской, Нурабад Самаркандской области (все города построены в пустыне, на рудниках добывается золото, уран, мрамор, гранит, строительные материалы), гидрометаллургические заводы в Зарафшане, Учкудуке и Нурабаде, Кызылкумский фосфоритный комплекс (введён в эксплуатацию в 1996 – 2001 годах), заводы железобетонных изделий, ювелирный, общетехнический факультет горного университета в Зарафшане, сернокислотный, камнерезный заводы в Учкудуке, заводы по изготовлению

поливинилхлоридных и полиэтиленовых труб (выдаёт продукцию с 1996 года) и камнерезный в Нурабаде и другие предприятия.

Модернизация и создание новых производств в рамках НГМК, рост доходов занятых на его предприятиях работников, что ведёт к увеличению расходов на потребительские товары и услуги и стимулированию через торговлю их производства, межотраслевые связи комбината (например, кызылкумские фосфориты потребляются химическими заводами Навои, Самарканда, Коканда, Алмалыка, производящими фосфоросодержащие удобрения, сам комбинат предъявляет спрос на энергию, строительные материалы и т.д.), а также возрастание налоговых поступлений бюджетов свидетельствуют о формировании точек роста на основе новых и расширяющихся рудников, центров роста в Учкудуке, Нурабаде, полюсов роста в Навои и районе Центральных Кызылкумов с фокусом в Зарафшане. Пуск в 1997 году Бухарского нефтеперерабатывающего завода в городе Караулбазаре привёл к возникновению в пустынной зоне Бухарской области, в Каршинской степи ещё одного центра роста.

Активная разведка углеводородов на территории Каракалпакстана и создание здесь горнодобывающих и перерабатывающих производств, таких, как Устюртский газохимический комплекс вблизи посёлка Акшолок, способствуют формированию в пустынной зоне Республики Узбекистан новых точек и центров роста. В сочетании с дальнейшим развитием НГМК в Кызылкумском регионе это будет означать возможный общий сдвиг в размещении промышленности страны в северо-западном направлении.

Важная особенность территориальной организации промышленного производства и тесно связанного с ним городского расселения в пустынной зоне – это ориентация их, в связи с высокой долей горнодобывающих производств, преимущественно на факторную схему

размещения. Однако в сельском расселении в равнинных Кызылкумах прослеживается влияние регулярной схемы, промышленные же городские поселения, пусть и размещённые крайне неравномерно, обеспечивают окружающую их сельскую местность некоторыми центральными товарами и услугами, например, услугами профессионального образования и узкопрофильных врачей. Сами же города пустынь тяготеют к центральным местам более высокого иерархического уровня, располагающимся в оазисах. Для упомянутых выше Зарафшана и Учкудука это Навои, для Нурабада – Самарканд, для Караулбазара – Бухара.

Формирование полюсов роста требует быстрого развития связывающих их коммуникаций транспорта и связи, ликвидации имеющихся территориальных разрывов в сети железных и автодорог. В свою очередь, в случае строительства новых коммуникаций, особенно в богатых ресурсами осваиваемых регионах, формирование линий роста может идти впереди создания новых центров и полюсов.

Основными линиями роста в пустынной зоне Республики Узбекистан выступают инфраструктурные оси Навои – Учкудук – Нукус – Бейнеу и Нукус – Бухара – Карши – Ташгузар – Байсун – Кумкурман – Термез. Формирование первой завершилось строительством железной дороги Учкудук – Мискен – Султануиздаг и открытием движения в 2001 году на участке Учкудук – Мискен. Очень важно, что на территории Каракалпакстана новая дорога проходит в непосредственной близости от хребта Султанувайс – уникального сочетания разнообразного рудного и нерудного минерального сырья, на основе которого может сформироваться локальная зона экономического роста. Введение же в строй действующих железной дороги Ташгузар – Байсун – Кумкурман активизировало развитие всей линии Нукус – Бухара – Термез, на которую оказался «нанизан» и центр роста в Караулбазаре.

Коридоры роста в условиях

слабозаселённой пустынной территории выражены не так чётко, как в оазисах, однако, так как новые инфраструктурные линии улучшают доступность услуг транспорта и связи для предприятий и населения, это положительно сказывается на социально-экономическом развитии прилегающей к коммуникациям зоны.

Очень важно, чтобы линии и коридоры роста пересекали государственные границы, что улучшит взаимодействие национальных экономик стран региона. У территорий же, расположенных в удалённых пустынных районах, в тени коммуникаций и зон концентрации производства и населения, тоже есть шанс вписаться в формирующийся поляризованный ландшафт (термин Б.Б.Родомана). Именно в этих, наименее заселённых и освоенных местностях, удобнее всего создавать заповедники дикой природы и

национальные парки.

По нашему мнению, развитие пустынных территорий в перспективе будет сопровождаться дальнейшей поляризацией ландшафта. При этом удельный вес традиционных отраслей первичного сектора – сельского хозяйства и горнодобывающей промышленности – будет снижаться, возрастёт роль обрабатывающей индустрии, туризма, нетрадиционной энергетики – солнечной и ветровой (получаемую таким образом энергию можно использовать в том числе в сельских поселениях, на стоянках чабанов).

Отрасли традиционной и перспективной специализации экономики пустынь могут неплохо взаимодействовать между собой, создавая новые, нетрадиционные по своей структуре кластеры и снижая экологическое воздействие на уязвимые пустынные ландшафты.

Литература:

1. Зимин Б.Н. Размещение промышленности в развитой рыночной среде. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. д. г. н. в ф. научного доклада. – М., 1993.
2. Родоман Б.Б. Территориальные ареалы и сети. Очерки теоретической географии. – Смоленск: Ойкумена, 1999.
3. Экономический потенциал пустынь и полупустынь Узбекистана и пути его реализации. – Т., 1987.

Резюме

Мақолада чўл минтақаларида ўсиш кўтб, линия ва коридорларнинг шаклланиш хусусиятлари очиб берилган. Ўзбекистон чўл ҳудудларида кўтбий ривожланиш жараёни таҳлил қилинган.

Resume

The paper deals with the specific formation of the growth poles, lines and corridors in the desert zone; the polarized development in the desert areas of Uzbekistan is analysed as well.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ

Рўзметов Д.Р.

Таянч сўзлар: *саноат, энгил саноат, қўшма корхоналар, саноатнинг ҳудудий тuzилиши, саноат тармоқлари, “Ўзбекенгилсаноат ДАК”, газламалар, гилам ишлаб чиқариш.*

Энгил саноат Ўзбекистон иқтисодиётининг аънавий тармоқларидан саналади. Иқтисодиёт сектори собиқ Иттифоқ даврида республика саноатининг 30 фоиздан 45 фоизгача бўлган маҳсулотини берган. Республикада оғир саноат тармоқларининг ривожланиши натижасида унинг улуши аста-секинлик билан камайиб келган. Бозор муносабат-

ларига ўтиш шароитида ҳам ушбу аънава сақланиб қолди, соҳа тармоқларида ишлаб чиқариш турли омиллар натижасида олдинги йилларга нисбатан анча қискарди (жадвал). Хусусан, мамлакат экспортининг 9-11 фоизини берадиган пахта тозалаш саноатида деярли 1/3 га, ип газлама саноатида 2/3 дан кўпроққа камайди.

Енгил саноатнинг республикадаги асосий тармоғи – бу ҳақли равишда пахта тозалаш саноати ҳисобланади. Тармоқ 90 – йиллар бошида йилига 6,0 млн. тонна атрофида пахта тозалайдиган 120 дан ортиқ кудратли корхоналарни бирлаштирган. Пахта тозалаш корхоналари айримларининг (Когон, Қорақўл) йиллик қуввати йилига 50 минг тоннадан ортиқни ташил этган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, хусусан ғалла мустақиллигига қаратилган давлат сиёсати ҳамда аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида томорқа ерларнинг тақсимланиб берилиши

натijasида пахта экини майдони анча камайди ва бу, ўз навбатида, пахта, пахта толаси тайёрлаш ҳажмида акс топди.

1990 йилда республикада 1,59 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 1,24 млн. тоннани, 2004 йилда эса 1,17 млн. тонна, 2012 йилда 1,09 млн. тоннани ташкил этди. Оқибатда пахта тозалаш корхоналарида маълум қувватларнинг бир қисми фаолиятсиз туриб қолди. Агар, 1988 йилда пахта тозалаш саноати корхоналарининг мавжуд қувватидан фойдаланиш даражаси 100 фоиз деб олинса, бу кўрсаткич 1995 йилда 74,1, 2012 йилда эса 70,0 фоизни ташкил этди.

Жадвал

Ўзбекистонда асосий енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси

маҳсулотлар	йиллар	1988	1995	2004	2012
Пахта толаси, минг т.		1571,5	1238,3	946,0	1099,5
Ип газлама, млн. м. кв.		454,3	455,8	340,5	107,2**
Ипак газлама, млн. м. кв.		138,4	44,0	4,7	0,341**
Нотўқима материаллари, млн.м. кв		153,3	24,2	30,36	25,1**
Жун газлама, минг м. кв.		-	783	96,0	-**
Пайпоқ маҳсулотлари, млн. жуфт		96,1	25,1	17,5**	22,5**
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона		105,9	33,4	29,6**	104,1**
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг м. кв.		6,24	1,75	2,78**	23,5*

Изоҳ: *йирик ва ўрта корхоналар бўйича.

**«Ўзбекенгилсанот» ДАК бўйича.

Манба: 1. ЎзР. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2. «Ўзбекенгилсанот» ДАК маълумотлари, 2012 й.

Мустақиллик йилларида тўқимачилик саноати географияси бироз такомиллашди, ишлаб чиқариш заиф ривожланган ёки умуман бўлмаган минтақаларда тармоқ корхоналари вужудга келди. 90-йиллар бошларида Ўзбекистонда қатор қўшма корхоналар барпо этилди. Қорақалпоғистон Республикасидаги «Катекс» ва «Элтекс», Хоразмдаги «Гуртекс», Самарқанддаги «Самжинтекс», Андижон вилоятидаги «Антекс» ва «Қува» қўшма корхоналари кабилар шулар жумласига киради.

1991-2013 йиллар оралиғида республика тўқимачилик саноатига 1,4 млрд. АҚШ долларидан ортиқ чет эл сармояси жалб этилди. 2012 йилда «Ўзбекенгилсанот» ДАК таркибига кирувчи корхоналар томонидан 1,73 трлн. сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб

чиқарилди, 40 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориб, четга 705,3 млн. АҚШ доллари қийматига тенг маҳсулот экспортга чиқарилди ва сўнгги беш йилда экспорт қиймати 1,7 марта ошди.

Ип газлама саноатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аста-секинлик билан қисқариб боргани ҳолда, ярим маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Табиий равишда, тармоқ маҳсулотлари экспортга йўналганлик хусусият касб этиб борди. Мамлакатда тўлиқ циклга эга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда унинг юқори цикли ўзида камраб олган қатор корхоналар ҳам барпо қилинди.

Янги аср бошидан айни вақтгача бўлган оралиқда соҳада корхоналарнинг технологик барпо этилиши аралаш

хусусият касб этади. Тўқимачилик саноатида дастлабки ва ўрта циклга тегишли қувватлар билан бир қаторда «Оқсарой тўқимачи», «Чиноз тўқимачи», «Ядемтекстил», «Бурсел-Тошкент текстил» каби тўлиқ циклли комбинатлар ишга туширилди. Республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиш палласига кириши мамлакатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни кучайтирилишига олиб келди. Хусусан, 2012 йилда республикада 104,1 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 23,5 млн. дона пайпоқ ишлаб чиқарилди. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1988 йилги даражага етди¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида республиканинг эски йирик тўқимачилик комбинатлари («Тоштўқимачи» ХЖ, «Бухоротекс» ХЖ, «Намангантекстил» ХЖ, «Бобур» ХЖ) инкирозга учради. Ҳозирда уларнинг базасида қўшма корхоналар ташкил этилган. Эркин рақобатга асосланган бозор ипак газлама саноатининг заиф томонларини яққол очиб ташлади. Қолоқ технологиялар билан қуролланганлик, сунъий ипак газламаларга бўлган талабнинг йўқлиги ва ташқи рақобат - ушбу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини кескин пасайиб кетишига сабаб бўлди. Республика ипак газлама саноатининг фаҳри бўлган Наманган ипак ва аврли газламалар комбинати ва Марғилон фабрикаларида ишлаб чиқариш деярли тўхтаган ва туриб қолган фондлар ўрнида ип калава ва газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Айни вақтда, тармоқнинг ишлаб чиқариш ҳудудий таркибида айрим ўзгаришлар юз берди. 80-йиллар охирида тармоқ маҳсулотининг 50,6 фоизи Наманган, 35,4 - Фарғона, 8,2 – Самарқанд ва 4,2 фоизи Андижон вилоятида ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда Фарғона, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ипак газламалар тайёрланмоқда. 2012 йилда республикада 854,2 т. хом ипак ва 341,0 минг кв.м. ипак газлама ишлаб

чиқарилди (жадвал). Тармоқнинг асосий қувватлари Наманган ва Фарғона вилоятларида мужассамлашган.

Бозор иқтисодиёти шароитида жун тўқимачилик саноатининг илк тармоғигилам тўқимачилик саноатида катта ўзгаришлар кузатилди. Тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 90-йиллар ўрталаригача бироз қисқарган бўлсада, кейинчалик айрим вилоятларда янги қувватлар ташкил этиш ҳисобига анча ошди. Масалан, 1995 йилда ишлаб чиқариш 1988 йилга нисбатан атиги 15 фоизга камайган бўлса, 2012 йилга келиб у, аксинча, 3,7 мартага ошди. Бунга республиканинг деярли барча вилоятларида бир қатор корхоналарни («Белсам-гилам», «Каплансер-Сам», «Самарқанд-Бухоро ипак гилами», «Сам-Антеп-гилам» ва б.) ҳамда Хоразм вилоятида йирик «Хива гиламлари» ХЖ янги технологиялар билан қуроллантирилиши сабаб бўлди.

Нотўқима материаллар саноатида бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайиши ишлаб чиқаришнинг анча камайишига олиб келди. Тармоқнинг йирик корхоналарида ишлаб чиқаришнинг қисқариши туфайли туриб қолган фондлар ўрнида бошқа турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни вақтда, нотўқима материаллар Наманган ва Фарғона вилоятларида ишлаб чиқарилмоқда. Намангандаги «Нотўқимачи» ХЖ, «Намимпекстекс» МЧЖ лар тармоқнинг ҳозирги кундаги энг йирик корхоналари саналади.

Республикада тикувчилик корхоналари барча вилоятларда мавжуд бўлсада, унинг йирик қувватлари ҳозирда ҳам Тошкент шаҳрида тўпланган. Тармоқда ишлаб чиқаришнинг катта қисми аввалгидек кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ўртача катталиқдаги корхоналарда тўпланган. Энг диққатга сазавор жойларидан бири – республикада миллий дизайнерлик мактаблари сафи кенгаймоқда.

“Ўзбекчармпойабзал” ДАК


таркибига ҳозирда жами 33 та, шундан 12 та пойабзал, 18 тери-кўн, 2 сунъий тери-

¹ «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирмайдиган кичик ва хорижий корхоналар ҳисобга олинмаганда (муаллиф).

галантерея корхоналари фаолият юритмоқда. Тармоқда 2008 йилда 5,12 млн. жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди.

Тармоқ қувватларининг катта қисми Фарғона (Қўқон), Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида мужассамлашган.

Расм. Республикада айрим энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мавжуд қувватлардан фойдаланиш (фоизда, 2012 йил)



Манба: «Ўзбекенгилсанот» ДАК маълумотлари, 2012 й.

Республикада энгил саноатнинг бошқа тармоқлари нисбатан сустривожланган. Ҳозирда республикада кенг халқ истеъмолчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини йўлга қўйиш борасида катта ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ишга солинмаган имкониятлар анчагина (расм).

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, мамлакат энгил саноатида ўрнатилган қувватлардан фойдаланиш даражаси қониқарли аҳволда эмас. Бу кўп ҳолларда

тармоқларнинг доимий маҳсулот сотув бозорига эга эмаслиги ҳамда техника ва технологиясининг локализация қилинмаганлиги билан боғлиқ. Шу боис, республикада энгил саноат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда сотиш ишларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда хорижий ҳамкорликни кучайтириш ҳамда энгил саноати машинасозлигини ривожлантириш муҳим масалалар сирасига киради.

Адабиётлар:

1. Зиядуллаев С.К., Лапкин К.И. и другие. Производительные силы Узбекистана и перспективы их дальнейшего развития. - Т.: Фан, 1986.
2. Солиев А.С., Аҳмедов Э.А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. - Т.: Университет, 2003.
3. Интернет сайтлари маълумотлари.

Резюме

В статье анализированы некоторые вопросы развития и территориальной структуры промышленности Республики Узбекистан. Главное внимание уделено на развитие и размещение легкой промышленности.

Resume

In the article analyzed some issues of development and territorial structure of industry of the Republic of the Uzbekistan. The major importance is given to development and distribution of light industry.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИНИ БОШҚАРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Жумаханов Ш.З., Мирзааҳмедов Ҳ.С., Ҳалилов Ҳ.Б.

Таянч сўзлар ва иборалар: кимё саноати, саноат маҳсулоти, Ўзбеккимёсаноат ДАК, саноат корхоналари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози.

Кимё саноати Ўзбекистон иқтисоди-

ётининг базавий тармоқлар сирасига

кириб, унга минерал ўғитлар, ноорганик моддалар ва энергетика, олтинкон ва кимё саноатлари учун кимё реагентларини ишлаб чиқарувчи, органик кимё, сунъий тола ва полимер материаллари ишлаб чиқарувчи, ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситалари ишлаб чиқарувчи, калцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи корхоналар қиради. Мамлакатимиздаги кимё корхоналарнинг асосий қисми «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига қиради. «Ўзкимёсаноат» ДАК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 мартдаги 124-сонли «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, Республика кимё корхоналарини бирлаштирувчи ва кимё тармоғи ривожининг умумий концепциясини ишлаб чиқувчи, уни татбиқ этувчи ягона комил корпоратив тизим ҳисобланади. Компания энг йирик кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш, инновацион ва маркетинг сиёсатини юритади ва шу орқали ишлаб чиқарувчилар ва республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади. Компания таркибига 12 йирик саноат корхоналари, кишлоқ хўжалигига кимё маҳсулотини етказиб берадиган 13 ҳудудий дистрибьюторлик ташкилотлари, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтлари ва транспорт-экспедиторлик компанияси қиради.

Мамлакатимизда кимё саноати корхоналарини бошқариш тизимининг асосий бўғини бўлмиш «Ўзкимёсаноат» ДАК ни бошқариш асосан икки орган томонидан амалга оширилади: Олий орган – Компания Кенгаши ҳамда Ижроия органи – Компания Бошқаруви. Компания Кенгаши 9 кишидан таркиб топган бўлиб, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Компания Кенгаши компания фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаб, ўз ваколати дорасида турли масалалар, жумладан, компания уставига қўшимчалар киритиш, уни қайта ташкил этиш

ва тугатиш, устав фондини ошириш ва камайтириш, компания бошқарув аъзоларини сайлаш, йиллик ва навбатдан ташқари мажлисларни чақиритиш, йиллик ҳисоботлар, бухгалтерлик баланслари, компаниянинг даромадлари ва харажатлари ҳисобларини, даромадлар ва харажатлар таксимланишини тасдиқлаш ва ҳ.к. бўйича қарорлар қабул қилади. Компания Бошқаруви эса компаниянинг кундалик фаолияти устидан оператив бошқаришни амалга оширади ҳамда Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил қилади. Бошқарув тўрт аъздан (раис ва унинг уч нафар ўринбосарлари) иборат бўлиб, улар Компания Кенгаши томонидан сайланади. Компания Бошқарув раиси компания фаолиятини бошқаради, компания фаолиятининг барча масалаларини ҳал қилади.

Бугунги кунда кимё саноати бўйича инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга оширишни самарали ташкил қилишда компания бошқарув органларини ролини ошириш учун, бизнингча, қуйидагиларга ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир:

- инқирозга қарши чора-тадбирларда тасдиқланган кимё саноати учун устувор йўналишларга самарали роия қилинишини ҳар чорак давомида молиявий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан объектив баҳолаб ва таҳлил қилиб бориш;

- компания йиллик бизнес-режасида кимё саноати корхоналаридаги ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича чора-тадбирларни шунингдек, унда ишлаб чиқариш режаси, маркетинг фаолияти режаси, инвестиция лойиҳалари режаларини акс эттириш ва уларни самарали бажарилиши ва бошқарилишини таъминлаш;

- компания Кенгаши томонидан кимё саноатида таваккалчиликни баҳолашга, кимё корхоналарида хавфхатарнинг салбий оқибатларини камайитиришга имкон берадиган таваккалчиликни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва уни инқирозга қарши чора-

тадбир вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юритиш ва ҳ.к.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда кимё саноатини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, улар асосан кимё саноати корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларни модернизация қилиш, фаолиятини диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.11.2010 йилдаги ПҚ–1442-сонли қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастури” тармоққа инвестиция жалб этиш жараёнларини жадаллаштиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши кимё саноатида 2011-2015 йиллар мобайнида янги қурилиш, модернизация ва реконструкция ишларига 2,8 млрд. долл.дан зиёд (шундан қарийб 1,4 млрд. долл. хорижий инвестиция ва кредитлар) миқдоридан инвестициялар сарфланишига ва улар ҳисобига 30 та устувор лойиҳаларни ҳаётга жорий қилишга ва натижада 2015 йилга келиб, кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами 2010 йилдагига нисбатан 1,41 баробар ошишига, экспортга йўналтирилладиган маҳсулотлар ҳажми 1,5 баробарга ўсишига олиб келади.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш асосан Ўзбекистон кимё саноатининг “Навоiazот” ОАЖ, “Максам-Чирчик” ОАЖ, “Фарғонаазот” ОАЖ, “Аммофос” ОАЖ каби етакчи корхоналарига тўғри келади. Лойиҳаларнинг асосий эришиладиган натижаси ушбу корхоналарда янги турдаги кимё маҳсулотларини (фосфорлаштирилган аммиак селитраси, карбамид-аммиак аралашмаси, А маркали метанол, диметилэфир, паст зичликли аммоний нитрати, натрий нитрати, аммиак ишлаб чиқариш учун катализаторлар, тринатрий фосфат, озуқа фосфати, карбоксиметил целлюлоза, синтетик ювиш воситалари)

ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва йўлга қўйиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ-1072 сонли Қарори билан 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури қабул қилинди. Ушбу дастур кимё саноатида умумий қиймати 2,062 млрд. АҚШ долларига тенг амалга ошириш босқичида бўлган 12 лойиҳани ҳамда умумий қиймати 1,79 млрд. АҚШ долларига тенг ишлаб чиқиладиган 7 лойиҳани ўз ичига олган. Бундай лойиҳалар асосан кимё тармоғи корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш, ҳам ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни татбиқ этиш ва рақобатбардош, ички ҳамда ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тармоқни янада диверсификация қилиш, унинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга йўналтирилган. Дастурда кўрсатилган лойиҳаларни молиялаштириш 1,438 млрд. АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестициялар ва кредитлар, 374 млн. АҚШ доллари миқдоридан Ўзбекистон тикланиш ва ривожланиш Жамғармаси, 196,7 млн. АҚШ доллари миқдоридан “Ўзкимёсаноат” ДАК ва 53,3 млн. АҚШ доллари миқдоридан Ўзбекистон банклари ҳисобидан амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирларига қарамай, Ўзбекистонда кимё саноати корхоналарини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатда кимё саноатини кейинги ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб олиш лозим, деб ўйлаймиз:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13

июлдаги 197-сонли қарори билан белги-ланган модернизация, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кимё саноати билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишни охирига етказиш;

- “Навоиазот” ОАЖ базасида 750 минг тонна қувватли аммиак ишлаб чиқариш ҳамда 1 млн. тонна қувватли карбамид ишлаб чиқариш комплексини қуриш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш;

- “Навоиазот” ОАЖ базасида 50 минг тонна қувватли поливинилхлорид (ПВХ) ишлаб чиқариш ва 32 тонна қувватли каустик сода ишлаб чиқариш комплексини қуриш лойиҳасини бошлаш;

- Республика аҳамиятига молик бўлган умумий қиймати 123,7 млн. АҚШ доллари бўлган Деҳқонобод калий ўғитлари заводининг қурилишини тугатиш ва унда маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаш;

- Жаҳондаги йирик компаниялар (МАХАМ Corp S.A.U, International

Petroleum Investment Co, ISU Corp ва ҳ.к.) билан кимё соҳасидаги ҳамкорликни давом эттириш ва кучайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПП-672-сонли қарори билан тасдиқ-ланган хусусийлаштириш дастурида сотилиши белгиланган “Ўзкимёсаноат” ДАК нинг 49% давлат акция пакетини келажакда салоҳиятли инвесторларга инвестиция киритиш шарти билан тендер савдолари орқали сотилиши таъминлаш.

Мамлакатимизда кимё саноатини янада барқарор ва мутаносиб ҳолда ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувват-ларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Резюме

В статье анализированы меры по совершенствованию основного звена химической промышленности Узбекистана ГАК «Узкимёсаноат» в условиях модернизации экономики и интенсификации, привлечения инвестиций в эту отрасль.

Resume

The measures on improvement of the main level in chemical industry of Uzbekistan state joint-stock “UzKimyosanoat” company in the period of modernization of economics and intensification of attracting investments into this branch are analyzed in this article.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

САНОАТНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ (ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)

Уралов Е.О.

Таянч сўзлар ва иборалар: диверсификация, модернизация, саноат, саноат тармоқлари, қўшма корхоналар, саноатнинг ҳудудий таркиби, мустақиллик йиллари, иқтисодий хавфсизлик, минтақа, минтақавий иқтисодиёт.

Иқтисодиёт тармоқларининг асосий қисмини саноат асосида ташкил этиш, модернизация қилиш, саноатни диверсификациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича 2000-2012 йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар мамла-катимизда саноатнинг автомобилсозлик, нефть ва газ-кимё, темир йўл машинасозлиги каби янги тармоқ-

ларнинг яратилиши 2012 йилга келиб саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши ҳамда ЯИМ таркибида саноат улушини 24,0 фоизга етишини таъминлади (жадвал).

Собиқ совет хўжалик юритиш тизимининг барҳам топиш давридаги бироз пасайишдан сўнг юртимизда 1996 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариши

ҳажми изчил ўсиб бормокда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 2009 йилда 1990 йилдагига нисбатан 2,7 баробар, 2010 йилда эса 3 баробар ўсди. Мустақиллик йилларида юртимизда автомобилсозлик, нефт-газкимё саноати, нефтгаз машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электро-техника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати ва энгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин эгалламокда. Бу тармоқ Самарқанд шаҳрида Япониянинг «Исузу» компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Жомбой туманида Германиянинг «МАН» компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларни ўз ичига олади. Ана шундай ўзгаришлар натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормокда.

Энергетика мустақиллигини таъминлаш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш дастури доирасида, истиқлол йилларида энг замонавий технологияларга эга бўлган чет эл компаниялари билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи («Текнип», Франция) ҳамда Самарқанд кимё заводида нитрокальцийфосфат ўғити ишлаб чиқариш барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган саноат

корхоналари бўйича Зарафшон минтақаси ўзига хос ўринга эга. Бу ҳудудда энг ривожланган саноат корхоналари қаторига Самарқанд вилоятида “Сино” ОАТЖ, “Самарқандкимё” ОАЖ, Сигарет фабрикаси, “Самарқанд Прага пиво” ҚК яхши ривожланмокда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатларини бартараф қилишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга ноозиқ-овқат товарларинининг ҳам тақчиллигига йўл қўймаслик чораларини кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли қарори асосида “2010-2012 йилларга мўлжалланган вилоят ҳудудий Дастури” ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланди. 2012 йилда 12 ойида жами 182 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, хорижий инвестиция иштирокидаги 4 та лойиҳа, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш (ноозиқ, қурилиш) йўналишида 67 та лойиҳа, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш (тайёр озиқ-овқат, парранда, иссиқхона, асаларичилик ва балиқчилик) йўналишида 111 та лойиҳалар бажарилди. Самарқанд шаҳрида лойиҳа қиймати 5,5 млн АҚШ доллариغا тенг, йилига 3,0 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Дака Текс” корхонаси ишга туширилди. Унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3813,9 млн сўмни (1212,9 тонна) ташкил этди ва 1546,2 минг доллар (858,9 тонна) миқдориди маҳсулот экспорти амалга оширилди. Энг муҳими 98 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Жадвал

Ялли ички маҳсулотнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)

	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2012 йил
Жами	100	100	100	100
Саноат	14,2	21,1	23,9	24,0
Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	17,5	17,5
Қурилиш	6,0	4,8	6,4	5,9
Транспорт ва алоқа	7,7	10,6	12,4	11,9
Савдо	10,8	8,8	9,0	8,6
Бошқалар	18,7	18,4	23,7	24,4
Соф солиқлар	12,5	10,0	7,0	7,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жомбой туманида лойиҳа қиймати 4,2 млн долларлик йилига 30 минг тонна карбонат-кальцит ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Жомбой жавоҳири” корхонаси ишга туширилди. Ушбу корхона томонидан ўтган даврда 400 млн сўмлик (3500 тонна) маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 75 та янги иш ўринлари яратилди. Самарқанд туманида “Сам-Рос-холод” корхонасида умумий лойиҳа қиймати 3,5 млн АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, замонавий қурилиш материаллари, яъни профнастил ва сендвич панеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тайлоқ туманида лойиҳа қиймати 639 минг АҚШ долларлик текстил галантерия буюмлари ва бахмал ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Тайлоқ бахмали” корхонаси, Самарқанд туманида “Стеклопластик” корхонасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан 328 млн сўм эвазига ускуналар ўрнатилиб, янги турдаги махсус тиббий ва спорт инвентарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қурилиш материаллари саноати бўйича Пайарик тумани “Меъёр қурилиш стил” корхонасида лойиҳа қиймати 3,4 млрд сўмлик асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги 1306-сонли қарорига асосан вилоятда 18 та саноат корхоналари 42 та лойиҳа билан маҳаллийлаштириш дастурига киритилган. Дастур доирасида вилоятда 18 та саноат корхоналарида 40 та лойиҳа бўйича 238,6 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Дастурини амалга ошириш мобайнида 25,6 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл валютаси иқтисод қилиниб, 6,9 млн. АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулотлар экспорт қилинди ва 159 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Минтақанинг **Бухоро вилоятида**

саноат корхоналари илғор технология билан жиҳозланди. Янги кадоқлаш линиялари, Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл, Вобкент шаҳарларида Германия технологиясига асосланган нон цехлари ишга туширилди. “Бухоротекс” аксиядорлик жамиятининг филиаллари Ғиждувон, Вобкент, Қоракўл ва Олотда ишлаб турибди. Бухоро пиллакашлик фабрикаси ва унинг филиалларида пилла қайта ишланмоқда. Бухоро трикотаж кийимлар фабрикасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг ички кийимлари ишлаб чиқарилади. Бухоро тикувчилик фабрикаси, Бухоро ва Ғиждувон поябзал фабрикалари, Шофирконда Туркия билан ҳамкорликда қурилган “Варданзи” тикувчилик кўшма корхонаси, “Қоракўл” аксиядорлик жамияти қошида Юнонистон билан ҳамкорликда “Омега—Ситора” кўшма корхонаси ишга туширилди. Маҳаллий саноат корхоналаридан Бухоро “Зардўз” аксиядорлик жамияти, Ғиждувон кулолчилик цехи, Ғиждувон ва Шофиркондаги гилам тўқиш фабрикалари, Когон пахта титиш фабрикаси, Ромитан тўқимачилик фабрикаси, тикувчилик, бадий каштачилик, мисгарлик, заргарлик, косибчилик ва 20 дан ортиқ ғишт заводлари ишлаб турибди. Пахта тайёрлаш пунктлари, қуришиш, тозалаш цехлари, пахта тозалаш заводлари бор. Пахта толаси янги ускуна ва технологиялар асосида жаҳон андозаларига мувофиқ ишлаб чиқарилмоқда. Бухоро уйсозлик комбинати, Когон оҳак заводи, Қуйимозор ва Когон йиғма темирбетон буюмлари заводлари, Италия билан ҳамкорликда қурилган кошинлар ишлаб чиқариладиган “Минокор” заводи, Бухоро темирбетон заводи бор. Газавтоматика ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Минтақанинг **Навий вилояти** хўжалиги кўпроқ бирламчи секторнинг тоғ-кон саноати ва яйлов чорвачилигига ихтисослашган. Республика меҳнат тақсимоотида рангдор металлургия, кимё, қурилиш материаллари, электр энергетика ва коракулчилик маҳсулотларини етиштириш билан ажралиб туради.

Навоий вилоятида 20 дан ортиқ кушма корхоналар мавжуд. Улардан энг катталари «Қизилкумцемент», «Қизилкум-Рус-Нур», «Электрохим-завод» ва бошқалар. Ушбу корхоналарнинг кўпчилиги вилоятнинг ташқи савдо айланмасида фаол қатнашади, 2000 йилда ҳам вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига эришилди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот 1999 йилга нисбатан солиштира нархда 104,4 фоизга, саноат 102,7, қишлоқ хўжалиги 104,5, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 116,6, савдо обороти 103,8, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 118,5 фоизга усди. Саноатининг энг муҳим хусусияти шундаки, бу ерда ундирувчи (тоғ-кон) саноати кўпроқ ривожланган. Масалан, агар республикада ушбу тармоққа уртача 14,4 фоиз саноат маҳсулоти тўғри келса,

Навоий вилоятида бу кўрсаткич 48,7 фоизга тенг. Мазкур вилоят Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган 35 фоиздан ортиқроқ минерал ўғитлар ва цементини беради (2012 й).

2008 йилдан бошлаб Навоий эркин индустриал зонасини шаклланиши саноатнинг янада ривожланишга туртки берди. Бу даврда, хусусан рангдор металлургия тезроқ ривож топди ва, айти пайтда, саноат тармоқ тузилишининг такомиллашувига катта эътибор берилди. Бирок, шунга қарамасдан, Навоий вилоятида асосан базавий соҳалар – электр энергетика, қурилиш материаллари ва тоғ-кон саноати етакчилик қилади. Шу билан бирга, мамакатимизнинг кўпчилик вилоятларига хос анъанавий тармоқлар – енгил ва озиқ-овқат саноати бу ерда нисбатан суст ривожланган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Абиркулов Қ.Н. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
3. Солиев А.С. ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2003.
4. Қаюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2004.
5. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. – Т., 2004.
6. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. – Т.: Академия, 2000.
7. Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
8. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.

Резюме

В статье кратко рассмотрены сдвиги в отраслевой и территориальной структуре промышленности республики. Большое внимание уделено развитию и размещению промышленности в Зарафшанском экономическом районе.

Resume

In the article reviewed movements of branch and territorial structure of the industry in the Republic. The huge importance is given to the development and distribution of the industry in the Zarafshan economical region.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНING ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

Абдуллаев А.Г.

Таянч сўзлар: рацион, субсидия, “яшил инқилоб”, “конвейер” “Географик конвейер”, тиббий меъёр, хўраки, озиқ-овқат хавфсизлиги.

Аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши иқтисодий ривожланганлик ҳамда мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатда минтақа

иқтисодий ривожланиши баробарида аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши даражаси ортиб боради. Аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши аҳолининг турмуш даражаси, яъни

даромади, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ва сифати билан боғлиқ бўлиб у минтақавий ва социал гуруҳлари бўйича фарқланади. Шу жойда қайд қилиши лозимки, минтақавий фарқлар ҳамда озиқ-овқат рационадаги асосий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятлари доимо турли механизмлар орқали давлат томонидан тартибга солиб турилади. Хусусан, озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маҳсулдорлигини ошириш, уларга турли фойдали элементлар билан ишлов бериш, субсидиялаш ва хоказолар бунга мисол бўла олади.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Хоразм вилоятида сут, тухум, мева ва резавор маҳсулотларидан бошқалари меъёр даражасидан ортиқча етиштирилади. Аммо, маҳсулот билан унинг ички истеъмоли ўртасида маълум тафовутлар бўлади, яъни, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг маълум қисми экспортга узатилиши мумкин. Ушбу

ҳолат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги устун турувчи ҳудудларда айниқса юқори бўлади. Вилоятда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат экинларининг экилиши ва етиштирилиши ҳажмида маълум ҳудудий фарқлар мавжуд. Бу, энг аввало, туманлар экин майдони ва хўжалик ихтисослашуви билан боғлиқ.

Хоразм вилояти табиий географик жиҳатдан Амударёнинг қуйи қисмидаги чап ва ўнг қирғоқ қисмларга бўлинади. Вилоятнинг чап қирғоқ қисми қадимдан ўзлаштирилган дехқончилик райони бўлиб, ўнг қирғоқ қисмида эса суғоришга қулай жойларда “ўчоқсимон” дехқончилик билан ҳамда экстенсив чўл чорвачилиги мавжуд. Вилоятнинг асосий аҳоли зич яшайдиган қисмида қишлоқ хўжалик кўрсаткичлари туманлар экин майдони ва ихтисослигига қараб бироз фарқ қилади холос. Шу боис, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари ҳам унчалик катта фарқ қилмайди.

Жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва истеъмолнинг рационал меъёрига нисбати

Маҳсулот тури	2013 йил					Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эҳтиёж (марта)
	Маҳсулот ишлаб чиқариш*	Аҳоли жон бошига тақсимоли		Маҳсулот ишлаб чиқаришга эҳтиёж	Жон бошига истеъмол меъёри** (йил/кг)	
		кг	%			
Гўшт, тирик вазнда (тонна)	113190	67,8	168	-	38,7	-
Сут маҳсулотлари (тонна)	763891	457,8	139,6	31959	476,9	0,4
Тухум (минг дона)	303508	181,9	51,2	60290	215 (дона)	1,9
Дон маҳсулотлари (тонна)	419312	251,2	135,8	-	90,1	-
Усимлик ёғи (тонна)	21994	13,2	133,3	-	6,5	-
Картошка (тонна)	101864	61,0	93,6	-	50,3	-
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари (тонна)	590717	354,0	195	-	119,2	-
Мева ва резаворлар (тонна)	146694	87,9	72	28530	105	1,9
Узум (тонна)	33172	16,2	118,5	-	14	-

*Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби билан тайёрланди.

** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 11.03.2003 йилда тасдиқланган истеъмол меъёрлари асос қилиб олинган.

2013 йилда вилоятда 419,3 минг тонна дон маҳсулотлари етиштирилиб, шундан 246,5 минг тоннаси буғдойга тўғри келган. Буғдойнинг 1/3 қисми дехқон хўжаликларида, қолган 64,5 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Етиштирилган ғалланинг

асосий қисмини буғдой ташкил қилади.

Вилоятнинг Янгибозор туманида ғалланинг аҳоли жон бошига коэффиценти энг юқори (2,21), туманда аҳолининг юқоридаги тур маҳсулотлари таъминланиш ҳолати, бошқа туманларникидан бир неча баробар

юқори. Ғалла билан таъминланиш коэффициенти Гурлан туманида (1,36), Боғот (1,29), Урганч (1,05), Ҳонқа (1,26) ҳамда Шовот (1,02), туманларида юқори, қолган ҳудудларда паст кўрсаткичга эга.

Хоразм вилоятида кўрилатган йилда 590,7 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилган. Аҳоли жон бошига сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмоли меъёри йилига 119,2 кг ни ташкил этиб, тайёрланган маҳсулотнинг меъёрига нисбати 3,54 ни ташкил этади. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминланганлик Шовот (0,89) ва Хазорасп (0,62) туманларида бироз паст, қолган туманларда анча юқори. Хусусан, Янгибозор (1,63), Боғот (1,44), Гурлан (1,36), Янгиариқ 1,22 туманларида сабзавот полиз етиштириш энг юқори, Урганч (1,09) Ҳонқа ва Хива (1,07) туманларида ўртача даражага эга.

Вилоятнинг барча туманларда ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Аммо, буғдойнинг қайта ишланиш ҳажми ва ҳудудий кесими анча фарқ қилади. 2013 йилда вилоятда етиштирилган ғалланинг 2/3 қисми саноат усулида қайта ишланган. Унинг 87,7 % йирик корхоналарда ишлаб чиқарилган. Ун ва буғдой ундан қилинган маҳсулотларига бўлган талаб меъёри 150,3 минг тоннани ташкил этишини ҳисобга олсак, тармоқ қувватларини оширилиши лозимлиги аён бўлади. Айтиш жоизки вилоятда жавдар етиштириш деярли мавжуд эмас. Шу боис, диетик хусусиятга эга бўлган қоранон вилоятда ишлаб чиқарилмайди. Қоранонга бўлган тиббий минимал талаб аҳоли жон бошига 38,6 кгни ташкил этишини ҳисобга олсак, ушбу ҳол жиддий муаммо эканлиги намоён бўлади. Меъёр талабидан келиб чиқиб, вилоят учун йилига 64,2 минг тонна жавдар уни кераклигини аниқлаш мумкин.

Мева, узум ва полиз маҳсулотлари аҳоли рационидида алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу маҳсулотларнинг турли витаминлар ва минералларга бойлиги аҳоли инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

2013 йилда вилоятда 146,6 минг тонна мева ва резаворлар тайёрланган

бўлиб ушбу ҳажм аҳоли жон бошига 87,9 кг дан тўғри келган. Аҳоли жон бошига етиштирилган миқдорнинг истеъмол меъёрига ўртача нисбати 0,9 ни ташкил этади. Янгибозор (2,1), Шовот (1,5) ва Янгиариқ (1,3) туманларидагина аҳоли жон бошига меъёрдан кўп мева тайёрланади.

Вилоят республиканинг асосий узум етиштириладиган районларидан саналмасида аҳолининг таъминланганлик даражаси меъёридадир. Хусусан, 2013 йилда вилоятда 33,1 минг тонна узум етиштирилиб, унинг аҳоли жон бошига таъминланганлик коэффициенти 1,4 ни ташкил этди. Узум маҳсулотларини аҳоли жон бошига меъёр даражасида етиштириш коэффициенти Боғот туманида энг юқори (3,52). Маъмурий ҳудудлар орасида Урганч (1,5), Янгибозор (1,3), Хазорасп (1,03) туманларида узум кўп миқдорда тайёрланади. Бошқа туманларда эса ҳўраки узум етиштириш даражаси ҳамда аҳолининг узум билан таъминланганлик даражаси паст.

Таҳлилларга кўра, вилоятда чорвачилик соҳалари мустақиллик йилларида тез ривожланди. Хусусан, гўшт ва сут ишлаб чиқариш бўйича вилоят республикада етакчи ўринларда туради. Республикада аҳоли жон бошига бир йилда 38,7 кг гўшт истеъмол қилиниши меъёр қилиб белгиланган бўлиб, 2013 йилда вилоятда ушбу турдаги маҳсулот меъёр талабига нисбатан 1,7 марта кўп тайёрланди. Қишлоқ туманлари кесимида аҳоли жон бошига гўшт тайёрланишида унчалик катта фарқ кузатилмайди. Масалан, тирик вазнда гўшт сўйилишида фарқ 5,4 ни ташкил этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич сабзавот етиштиришда 3,8, мева 3,5, картошка 3,4, ғалла тайёрлашда 7,7, узум 1,1 мартага тенг.

Вилоят сут етиштириш бўйича республикада Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан кейинги ўринда туради. Аҳоли жон бошига эса республикада биринчи ўринда туради. Сут аҳоли рационидида алоҳида ўрин тутаяди ва саломатликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Шу боис, оғир саноат корхоналарининг аксариятида ишчиларга

бепул сут тарқатилади.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёр бўйича ҳар бир киши йилига 476,9 кг сут маҳсулотлари истеъмол қилиши лозим. Сут тайёрлашнинг ҳудудий таркибида ҳам фарқ унчалик катта эмас. Аҳоли жон бошига сут энг кўп Янгибозор, Гурлан ва Янгиариқ туманларида тайёрланади. Сут истеъмолига қўйилган меъёрга нисбатан тайёрлаш Қўшкўпир (1,16), Урганч (1,13) ва Шовот (1,11) туманларида ўртача кўрсаткичга эга. Қолган туманларда ушбу даража анча паст. Шу жойда қайд қилиш лозимки вилоятнинг барча туманларида аҳоли жон бошига истеъмол меъёридан кўп сут, гўшт, сабзавот маҳсулотлари тайёрланади.

Ҳозирда вилоятда тухум деҳқон хўжаликларида тайёрланади. Вилоятдаги йирик паррандачилик корхоналари барҳам топган, фақат Урганч, Ҳонқа ва Хива туманларидагина нисбатан каттароқ ишлаб чиқарувчилар мавжуд, холос. Шунга монанд ҳолда ушбу туманларнинг тухум ва парранда гўшти етиштиришдаги

улуши юқори. Аммо вилоятнинг бирорта ҳудудида меъёри даражасида тухум тайёрланмайди. Фақат юқорида санаб ўтилган туманлар меъёрга анча яқин, холос. Умуман олганда, вилоятда аҳоли истеъмол меъёрига нисбатан икки марта кам тухум тайёрланмоқда. Тухум маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш айниқса Янгиариқ, Қўшкўпир, Хазорасп, Шовот туманларида (0,5) ва Янгибозор туманида (0,4) анча паст кўрсаткичга эга.

Истиқболда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни етиштириш, мамлакат аҳолисининг тиббий меъёрларда озиқовқат маҳсулотларга бўлган талабини қондириш билан бир қаторда айрим озиқовқат маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмлари ортади. Бирок, баъзи турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича аҳолини тиббий меъёрларда таъминлаш имкони пастлигини инобатга олган ҳолда, ушбу маҳсулот турларининг импорт таркибида ошиши кутилади.

Резюме

В статье идёт речь о нынешнем состоянии производства пищевой продукции и дан анализ обеспеченности населения этими продуктами в соответствии с рациональным потребительским нормам.

Resume

This article is analyzed about the food production and its current description by comparing human consumption according to the rationing measures in Khorezm region.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ АВТОМОБИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Гопиров М. О.

Ключевые слова: автомобильная промышленность, кадр, модель, аспект, автомобилостроение, подготовка кадров, заводы.

В июне 1992 года состоялся первый официальный визит Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова в Республику Корея, в ходе которого Президент ознакомился с заводами группы «DAEWOO». Этот официальный визит стал началом создания новой для страны индустрии - автомобилестроения, что стало одним из ярких достижений нашего народа в годы независимости. В июле 1992 года узбекской и

южнокорейской сторонами подписан Меморандум о совместном строительстве автомобильного завода в городе Асаке и в ноябре 1992 года вышло постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О создании совместного предприятия «УзДЭУавто».

19 июля 1996 года в городе Асака Андижанской области Узбекистана состоялось торжественное открытие первого автомобильного завода в

Центральной Азии. Новая отрасль позволила республике войти в число 28 стран - производителей автомобилей. Среди стран СНГ, не имевших автомобильной промышленности, Узбекистан стал первым и пока единственным обладателем современного высокотехнологического автомобилестроительного завода-гиганта.

Автомобилестроение призвано сыграть роль движущей силы структурных преобразований в промышленности Узбекистана. Комплексное развитие всей цепи производства автомобиля позволяет задействовать не востребуемые мощности существующих производств, увеличить количество рабочих мест. По расчетам специалистов, создание одного рабочего места в автомобильной промышленности влечет за собой создание нескольких рабочих мест в смежных сферах деятельности. Ни одна другая отрасль индустрии не имеет такого высокого показателя влияния на создание дополнительных рабочих мест, что очень актуально при специфической демографической ситуации в Узбекистане. Тем самым, "... находят практическое воплощение стратегические задачи по структурным изменениям в экономике республики. Динамичное развитие получили отрасли, которые не только меняют облик нашей экономики, но и обеспечивают ее независимость от внешних факторов и дают прирост валового внутреннего продукта и рост жизненного уровня населения"¹.

Даже кризис, произошедший у южнокорейского партнера, не отразился на деятельности автозавода. В октябре 2007 года было подписано соглашение о создании совместного предприятия с «Дженерал Моторс». Поступательный рост мощностей виден и в динамике производства. Если 500-тысячный автомобиль был произведен в 2005 году (то есть за 9 лет работы предприятия), то миллионный автомобиль сошел с

конвейера в 2008 году (потребовалось лишь три года). А двухмиллионного красавца «Ласетти» автомобилисты выдали недавно. Иными словами первый миллионный автомобиль выпустили за 12 лет, а второй миллионный вышел из конвейера завода всего за пять лет. За минувший год было произведено 251 тысяча 342 автомобиля или на 4,8% больше, чем в предыдущем году.

Производство грузовых автомобилей увеличилось на 36,9%, легковых (без специализированных) — на 4,5%, автобусов — на 3,3%. По сравнению с январем-декабром 2012 года выросло производство автомобильных двигателей (в 4,4 раза), кузовов (в 2,7 раза), дисков колес для автомобилей (на 34,4%), автомобильных прицепов и полуприцепов (на 17,4%). Рост производства сопровождался появлением предприятий-смежников. В Андижанской области количество таких предприятий за последние семь лет увеличилось с 47 до 108, объем выпущенной ими продукции составил один триллион сто миллиардов сумов.

В течение 2012 года на местных предприятиях, таких как «Узавтоаустем», «Узханву» города Андижана, «УзСангву Инжиниринг» города Ферганы, «Узавтосаноатпласт» города Намангана, «Баннер принт» и ДП «Агрегатавтокомплект» города Ташкента освоено свыше 100 наименований комплектующих изделий для новых и текущих моделей. В АК «Узавтосаноат» входят около 200 производителей автокомпонентов, а также GMPT Uzbekistan, выпускающий двигатели. Было создано много новых рабочих мест, достигнуто снижение себестоимости за счет локализации деталей и внедрены передовые технологии производства на вновь созданных предприятиях.

В Узбекистане успешно функционируют заводы GM Uzbekistan (бренд Chevrolet), MAN Uzbekistan (производит грузовые автомобили), SamAuto («Isuzu»). Все это свидетельствует в том числе и о постоянно растущем спросе на автотранспортные средства, как для

¹ Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. - Ташкент, 1997.

личного использования, так и для коммерческих организаций и государственных структур. Год от года обновляется модельный ряд, расширяется география поставок, растут объемы экспорта. Востребованность продукции заводчан базируется на удачном сочетании таких определяющих характеристик, как цена - качество. На предприятии последовательно осуществляются различные программы. В частности, в инвестиционную программу на 2013 год были включены освоение производства модернизированной модели «Ласетти МСЕ», освоение моделей «Матиз» и «Нексия» модификации «Евро-5», модернизация и замена устаревшего оборудования и технологической оснастки. Все это ведется на плановой основе. Предусмотрена замена сварочных роботов и измерительных машин - оборудования испытательных лабораторий.

Согласно постановлению Президента Республики Узбекистан ПП-1856 «О мерах по организации производства легковых автомобилей «Дамас» в Хорезмской области» запланирован перенос производственной линии «Дамас» в ООО Хорезмское автомобильное производственное объединение в два этапа. В рамках первого этапа на базе ООО «Хорезмское автомобильное производственное объединение» будет создано сборочное производство легковых автомобилей модели «Дамас». Данный этап будет реализован в первом квартале 2014 года. На втором этапе планируется перевести предприятие на полный цикл производства автомобилей модели «Дамас». Реализация второго этапа будет завершена в четвертом квартале 2014 года.

АК «Узавтосаноат» реализует 16 проектов в регионе, что позволит создать более 780 новых рабочих мест. Производственная мощность нового производства составляет 40 тысяч единиц продукции в год. В перспективе на высвобождаемом участке линии «Дамас» можно будет осваивать новые модели автомобилей. В текущем году

отечественный производитель автомобилей ЗАО «GM Uzbekistan» планирует начать выпуск нового автомобиля марки «Chevrolet», которым станет Chevrolet Orlando.

Заложенная основа автомобильной промышленности вызвала к жизни целевую систему подготовки кадров. Учитывая поэтапность и последовательность проводимых в стране экономических реформ, руководствуясь Национальной программой подготовки кадров и международными требованиями, предъявляемыми к качеству высшего образования, в городе Асаке открыт автомобилестроительный колледж. В ряде других колледжей (в Самарканде, Ташкенте) действуют отдельные направления подготовки специалистов. А в 2011 году Андижанский инженерно-экономический институт перепрофилирован в машиностроительный институт. Плодотворно работают Автодорожный институт, Технический университет Ташкента и филиал Туринского института в Ташкенте.

Качественные изменения, наблюдаемые в Узбекистане, как в политическом, так и в экономическом плане, в совокупности с переменами, происходящими в мировом автомобилестроении, открывают новые благоприятные возможности сотрудничества с рядом других мировых компаний - производителей автомобилей и автокомпонентов на выгодных для Узбекистана условиях.

Исходя из вышесказанного, можно сделать несколько обобщенных выводов относительно результатов развития в автомобилестроения в Узбекистане:

- наличие автомобильной промышленности в Узбекистане стало неоспоримым фактом;

- приобретен определенный опыт в области развития автомобильной промышленности и обеспечения ее отечественными кадрами;

- автомобилестроение играет важную роль в развитии экономики Узбекистана и превратилось в одну из

отраслей индустриальной специализации страны;

- изменилось отношение ведущих автопроизводителей к вновь возникшим рынкам сбыта стран с переходной экономикой;

- совершенствуется процесс производства автомобилей на базе новых технологий;

- расширяется география автомобилестроения в стране.

Литература:

1. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. - Ташкент, 1997.

2. Солиев А. С. Иктисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Тошкент-2013.

3. Автомобильный рынок России и СНГ. <http://www.eu.com>.

4. Максаковский В.П. Региональная характеристика мира. – Москва, Дрофа, 2009.

5. <http://uzavtosanoat.uz>.

Резюме

Ушбу мақолада Ўзбекистонда автомобилсозликнинг шаклланиши, ўзига хос йўналишида ривожланиши ва истиқболли режалари юзасидан фикр-мулоҳазалар, маълумотлар келтирилган.

Resume

This article is about in formations, observations about formation and perspectives of automobile building in Uzbekistan.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РОЛИ

Ибраимова А.А.

Таянч сўзлар ва иборалар: бизнес, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳити, бозор ислохотлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ҳудудлар.

Кириш. Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда давлатимиз раҳбари томонидан 1996 йилдан бошлаб, ҳар бир йилга ном берилиши ҳамда тегишли давлат дастурининг қабул қилиниши, шу жумладан 2011 йилни Ўзбекистонда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, тадбиркорлик ўзбек халқи учун янги соҳа эмас, балки у асрлар давомида аҳоли орасида хунармандчилик, косибчилик каби кўринишларда ривожланиб келган. Бугунги бозор ислохотлари шароитида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти айниқса катта. Сабаби, ўзгарувчан бозор талабларига кичик бизнес субъектлари тезроқ ва осонроқ мослашади, янгиликларни ўзига қулайроқ сингдиради. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳудудлар

иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мавжуд муаммоларни (хусусан, аҳоли бандлиги ва бошқалар) ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳозирда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида мазкур соҳага эътиборнинг юқорилиги ҳам шундан далолат беради.

Асосий қисм. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий модернизациялаш ва эркинлаштириш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш натижасида кичик бизнес соҳасининг республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ва аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда.

2000 йилда Ўзбекистонда 149,3 минг кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатган бўлса, улар сони 2011 йилда 494,5 мингга етди.

Ҳозирда кичик бизнес субъектлари томонидан яратилаётган маҳсулотлар (хизматлар) таркибида асосий улушни (36,5 %) қишлоқ хўжалиги тармоғи эгаллайди. Шу билан бирга, чакана савдо

(25,3 %), саноат (16,5 %), қурилиш (12,4 %) ҳамда пуллик хизматлар (9,3 %) каби соҳалар ҳам салмоқли ўрин тутди.

Ўзбекистон ЯИМ ҳажмида 2000 йилда кичик бизнеснинг ҳиссаси 31,0 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткич ҳозирги кунда 54,6 фоиздан ошади. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнеснинг улуши, айниқса, қишлоқ хўжалиги (98,0 %), йўловчи айланмаси (87,8 %) ва йўловчи ташиш (83,4), юк айланмаси (81,4 %), қурилиш (70,7 %) соҳаларида салмоқлидир. Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳаларда кичик бизнеснинг улуши 2000-2011 йилларда кескин ошди. Шунингдек, кичик бизнеснинг аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам роли юқори. Мамлакатимизда яратилаётган янги иш ўринларининг 65,0 фоизи кичик бизнесга тўғри келиши мазкур соҳанинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги ўрнининг қанчалик юқори эканлигидан ҳам далолат беради. Хусусан, 2000 йилда кичик бизнес соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодиётда жами банд аҳоли таркибидаги улуши 49,7 фоиз бўлган бўлса, 2011 йилда 75,5 фоизга етган.

Аммо, шуларга қарамай, саноат (22,2 %), импорт (37,6 %) ва, айниқса, экспорт (15,8 %) соҳаларида кичик бизнеснинг улуши нисбатан паст. Бу эса саноатнинг истеъмол товарлар ишлаб чиқариш билан бирга негиз тармоқларида ҳам бозор ислохотларини кенг жорий этишни, уларнинг ташқи савдо фаоллигини оширишни талаб қилади.

Кичик бизнес субъектларининг ҳудудий тақсимланишига эътибор қаратадиган бўлсак, бир қатор тафовутлар кузатилади. Чунончи, республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг асосий қисми Қашқадарё (17,3 %), Фарғона (9,7 %), Самарқанд (8,7 %), Тошкент (8,2 %) ва Андижон (8,0 %) каби вилоятларга тўғри келса, аксинча Навоий (3,1 %), Сирдарё (3,8 %), Жиззах (4,6 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (4,2 %) уларнинг сони кам эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, кичик бизнес субъектлари сони Навоий вилоятида 15,1

миңдан Қашқадарё вилоятида 85,6 миңга етади (оралиқ фарқ 5,6 баробардан ортик).

Кичик бизнеснинг миңтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири бу уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги (ЯҲМ) салмоғидир. Ушбу кўрсаткич 01.01.2012 йил ҳолатига кўра, Жиззах (79,8 %), Сирдарё (79,8 %), Наманган (78,7 %), Самарқанд (76,2 %), Хоразм (74,1 %), Сурхондарё (73,8 %) вилоятларида юқори, аксинча, ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган Андижон (56,3 %), Қашқадарё (56,2 %), Тошкент (57,2 %) ва Навоий (35,9 %) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (53,1 %) нисбатан паст.

Шунингдек, саноат маҳсулотларида кичик бизнеснинг улуши Жиззах (43,5 %), Самарқанд (43,2 %), Наманган (39,0 %), Сирдарё (35,5%), Хоразм (32,7 %) вилоятларида юқори бўлса, аксинча, оғир саноат устун ривожланган Навоий, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан паст ҳисобланади.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улушида ҳудудий тафовутлар катта бўлса, аграр соҳада эса бундай тафовутлар кузатилмайди. Зеро, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишда республиканинг барча миңтақаларида кичик бизнеснинг салмоғи жуда юқори (94,0-95,0 фоиздан ортик).

Юқоридаги таркибий тафовутлар республика иқтисодиётининг қурилиш соҳасида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, қурилиш ишларида кичик бизнеснинг улуши энг паст ҳудудларга Тошкент шаҳри (54,7 %), энг юқорилари каторига эса Самарқанд (92,6 %), Андижон (92,1 %) ва Сирдарё (91,1 %) вилоятлари киритилади. Чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес субъектлари улуши бир-бирига нисбатан яқин бўлса-да, аммо Сурхондарё (37,6 %), Жиззах (38,8%), Қашқадарё (39,9 %) вилоятларида мамлакат ўртача кўрсаткичидан (47,2 %)

анча паст эканлиги қайд этилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг минтақалар ташқи иқтисодий алоқаларида иштирокини ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, Самарқанд (73,4 %), Наманган вилояти (54,3 %) экспортнинг сезиларли қисмини кичик бизнес субъектлари ташкил қилади. Хоразм (7,1 %), Андижон (9,7 %), Навоий (9,8 %), Қашқадарё (12,2 %), Бухоро (13,0 %), Фарғона (14,6 %) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида уларнинг экспортдаги иштироки нисбатан суст эканлигини кузатиш мумкин. Бу борада Жиззах (41,4 %), Сурхондарё (36,1 %), Тошкент (30,5 %) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (26,9 %) нисбатан ўртача мавқега эга.

Импортда кичик бизнес субъектлари салмоқли ўрин тутувчи минтақаларга Самарқанд (81,5 %), Андижон (81,3 %), Хоразм (79,0 %) вилоятлари киради. Улар импортида кичиб бизнеснинг улуши кучли даражада сақланиб қолмоқда. Аксинча кўрсаткичлар Навоий (5,0 %) ва Андижон (7,1 %) вилоятларида кўзга ташланади.

Кичик бизнес субъектлари ҳудудлар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларда янги иш ўринларини ташкил этишда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан, барча ҳудудларимиз иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг ўртача 70 фоиздан ортиғи (Навоий вилояти (53,7 %) ва Тошкент шаҳри (56,7 %) бундан мустасно) кичик бизнесга тўғри келади.

Бу эса мазкур соҳанинг аҳоли бандлигини таъминлаш каби ўта муҳим масаланинг ечимида ўзига хос аҳамият касб этишидан дарак беради.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришда молиявий

воситалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда имтиёзли кредитларни тақдим этиш тизими жорий этилган. Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар Андижон (256,8 млрд. сўм), Фарғона (253,3 млрд. сўм), Тошкент (293,6 млрд. сўм), Самарқанд (307,9 млрд. сўм), Қашқадарё (216,9 млрд. сўм), Наманган (168,5 млрд. сўм), Сирдарё (103,8 млрд. сўм) вилоятларида салмоқли миқдорни ташкил этади.

Хулоса: Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, республикада кичик бизнесни янада ривожлантиришда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- республика ҳудудларида кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарурий шарт-шароитларни, хусусан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш;

- кичик бизнес субъектларининг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, уларни янада турлантириш ва бунда иқтисодиётнинг негиз соҳаларига ҳам эътиборни кучайтириш;

- иқтисодиётда инновацияларни жорий этиш кичик бизнесда тез ва самарали ўзини оқлайди, шу боис кичик бизнес субъектларининг инновацион салоҳиятини ошириш, уларни ишлаб чиқариш кооперациясига кенгроқ жалб қилиш;

- кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши хусусий сектордаги иқтисодий, ташкилий, инфратузилмавий ва бошқа масалаларни ҳал қилишни тақозо қилади;

- ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг салмоғини янада оширишга эътиборни кучайтириш ва бунда халқимизнинг хунармандчилик анъаналарини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Резюме

В статье рассматривается место и роль малого бизнеса в социально-экономическом развитии территорий Республики Узбекистан. Речь идет, в основном, о деятельности субъектов малого бизнеса в производственной сфере регионов.

Resume

There are shown the importance and the role of small business in social-economic development of territories of Uzbekistan. Mainly there is said about activities of small business subjects' in the regional producing sphere.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ибрагимов Л.З.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, тадбиркорлик лойиҳалари, иқтисодий таваккалчилик, тадбиркорлик тузилмалари, зардуштийлик таълимоти, саноат инқилоби, инновация жараёни, хусусий сектор, минтақавий дастур.

Агар соҳанинг пайдо бўлиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, замонавий тадбиркорликни ривожлантириш учун XVIII-XIX асрда яшаган иқтисодчи олимларнинг хулосалари муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейишимиз мумкин. Бинобарин, тадбиркорлик фаолияти тизимининг алоҳида таҳлили дастлаб Ғарбда бошланган бўлсада, унинг моҳияти ва ривожланишига тааллуқли кўп қиррали билимлар Шарқда таркиб топиб, сўнгра Ғарб олимлари томонидан илгари сурилган. Бу борада бир неча Ўрта Осиёлик олим ва алломалар томонидан ёзиб қолдирилган илмий мерослари гувоҳлик беради. Айниқса, улар бу йўналишда шаклланган ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган таълимотларида ўз ифодасини топган.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир [2], - деб таъкидлайди. Мазкур мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистон ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг пайдо бўлиши ҳамда турли тарихий даврлардаги ривожланиш босқичларини, илмий манбааларга асосланган ҳолда, ёритиб беришдан иборат.

Дастлабки ишлаб чиқаришнинг мануфактура босқичидан завод - фабрика босқичига ўтиши ва XVIII-XIX асрлардаги саноат инқилоби, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш дастлаб ғарб мамлакатлари, жумладан Буюк Британияда юз берган [3].

XX-асрнинг охириги ўн йиллигида

турли хил касбдаги олимлар (иқтисодчилар, файласуфлар, психологлар, социологлар ва бошқалар) тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга, унинг моҳияти ва характеристикасига, мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ролига жиддий эътибор қаратган[4]. Доимо ўз бизнесига муваффақиятга эришган тадбиркорларнинг шахсий характеристикаси жиддий тадқиқ қилинди.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида бугунги кунга қадар тадбиркорлик назариясининг ривожланишини учта босқичи шаклланганини айтиш мумкин [5], яъни XVIII асрдаёқ вужудга келган **биринчи босқич** - тадбиркорлик ҳавф-хатарини ўзига олиш, бошқача айтганда, таваккалчилик билан боғлиқ, **иккинчи босқич** – тадбиркорлик фаолиятини янгиликлар киритиш асосида олиб бориш ёки инновация жараёни билан боғлиқ, **учинчи босқич** – тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари: иқтисодий ва ижтимоий вазиятни ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади.

Тадбиркорлик назариясининг ривожланишидаги ҳозирги босқични **тўртинчи босқичга** киритиш мумкин. Унинг пайдо бўлишини тадбиркор харакатини таҳлил қилишдаги бошқарув жихатига кўчирилиши билан боғлайдилар. Бу ҳозирги вақтда назарияда тадбиркорлик муаммолари таҳлили кўплаб ўзаро боғлиқ фанлар доирасида олиб борилишини билдиради.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирор-бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали

ёки зарарлигини белгилловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф орасида мувозанат ўрнатишга доир таккомиллик фаолиятидан иборат деб тан олинган. Айнан мана шу ҳолатни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида соҳани турли кўринишларда шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Лекин, соҳани замонавий кўринишга оид дастлабки маълумотлар Ўзбекистон ва МДХда бизнес ҳақидаги мақолалар ҳамда адабиётлар 60-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди [6]. Хусусий мулкчилик эса ўша даврда бизнинг мафкурамиз учун бутунлай ёт нарса эди. Гарчи ушбу соҳа республикамиз ҳудудида қадимдан шаклланган бўлсада, лекин тадбиркорлик ва бизнесни фан тариқасида ўрганиш фақатгина 90-йилларнинг бошларида бозор муносабатларига аста-секин ўтиш билан бошланади.

Ўзбекистонда ҳам жаҳондаги кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш соҳасидаги амалий тажрибаларини ўрганиш ва ижобий ёндашув негизида 1992 йилдан бошлаб тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат тизими шакллана бошлади.

Халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, БМТ) томонидан қайд қилинишича, корхоналар ва тадбиркорлик фаолиятини хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватланишнинг Ўзбекистонда амал қилинаётган тизимини баъзи жиҳатлари билан МДХ мамлакатлари орасида ўхшашликка эга эмас. Хусусийлаштириш ва давлат тассаруфидан чиқаришнинг давлат дастуридан ташқари Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча тармоқларида шу жумладан, қишлоқ хўжалигида алоҳида, тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. 1994 йили Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини қамраб олувчи минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошлади. Шу тариқа республикамизда ҳозирги замонавий кўринишдаги кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўлик шаклланди. Ҳозирги вақтга қадар унинг методологик асоси мукаммалаштирилди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури” (1995 йил 28 август № 334-сонли қарори) қабул қилиниши билан Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқич бошланди.

Тадбиркорликнинг илк кўринишлари Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистоннинг қадимий тарихига бориб тақалади. Масалан, милoddан аввалги 1-минг йилликнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ҳудудида, умуман минтақамизда тоғ жинсларини қайта ишлаш (темир, олтин, қалайи, қурғошин ва ҳоказолар), улардан меҳнат қуролларини яшаш, кулчилик, тўқувчилик, заргарлик, кема-созлик каби соҳалар ривож топган [7].

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, қадимдан мамлакатимиз ҳудудида ҳозирги тадбиркорликнинг дастлабки кўринишлари яхши ривожланган. Ўша вақтлар юқоридаги келтириб ўтилган ишлаб чиқариш умумийликка эмас, аксинча хусусийликка асосланган. Бу эса ҳозирги хусусий тадбиркорликнинг тартибга солинмаган кўринишидир. Ушбу соҳани илк кўринишларини бошқа бир неча мисоллар орқали ҳам келтириш мумкин. Масалан, Қуйи Зарафшоннинг бронза даври ёдгорликлари Замонбобо маданияти номи билан аталган. Ўша вақтлар замонбоболиклар жамоасида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан кулчилик, бронзани қайта эритиб ундан ҳар хил ашёлар яшаш, айниқса тошни ишлаш техникаси анча ривожланган бўлган [8].

Ўша даврларда ҳозирги Фарғона водийсининг Янгиариқ ҳудудидан ва Чустдан ҳунармандчилик буюмлари ҳамда деҳқончиликка оид буюмлар қўллаб топилган. Ўша даврларда ҳунармандчилик соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилади. Хусусан, кулчилик чархидан тайёрланган сопол идишлар кенг тарқалади. Бундай идишлар қўлда ишланган сополлардан анча фарқ қилган.

Кулолчилик чархининг хунармандчиликка кенг кириб келиши сополчилик ишлаб чиқариш янги техникасининг яратилишига сабаб бўлиб, кейинчалик ихтисослашган хунармандчиликка ўтишнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилган. Кулолчиликнинг ривожланиши натижасида Сополлитепа, Олтинтепа, Гонур, Жарқўтон, Афросиёб каби кулолчилик маҳалалари пайдо бўлди [9]. Ҳозирги вақтда ҳам республикада худди шундай кўплаб хунармандчилик марказлари мавжуд бўлиб, у хусусий тадбиркорлик соҳасини асосини ташкил этади.

Қадимда Ўрта Осиёда айниқса, Ўзбекистон худудида тадбиркорлик ва савдо-сотик (бизнес) ишларини ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, бу йўл кесиб ўтган худудларда ўша даврларда тадбиркорликнинг барча турлари ва савдо-сотик ишлари ниҳоятда ривожланган.

Араблар босқинига қадар қадимий Самарқанд шаҳри аҳолиси асосан хунармандчилик ва савдо-сотик билан машғул бўлган. Деҳқончилик ва кончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўзидан кейинги уч тармоқ – хунармандчилик, қурилиш, савдо-сотик равнаки учун катта туртки бўлди. Шунинг учун бу вақтда металлсозлик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, кўнчилик кенг ривож топган [10]. Хунармандчилик ривожига туркий аҳоли катта таъсир кўрсатган. Чунки, уларда қадимдан кўпчилик касб-хунарлар жуда ривожланган бўлган.

Айниқса, Буюк Ипак йўли Амир Темур хукмронлиги даврида ривожланиш жиҳатдан ўзининг энг юқори чўққисига етади. Ўша вақтлар барча шаҳарларда хунармандчилик ва савдо-сотик ишлари ҳам ривож топган. Буюк саркарда Амир Темур мамлакат осойишталигини ва мўлқўлликка эркин тадбиркорлик фаолиятига устуворлик берилиши орқали эришиш мумкинлигини чуқур идрок этган ва унинг тамойиллари машҳур “Темур тузуклари” асарида аниқ бир тизимга келтирилган.

Манбаларда келтирилишича, рус босқини вақтида Бухорони босиб олиш учун натижасида 3000 дан ортиқ дуконлар ёндириб юборилган [11]. Аммо, қадим замонлардан Марказий Осиё минтақасида гуркираб юксалиб келган тадбиркорлик фаолияти чор истилоси даврида, маҳаллий бозорни метрополиядан келтирилган озиқ-овқат ва саноат моллари эгаллаши муносабати билан деярли сўна бошлаган ва маҳаллий аҳоли турмуш шароитининг пасайиши ва ўта қашшоқлашишига олиб келган. Октябр инқилобидан сўнг қайд этилганидек, йирик ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши Ўзбекистонда ҳам кичик тадбиркорлик фаолиятининг емирилишига олиб келди ва вазиятни янада мураккаблаштиради. Бу соҳада 1927-йилда 118 минг киши банд бўлган бўлса, 1932-йилга келиб, у 60 минг кишидан иборат бўлди [12]. Маълумотлардан кўриниб турибдики, соҳада банд бўлганлар сони йилдан-йилга пасайиб борган. Бу эса, тадбиркорлик соҳасини борган сари йўқолиб кетишини англатади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнесни ва тадбиркорлик қадимги даврлардан то 20 аср бошларигача, яъни унинг замонавий кўриниши шакллангунга қадар бир қанча кўринишлари, асосан савдо-сотик ва хунармандчилик шаклда ривожланган. Қадимдан аҳолининг асосий тирикчилик манбаи қишлоқ жойларида деҳқончилик бўлган бўлса, шаҳар жойларида эса савдо-сотик ва хунармандчилик бўлган.

Тадбиркорлик ҳамдўстлик мамлакатлари ва республикада худудида XIX аср охири ва XX аср бошларида дастлаб тадбиркорлик шаклидаги савдо уйлари ва санаот объектлари кўринишида пайдо бўлди. Агар инқилобдан аввалги давр хўжалик амалиётига назар ташласак, унда XX аср бошларида кенг кўламда ривож топган тадбиркорликнинг бир шакли бўлган ширкатлар харақати алоҳида қизиқиш уйғотади. Бундай ҳолат эса ғарб давлатларида қарийиб 50 йилдан кейин кенг ривожлана бошлаган.

Адабиётлар:

7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: “Шарк”, 2001. – б-25.
3. Абдуллаев О, Исмоилов Р. Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. Наманган, 2001.
12. Болтаев М. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: Дарслик.-Т.: ТДИУ, 2011. - б. 11.
4. Дўстмуратов Ғ.Д. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанидан семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича методик қўлланма. Тошкент Ирригация ва мелиорация институти. – Тошкент, 2007. – б. 9.
1. “Тадбиркорлик асослари” фанидан маърузалар матни. Тошкент кимё-технология институти. – Тошкент, 2006.
2. Юқоридаги манбадан.
5. www.архив.уз сайти. Тадбиркорлик ҳақида умумий тушунча.
8. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юрглари номутоҳасис талабали учун дарслик). Т., “ЎАЖБНТ” маркази, 2003, б-41.
9. Юқоридаги манба. Б-61.
10. Юқоридаги манба. Б-112-бет.

Резюме

В статье на основе анализа научных исследований рассматриваются особенности формирования и развития важного сектора экономики - малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане.

Resume

In article on base of the scientific studies by author is considered particularities of the shaping and developments of the important sector of the economy - a small business and quotient enterprise in Uzbekistan.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

СИСТЕМА ТАКСОНОМИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ПРИРОДНО-ХОЗЯЙСТВЕННОГО РАЙОНИРОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Федорко В.Н.

Ключевые слова: *природно-хозяйственное районирование, территориальная структура природопользования, таксономическая единица, провинция, округ, район, подрайон, местность.*

Введение. Проблематика природно-хозяйственного районирования Узбекистана является слабо разработанной, как в теоретико-методологическом, так и в прикладном аспектах. В нескольких работах автора [8;9;10] рассматриваются сущность и методологические принципы природно-хозяйственного районирования, обозначены его основные методы. Среди прочих узловых теоретических вопросов районирования выделяется обоснование системы его таксономических единиц. Для природно-хозяйственного районирования, отличающегося интегральным содержанием, эта проблема особенно сложна. В этой связи выбранная для анализа в данной статье и вынесенная в её заглавие тема представляется актуальной.

Изученность темы. В разное время и на различном географическом материале проблемы природно-хозяйственного районирования рассматривались в работах многих физико- и экономико-географов, в т.ч. И.Я.

Блехцина, Ю.Д. Дмитревского, А.Г. Исаченко, С.Б. Лаврова, В.А. Минеева, А.А. Минца, Г.А. Приваловской, В.М. Разумовского, Т.Г. Руновой, М.Д. Шарыгина. Разработка системы таксонов природно-хозяйственного (у некоторых авторов – эколого-экономического) районирования различных территорий занимает видное место в трудах П.Я. Бакланова, С.С. Ганзея [1], В.И. Блануцы [2], Д.З. Кучерявенко [5], В.И. Малевой [6], В.М. Разумовского [7], М.Д. Шарыгина, С.Б. Фоминых [11]. Однако особенности условий и процессов природопользования в Узбекистане требуют специфического подхода к выработке таксономических единиц природно-хозяйственного районирования республики. В связи с этим полезным видится изучение работ Н.А.Когая, касающихся системы таксономических единиц физико-географического районирования Туранской части Средней Азии [3;4].

Результаты и их обсуждение. Сущность природно-хозяйственного

районирования (ПХР) состоит в выявлении пространственной дифференциации условий, процессов и проблем природопользования [9]. Каждая единица того или иного ранга, обособленная в ходе этого районирования, представляет собой интегральную географическую систему, характеризующуюся тесным взаимодействием и функционально-морфологическим взаимоналожением природно-антропогенных ландшафтов, хозяйственных комплексов и поселенческих сетей, а также совокупностью специфических геоэкологических и социально-экономических проблем природопользования.

Ключевыми методологическими принципами, которые положены автором в основу разработки системы таксономических единиц природно-хозяйственного районирования Узбекистана, являются комплексность, иерархичность, последовательная дегенерализация и детализация, сочетание регионального и типологического подходов. При этом ступенчатый характер районирования призван отражать многообразие географических факторов и закономерностей территориальной структуры природопользования в условиях республики. Основными же географическими факторами, воздействующими на территориальную неоднородность природопользования в стране, являются:

- водные ресурсы, пространственная организация ирригационной инфраструктуры, связанная с ней внутренняя целостность бассейновых систем природопользования;

- агроклиматические ресурсы;

- размещение месторождений полезных ископаемых и их территориальных сочетаний, связанное с особенностями литотектонических, геоморфологических и палеогеографических условий;

- разнообразие форм рельефа, количественные и качественные параметры земельного фонда;

- неоднородность пастбищно-флористических ресурсов;

- историко-географические особен-

ности освоения территории и окультуривания ландшафтов;

- специализация и пространственная концентрация производства;

- функциональная и морфологическая организация сетей сельского и городского расселения;

- геоэкологическая обстановка.

В свою очередь, ключевыми пространственными закономерностями природопользования в Узбекистане правомерно считать следующие:

- функционально-динамическое и структурно-морфологическое соответствие ландшафтных условий, природопользования и сетей расселения, что позволяет выделять интегральные геокомплексы - территориально обособленные триады «природа-хозяйство-население»;

- высотная поясность ландшафтных условий, способствующая геоморфологической ярусности природопользования и расселения населения;

- приуроченность хозяйственно-селитебных систем преимущественно к гидрографическим структурам, что вызывает своеобразное взаимное наложение природно-географических и территориально-общественных комплексов;

- каскадно-ступенчатое изменение (обострение) эколого-хозяйственных ситуаций в пределах гидрографических бассейнов от их верховий к устьевым участкам;

- тесная экономико-географическая и геоэкологическая интеграция горных, предгорных, межгорнокотловинных и равнинных природно-хозяйственных систем;

- обусловленность современного природно-хозяйственного облика районов историей их производственно-селитебного освоения, что выражается в резких различиях старо- и новоосвоенных массивов;

- преобладание в различных природно-хозяйственных условиях ареальных (оазисы), линейных (горные долины), точечно-очаговых (пустыни), дисперсных, распылённых (богарно-

земледельческие, пастбищные районы) систем природопользования и расселения, которые в многомерном взаимодействии образуют ареально-линейно-узловую структуру природно-хозяйственных комплексов республики.

Совокупность вышеперечисленных факторов и закономерностей пространственной организации природопользования в Узбекистане способна отразить следующая иерархия таксономических единиц ПХР: природно-хозяйственная провинция – природно-хозяйственный округ – группа природно-хозяйственных районов – природно-хозяйственный район – природно-хозяйственный подрайон – природно-хозяйственная местность. Ниже кратко охарактеризуем каждую из них.

Природно-хозяйственная провинция – крупнейшая единица природно-хозяйственного районирования Узбекистана, обладающая глубоким своеобразием и внутренним единством геолого-геоморфологических, агроклиматических, гидрографических и почвенных условий, что способствует формированию наиболее существенных специфических черт регионального природопользования, расселения населения и ландшафтно-экологической обстановки.

В пределах республики нами выделяются 2 природно-хозяйственные провинции: равнинно-пустынная и предгорно-горная. Граница между ними проводится по линии: юго-восточная и южная кромка Айдар-Арнасайской впадины – нижняя кромка светлых серозёмов на северо-западной окраине Нуратинской долины – северо-восточная граница Автобачинского плато на стыке с горами Каратау – Правобережный канал у подножья Каратау – граница Кармана-Канимехского и Каттакурганского оазисов (к западу от посёлка Зиадин) – стык Маликчульской степи и Зиявутдинских гор – канал Карнаб, ограничивающий с востока Уртачульский массив орошения – сопряжение Карнабчульской степи и подножья Каганских поднятий – северная кромка солончака Шорсай – восточная граница

Каршинского ирригационного района (к югу от г.Карши проходит по трассе Каршинского магистрального канала), примерно совпадающая с изогипсой 400 метров.

В пределах обеих природно-хозяйственных провинций можно выделить несколько округов. *Природно-хозяйственный округ* – крупная часть природно-хозяйственной провинции, целостная в гидрографическом и ландшафтно-генетическом отношениях, которой присущи характерное сочетание функциональных типов и пространственных структур природопользования и расселения, относительная замкнутость геоэкологических потоков.

Пустынно-равнинная провинция подразделяется на Устюртский, Аралкумский, Нижнеамударьинский, Кызылкумский, Нижнезарафшанский и Каршинский природно-хозяйственные округа, а предгорно-горная провинция, в свою очередь, – на Сурхандарьинский, Кашкадарьинский, Среднезарафшанский, Голодностепский, Приташкентский и Ферганский. Границы между ними определяются устойчивыми и чёткими природными (главным образом гидрографическими и геоморфологическими) рубежами.

Узловой единицей ПХР, выявляемой, как дедуктивным, так и индуктивным путём, наиболее оптимальной с позиций практики государственного управления и планирования регионального природопользования, является природно-хозяйственный район. Под *природно-хозяйственным районом* понимается морфогидрографически выраженная часть природно-хозяйственного округа, обладающая своеобразием ландшафтной структуры и естественно-ресурсного потенциала, функционально-пространственной целостностью природопользования, единством ирригационной инфраструктуры и селитебного облика, а также характерным спектром взаимосвязанных геоэкологических проблем.

Природно-хозяйственный район в условиях Узбекистана морфологически

может соответствовать одному или нескольким сопряжённым конусам выноса, сегменту дельтовой равнины, речной террасе, бассейну (долине) реки или его крупному участку, предгорному шлейфу, адырной гряде и прилегающей к ней заадырной впадине, небольшой межгорной котловине, макросклону горного хребта, озёрной котловине, крупному пустынно-пастбищному массиву с характерным типом рельефа и растительного покрова, группе останцовых низкогорий и иным геосистемным образованиям с территориально целостной организацией природопользования. В целом, по предварительной авторской схеме ПХР, в пределах Узбекистана выделяется порядка 110 природно-хозяйственных районов, в т.ч. 45 равнинных и 65 предгорно-горных.

В рамках большинства природно-хозяйственных округов республики (кроме Устюртского и Аралкумского) можно выделить промежуточные таксоны районирования – *группы природно-хозяйственных районов*, представляющие собой совокупность расположенных в пределах одного природно-хозяйственного округа и идентичных в позиционно-морфологическом, ландшафтно-экологическом и хозяйственно-расселенческом отношениях природно-хозяйственных районов, которые характеризуются схожестью условий, процессов и проблем природопользования. Так, в пределах Ферганского округа можно выделить следующие группы природно-хозяйственных районов: 1) пустынно-оазисные (1 район - Центрально-Ферганский); 2) предгорно-равнинные (5 районов – Правобережный Сырдарьинский, Нарын-Карадарьинский, Андижан-Асакинский, Алтыарык-Маргиланский, Кокандский); 3) адырно-заадырные (5 районов – Чуст-Папский, Северо-Наманганский, Восточно-Андижанский, Фергана-Кувасайский,

Шорсуйский); 4) горные (3 района – Гавасай-Чадакский, Сохский долинный, Шахимарданский).

Дискретность ландшафтно-морфологической структуры многих районов, связанное с ней сочетание разных отраслей хозяйства и наличие территориально обособленных массивов природопользования позволяют в ряде случаев выделять дробные таксоны пространственной структуры природопользования – *природно-хозяйственные подрайоны*. Под ними автором понимаются позиционно обособленные, однородные в ландшафтно-типологическом отношении части района с преобладанием одного типа (направления) природопользования, монолитным экитическим рисунком и специфической организацией геоэкологических потоков.

Наименьшей же единицей природно-хозяйственного районирования страны является *природно-хозяйственная местность* – типически повторяющийся в пределах природно-хозяйственного района (подрайона) элементарный географический комплекс природопользования с наиболее тесной корреляцией природных и хозяйственных границ, соответствующий в геосистемном разрезе ландшафтно-морфологическим единицам в ранге урочища. Необходимо подчеркнуть, что спектр природно-хозяйственных местностей в тех или иных территориальных системах природопользования Узбекистана исключительно дифференцирован.

Таким образом, особенности территориальной структуры природопользования в Узбекистане, во многом связанные с факторами естественно-исторического порядка, требуют специфического подхода к разработке системы таксономических единиц природно-хозяйственного районирования республики.

Литература:

1. Бакланов П.Я., Ганзей С.С. Трансграничные территории: проблемы устойчивого природопользования. – Владивосток: Дальнаука, 2008. – 216 с.

2. Блануца В.И. Интегральное экологическое районирование: концепция и методы. – Новосибирск: Наука, 1993. – 158 с.
3. Когай Н.А. Туранская физико-географическая провинция. – Т.: ТашГУ, 1969.
4. Когай Н.А. Физико-географическое районирование Туранской части Средней Азии. – Т.:Фан, 1969.
5. Кучерявенко Д.З. Эколого-экономическое районирование территории Республики Татарстан. Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. – М., 2003. – 26 с.
6. Малева В.И. Эколого-экономическое районирование Крыма. Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. – Киев, 1993. – 19 с.
7. Разумовский В.М. Эколого-экономическое районирование (теоретические аспекты).- Л.:Наука, 1989. – 156 с.
8. Федорко В.Н. Использование метода топонимической индикации при создании схем природно-хозяйственного районирования // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 42-жилд. – Т., 2013. – с.84-87.
9. Федорко В.Н. Метод районирования в географических исследованиях взаимодействия общества и природной среды // Южно-российский форум: экономика, социология, политология, социально-экономическая география. 2013. №1. - с. 20-33.
10. Федорко В.Н. Методологические принципы природно-хозяйственного районирования Республики Узбекистан // Азиатский вектор развития России в XXI веке. Мат-лы Всеросс. Молодёжного геогр. форума с междунар. участием. – Биробиджан, 2012. – с.155-159.
11. Шарыгин М.Д., Фоминых С.Б. Иерархия эколого-экономических районов // География и природные ресурсы. 1987. № 1.- с.167-173.

Резюме

Ушбу мақолада муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон ҳудудининг табиий-ҳўжалик районлаштириш таксонимик бирликлари тизими ёритилган. Ҳар бир таксонимик бирликнинг таърифи ва қисқача изоҳи келтирилган.

Resume

In this article we consider a system of taxonomic units of natural-economic zoning of Uzbekistan. Each taxonomic unit provides a definition and brief description.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ОБИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИКДА СУВ ИНШОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (ЧУСТ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Қозоқов А., Камолов Б.Ҳ.

Таянч сўзлар ва иборалар: сув иншоотлари, насос станциялари, суғориладиган ерлар, электр энергия, қишлоқ хўжалиги экинлари, туман, фермерлар, сувдан фойдаланиш уюшмаси.

Ўзбекистон Республикасида 4,3 млн.га (2012 й.) суғориладиган экин майдони бўлиб, унинг 53 фоизи 1608 та насос станциялари ва қурилмалари ёрдамида суғорилади. Бугунги кунда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжаликлари тасарруфида 30000 тадан ортиқ кичик насос станциялари ва қурилмалари мавжуд бўлиб, улар жами қишлоқ хўжалик ерларининг 25 фоизига сув етказиб беради. Ер ости сувлари сатҳини тартибга солиш, ичимлик ва суғориш суви билан таъминлаш мақсадида республикада 9800 данадан ортиқроқ вертикал қудуқларга ўрнатилган насос қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли Фармонида асосан яна кўплаб мелиоратив насос станциялари ва вертикал зовур насос қурилмалари қурилиб, ишга туширилмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалигида йилига ўртача истеъмол қилинадиган 11,0 млрд. квт/соатдан ортиқроқ электр энергиянинг 8,2 млрд. квт/соати насос станциялари томонидан сарфланади ёки йилига сув хўжалиги мажмуаси учун ажратиладиган маблағларнинг 75 фоизи давлат насос станцияларини эксплуатация қилишга сарфланади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон техникавий суғориш усули бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Қадимдан суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган Чуст туманида барча суғориладиган экин ер майдонлари 33373 гектарни ташкил этиб, шундан давлат балансидаги 22 та насос станциялари орқали 13474 га (жами суғориладиган экин майдонларининг 40,3 фоизи), 31 та фермерлар балансидаги ички насос станцияларида 2536 га (7,5 %), артезиан қудуқлари (тик қудуқлар) орқали 2263 га (6,7 %) экин майдонлари суғорилади. Туман бўйича 18273 га ер майдонлари сунъий равишда суғорилиб, улар жами суғориладиган экин майдонларининг 54,7 фоизини ташкил этади.

Сунъий равишда суғориладиган ер майдонларида суғориш ишлари табиий географик шароитига кўра қуйидаги кўринишларда олиб борилади:

1. Тошлоқ ерлар;
2. Дашт ерлар;
3. Текисликда жойлашган ер майдонлари.

Бу ҳудудларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи канал, сув омбори, сой, ариқ ва закон-зовур сувларида суғориладиган экинлар ва улардан етиштириладиган маҳсулотлар таннархига нисбатан юқори. Сув истеъмоли бўйича пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида ҳам тафовутлар мавжуд. Агар 1га пахта учун 1200 м/куб сув керак бўлса, ғаллани бир марта суғориш учун эса 1000 м/куб сув керак бўлади.

1. Тошлоқ ерлар. Бундай ерлар ўта скелетли (тошли) тупроқлардан иборат бўлиб, тупроқ –экологик шароитларга кўра ва суғориш манбасига қараб, қуйидаги усулларда суғорилади.

А) Артезиан – 120 м/куб соатига сув берса (соатига 320 квт/с энергия сарф қилади – амалдаги нархда 91 сўм) 1 га ерни 1 марта суғориш учун фақатгина электр энергиясига 29120 сўм маблағ сарфланади. Бундай усулда вегетация даври мобайнида тошлоқ ер майдонларида етиштириладиган 1га пахта 8-10 марта суғорилади, 8 мартада 232960 сўм, 10 мартада 291200 сўм маблағ сарфланади. Худди шундай ҳолат 1 га ғаллани бир марта суғориш учун 1000

м/куб (267квт/с 91сўм = 24297 сўм) сув зарурлигини ҳисобга олсак, мос равишда 8 марта суғориш учун 194133 сўм, 10 мартада эса 242666 сўм маблағ сарфланади.

Б) Ички (фермерлар балансидаги) насослар - секундига 50 м/куб сув берса, соатига (75 квт/с энергия амалдаги нархда 91 сўмдан) 180000 м/куб сувни ташлаб беради. Шу усулда 1 га пахта учун бир марта суғориш учун 1200 м/куб сув керак бўлиб, унинг энергия харажати 45500 сўм бўлади. Вегетация даврида 8 марта суғорилса 364000 сўм, 10 марта суғорилганда эса 455000 сўм маблағ энергия учун сарф бўлади. Ғаллани бир марта суғоришга 1000 м/куб сув учун 37916 сўм зарурлигини эътиборга олсак, мос равишда 8 марта учун 303333 сўм, 10 марта учун эса 379160 сўм маблағ сарфланади.

2. Дашт ерлар. Бундай ерларни суғориш усули ва унга сарфланадиган харажатлар, юқорида қайд этилганидек, *артезиан-тик қудуқлар* мисолидаги каби бўлади.

3. Текисликдаги ерлар. Бундай ерларда экин майдонларини суғориш ва уларга кетадиган сарф-харажатлар турлича.

Фаолият юритаётган 22 та насос станцияларида ҳар хил қувватга эга 78 та агрегат мавжуд бўлиб, Чуст тумани сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) маълумотларига кўра, уларнинг умумий қиймати 3492,1 млн. сўмни ташкил этади. Тумандаги жами суғориладиган майдонларнинг (33373 га) 39,3 фоизи насос станциялари ёрдамида суғорилади. 22 та насос станциялари вегетация даврида 110 м³ ҳажмдаги сувни адир ҳудудларига етказиб беради. Таъкидлаш жоизки, Резаксой-1,2,3, Тепакўрғон-1,2,3, Садача ва Зарафшон насос станциялари сувни муайян баландликкача кўтариб, бир-бирларига етказиб берадилар ва улар ўзига хос ягона тизимни ташкил қилади. Айнан мана шу тизим таркибига кирувчи 8 та насос станция ҳисобига жами насос станциялари орқали суғориладиган ерларнинг 78 фоизи, юқорига чиқариб

бериладиган сув миқдорининг 78 фоизи ҳамда ишлаётган агрегатларнинг 52,6 фоизи тўғри келади. Чуст туманида етиштириладиган жами ғалланинг 38,1 %, пахтанинг 44,3, боғ ва токзорларнинг 49,8 % насос станциялари ёрдамида суғорилади.

Туман бўйича мавжуд давлат балансидаги насослар учун вегетация даврида соатига 3212000 сўмлик электр энергияси сарфланади ва бу харажатлар давлат бюджетидан қопланади. Қўрилаган ҳудудда қишлоқ хўжалик экин майдонларининг 2536 гектари ёки жами экин майдонларининг 7,6 фоизи ички насослар ёрдамида суғорилади ва бу ерлар экин майдонларининг асосий қисми давлат буюртмаси орқали етиштириладиган экин турлари, яъни пахта (45,6 фоиз) ва ғалла (49,5 фоиз) ҳиссасига тўғри келади. Шунга қарамадан, нисбатан паст қувватли ички насосларнинг харажатлари сувнинг бевосита истеъмолчилари, яъни фермер хўжаликлари томонидан қопланади. Бу эса кўп ҳолларда ички насослар хизматидан фойдаланадиган фермер хўжаликлари учун катта молиявий муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумотларга кўра, 1 га пахта майдони 2 кун давомида суғориш учун 75 от кучига эга насосга 3600 квт/с электр токи сарфланади. Ҳар бир квт/с электр энергия 91 сўм эканини ҳисобга олсак, фермер учун 1 га майдонни суғориш 298800 сўмга тушади, демакдир. 50 га пахта майдони бўлган фермер ҳосилни 1 марта суғориш учун 14940000 сўм, вегетация даври мобайнида 8 марта

суғориш учун эса 119520000 сўм маблағ сарфлар экан. Бу масала адир ва тоғолди ҳудудлари ерларини насос ёрдамида суғорадиган фермерлар учун жуда катта муаммо бўлиб турибди.

Туман бўйича 3730 гектардан кўпроқ экин майдони ички насослар ва 1076 гектар ер артезиан қудуқларидан суғорилишини эътиборга олсак, бу ҳолат ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун жуда катта ортиқча харажат эканлигини эътироф этишимиз лозим. Маълумки, барча ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бизнинг фикримизча, ички насослар ва артезиан қудуқлари эҳтиёжи учун зарур бўлган электр энергия харажатларининг бир қисми маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бу жараёнлар туманнинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётган ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан биридир. Чуст ҳудудининг табиий географик ўрни жиҳатидан адир минтақасида жойлашганлиги, аксарият ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда сувдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, сунъий суғориш иншоотларини тўлиқ бир меъёрга ишлаганлиги ва шу каби муаммоларнинг асосидир.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-3932 сон фармони.
- 3.Акрамов З.М. Наманганская область. Историческо-географический очерк. - Т., 1954. –26 с.
- 4.Камолов Б.Х. Чуст адирларининг табиий-географик шароити // Наманган давлат университети Илмий ахбороти, №2-сон. - Наманган, 2011, 54-58 б.

Резюме

В статье, на примере Чустского района, рассматриваются вопросы водопользования и развития орошаемого земледелия. При этом учитываются ландшафтные особенности используемых сельскохозяйственных земель.

Resume

In the article, as an example of Chust district, discussed issues of water usage and the development of irrigated land parcels. Consideration is given to landscape characteristics of utilised agricultural lands.

Тавсия этувчи:

проф. Абдуллаев А.Қ.

КИЧИК ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТ ТИЗИМИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Қурбонов Ш.Б.

Таянч сўзлар: кичик ҳудудлар, агроиқтисодиёт, ихтисослашув, қишлоқ туманлари, маъмурий бирлик, иқтисодий салоҳият.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши асосида кичик ҳудудлар, яъни қишлоқ маъмурий туманларининг хўжалик тизими ётади. Уларнинг салоҳияти мавжуд имконият ва ресурслардан ташкил топади. Бу хусусда ҳудуднинг майдони, табиий ресурслари, аҳолисининг сони ҳамда демографик кўрсаткичлари, хўжалиги (саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт тармоқлари, уларнинг ихтисослашуви) катта аҳамият касб этади. Айнан бу имкониятлардан самарали фойдаланиш турли кўламдаги иқтисодиётни “ичкаридан” таъминлайди ва шакллантиради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, унинг тармоқлар таркибини турлантиришга (диверсификация қилишга) катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш агросаноат мажмуига асосланган қишлоқ жойларда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришни ҳам назарда тутаяди. Сабаби, кўпгина давлатлар тажрибаси, масалан Хитой Халқ Республикасида олиб борилаётган сиёсат энг аввало қишлоқ саноатини ривожлантиришга йўналтирилган.

Республикамизда ҳам қишлоқ жойлар саноатига эътиборни кучайтириш, кичик саноат корхоналарини ташкил этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Бу муаммо, энг аввало, аҳолиси зич, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган ҳудудлар, шу қаторда Хоразм вилояти учун ҳам муҳимдир.

Вилоят агроиқтисодиётининг ихтисослашувига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- қишлоқ хўжалик хом ашёсининг

мавжудлиги;

- меҳнат ресурсларининг кўплиги;
- демографик салоҳиятининг катталиги, аҳолининг зич жойлашганлиги;
- иқтисодий географик ўрни;
- қулай табиий шароити ва ресурслари;
- вилоятнинг тарихий ривожланиш хусусиятлари ва бошқалар.

Хоразм вилояти республика ҳудудий меҳнат тақсимотида ўзининг интенсив қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати билан ажралиб туради. Ишлаб чиқаришни ҳудудий ва тармоқлараро ташкил этишда вилоятда агросаноат мажмуи муҳим ўринга эга. Унинг иқтисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга бўлиб, мамлакат саноат маҳсулотининг 1,4 ва қишлоқ хўжалигининг 6,3 фоизини беради (2011 й.). Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 9,1 фоизи саноатга, 35,3 фоизи қишлоқ хўжалиги, 10,9 фоизи транспорт ва алоқа, 8,4 % қурилишга, 8,8 фоизи савдо ва умумий овқатланишга тўғри келади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича республика даражасидан деярли беш баробар паст, қишлоқ хўжалигида эса 2 марта устунликка эга. Демак, юқорида таъкидланганидек, вилоят хўжалигида агроиқтисодиёт мажмуи етакчилик қилади.

Вилоят саноатининг тармоқлар таркиби, Тошкент ва Фарғона вилоятларига таққослаганда, унчалик мураккаб эмас. Биргина енгил саноат ялпи саноат маҳсулотининг 39,5, озиқ - овқат саноати 21,3 фозини таъминлайди (республикамизда бу кўрсаткичлар, мос равишда, 13,4; 12,6 %). Енгил саноат таркибида “Боғот текстиль”, “Коттон - текс”, “Даритал текстиль”, “Жиласун”, “Коботекс”, “Ўзтекс - Шовот” каби

кўшма корхоналар, озиқ-овқат саноатида эса “Хоразм дон” акционерлик жамияти, “Хонқа дон”, “Шовот дон”, “Боғот дон маҳсулотлари” сингари йирик комбинатлар фаолият олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ўсди. Саноат ихтисослашуви асосан электр энергия, пахта толаси, ўсимлик ёғи, ун ва нон маҳсулотлари, ароқ ва ликер маҳсулотлари, гўшт, сут, омукта ем ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Аҳоли сонининг ортиб бориши унинг биринчи даражадаги эҳтиёжи, яъни халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Бундай товарларни ишлаб чиқариш йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, аҳолисини ҳисобга олган ҳолда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Уларининг 2/3 қисмини озиқ-овқат, 1/4 қисмига яқинини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилади.

Вилоятда трикотаж, нон ва нон маҳсулотлари, омукта ем, алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда. Айни вақтда саноат мажмуида оғир саноат, хусусан ёқилғи - энергетика, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қора ва рангли металлургия сустривожланган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Туямўйин СЭС (сув электр станцияси) ягона электр энергия ишлаб чиқарувчи манба саналади. Ушбу электр станциясининг иш режими кўпроқ Амударё сув оқими билан боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, вилоят саноатининг ҳудудий таркиби ҳам яхши ривожланмаган; бу борада ўсиш кутб ёки марказлари яққол кўзга ташланмайди. Эътиборлиси шундаки, минтақа иқтисодий ландшафти бир текис шаклланган; ҳудуднинг, унинг барча қишлоқ туманларининг ҳам саноат салоҳияти унча юқори эмас. Вилоят маркази жами саноат маҳсулотининг 26,8 фоизни, истеъмол молларини 55,4 фоизини беради. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмига кўра Ҳазорасп, Боғот, Шовот ва Хонқа туманлари бирмунча ажралиб туради, энг паст кўрсаткич эса Хива

туманида қайд этилади.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш қишлоқ туманлари орасида Хонқа, Шовот ва Хива туманларида яхши йўлга қўйилган. Ушбу туманлар ҳиссасига вилоятнинг бу турдаги маҳсулотларининг 25, 0 фоизга яқини тўғри келади. Шовот ва Хонқа шаҳарчаларида жойлашган йирик дон маҳсулотлари комбинатининг истеъмол молларини ишлаб чиқаришдаги аҳамияти катта.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш бўйича Хоразм вилоятида фақат Урганч саноат тугунини белгилаш мумкин. Қолган шаҳар ва шаҳарчалар эса кўпроқ саноат пунктлари, айримларигина саноат маркази (Хива, Хонқа, Гурлан ва б..) ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан ташкил этишда асосан **агроиндустриал энергия ишлаб чиқариш цикли** шаклланган, холос. Бу цикл ирригация тизими, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ барча технологик жараёнларни ўз ичига олади [2].

Қишлоқ жойлар иқтисодий салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичлардан яна бири бу ҳудуднинг экспорт ва импорт жараёнларидаги ўрни билан ҳам белгиланади. 2012 йилда Хоразм вилояти ташки савдо айланмаси 233616,5 минг АҚШ долларини ташкил этган. Шу жумладан, экспорт 155253,2, импорт 78363,3 минг долларга тенг. Экспорт таркибида пахта толаси (82,1 %), озиқ - овқат маҳсулотлари (0,7 %), хизматлар (6,6 %) устунлик қилса, импортда эса машина ва ускуналар (42,3 %), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (32,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (3,9 %) етакчилик қилади.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ташки савдо айланмаси туманлар даражасида катта тафовутларга эга. Масалан, нисбатан йирикроқ кўшма корхоналарга эга бўлган Боғот (“Боғот текстиль”), Хонқа, Гурлан (Гурлантекс) ҳамда Урганч шаҳрининг бу борадаги ҳиссаси юқори - уларнинг ҳар бири вилоят ташки савдо айланмасининг 1/10 қисмини беради. Хива, Урганч, Шовот ва Янгибозор туманларининг улуши эса анча паст.

Ташқи савдо айланмасининг 38,8 фоизи, экспортнинг 37,2 ва импортнинг 48,1 фоизи МДХ давлатларига тўғри келади. Ташқи савдо алоқаларида (айланмасида) Хитой давлатининг улуши 24,3 %, Украинаники 18,2 % ва 18,5 % Эрон давлатига тегишли. Шунингдек, Россия Федерациясининг хиссаси 16,6 фоизга тенг бўлган. Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларининг шаклланишида барча туман ва шаҳарлар қатнашишади. Улар орасида Хонқа (16,3 %), Урганч тумани 12,7 %, Боғот (10,4 %) ва Гурлан (10,0 %) қишлоқ туманлари олдинда туради, Урганч шаҳрининг кўрсаткичи 8,2 %. Экспортнинг ҳудудий таркиби қуйидагича: Гурлан ва Боғот туманларининг ҳар бирига 14,0 % дан, Хонқа туманига 21,5 фоиздан, Янгибозор туманига эса атиги 0,1 % тўғри келади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, вилоят иқтисодий ландшафтида, Урганч шаҳрини ҳисобга олмаганда, кўзга кўринарли иқтисодий марказлар мавжуд эмас. Минтақанинг республика доирасидаги иқтисодий салоҳияти анча паст. Бу эса, қишлоқ туманлари ва шаҳарларнинг ривожланмаганлигидан дарак беради. Шу жиҳатдан минтақа иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида уни “ичкаридан” ривожлантириш имкониятларини қидириш зарур. Бу хусусда устувор тармоқлар (агроиқтисодиёт, туризм, оғир саноат) қаторида ҳудуднинг ривожланишини жонлантириш, ўсиш кутб ва марказларини илмий асосда аниқлаш талаб этилади. Бундай ҳудудий ривожланиш учун вилоят маркази Урганч, Хива, Питнак ва Хонқа шаҳарчалари тавсия этилади. Шу билан бирга, бошқа туманлар, жумладан, Хазорасп туманининг ўнг соҳил қисми, Шовот туманини қўшни Туркманистон билан боғлаб турувчи имкониятларидан фойдаланган ҳолда, чегара иқтисодиётини ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Хоразм маданияти, тарихи, шаҳар ва қишлоқлари, қадимий ёдгорлик, суғорма иншоатлари ва бошқалар маҳаллий ва халқаро туризмнинг ривожланишида муҳим омил саналади. Шу жиҳатдан

туризм кластерини ҳам амалга ошириш, туризм индустриясини шакллантириш, агротуризм ва диний туризмни ривожлантириш, бу борада маълуму-машҳур Хива шаҳри қаторида кўплаб зиёратгоҳ ва қадамжоларга эга бўлган қишлоқ жойларни (Ҳазорасп, Шовот туманлари) туристик ва рекреация ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Хоразм вилояти ва уни ташкил этувчи қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари минтақанинг географик ўрни (республика марказларидан узоқлиги, Орол денгизига яқинлиги ва б.), демографик ва экологик вазияти, хўжалигининг тармоқлар таркибидан келиб чиқади. Бинобарин, бу ерда асосий муаммо чекланган ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, бой ва кўпайиб бораётган меҳнат заҳираларига иш жойларини яратиш, инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ туманлари экспорт салоҳиятини янада кўтариш кабилардан иборат.

Минтақанинг иқтисодиёт тузилмасида оғир саноат сушт ривожланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу ерда ҳам ушбу саноат тармоқларини, энг аввало, кам метал ва кўп меҳнат талаб қилувчи машинасозлик саноатини барпо этиш зарур. Хусусан, ҳозирги замон технологиясига асосланган машинасозликнинг электротехника, асбоб ва приборсозлик каби илмталаб йўналишларини ривожлантириш мақбул ҳисобланади. Бунга Хоразм воҳасида қадимдан аниқ фанлар, жумладан, математиканинг ривожланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда қишлоқ туман марказларида пахта тозалаш заводларини уларнинг хом ашё базасига мувофиқ оптималлаштириш асосида ҳам бундай корхоналарни жойлаштириш мумкин (Кўшкўпир, Гурлан, Шовот).

Республика Президенти таъкидлаганидек “... вилоятда фақат енгил саноатни эмас, балки машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга, мамлакатимизда кўп йиллар давомида синаб келинаётган тажриба – яъни

тараккий топган давлатларнинг фирма ва компаниялари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш энг тўғри ва ўзини оқлайдиган йўл эканига эътибор қаратиш зарур¹. Мамлакатимиз раҳбариятининг бу кўрсатмалари ўзининг амалдаги ижросини топмоқда; вилоят маркази – Урганч шаҳри

ободонлаштирилмоқда, Питнак (Хазорасп тумани) шаҳрида эса “Дамас” машиналари ишлаб чиқарувчи корхона жорий йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Бундай тадбирлар қишлоқ жойлар ва умуман вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Курбонов Ш. Кичик ҳудудларни иқтисодий географик ўрганишнинг назарий – услубий асослари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 32 - жилд. – Т., 2008. – Б. 80-82.
2. Колосовский Н. Н. Избранные труды. – Смоленск: Ойкумена, 2006. – 336 с.

Резюме

Формирование национальной и региональной экономики основывается прежде всего на развитие хозяйства малых территорий, в частности сельских административных районов. В статье рассматриваются особенности экономики и ее специализации в сельских районах Хорезмского вилоята.

Resume

Forming national and regional economy based on, in the first place, the development of the owning small territories, particularly, in the agriculture administrated regions. In the article discussed peculiarities of economy and its speciality in the agricultural regions of Xorazm region.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланишни ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Файзуллаев М.А.

Таянч сўзлар ва иборалар: қишлоқ хўжалиги, ер-сув ресурслари, фойдаланиш, тадқиқот усуллари, коэффициент, таъминланганлик, деҳқончилик, районлаштириш.

Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш унумдорлигини баҳолаш бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ўзига хос тамойиллар асосида олиб борилади. Бозор иқтисодиёти шароитида суғориб деҳқончилик қилинадиган, айниқса суғоришга алоҳида маблағ (насос ёрдамида суғориш учун) сарфланадиган шароитда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги иқтисодий-экологик мезонлар орқали баҳоланиши зарур.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини ўрганишда география учун анъанавий ҳисобланган усуллардан фойдаланилади. Масалан, ҳар қандай географик тадқиқот албатта тарихий (ретроспектив) ёндошув асосида олиб

борилиши керак. Бу усул, хусусан чўл ҳудудларини ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишини, чўл муҳитининг аввалги ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш яхши натижалар беради. Бунда ерларни ўзлаштириш даври маълум босқичларга бўлинади. Энг муҳими, ҳар қайси босқич – тарихий давр ўзлаштириш кўлами, мақсади, ирригация инфратузилмасини барпо этиш, аҳоли жойлашуви ва миграцияси қабилар билан бошқа босқичларидан фарқ қилиши шарт. Жумладан, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўллари ўзлаштириш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида пахта майдонларини кенгайтириш, минтақани сув ресурслари билан таъминлашга хизмат қиладиган ирригация иншоотлари барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни ташкил этиш

¹Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси // Халқ сўзи. 2012 йил 10 октябр, № 199 (5619).

босқичларида олиб борилди.

Шу билан бирга, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши республикада ва унга туташ бўлган минтақаларда (мамлакатларда) амалга оширилган ишлар билан таққосланади ва бу *географик таққослаш* усулининг асосини ташкил қилади. Бу борада ўзимизнинг Мирзачўл чўлининг ўзлаштирилиши, Тожикистоннинг Вахш водийси, Туркменистоннинг Тажан-Мурғоб воҳасининг ўзлаштириш тажрибаларини ўрганиш муҳим ҳисобланади ва шу асосда Қарши ва Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилишининг ўзига хос географик жиҳатлари аниқланади.

Ер ва сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни *хариталаштириш* ва уларни таҳлил қилиш орқали ҳам ўрганилаётган объектга етарлича далилий кўргазмали таъриф бериш мумкин. Уларнинг асосида мавжуд қишлоқ хўжалиги ҳақидаги маълумотларни қатъий ҳудудий кесмада харитага қайд этиш орқали тўплаш ва яхлит тизимга солиш ётади, бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ҳақидаги ҳар қандай тавсифни, ҳудуднинг мос қисмидаги табиий шароит билан солиштириш, қишлоқ хўжалиги таърифини табиий муҳит турларига қиёслаш имконини яратади.

Хариталар қишлоқ хўжалигини режалаштириш ишларини асослашда ҳам қулай восита бўлиб, унинг ўзаро ички алоқаларини очиб бериш, зарур бўлган тармоқлараро мутаносибликни аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги ўзининг ихтисослашуви, жойлашиши, уни ташкил этувчи таркибий қисмларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айнан ана шу ўзига хослик ҳудуд миқёсидаги қишлоқ хўжалигини харитага туширишда хариталарнинг мазмунини ишлаб чиқишни, кўрсаткичлар танлаш ва уларни қандай усуллар ёрдамида тасвирлашни олдиндан белгилайди.

Жанубий Ўзбекистон, хусусан, янги ўзлаштирилган минтақа қишлоқ хўжалиги тармоқлари – пахтачилик, дончилик, сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик,

боғдорчилик билан бирга, чорвачиликнинг асосий ихтисослашган тармоқлар заминида таркиб топган. Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш негизида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун мўлжалланган йирик масшабли туркум хариталарни тузишда асосий эътибор ушбу соҳанинг ўзига хос минтақавий хусусиятларига қаратилиш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашда математик-статистик усулнинг ҳам аҳамияти катта. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги натурал кўрсаткичлар – бу ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулот бўлиб, ердан интенсив фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади ва бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш коэффициенти ёрдамида аниқланади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ҳам яхши натижаларни беради. Ер фондидан интенсив фойдаланиш ҳолати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғориладиган ерлар салоҳияти билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги ерларида суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ерларга нисбати ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларга нисбати минтақа суғориладиган ерларидан фойдаланиш коэффицентини аниқлаб беради.

Суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг таркибидаги улушини аниқлаш ёрдамида сунъий суғорма (машина насосларлар ёрдамида) дехқончилик қилинадиган минтақада ердан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинади, чунки минтақа бошқа ҳудудлардан сунъий суғорма дехқончиликда сарф-харажатлар миқдори электр энергияни истеъмол қилиш эвазига кўп бўлиши билан фарқланади. Бу эса, ўз ўзидан интенсив суғорма дехқончилик тизимини такомиллаштириш ва ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини долзарб қилиб қўяди. Сабаби, ер-сув ресурсларининг ҳолатини ҳисобга олмасдан қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқаришини ташкил этиш салбий оқибатларга олиб келади.

Сув ресурслари билан таъминланганлик даражасини ҳақиқатда амалда сарфланган сув миқдорини меъёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдорига нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Суғориладиган ҳудудларни сув ресурслари билан таъминланганлик даражасини топиш асосида меъёрдаги сувдан фойдаланиш ва шу сув бирлигида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини билиш мумкин. Уни аниқлаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични топишда экинларга сув бериш меъёрига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, белгиланган меъёрга риоя қилинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим; агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

Юқоридагилардан ташқари, ҳудудларнинг *табiiй-аграр имкониятини* (ТАИ) аниқлаш ҳам агрогеографик татқиқотларда муҳим ўрин тутаяди. Маълумки, табiiй шароит ва ресурслар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва жойланишига чекловчи таъсир кўрсатиш ҳоллари мавжуд. Бундай омилларнинг айримларини (тупроқнинг сув, физик ва кимёвий хоссаларини) антропоген бошқариш ёки мақсад йўлида ўзгартириш мумкин бўлса, бошқаларини (иклим, рельеф) бошқариш имкони йўқ. Шунингдек, маълум ресурснинг кам бўлиши, етишмаслиги эмас, балки меъёрдан ортиқ бўлиши, концентрациясининг юқори бўлиши (сув, иссиқлик) ҳам баъзан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштиришни чеклайди. Шу боис ҳам табiiй-аграр имкониятни баҳолаш мураккаб масала ҳисобланиб, ҳар бир ҳудудий объект ва қишлоқ хўжалиги тармоғи учун баҳолаш кўрсаткичлари ва услубиётини алоҳида ишлаб чиқиш талаб этилади. ТАИ баҳолаш ишларини Ю.И.Аҳмадалиев Фарғона водийси мисолида амалга

оширган. Мазкур баҳолаш ишларини Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун ер ва сув ресурслари табiiй-аграр имкониятини баҳолашда ҳам қўллаш мумкин.

Албатта, ҳар қандай географик татқиқотнинг ўзига хос жиҳати унда *районлаштириш* усулидан фойдаланиш ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларни иқтисодий районлаштириш амалий аҳамиятга эга. Бундай районлаштиришнинг энг қадимий йўналиши қишлоқ хўжалиги жойлаштириши билан боғлиқ. Чунки, қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, яъни унинг ареалсимонлиги макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра яққол кўзга ташланади.

Республикамизда, жумладан, Жанубий Ўзбекистон минтақасида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш охириги 50 йилдан кўпроқ муддат давомида режали, маълум мақсадни кўзлаб ташкил этилди, қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойланиши ва ихтисослашувига ҳудудга хос бўлган жараёнлар эмас, балки давлатнинг аграр соҳадаги сиёсати кўпроқ таъсир қилди. Бу жиҳат хусусида А.Н. Ракитников собиқ Иттифок шароитида қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва ҳудудий ташкил этишда иқтисодий география учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган районлаштириш масалаларига алоҳида урғу берган [1]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам бу борадаги илмий ишлар даставвал айнан ана шу тармоқни жойлаштириш ва районлаштириш билан бошланган.

Таҳлилларга кўра, республикамизда дастлаб алоҳида табiiй географик компонентлар, яъни тупроқ, иқлим, ўсимлик кабилар районлаштирилган ва бу ишлар кўпроқ биолог олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган. Сўнгра бу компонентлар биргаликда интеграл табiiй географик районлаштиришни ташкил қилган ва бу илмий ишлар асосан қишлоқ хўжалиги мақсадида олиб борилган. Кейинги босқичда эса, табiiй муҳитни ҳисобга олган ҳолда, табiiй-

хўжалик районлари ажратилган ва, ниҳоят, иқтисодий районлаштириш масалаларига ўтилган [2]. Жанубий Ўзбекистон минтақаси доирасида ҳам районлаштириш масалаларини амалга ошириш мумкин. Бундай тартибда районлаштириш, энг аввало, *ҳавза тамойилига* асосланади. Чунки, Қашқадарё ва Сурхондарё ўз номи билан республикамизда тарихий-географик ривожланиши айнан дарё билан боғлиқ бўлган маъмурий бирлик ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ажратилган районларнинг ҳар бири ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини ҳам ташкил қилади.

Иқтисодий район – ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини таҳлил ва тадқиқ қилишда Н.Н.Колосовскийнинг *энергия ишлаб чиқариш цикллари* ғоясидан фойдаланиш маъқулроқ ҳисобланади. Унинг ёрдамида район ишлаб чиқаришидаги циклларнинг тўлиқлиги, қайси бир технологик занжирнинг (босқичнинг)

заифлиги ёки унинг йўқлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Шу нуқтаи назардан Жанубий Ўзбекистон янги ўзлаштирилган минтақасида шаклланган гидромелиоратив агро-индустриал цикли таҳлил қилинади.

Худди шундай, белгиланган районларнинг рақобатдошлиги, уларнинг қиёсий афзаллигини (кучли томонини) аниқлашда *SWOT-таҳлил* усулини ҳам қўллаш фойдалидир. Бунда районларнинг кучли, заиф (кучсиз), имконият ва таҳдид туғдирадиган жиҳатлари солиштирма баҳоланади ва шу асосда уларнинг истиқболи аниқланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ва, хусусан ер-сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари жуда мураккаб бўлиб, улар агрогеографик тадқиқотлар доирасида олиб борилади. Бунда статистик, тарихий материаллардан ҳам фойдаланган ҳолда комплекс ёндашув талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ракитников А.Н. Избранные труды // Под ред. В.Г.Крючова. – Смоленск: Ойкумена, 2003. – 472 с.
2. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Т: Камалак, 2013. – 184 б.
3. Файзуллаев М.А. Ўзбекистон янги ўзлаштирилган ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий хусусиятлари// Ўзбекистон География жамияти ахбороти 41-жилд. Т., 2013. – 121-125 б.

Резюме

Изучение сельского хозяйства и в его рамках – проблем рационального использования земельно-водных ресурсов представляет главное направление агрогеографических исследований. В статье эти вопросы рассмотрели на примере районов нового сельскохозяйственного освоения Узбекистана.

Resume

The Study of the agriculture and in his frame - a problems of the rational use land-water resource presents the main a direction agricultural geographical of the studies. In article these questions have considered on examples region new agricultural mastering Uzbekistan.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

Абдуназаров Ҳ. М., Умарова М.Х., Жамилова М.

Таянч сўзлар: *иқлим, иқлим кўрсаткичлари, ҳарорат, намлик, географик ўрин, тоғ ва тоғ олди ҳудудлар, қишлоқ хўжалиги.*

Табиат кишиларнинг яшаш муҳити бўлиши билан бир қаторда, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи макон ҳам ҳисобланади. Маълумки, иқлим ресурси табиий ресурсларнинг тугамайдиган тури ҳисоб-

ланиб, у ҳудуднинг географик ўрни, қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси, рельеф ва ер усти ҳолати каби омиллар таъсирида шаклланади.

Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти ўзининг

географик ўрни ва мураккаб кўринишли орографик хусусиятлари таъсирида вужудга келган иқлим шароити билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан алоҳида ажралиб туради.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубида, $37^{\circ}10'$ ва $39^{\circ}10'$ шимолий кенгликлар орасини ишғол этиб, шимол, шимоли-ғарб, ва ғарб томондан Ҳисор тоғ тизмаси ва унинг тармоқлари: Кўштанг (3723), Бойсун (4224), Кетмончопти (3168), Саримас (2122), Сувсизтоғ (2122), Кулбатоғ (2130) ва Кўхитантоғ (3137) билан ўралган бўлиб, фақат жанубда Амударё водийсига томон очиқдир. Вилоятнинг бундай орографик хусусияти ўз навбатида муҳим иқлим ҳосил қилувчи омил бўлиб, мазкур ҳудудга совуқ ва нам ҳаво массаларининг вилоятнинг ўрта текислик қисмига ўтишига тўсқинлик қилади ҳамда регионда субтропик иқлимнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бу тоғлар ўз навбатида иқлим ҳосил қилувчи омил бўлиб, тоғларнинг баланд чўққиларида ҳосил бўлган музликлар ва қор қоплами дарёлар тўйинишида иштирок этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, вилоятнинг жанубий географик ўрни ҳудудга тушадиган қуёш радиацияси микдорининг катталигига сабаб бўлади. Ҳудудда қуёш нурлари ёзги қуёш туриши кунда 76° , қишда эса 29° бурчак остида тушиб, қуёш нур сочиб турадиган давр бир йилда ўрта ҳисобда 3095 соатни ташкил этади. Йил бўйи, айниқса ёз ойларида ҳаво очик ва булутсиз кунларнинг кам бўлиши туфайли вилоятда қишлоқ хўжалиги экинларининг пишиб етиладиган даври ҳисобланган май-октябрь ойларида қуёш нур сочиб турадиган давр Термизда 2012 соатни ташкил этади. Ўсимликлар вегетацияси давридаги суткалик ўртача ҳарорат $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган ҳароратлар йиғиндиси 5100-5600 даражага етади. Вилоятнинг текислик қисмида баҳорги совуқ тушишининг ўртача муддати 2-15 март, кузги биринчи совуқ тушишининг ўртача муддати 20-25 октябрга тўғри келиб, совуқ бўлмайдиган кунлар сони 227-266 кунни ташкил этади. Вилоятнинг бундай

иссиқлик режими деҳқончиликда ерлардан бир йилда икки, айрим экин турларидан эса уч мартагача ҳосил олиш имконини беради. Шу сабабдан, ҳудудда иссиқсевар ўсимликлар, айниқса, ингичка толали пахта, сабзавот ва полиз экинлари ҳамда субтропик экинлар етиштириш учун қулай шароит мавжуд. Вилоятда мазкур термик ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида Денов туманида қуруқ субтропик илмий текшириш институтининг Жанубий Ўзбекистон зонал тажриба станцияси жойлашган бўлиб, у ерда шакарқамиш, цитрус экинлари, хурмо, чой ва пекан ёнғоғи каби ўсимликлар ўстирилади.

Вилоятда қуёшнинг узоқ вақт уфқдан баландлиги ва булутсиз кунларнинг камлиги (Термизда 57 кун) оқибатида ҳудуднинг ҳар бир квадрат метр юзаси йил давомида 160 ккал иссиқлик олади, бу эса вилоятнинг ноанъанавий энергия манбалари – гелио-ресурсларга бой эканлигини кўрсатади. Бирок, вилоятда мазкур ресурслардан фойдаланиш ҳозирча йўлга қўйилмаган.

Вилоятнинг текислик қисмидаги иссиқ, қуруқ ва серқуёш иқлимнинг тиббиётдаги аҳамияти катта бўлиб, кўпгина касалликлар, айниқса, буйрак аъзолари билан боғлиқ хасталикларни даволашда қўл келади.

Вилоят тоғли қисмида ҳаво ҳарорати нисбатан паст, юмшоқ. Тоғларда иқлим шароити ўзига хос бўлиб, ҳам пастдан юқорига, ҳам шимолдан жанубга томон ўзгариб боради. Шу сабабли шимолдаги тоғларнинг қуйи қисмида ўртача йиллик ҳарорат $12-13^{\circ}\text{C}$ бўлса, жанубда $14-15^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Лекин тоғларнинг энг баланд қисмларида ўртача ҳарорат паст бўлиб, $0^{\circ}-6^{\circ}\text{C}$ атрофида. Ёғинларнинг асосий қисми баҳор ва қиш ойларида тушиб, қор қопламининг қалинлиги 80-90 см га етади. Вилоятнинг тоғ этакларида ва водийларида қор қоплами юпка, узоқ турмайди, тоғ тепаларида эса қалин, баланд қисмларида баъзан ёзда ҳам эримай ётади. Тоғ ён бағирларида жумладан Бойсунда июль ойининг ўртача ҳаво ҳарорати $27,8$ бўлса, январда $-0,8$ даражани ташкил этади.

Вилоят тоғли қисмининг денгиз сатҳидан 3000-3200 метр баландликларида июль ойида ўртача ҳарорат +20 даражага тенг. Ундан ташқари тоғли зонада ёгин-сочин миқдори ҳам текисликларга нисбатан ортиқроқ эканлиги тоғларнинг ўсимлик қопламига ижобий таъсир кўрсатади. Намлик юқори бўлган тоғли зона лалми деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги учун қулай бўлиши билан бир қаторда, рекреация масканларини барпо этиш учун мақбул ҳудудлар ҳисобланади. Вилоят тоғли қисми табиатининг гўзаллиги ва хуш ҳавоси маданий ҳордиқ чиқариш учун қулайдир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларнинг узок юртларга бориб даволаниши ва дам олиш учун анча маблағ талаб этиладиган бир пайтда, вилоят аҳолиси учун дарё, сой ва булоқлар атрофида, табиат қўйнида дам олиш масканлари ташкил этилса, вилоят иқтисодиёти учун ҳам фойдали бўлади. Бироқ, вилоятнинг тоғли қисмида замонавий меҳмонхоналар ва сайёҳлик масканларини ташкил этишни йўлга қўйиш бироз мураккаб. Чунки, тоғ йўллари орқали вилоят ва туман марказларига келиб кетишнинг қийинлиги, тоғли туманларда табиий газ таъминотининг тўла йўлга қўйилмаганлиги рекреация масканлари барпо этиш учун ноқулайлик туғдиради.

Иқлим ресурсларидан хўжаликда фойдаланишда шамол энергиясининг ҳам ўрни бекиёсдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимиз иқлим шароитида шамол сингари ноанъанавий энергия турларидан фойдаланиш борасида улкан имкониятлар мавжуд. Сурхондарё вилоятининг ҳудудида энг кўп эсадиган шамоллар ғарбий, шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий йўналишга эга бўлиб, уларнинг тезлиги бир хил эмас. Шамолларнинг ўртача тезлиги секундига 2.6 метр, бироқ вилоятнинг жануби-шарқий қисми иқлимига чанг тўзонли “афғон” шамолнинг таъсири катта бўлиб, унинг тезлиги баъзан секундига 15 метрдан ошади. Маълумотларга кўра шамол тезлиги секундига 2,5-3 метрга етса ундан йилига 26-35 минг Квт соат

электр энергиси олиш мумкин. Вилоятда мазкур энергиядан унумли фойдаланиш масаласи тўғри йўлга қўйилса, шамол агрегатлари ёрдамида сув танқис туманларда ер ости сувларини насослар ёрдамида чиқариш, шўр сувларни чучуклаштириш ва миниэлектр-станциялар барпо этишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, вилоятнинг текислик қисми чўл ландшафтларидан иборатлиги, суғориладиган ерларнинг оқар сувлар билан етарли даражада таъминлаш учун чучук сув захираларининг етишмаслиги ҳудуднинг иқлим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятининг пасайишига сабаб бўлса, тоғли қисмида эса замонавий меҳмонхоналар ва сайёҳлик масканларини ташкил этишни йўлга қўйиш тоғ йўллари орқали вилоят ва туман марказларига келиб кетишнинг қийинлиги, тоғли туманларда табиий газ таъминотининг тўла йўлга қўйилмаганлиги тоғли ҳудудларнинг иқлим ресурсларидан хўжаликда фойдаланиш учун ноқулайлик туғдиради.

Бу борада вилоятда иқлим ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий жиҳатдан асосланган маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Булар қуйидагилардан иборат:

- вилоятнинг тоғли ҳудудларида тез оқар кичик дарёларида электр станцияларини қуриш орқали ушбу ҳудудларнинг электрэнергия билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш.

- минтақанинг географик ўрнидан келиб чиққан ҳолда гелиостанцияларни қуриб ишга тушириш;

- вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳамда текислик ҳудудларида шамол агрегатларини қуриб ишга тушириш орқали электр энергия таъминотини яхшилаш;

- тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳамда сув ҳавзалари бўйларида инфратузилма тармоқларини ривожлантириш орқали маҳаллий аҳоли ва чет эллик туристлар учун дам олиш масканларини қуриб ишга тушириш;

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда келажакда минтақа иқлим ресурсларидан самарали фойдаланиш

вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Асосий вазирамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
2. Солиев А., Назаров М., Курбоннов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2010.
3. Рўзиев А. Н. Сурхондарё вилояти. – Т.: “Жайхун”, 1996.
4. Ҳасанов И., Фуломов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 2007.

Резюме

Сурхандарьинский вилоят имеет самое южное географическое расположение, которое определяет его главные климатические особенности. В статье речь идет о показателях климата, их влияния на размещение сельского хозяйства и на здоровье населения, о путях рационального использования климатических ресурсов.

Resume

Surxandarya region has the extreme southern geographical location, which determines its major climatic conditions. The article discusses different indices of climate, their influence to the distribution of agriculture and well-being of population, ways of rational utilization of climatic resources.

Тавсия этувчи:

проф. Абдуллаев А.Қ.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АГРОИҚЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Файзуллаев М., Маматов А.

Таянч сўзлар ва иборалар: қишлоқ хўжалиги, иқлим, агроиқлимий ресурс, радиация, ҳарорат, ёгин, гидротермик коэффициент, шамол.

Иқлим салоҳияти, яъни иқлим шароити ва ресурслари қишлоқ хўжалиги ривожланишини белгилайдиган муҳим табиий омиллардан биридир. П.И. Колосков (1971) иқлимни муҳитнинг (географик қобикнинг) метеорологик компоненти, агроиқлимни эса агрономик муҳитнинг метеорологик компоненти деб ҳисоблайди. “Иқлим ва агроиқлим ресурслари” тушунчасини фанга биринчи бор Ф.Ф. Давитая (1964 й.) киритган. Унинг фикрича, иқлим ресурслари – бу иқлим элементлари, модда ва энергиянинг миқдоридир. Иқлимнинг қишлоқ хўжалигида бевосита фойдаланиладиган элементлари (радиация, нам, иссиқлик, шамол ва б.) агроиқлим ресурсларини ҳосил қилади.

Жанубий Ўзбекистон минтақасининг ўзига хос географик ўрни туфайли бу ҳудудда йил давомида қуёшдан катта миқдорда радиация келади ва йил давомида ҳароратнинг анча юқори бўлишига, ёзнинг узоқ давом этиши ҳамда жуда иссиқ бўлишига, қишнинг эса қисқа ва унча совуқ бўлмаслигига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалигининг, айниқса деҳқончиликнинг энергетика асосини ялпи қуёш

радиацияси, фотосинтетик фаол радиация ташкил қилади; ўсимликларнинг ривожланиши учун эса вегетация давридаги кунларнинг узунлиги, қуёш нур тарқатадиган соатлар сони муҳим аҳамиятга эга. Жанубий Ўзбекистоннинг текислик ва тоғ олди районларида горизонтал юзга тушадиган тўғри қуёш радиациясидан ҳосил бўладиган иссиқлик миқдори декабрда 2,4 ккал/см², июлда 14,1 ккал/см² ва йил давомида эса ўртача 100,3 ккал/см² ни ташкил этади. Минтақанинг текислик ва тоғолди ҳудудларида ўсимликларнинг ўсиш давридаги (ҳаво ҳароратининг 10 С дан юқори бўлган кунлар) фотосинтетик фаол радиация миқдори 80-85 ккал/см² атрофида бўлади.

Қашқадарё вилоятида йиллик ўртача ҳарорат 500-600 метр мутлақ баландликларгача бўлган сатҳларда жойлашган текислик ва тоғ олди районларида шимолда 15°С (Китоб шаҳри), жанубда 16,1° С (Ғузор шаҳри) бўлиб, шарққа томон пасаяди. 1000 метр баландликда ўртача йиллик ҳарорат вилоятнинг шимолида 13,0°С, жанубида 14,0°С, 1500 метр баландликда 11-12°С, 2000 метр баландликда эса 9,0-10,0°С га

тенг. Вилоятнинг текислик ва тоғ олди ҳудудларида энг совуқ ой – январнинг ўртача ҳарорати 0°C дан юқори бўлиб, энг юқори кўрсаткич Ғузор шаҳрида ($1,9^{\circ}\text{C}$) қайд килинган. Айрим йилларда қиш илиқ ва ўсимликлар вегетацияси деярли узлуксиз бўлади. Бундай илиқ қишларни Л.Н.Бабушкин “вегетацияли” қишлар деб аташни таклиф этган. “Вегетацияли” қишлар вилоятнинг текислик ва тоғолди қисмларида 60-70% ни ташкил этади. Июл энг иссиқ ой бўлиб, ўртача ҳарорат текислик ва тоғолди ҳудудларида $28-29^{\circ}\text{C}$, ўртача баландликдаги тоғларда $25-27^{\circ}\text{C}$ ва 1600-2000 метр баландликларда $20-24^{\circ}\text{C}$ га тенг.

Қашқадарё вилоятининг текисликларида ва тоғолди ҳудудларида ўртача кунлик ҳароратларнинг $+10^{\circ}\text{C}$ дан ўтиши 17-25 мартдан бошланиб 2-12 ноябргача давом этади (210-242 кун). Бу даврдаги фаол ҳароратларнинг йиғиндиси $4639-5230^{\circ}\text{C}$ бўлиб, бу кўрсаткичларга кўра вилоятнинг текисликлари, адирлари ва паст тоғлари билан банд бўлган ҳудудлар иссиқ ($4500-5000^{\circ}\text{C}$) ва жуда иссиқ (5000°C дан ортиқ) зоналарга мансуб. Вилоятнинг ўртача баланд тоғларида фаол ҳароратлар йиғиндиси $3500-4700^{\circ}\text{C}$, баланд тоғларда эса $2500-3500^{\circ}\text{C}$ бўлади.

Сурхондарё вилояти жанубий кенгликларда жойлашганлиги ҳамда баланд тоғларнинг шимолдан келадиغان совуқ ҳаво массаларининг округга ўтишига тўсқинлик қилиши сабабли қишининг анча юмшоқлиги билан ажарлиб туради. Вилоятнинг катта қисмида январ ойининг ўртача ҳарорати мусбат, текисликларида, тоғ олди қияликларида Ўзбекистондаги энг юқори кўрсаткич $+2,5^{\circ}\text{C}$, $+2,8^{\circ}\text{C}$, Шерободда ҳаттоки $+3,4^{\circ}\text{C}$ кузатилади (тоғларда 3000 м баландликда -6°C). Лекин айрим йиллар январда мутлақ паст ҳарорат -20° , -24°C гача пасаяди. Кўп йиллик кузатувлар вилоятнинг текислик ва тоғ олди қисмида ҳақиқий қиш бўлмаслигини кўрсатади. Вегетация давом этиши мумкин бўлган қишлар 90-100 фоизгача боради. Шунинг учун йилнинг совуқ давридаги манфий ҳароратлар йиғиндиси жуда кам бўлиб, $-15-30^{\circ}\text{C}$ дан

ортмайди. Ёз вилоятда куруқ ва жазирама иссиқ келади. Июлнинг ўртача ҳарорати $+29^{\circ}$, $+32^{\circ}\text{C}$ (Термизда $31,6^{\circ}\text{C}$, Шерободда $32,1^{\circ}\text{C}$), энг юқори ҳарорат $+42^{\circ}$, $+48^{\circ}\text{C}$ даража бўлади. Термиз шаҳрида ҳарорат $+49,5^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилгани кузатилган (1914 йил 21 июлда). Ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган кунлар сони бир йилда 290-320 га етади, вегетация давридаги ҳароратлар йиғиндиси $5100-6000^{\circ}$ га тенг.

Л.Н. Бабушкин ўзининг кўп йиллик агрометеорологик тадқиқотлари асосида ҳарорат $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган даврда айрим экинларнинг ўсиши учун зарур бўлган ҳароратлар йиғиндисини аниқлаган ва иссиқлик ресурсларининг изочизиқлари бўйича қуйидаги зоналарни ажратган:

- ҳароратлар $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган даврда ҳароратлар йиғиндиси 4900°C дан зиёд бўлган (жуда кеч пишадиган ингичка толали ғўза навлари экиладиган) жазирама зона;

- ҳароратлар йиғиндиси 4000-4900 $^{\circ}\text{C}$ гача етган (ғўзанинг ўртапишар ва тезпишар навлари экиладиган) иссиқ зона;

- ҳароратлар йиғиндиси 2800-4000 $^{\circ}\text{C}$ ни ҳосил қилган (узумчилик қилиш мумкин бўлган) илиқ зона;

- ҳароратлар йиғиндиси 1000-2800 $^{\circ}\text{C}$ гача бўлган (бошоқли ғалла экинлари экиладиган зона) салқин зона;

- ҳароратлар йиғиндиси 1000 $^{\circ}\text{C}$ дан кам бўлган (баланд тоғ деҳқончилиги ва нодеҳқончилик зона) совуқ зона.

Нам – ўсимликлар ҳаётининг муҳим омилларидан биридир. Сувнинг муҳим функцияси унинг ўсимликларнинг фотосинтезидаги иштироки, озиклантирувчи элементларни олиб бориши ва иссиқликни тартибга солиш (терморегуляция)ни таъминлашидир. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида атмосфера ёғинларининг тақсимланиши мавсумий ва ҳудудий тақсимланишига кўра жуда хилма-хил бўлиб, Қашқадарё вилояти ҳудудининг ғарбий чеккаси энг қурғоқчил ҳисобланса (Муборак - 131мм), шарққа ва шимоли-шарққа томон баландлик ортиб боришига боғлиқ ҳолда

йиллик ёғинларнинг миқдори ҳам кўпая боради. Йиллик ёғинларнинг миқдори текисликларда 175-300 мм, ўртача баланд тоғларда 630-650 мм ни, баланд тоғларда 545-580 мм, ғарбдаги пастрок тоғларда 277-408 мм ни ташкил этади. Йиллик ёғин миқдорининг 45-50 фоизи баҳор ойларига, 37-40 фоизи қиш ойларига, 10-15 фоизи куз ойларига ва атиги 2-3 фоизи ёз ойларига тўғри келади.

Сурхондарё вилояти тоғлар орасидаги берк ботиқда жойлашганлигидан ёғин кам (133-700 мм ва ундан кўп) тушади. Ёғин миқдори рельефнинг тузилишига боғлиқ бўлиб, жануби-ғарбдан (текисликдан) шимоли-шарққа (тоғларга) томон ортиб боради. Масалан, Термизда йиллик ёғин миқдори 133 мм га, Шерободда 154 мм, Шўрчида 228 мм, Зарчўл қишлоғида 495 мм, Бойсунда 445 мм, Шарғунда 625 мм га тенг. Ёғиннинг кўп қисми (88 %) баҳор ва қишда ёғади, ёзда эса жуда кам тушади. Бир йилда қорли кунлар ўрта ҳисобда Термиз ва Шерободда 15 кун, Деновда 23, Бойсунда 45 кун бўлади. Баъзи йиллар қишда қор бутунлай ёғмайди, аммо тоғларга қор қалин тушади ва узоқ вақт эримай туради.

Таъкидлаш лозимки, йиллик ёғин миқдори муайян ҳудуднинг табиий намланиш шароитлари тўғрисида ишончли тасаввур бера олмайди. Чунки минтақа ҳудудининг катта қисмида буғланиш йиллик ёғинлар миқдorigа нисбатан анча кўп бўлади. Намланишнинг тавсифи учун турли кўрсаткичлардан фойдаланилади ва улар бевосита ва билвосита кўрсаткичларга ажратилади. Ўсимликларни нам билан таъминлашда бевосита кўрсаткичидан фойдаланилиб, бунда тупроқнинг ҳайдаладиган (0-20 см) ва метрлик (0-100 см) қатламларидаги маҳсулдор нам захираларининг катталиги хизмат қилади.

Ёғинлар миқдорининг эҳтимолий буғланиш миқдorigа бўлган нисбати намланишнинг гидротермик коэффициентини (баланси, даражаси)да ифодаланади. Ҳозирга қадар намланиш кўрсаткичларини ифодалайдиган Г.Т. Селяниновнинг гидротермик коэффициентига кўра Жанубий Ўзбекистонни қуйидаги зоналарга ажратиш мумкин: текисликлар - 0,10-0,15, адирларда ва паст тоғларнинг ёнбағирларида – 0,23-0,29, ўртача баланд тоғларнинг ёнбағирларида – 0,30-1,49, баланд тоғ субалп минтақасида 1,50 дан зиёд (ГТК 0,5 дан катта бўлгандагина суғоришга эҳтиёж бўлмайди). Намланишнинг гидротермик коэффициентига боғлиқ ҳолда минтақа ҳудуди арид (чўл ва чалачўл), семиарид (дашт), семигумид (тоғ ўрмон дашт) ҳамда гумид (субалп ўтлоқлари) типларга мансубдир.

Иқлим элементларидан шамол ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Сурхон-Шеробод водийсига жануби-ғарбдан чанг-тўзонли ва қуруқ “афғон” шамоли эсиб, тезлиги 15-20 м га етади, бир неча кун эсиб туради. Бу шамол қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга катта салбий таъсир кўрсатади (шамол эрозияси, тупроқ юзасидаги намнинг йўқолиши, мевали дарахтларда ҳосилнинг камайиши, чўлланиш жараёни ва б.).

Умуман олганда, Жанубий Ўзбекистоннинг агроклимий салоҳияти унинг катта қисмида суғорма деҳқончиликни ривожлантириш учун қулай. Бу ерда ингичка ва ўрта толали ғўза навларини, ғалла, субтропик экинларни (анжир, хурмо), узумнинг кўпгина навларини етиштириш, шунингдек, минтақада йилнинг катта қисмида яйлов чорвачилигини ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд.

Адабиётлар:

1. Бабушкин Л.Н., Когай М.А., Закиров Ш.С. Агроклиматические условия сельского хозяйства Узбекистан. – Т.: Мехнат, 1985. – 160 с.
2. Ҳасанов И. А., Фуломов П. Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Т.: O'qituvchi, 2007. – 164 б.

Резюме

В развитии и территориальной организации сельскохозяйственного производства Южного Узбекистана важную роль играют агроклиматические ресурсы. В статье с этой точки зрения анализируются некоторые показатели влажности и тепла в региона.

Resume

In development and territorial organization agricultural production South Uzbekistan important role play agroclimatic facility. In article are with this view analysed some factors to moisture and heats in region.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ражабов Ф.Т.

Таянч сўзлар ва иборалар: қишлоқ хўжалиги, ислоҳот, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ер, сув, мулк, молия-кредит, нарх-наво ислоҳотлари.

Кириш. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, уни эркинлаштириш ва модернизация қилиш турли шаклдаги мулк ва тадбиркорлик турларининг мустақил фаолият кўрсатиши катта аҳамиятга эга. Бунинг натижасида республикада шахсий ва хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликлари ташкил этилган. Ҳозирги даврда фермерчилик тўғрисидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирларнинг олиб борилиши кейинги йилларда агроиқтисодиёт тизимини тубдан ўзгартирди, хусусий фермер хўжаликлари ўз моҳиятига кўра ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлан-тиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

Асосий қисм. Фермер хўжаликларини ташкил қилишнинг дастлабки йилларида қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунга асосан фермер хўжаликларига ер участкаларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш, камида 10 йил муддат билан фойдаланиш ёки ижарага ер участкаларини ажратиш белгиланган бўлса, 1998 йил август ойида қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилди.

2003 йиллардан бошлаб фермер хўжаликларини ташкил этиш ва устувор йўналиш сифатида барқарор ривожлантириш жараёнлари бошланиб, ер участкаларини фермер хўжаликларига бириктириш, эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар

кўлами кенгайтирилди.

Амалга оширилган ер ислоҳотлари натижасида:

- 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий қилинди;

- Хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари фақат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;

- Ер участкалари ижарага 30 йилдан 50 йил муддатгача берилиши қонуний асосда белгиланди;

- Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди;

- Ўз маблағи ҳисобидан ер майдонларини ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими жорий қилинди.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири сув ресурсларидан самарали фойдаланишдир. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига асосан сувга доир муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни буғланиш, ифлосланиб кетиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек сув таъминоти корхоналари билан сув истеъмолчилари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

Сувдан фойдаланиш ислоҳотлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий


принципидан ҳавза принципига ўтказилди;

- Республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик Марказига эга бўлган магистрал каналлари

тизими бошқармаси ташкил этилди;

- Фермер хўжаликларига сувдан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш ва бу борада хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида **Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СИУ)** ташкил этилди;

Расм



Чизма муаллиф томонидан тузилди.

- Молия вазирлиги тасарруфида “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш” бўйича алоҳида махсус жамғарма ташкил қилинди;

- Молия вазирлиги қошида “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил қилинди (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарори*).

Мулк ислохоти натижасида давлат мулки тугатилиб, хусусий, жамоа, ҳиссадорлик ёки хориж сармояси билан шаклландиган мулклар юзага келди, шу

билан бирга, қишлоқ хўжалигида мулк давлат мулки ва жамоа мулки (ширкат ва жамоа хўжаликлари) шаклидан хусусий мулк (деҳқон ва фермер хўжаликлари) шаклига ўтказилди (105 та қоракўлчиликка ихтисослаштирилган ширкат хўжаликлари ва илмий-тадқиқот институтларнинг тажриба хўжаликларидан ташқари) ҳамда боғ ва тоқзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар, бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилди ва ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланди.

Иқтисодий ислохотлар доирасида

молия-кредит ва солиқ ислоҳотига алоҳида эътибор қаратилади. Аграр соҳада ҳам бу йўналишдаги ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Жумладан:

- Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни имтиёзли кредитлаш тизими орқали ҳосил йиғиб олинганга қадар 60 фоизини ажратиш, пахта хом ашёсини харид қилишда жорий йил охиригача 90 фоизини ажратиш тизими жорий қилинди;

- Қишлоқ тадбиркорларини кредитларга бўлган талабини қондириш мақсадида нодавлат кредит уюшмалари ташкил этилмоқда;

- Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун барча турдаги солиқлар умумлаштирилиб, ягона ер солиғи жорий қилинди.

- Республикада ишлаб чиқарилган техника воситалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини лизингга бериш тизими ташкил этилди;

- Фермер хўжаликлари учун тижорат банклари, нодавлат молиявий институтлар ва ташкилотлар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш тизими яратилди;

- Ер ижараси ҳуқуқини ва булғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит олиш шаклланимоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво асосан, бозор талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда олиб борилсада, давлат эҳтиёжи ва хариди учун етиштириладиган баъзи маҳсулотлар нархи ҳукумат томонидан бошқариб борилади. Республикада агроиқтисодиётида нарх-наво ислоҳоти асосан

пахта ва ғалла маҳсулотларига қаратилган. Ҳусусан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги вазиятни ҳисобга олиб, белгилаш тизими жорий этилган. Ғалла нархини эса минтақавий бозорлардаги нархлар белгилаб беради. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклиф доирасида шартнома асосида белгиланмоқда.

Хулоса. Республика агроиқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ишларини олиб боришда куйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш ва жойлаштириш режасини ишлаб чиқиш, сабзавот-полиз, чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа экинлари майдонлари ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадга мувофиқ.

2. Фермер хўжаликларида ҳисобкитоб ишларини такомиллаштириш ҳамда инфратузилма объектлари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш, фермер хўжаликларида хизмат кўрсатувчи соҳаларни такомиллаштириш лозим.

3. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни рағбатлантирувчи механизмининг ривожлантириш керак.

4. Минтақанинг агроиқлимий шароитига мос уруғчилик ва наслчиликни ташкил этиш, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, сифати юқори ва рақобатбардош экин навлари ва чорва зотларини яратишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ражабов Ф.Т. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши ва унинг босқичлари//ЎЗМУ хабарлари. - Т., 2013. - 148-150 б.
2. Эргашов Р.Х. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. - Т., 2011.
3. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва тармокни ривожлантиришдаги долзарб муаммолар. Фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари мавзуси бўйича ахборот материаллари. - Т., 2007.

Резюме

Сельское хозяйство является традиционной и основной сферой национальной экономики Республики Узбекистан. В статье речь идёт о реформировании этой отрасли, о приоритетных направлениях и правовых основах развития фермерских хозяйств в республике.

Resume

The Agriculture is traditional and the main sphere of the national economy of the Republic Uzbekistan. In article speech goes about reform this describes, about priority directions and legal base of the development farming facilities in republic.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

АНКЛАВ ВА ЭКСКЛАВЛАР ХУДУДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Жумаханов Ш.З., Маъқулов Ж.Т.

Таянч тушунча ва иборалар: анклав, эксклав, ҳудуд, геосиёсат, сиёсий география, давлат, жаҳон сиёсий харитаси, тўлқинлар.

“Анклав” тушунчаси ҳудудий категория сифатида ўзининг қўлланиш тарихига эга. Атаманинг айнан ўзи ишлатилмас-да, муайян ҳудудларда анклавларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар дастлаб диний манбаларда учрайди¹. 1526 йилги Мадрид Шартномаси эса “**анклав**” термини қўлланилган дастлабки расмий ҳужжат ҳисобланади. Инглиз тилига эса “анклав” атамаси кечроқ, яъни 1868 йилда француз тили орқали кириб келган.

“Анклав” атамаси французчадан олинган бўлиб, “*in clavatus*”- “ёпиқ, берк” ва “*clavis*” “калит” деган маъноларни англатади. “Эксклав” тушунчаси эса XIX асрнинг охирида вужудга келган мантиқий кенгайтиришдан пайдо бўлган бўлиб, лотинча “*ex clavo*” сўздан келиб чиққан. Ҳозирги кунда ушбу сўзни кўпчилик ҳинд-европа тилларида ҳам учратиш мумкин, масалан, инглиз тилида (*enclave, exclave*), немис тилида (*enklave, exklave*), француз, испан ва итальян тилларида (*enclave, exclave*), швед тилида (*enclav, exclav*) шаклида, яъни “ўраб олинган ҳудуд” маъносини билдирувчи иборалардан фойдаланилади².

“Анклав” атамаси геосиёсатдан ташқари ҳам кўп соҳаларда ва маъноларда қўлланилади. Черков ҳуқуқида “анклав” атамаси анъанавий равишда учраб турадиган бошқа епархия билан ўралган епархия ҳудудини бошқа ҳудуддан ажратишда қўлланилади. Иқтисодиётда эса ушбу термин хориж капитали устун бўлган миллий иқтисодиёт доирасидаги (масалан, Африка ва Жанубий Америка

давлатларида шакар ишлаб чиқариш соҳаси) саноат соҳаларига нисбатан қўлланилади.

Ушбу атама социология ҳамда бошқа ижтимоий фанлар доирасида ўраб турган ҳудуддан миллий, сиёсий, социомаданий ёки бошқа хусусиятлар бўйича анча фарқланадиган зич аҳоли пункти маъносида кенг ишлатилади. Илмий адабиётларда зич аҳоли пунктлардаги алоҳида этник ва диний гуруҳларни таърифлаш мақсадида ишлатилган “этник” ёки “диний” анклавлар терминларини кўп учратиш мумкин³. Мазкур атама бошқа давлатлардаги хитойликлар алоҳида яшайдиган кварталлардан геттоларгача бўлган манзилгоҳлар, шаҳарчалар тузилишини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга⁴. Бундан ташқари ушбу атама ҳарбий соҳада, қишлоқ хўжалиги ишларида ҳамда ерлар чегараларини белгилаш борасида ва саноатда кенг қўлланилади.

Анклав географик категория сифатида бошқа давлат ҳудуди билан ўралган асосий давлат ҳудудининг бир қисми ҳисобланади. Ҳудуд тушунчаси ўз таркибига фақат куруклик ҳудудини эмас, балки ҳудудий сувларни ҳам олади. Анклав муайян бир давлат ҳудудининг бошқа бир ёки бир неча давлатнинг куруклик ҳудуди билан бутунлай қуршаб олинган қисми бўлиб, у ўзи тегишли давлат ҳудудининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Геосиёсатда анклав тушунчаси

³ Винокуров Е.Ю. Теория анклавов. - Калининград: Терра Балтика, 2007. - С.18.

⁴ Хитойликлар кварталлари деганда АҚШ ва ЕИнинг айрим мамлакатларида титул миллатга мансуб бўлмаган аҳолининг алоҳида кварталларда яшаши назарда тутилган бўлса, гетто атамаси ирқий, миллий ёки диний жиҳатдан паст тутилган аҳоли группаси учун ажратилган квартал, маҳалларни (АҚШда негрлар геттоси) изоҳлайди.-муаллифлар.

¹ Библияда ушбу атама асосий аҳолиси битта динга эътикод қилувчи манзилгоҳлардаги алоҳида диний гуруҳларни таърифлаш мақсадида ишлатилган. - муаллифлар.

² Винокуров Е.Ю. Теория анклавов. - Калининград: Терра Балтика, 2007.—С.16.

қаторида **экслав** тушунчаси ҳам қўлланилади. Экслав атамаси анклавларга нисбатан ишлатилса-да, ушбу тушунчалар айнан бир маънога эга эмас. Бинобарин, анклав ҳам, экслав ҳам айна бир географик борлик, ҳудуд ҳисобланади. Бироқ, анклав бошқа бир географик борлик – давлат ҳудудлари билан ўраб олинган кенгликни англатса, экслав географик борлик–ҳудуд тегишли бўлган давлат томонидан қўлланилади¹. Бунда ажралиб қолган ҳудуд жойлашувига кўра анклав бўлса, тегишлилигига кўра экслав ҳисобланади. Масалан, Шоҳимардон ўзининг жойлашувига кўра Ўзбекистон учун экслав, Қирғизистон учун эса анклав ҳисобланади. Ёки Калининград области Россия учун экслав бўлса, Европа Иттифоқи давлатлари учун анклав (ярим анклав) дир.

Тадқиқот жараёнида иккита қўшимча тушунчалардан фойдаланилади. **Асосий давлат** – анклав ҳудуд ушбу давлатнинг таркибий қисми саналади. Адабиётларда “марказий давлат” (Raton, 1958) ва “оилавий давлат” (Robinson, 1959; Catudal, 1979; White, 2002, 2004) атамалари ҳам қўлланилади. **Ўраб турувчи давлат** ифодаси бўйича, бу анклавни ҳар томонлама ўраган, аммо ушбу ҳудуд унга тегишли бўлмаган давлатдир. Илмий адабиётларда анклавларга нисбатан бошқа атамалар ҳам қўлланилганлигини кузатиш мумкин: “хўжайин-давлат” (Catudal, 1979; Whyte, 2002, 2004) ва “қўшни давлат” (Robinson 1959).

Маълум бир ҳудуд устидан суверенитетга эгалик анклав деб аталиши учун ҳал қилувчи мезондир. Шунинг учун ҳам халқаро ташкилотлар томонидан назорат қилинадиган ҳудудлар анклавлар деб ҳисобланмайди. Ушбу ҳолат янгилик эмас, албатта, чунки 1990 йилларда БМТ фаолияти доирасида у кенг тарқалган эди. Масалан, Босния ва Герцеговина хавфсиз зоналари (Бихач, Сребреница ва Жепа) ҳамда Косово

ҳудуди ХХ аср охирларида БМТ томонидан бошқарилган бўлса-да, халқаро муносабатлар жараёнида анклав ҳудудлар сифатида эътироф этилмаган. БМТ ушбу хавфсиз зоналарни вақтинча бошқараётган бўлса-да, суверенитет берилиши жараёни содир бўлмаган.

Ҳудудий анклавлар ҳамда ҳудудлар анклавлиги ва экславлиги геосиёсий ва геоиктисодий жиҳатдан ушбу тадқиқот асосий объекти доирасига киради. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро ҳуқуқда қабул қилинган анклавларни куруклик билан ўралган, давлатнинг асосий қисмидан ажралган ҳудуд сифатида қабул қиладиган тор доирадаги таърифдан чекиниш лозим, чунки, бу таъриф ўхшаш сиёсий ва иқтисодий тавсифли бир қатор ҳолатларни эътиборга олмасдан, фақат “тўлиқ анклавлар” атамасини ўз ичига олади. ;тадқиқот доирасига ярим анклавлар (денгизга чиқиш имкониятига эга ҳудудлар)ни ҳам қамраб олиш мумкин. Анклавлар ҳақидаги тадқиқотлар аниқ ҳуқуқий нормалар ва географик конфигурацияларга нисбатан кўпроқ инсонлар ҳамда улар ҳаётида ўз аксини топади. Қатор ҳуқуқий муаммолар ушбу изланишлар жараёнида муҳокама қилинса-да, тадқиқот доираси улар асосан геоиктисодиёт ва геосиёсат соҳаларига қаратилади. Бинобарин, *геосиёсат объекти* – дунё сиёсий харитасида анклав/экславлар пайдо бўлишини тўртта йирик тўлқин (босқич) билан изоҳлаш мумкин.

Биринчи тўлқин Вестфаль тизимигача (1648 йил) бўлган давлатлар қурилиши шароитида вужудга келган, яъни бунда давлатчилик тўлиқ ҳудудлар асосида эмас, балки феодалларга тегишли ерлар билан ҳам белгиланган. Бу эса давлат ҳудудларида кўплаб анклав ва экславларнинг шаклланишига, яъни, ҳудудларни харид қилиш, ворислик ҳуқуқи, жанглар олиб борилиши, черковга қилинган хайриялар орқали «курама давлатлар» тузилишига имкон берган. Ушбу даврда маълум бир феодал ёки ҳукмронлик қиладиган сулола/авлод мулки асосида юзлаб ва минглаб ҳудудий

¹ Клемешев А.П. Проблема экславности в контексте глобализации. - СПб: Изд-во СПб. ун-та, 2005.-С. 27-29.

анклав ва эксклавлар мавжуд бўлган. Европада миллий давлатлар ҳудудлар консолидацияси натижасида пайдо бўла бошлагач, бу жараён Вестфаль тизимигача мавжуд бўлган кўплаб анклав/эксклавларга барҳам берган. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам халқаро муносабатларнинг Вестфаль тизимигача бўлган даврига мансуб анклавлар (бирор давлатга тегишли анклавлар –Баарле, Бюзинген, Лливия ва б.) ва мустақил анклав давлатлар (Монако, Сан-Марино, Ватикан) сақланиб қолган.

Иккинчи тўлқин XVI–XIX асрлар давомида Испания, Португалия, Франция, Буюк Британия, Нидерландия, кейинчалик Германия ва Россия сингари давлатларнинг бошқа давлатлар – минтақаларни ўзларининг мустамлакаларига айлантиришга уринишлари билан боғлиқ. Бунда метрополия давлатларга нисбатан тегишли бўлган ҳудудлар (орол ёки оролларда жойлашган давлатлардан ташқари) кўпроқ эксклав кўринишида намоён бўлган. Анклавлар вужудга келишининг иккинчи тўлқини натижасида вужудга келган анклав/эксклавларнинг кўпчилиги халқаро муносабатларда мустамлакачилик тизими емирилиши билан барҳам топган. Шунга қарамасдан бугунги кунгача ушбу анклавларнинг айримлари сақланиб қолганлигини Сеута ва Мелилья анклавлари мисолида кўришимиз мумкин.

Анклавлар пайдо бўлишининг иккинчи тўлқинидан фарқли равишда, **учинчи тўлқин** Ер юзида мустамлакачилик империяларининг парчаланиши билан вужудга келган. Бу жараёнда, биринчидан, дунёнинг у ёки бу минтақаларида собиқ империяларга тегишли бўлган эксклавлар пайдо бўлган, иккинчидан, собиқ мустамлакаларга мансуб ҳудудларнинг чегара чизиқлари белгиланишида нафақат «марказга тобе» анклавлар, балки мустақил анклав давлатлар ҳам шаклланди. Бу тўлқин натижасида шаклланган анклавларга мустақил Лесото, Бруней ва Гамбия давлатлари ҳамда Ҳиндистон ва

Бангладеш орасидаги Куч Бехар ва Тембуронг анклавлари энг характерли мисол бўла олади.

Социалистик тузумнинг емирилиши, асосан кўпмиллатли собиқ Иттифоқнинг парчаланиши билан анклавлар пайдо бўлишининг **тўртинчи тўлқини** юзага келганлигини қайд этиш мумкин. Ўтган асрнинг 90- йиллари бошларида жаҳон сиёсий харитасида йигирмага яқин анклавлар пайдо бўлган. Уларнинг аксарияти айнан 1991 йилга тўғри келади. Фақатгина, 1990 йилда Литва мустақиллиги эълон қилиниши билан Россия учун Калининград ва Погири эксклавлари¹ вужудга келган, 1991 йилда Марказий Осиё давлатларининг, жумладан, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг ўз мустақиллигини эълон қилиши билан мазкур давлатлар ҳудудларида ҳам Сўх, Шохимардон, Тоштепа, Сарвак, Барак сингари анклав/эксклавлар ёки бошқа кўпмиллатли социалистик давлат - Югославиянинг парчаланиши оқибатида Саставчи анклави ва Дубровник эксклави юзага келганлиги кўпчиликка маълум.

Учинчи ва тўртинчи тўлқин анклавлари, яъни мустамлакачиликдан кейинги миллий давлатлар шаклланиши даврида вужудга келган анклав / эксклавлар ушбу тадқиқот доирасидан асосий ўрин олади. Одатда, мустамлакачилик давридаги ва мустамлакачиликдан кейинги даврда вужудга келган анклавлар орасида таққослаш ўтказилади. Айрим мустамлакачиликдан кейинги даврда пайдо бўлган анклавлар Европада мустамлакачилик империялари шаклланиши натижасида вужудга келган. Бирок, вақт ўтиши билан улар ўз мустамлака ҳолатини йўқотганлар (ёки ҳеч қачон тўла мустамлака бўлмаганлар). Шу сабабли уларга тобе ҳудуд эмас, балки муайян давлатнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Аввалдан ушбу ҳудудларнинг аксариятида асосий

¹ Зверев Ю.М. Калининградская область в классификации анклавных (эксклавных) территорий мира. – Калининград: Изд-во КГУ, 2003. - С.56.

давлатда яшовчи титул миллат кўпчиликлари ташкил қилганлиги сабабли мустамлака ҳудуд ҳисобланмаган. Масалан, Сеута ва Мелилья аҳолиси таркибида марокашликларга нисбатан испанлар кўпроқ бўлган¹.

Замонавий геосиёсат нуқтаи назаридан қараганда, жаҳон тарихида ва бугунги кунда юзлаб анклавлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Барча анклав/экславларни ушбу тадқиқот доирасига қамраб олишнинг имкони йўқ. Шунга қарамадан, тарихий анализ (таҳлил) ўтказиш муҳим ва долзарб ҳисобланади. Негаки, тарихни ўрганиш бизга тугатилган ҳолатларни ҳам, яъни анклав пайдо бўлганидан мавжудлиги тугаган давригача босиб ўтган бутун йўлини кўриб чиқиш имконини беради. Бу ҳолат инсон вафотидан кейингина ёзиладиган тўлиқ биографияга (таржимаи ҳол) ўхшайди (фақат анклавлар «ўлимдан кейин ҳаёт» борлиги билан фарқланади: муайян ҳудуднинг анклавлиги тугатилиши билан оддий ҳудуд сифатида ҳаёт кечири бошлайди).

Булардан ташқари, анклавлар геосиёсий таҳлилида яна муҳим бир жиҳат борки, бу анклав/экславларни тан олиш масаласи билан боғлиқ. Анклавлар де-факто (амалда) узоқ вақт мобайнида мавжуд бўлган бўлса-да, бир қанча объектив сабабларга кўра анклав ҳудуд де-юре (ҳуқуқий жиҳатдан) тан олинмаган ҳолатлар мавжудлиги амалиётда кузатилади. Бундай ҳолатларда сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ҳудуд анклав/экслав бўлиб, амал қилишини ўз ичига олувчи масаланинг фактга асосланган томони катта аҳамиятга эга бўлади. Бу нуқтаи назардан анклав ҳудуднинг мавжудлиги ўраб турган давлат ва асосий давлат ўртасидаги сиёсий муносабатларда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Юқоридаги фикрни Макао ва Ғарбий Берлин мисоллари орқали изоҳласа бўлади. Макао анклави де-факто узоқ йиллар

давомида Хитой ҳудудида Португалиянинг эксклави сифатида мавжуд бўлса-да, ушбу ҳудуд ижарага берилганлиги сабабли Хитой ҳукумати томонидан ҳеч қачон Португалия ҳудуди сифатида расман тан олинмаган². Макао анклави мавжудлигининг охириги ўн йиллигида Португалия ушбу ҳудудда ўз ҳукмронлигини деярли ўтказмаган. Бироқ, де-факто Макао Португалия эксклави сифатида Хитой давлати денгиз қирғоқларида тўрт юз йилдан ортиқ мавжуд бўлган. Ёки Ғарбий Берлин ҳам собиқ Германия Демократик Республикаси ҳудудида де-факто мавжуд бўлса-да, социалистик немислар уни де-юре тан олмаган ва фақат 1949 йилдагина Ғарбий Берлин ГДР ҳудудидаги ГФР эксклави сифатида тан олинган³. Анклав/экславларга хос бундай ҳолатларни у ёки бу давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар динамикаси орқали изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Халқаро ҳуқуқ амалиётида юқорида кўрилган ҳолатга тескари вазиятлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги кузатилади, яъни анклав ҳудуднинг мавжудлиги де-юре тан олинган бўлсада, ушбу ҳудуд де-факто мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолатларга Тоғли Қорабоғ ва Арманистоннинг Озарбайжондаги бир нечта катта бўлмаган анклавлари ва Озарбайжоннинг Арманистондаги анклавлари мисол бўла олади⁴. Ушбу турдаги анклав ҳудудлар де-факто мавжуд бўлмаса-да, бу каби ҳолатларнинг борлиги бундай анклавларни геосиёсий таҳлиллар доирасида ўрганиш сабаблардан бири

² Abbey Ph. Treaty Ports, Foreign Concessions and Colonies in 1920s in China, 2007. <http://www.geocities.com/treatyport01/treatyportlist.html>, состояние на май 2007.

³ Виноградов М.В. Восточнопруссский анклав в межвоенный период: 1918-1939 гг.: автореферат дис. ... кандидата исторических наук. – С.-Петербург. гос. ун-т Санкт-Петербург, 2003. – С. 22.

⁴ Журавский С.В. Российский анклав: Возникновение, состояние и тенденции социально-политического развития. На примере Калининградской области РФ: диссертация ... кан. полит. Наук. - Москва, 2000.

¹ Шафранов В.В. Анализ и идентификация рынков товаров длительного пользования в условиях анклава : диссертация ... кандидата экономических наук. - Москва, 2007.- С.161.

ҳисобланади. Уларнинг бугунги кундаги нозик ҳуқуқий ҳолати ушбу ҳудудларнинг келажакда ҳақиқий анклав

сифатида мавжуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Резюме

В статье дан геополитический и географический анализ понятий “анклав” и “эксклав”, раскрыты их межпредметные и отраслевые особенности, как объектов пространственной категории. Отмечаются различные толкования этих терминов. На основе их геополитического и географического значения осуществлена классификация этих территорий, как особое место в хозяйственной системе.

Resume

Geopolitical and geographic analyses of the concepts “enclave” and “exclave” are given in this article. The authors explain the interrelations of subjects or branch peculiarities of the concepts “enclave” and “exclave” as territorial categories and they (authors) also gave the scientists and different specialists’ opinions about it. The geopolitical and politically geographical characteristics of the concepts “enclave” and “exclave”, their role and common characteristics in socio-economic system are also given in the article.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

“ЖАҲОН ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Сафарова Н., Нугманова А., Қаландарова М.

Таянч сўзлар: иқтисодий ва ижтимоий география, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, замонавий педагогик технологиялар.

Кириш. Мамлакатлар ва уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш хусусиятлари география тизимида кирувчи фанлар томонидан доимий равишда ўрганилиб келинган. Айниқса, география фанлар тизимида иқтисодий-ижтимоий географиянинг қарор топиши билан бу масалага қизиқиш янада кучайди. Чунки иқтисодий-ижтимоий география ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойланиш қонуниятларини ўрганувчи фан бўлиб, жаҳон давлатларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши унинг ҳудудидаги ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштирилиши ва улардан самарали фойдаланилишига боғлиқ.

Дунё минтақалари ўз табиий, ижтимоий ва иқтисодий ресурс хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладилар. Шу билан бирга, улар таркибидаги турли мамлакат ва ҳудудларда бир қатор омиллар таъсирида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли кўринишлари юзага келган. Бу ҳолатлар асосан иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанида ўрганиб чиқилади. Мазкур фан бўйича

талабаларга, давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳар тарафлама чуқур билимлар бериш, уларда зарурий кўникмаларни шакллантирилишининг ўз хусусиятлари мавжуд.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Маълумки, сўнгги ўн йилликлар жаҳоннинг турли минтақаларида кўплаб геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар юз берди. Юз бераётган ҳар бир жараён жаҳон хўжалиги ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Жараёнларнинг динамик хусусиятга эгаллиги ва миқёси, уларнинг мураккаб, кўп қиррали эканлиги ҳамда улар орасида юзага келган алоқаларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш уни ўрганувчи фанлар олдида янги вазифаларни қўяди.

Минтақа ва мамлакатларнинг географик ўрни, табиий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ресурс хусусиятлари, уларнинг иқтисодий ижтимоий ривожланиши ва уларнинг ички иқтисодий тафовутларини ўрганишни ўз олдида асосий вазифа қилиб олган “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанини ўқитишда айнан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Шу билан бирга, фан ўзи

мансуб географик йўналиш фанлари орасида илмий манбаалар нисбатан кам бўлган йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолат ҳам у бўйича талабаларга билим беришда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ушбу ишнинг тадқиқот объекти бўлиб “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани хизмат қилади. Мазкур фани ўқитиш ҳамда бу жараёнда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ишнинг предмети белгилаб беради.

Бирламчи маълумотлар ва унинг тавсифи. География энг қадимий фанлар сирасига киришига қарамай, унинг иқтисодий йўналиши ривожланиши нисбатан кейинги даврларга тўғри келган. 1760 йил М.Ломоносов биринчи мартаба география фанлари тизимида иқтисодий география йўналишини шакллантириш зарурлиги ҳақида ўз фикрларини билдириб, уларни илмий жиҳатдан асослаб берганига қарамай, ушбу йўналиш фан бўлиб шаклланиши учун деярли икки аср вақт кетди. 1929 йил Москва давлат университетидан Н.Н.Баранский томонидан иқтисодий география кафедраси ташкил этилди. Орадан беш йил ўтгач, И.А.Витвер раҳбарлигида мазкур кафедра негиздан чет мамлакатлар иқтисодий географияси кафедраси ажралиб чиқди ва мустақил фаолият олиб бора бошлади. Улар турли мамлакатлар ва минтақалардаги иқтисодий, ижтимоий ривожланиш ҳолати, унинг хусусиятларини турли статистик маълумотлар асосида таҳлил этиб, улар асосида илмий асосланган хулосалар ишлаб чиққанлар ва фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Ўзбекистонда “Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси” фани 1950 йиллардан ўқитила бошланган.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Биз фаолият олиб бораётган Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” йўналиши ўқув жараёни режасига кўра “Жаҳон ижтимоий иқтисодий географияси” фани

талабаларга III-блокдаги “Иқтисодий ва ижтимоий география” фанлари таркибида ўрганилади. У IV, V, VI – семестрлар давомида 386 соатлик аудитория ҳамда мустақил иш жараёнида ўзлаштирилади. Умумий қисм II, турли минтақа ва давлатларнинг иқтисодий географик тавсифи эса III курсда ўргатилиш режалаштирилган. Талабалар фани ўзлаштириш натижасида қуйидаги кўникмаларга эга бўлишларини таъминлашга ҳаракат қилинади:

- дунёнинг замонавий сиёсий картасининг шаклланиш ҳамда давлатлар ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишлари;

- жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган демографик жараёнлар ва аҳолининг ҳудудий жойлашув шакллари ўрганувчи қонуниятларни билишлари;

- замонавий жаҳон хўжалиги тармоқларининг ривожланиши, динамикаси ва жойлашув қонуниятларини ўрганиб олишлари;

- турли ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эга бўлган давлатлардаги ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш хусусиятлари ва ресурс имкониятларини тавсифлай олишлари.

Фикримизча, бизда бўлгани каби кўпгина олий таълим масканларида мазкур фан бўйича дарс бериш жараёнида бир қатор кичик муаммолар юзага келади:

- ***биринчидан, зарурий адабиётлар билан таъминланиш муаммоси.***

Дарсларга тайёргарлик жараёнида кўп ҳолларда В.П.Максаковский, И.А.Родионова ёки В.В.Вольский раҳбарлигида Москва давлат университети олимлари томонидан яратилган дарсликлардан фойдаланилади. Республикада мустақиллик йилларида турли олимлар томонидан нашр этилган “Жаҳон мамлакатлари” туркумидаги маълумотномалар, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор ўқитувчилари гуруҳи нашр қилган ўқув қўлланма (Б.А.Бахритдинов ва бошқалар), Кўқон давлат педагогика

институти катта ўқитувчиси А.М.Жабборов томонидан тайёрланган маъруза матни, Самарқанд давлат университети доц. Т.Ж.Жумабоев, доц. Н.Х.Маматкулов, катта ўқитувчиси Ф.Б.Бахриевлар яратган услубий қўлланма кабилар ҳам машғулотлар олиб бориш учун илмий манбаа сифатида хизмат қилиши мумкин. Лекин улар орасида замонавий талабларга жавоб бера оладиган дарслик мавжуд эмас.

- иккинчидан, статистик маълумотлар билан таъминланиш муаммоси.

Ҳар бир мавзу бўйича материаллар йиғишда биринчи навбатда статистик маълумотлар олинган даврга эътибор қаратилади. Барчага маълумки, иқтисодий географик фанлар мавзулари таҳлили аниқ статистик маълумотларга таянган ҳолда олиб борилади. Жаҳоннинг ҳар бир давлатда юз берадиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бу ерда яратиладиган маҳсулотлар ва хизматлар қиймат ҳажмининг даврий равишда ўзгариб туриши тез суъратлар билан ривожланиб бораётган жаҳон хўжалиги, унинг таркибий қисмлари ҳақида талабаларга билим беришда янги статистик маълумотларнинг етишмаслиги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Энг асосийси, “Жаҳон ижтимоий-иқтисодий географияси” фани бўйича фойдаланилаётган сўнгги давр маълумотлари кўп ҳолларда Интернет сайтлари орқали олинмоқда. Ундаги маълумотлар ва олинган манбаанинг қай даражада ҳаққоний эканлиги аниқлаш имконияти чегараланган.

- учинчидан, дарсларда замонавий педагогик технологияларнинг жорий этилиш муаммоси.

Таълим тизими олдида турган муҳим масалалардан бири талабаларга жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида қўлланилаётган инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда таълим беришдир. Маълумки, таклиф этилаётган турли янги педагогик усуллар талабаларни мустақил фикрлаш, уларнинг билим доираларини кенгайтиришга хизмат қилади. Айниқса,

“БББ”, “Инсерт”, “Венн диаграммаси”, “Кластер” каби усуллар ёрдамида ўтилган мавзуларни мустақамлаш имконияти ошади. Лекин, фикримизча, замонавий педагогик технологиялар ўз самарадорлигига эга эканлигини эътироф этган ҳолда, улар фақат дарс жараёнида талабларда ўтилган мавзу бўйича кўникмалар ҳосил қилиш учун ёрдамчи манбаа бўлиб ҳисобланиши керак. Мавзунини ўтишдаги энг асосий таълимий мақсадга эришиш учун эса талабага зарурий маълумотлар берадиган презентацион материаллар ёрдамидаги оғзаки баёнга асосланган маърузани амалга ошириш муҳимдир. Шу билан бирга, биринчи муаммога боғлиқ ҳолда олий таълимда қўллаш мумкин бўлган мукамал электрон дарслик ҳам мавжуд эмас.

Хулоса. Юқорида кўрсатиб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда куйидаги хулосага келиш мумкин:

“Жаҳон ижтимоий-иқтисодий географияси” фани географик фанлар орасида ажратилган соатлар миқдорига кўра энг катта фанлардан бири ҳисобланади. Унинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан профессор-ўқитувчиларга боғлиқ. Ҳар бир мавзу бўйича тайёрланадиган ўқитиш технологияси, машғулотнинг технологик картасида кўрсатиладиган мақсад ва вазифаларга эришув уни қай тарзда талабаларга етказиб беришга боғлиқдир. Айниқса, бу жараёнда ўқув-услубий таъминот – мукамал дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Зарурий адабиётларни яратиш учун эса, аввало фан бўйича ўтилиши зарур бўлган мавзулар тизимини аниқлаштириш талаб этилади. Ҳар қандай шароитда ҳам фанни ўқитиш бўйича келиб чиққан турли муаммоларни имконият даражасида ҳал этган ҳолда талабаларга билим беришимиз бизнинг асосий касбий вазифамиз ҳисобланади. Шу ўринда, ҳурматли ҳамкасбларимизнинг “Жаҳон ижтимоий-иқтисодий географияси” фанидан дарс беришдаги ўз тажрибалари билан жамият ахборотлари ёки турли конференция материалларида ўртоқлашишларини истаб қолар эдик.

Адабиётлар:

1. Бахритдинов Б.А., Зокирова С.А., С.Э.Аъзам, Абдурахмонова Г.А. Жаҳон ижтимоий-иқтисодий географияси. - Т., 2008.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. - Т., 2008.
3. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Книга I и II. – М.: Дрофа, 2004.
4. Родионова И.А. Экономическая и социальная география мира. – М.: Юрайт, 2012.
5. Социально-экономическая география зарубежного мира. - М.: Дрофа, 2001.

Резюме

В данной статье освещены основные проблемы преподавания курса «Экономическая и социальная география мира» в высших учебных заведениях.

Resume

In given article consecrate the main problems of teaching course "Economic and social geography of the world" in high educational institutions.

Тавсия этувчи:

проф. Қаямов А.А.

ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ТРАНСГРАНИЧНЫХ РЕК БАССЕЙНА АМУДАРЬЯ

Аденбаев Б.Е., Курбаниязов А.К., Умаров А.З.

Ключевые слова: *трансграничные реки, водные ресурсы, проблемы использования, управление водными ресурсами, дефицит воды, межгосударственное распределение вод.*

Введение. Процессы глобализации заставляют по-новому рассматривать и оценивать многие проблемы, в том числе вопросы использования и управления трансграничных водных ресурсов. Эта проблема приобретает сегодня весьма актуальное значение в Центральной Азии, поскольку от её решения зависит дальнейшее развитие государств, благосостояние населения, и поэтому она все чаще становится объектом исследования многочисленных специалистов.

Цель исследования. В последнее время между государствами Центральной Азии появились негативные тенденции и возникли спорные вопросы в отношении использования водных ресурсов рек Амударьи и Сырдарьи. Каждое из суверенных государств стремится к максимальному использованию имеющихся водных ресурсов, прежде всего, в своих собственных национальных интересах. Учитывая вышеизложенное, данная работа посвящена изучению проблемы использования водных ресурсов бассейна реки Амударьи.

Исходные материалы. В работе в качестве основной исходной информации использованы материалы стандартных

наблюдений за стоком воды, учтенных на гидрологических постах, расположенных в среднем и нижнем течении реки Амударьи, а также изданные кадастровые материалы («Ресурсы поверхностных вод...», «Основные гидрологические характеристики» и др.) по изучаемым участкам реки.

Наряду с вышеперечисленными, проанализированы фондовые материалы Узгидромета, Министерство Сельского и водного хозяйства РУз, НПО САНИИРИ, Бассейного Водохозяйственного Объединения (БВО) Амударья, Научно Информационного Центра Межгосударственной Координационной Водохозяйственной Комиссии (НИЦ МКВК) и другие.

Результаты и их обсуждение. Амударья, одна из крупнейших рек Центральной Азии, за её исток принято место слияния рек Пянджа и Вахша. Площадь водосборного бассейна реки Амударьи, в районе выше гидроствора Керки, где река покидает горы и далее течет по пустынным низменностям, составляет 309 000 км². В среднем течении в Амударью впадают три крупных правых притока (Кафирниган, Сурхандарья и Шерабад) и один левый приток (Кундуз). Далее Амударья не

получает ни одного притока, протекая по равнине, от Керки до Нукуса она теряет большую часть своего стока на испарение, инфильтрацию и орошение.

Бассейн реки Амударья расположен на территории следующих государств Центральной Азии: Киргизская Респуб-

лика, Республика Таджикистан, Туркменистан и Узбекистан. Общий среднегодовой сток в бассейне составляет около 78 км³. По различным оценкам, около 80 % стока формируется на территории Таджикистана (табл. 1).

Таблица 1

Объем стока в бассейне Амударьи по странам

Страна	Объем стока (км ³ /год)	В % от годового стока
Афганистан	6,18	7,93
Кыргызстан	1,90	2,44
Таджикистан	62,9	80,7
Туркменистан	2,27	2,90
Узбекистан	4,70	6,03
Итого	77,9	100

Источник: Исполнительный комитет Международного фонда спасения Арала

После приобретения независимости, государства Центральной Азии стали тесно сотрудничать в решении ряда насущных водных проблем. Была достигнута договоренность о подписании Соглашения между Республиками Казахстан, Кыргызстан, Узбекистан, Таджикистан и Туркменистан «О сотрудничестве в сфере совместного управления, использования и охраны водных ресурсов межгосударственных источников». Достигнутые Соглашения и принятые решения по водным проблемам в Центральной Азии сыграли огромную роль в регулировании водных вопросов, касающихся как в целом бассейна Аральского моря, так и государств в отдельности [3].

Однако, несмотря на достигнутые Соглашения в последние годы, как было отмечено выше, между государствами Центральной Азии появились негативные тенденции в решении ряда вопросов, касающихся использования водных ресурсов трансграничных рек Амударьи и Сырдарьи.

В мире около 300 международных водотоков используются двумя или несколькими государствами и, в большинстве случаев, водные ресурсы становятся причинами конфликтов. В Центрально - Азиатском регионе также на передний план выходит проблема использования и управления водными ресурсами в условиях нарастающего водного дефицита.

Особую актуальность, в настоящее время, приобретает проблема антропогенного нарушения гидрологического режима трансграничной реки Амударья и экологические последствия строительства крупных гидросооружений в её верховьях. За последние 15-20 лет существенно изменились отношения государств к использованию водных ресурсов бассейна реки Амударьи. В частности, Республика Таджикистан планирует осуществление грандиозных проектов по гидроэнергетическому освоению водных ресурсов верхней части бассейна реки Амударья, особенно рек Пянджа и Вахша. Так например, продолжение строительства Рогунской ГЭС в Таджикистане может привести к значительному сокращению речного стока в Амударье, особенно в её низовьях. Это, в свою очередь, усилит возрастающий дефицит водных ресурсов в ее нижнем течении, что отрицательно повлияет на водообеспеченность орошаемых земель республик Узбекистана и Туркменистана.

В последние годы риски, связанные с дефицитом водообеспеченности низовьев Амударьи стали возрастать, это особенно сильно ощущается в мало-водные годы. При этом в наибольшей степени страдают от нехватки воды Дашгоузская область Туркменистана, Республика Каракалпакстан и Хорезмский вилоят Узбекистана.

В низовьях реки Амударьи

существенной проблемой является нестабильность водоподачи и водоотведения, нарастающий дефицит водных ресурсов, особенно усиленный нарушением принципов справедливости и равномерности в распределении стока реки Амударьи. Неравномерное распределение её стока между зонами формирования и низовьями особенно

ощущается в условиях маловодных лет. В качестве примера можно привести уровень водообеспеченности за вегетацию в маловодном 2000 году. Результаты расчетов специалистов показали, что в указанном году дефицит воды в бассейне Амударьи составил 11,0 км³ или около 30 % от установленного лимита (табл.2).

Таблица 2

Распределение выявленного дефицита воды в маловодном 2000 году по участкам реки Амударьи [2]

Участок реки	Дефицит, км ³	Дефицит, в % от лимита
Верхнее течение	0,7	11
Среднее течение	2,7	17
Нижнее течение	7,6	52
В целом по бассейну	11,0	30

Из представленных в таблице 2 данных видно, что в самом критическом положении в период вегетации оказались низовья реки Амударьи. Данные этой таблицы лишний раз подтверждают о том, что всегда происходит неравномерное распределение воды по длине рек и каналов. В результате этого, как правило, вышерасположенные водопотребители имеют значительные преимущества по сравнению с нижерасположенными водопользователями.

Изложенное выше положение подтверждается данными, представленными на рисунке 1. Как видно из этого рисунка, начиная с 1991 по 1998

год водозабор, как в верхнем, так и в нижнем течении осуществляется равномерно. Такая равномерность резко нарушается в маловодном 1999 году. В связи с этим, т.е. начиная с этого года по 2002 год водозабор в нижнем течении в несколько раз меньше установленного лимита. Несмотря на маловодье в 1999 и 2000 года суммарный водозабор в верхнем течении изменился незначительно (рис.1). Аналогичная ситуация также наблюдается в относительно маловодном 2008 году. В этом году, из-за резкого уменьшения водозабора в нижнем течении, дефицит водных ресурсов здесь составил 52% относительно установленного лимита.




Рис. 1. Многолетнее изменение величина водозабора в среднем и нижнем течениях реки Амударья (1991-2010 годы)

В настоящее время, по данным МКВК общий лимитированный объём водопотребления для низовий реки

установлен в размере 24,4 км³ за гидрологический год. В зависимости от водности года, объём водозабора

основными водопотребителями в низовьях подвержены определённым колебаниям. Сокращение лимита водозаборов устанавливается в маловодные годы, т.е. в условиях обеспеченности стока реки близкой к 95,0 % обеспеченности.

Проблема межгосударственного водораспределения в регионе может в перспективе осложниться в связи с увеличением потребности в воде Афганистана. До настоящего времени, по причине нестабильной экономической, социальной и политической ситуации в Афганистане, экономическое развитие его северных провинций замедлилось. В связи с этим проблема освоения новых орошаемых земель в данной стране не возникала. Как известно, на территории этой страны имеется достаточное количество водных ресурсов, обеспечивающее внутреннее водопотребление. В настоящее время величина внутреннего водопотребления не превышает 2,0 км³/год. В перспективе, за счет освоения новых орошаемых земель, эта величина может увеличиться до 6-7 км³ в год.

Таким образом, из вышеизложенного анализа ситуации, связанной с

использованием водных ресурсов трансграничной реки Амударьи, можно сделать следующие выводы:

- решения, принимаемые на межгосударственном уровне по использованию стока трансграничной реки Амударьи, должны учитывать интересы всех государств-водопользователей;

- при строительстве крупных гидроэнергетических сооружений, необходимо в обязательном порядке учитывать интересы государств, расположенных ниже по течению реки;

- недоучет указанных факторов усугубит положение с водообеспеченностью низовий Амударьи, т.е. Дашгоузской области Туркменистана, Республики Каракалпакстан и Хорезмский вилоят Узбекистана.

В заключение отметим, что уменьшение водообеспеченности низовьев Амударьи, как последствия неравномерного распределения водных ресурсов между государствами – водопотребителями, ускорит экологическую катастрофу, связанную с высыханием Аральского моря и, в конечном итоге, отрицательно повлияет на условия жизни миллионов жителей региона.

Литература:

1. Болгов М.В., Мишон В.М., Сенцова Н.И. Современные проблемы оценки водных ресурсов и водообеспечения. - М., 2005.
2. Духовный В.А., Сорокин В.И. Интегрированное управление водными ресурсами. // Материалы к совещанию ГВП, НИЦ МКВК. – Ташкент, 2001.
3. Курбанбаев Е.К, Артыков О., Курбанбаев С.Е. Аральское море и водохозяйственная политика в Республике Центральной Азии. – Нукус «Каракалпакстан», 2011.
4. Назаров А.А. Управление поверхностными трансграничными водотоками // Материалы Центрально-азиатской международной научно-практической конференции. – Алматы, 2005.
5. Чуб В.Е. Многолетние характеристики компонентов водных ресурсов, зоны формирования стока Средней Азии и их изменения. В кн. Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающая среда. – Ташкент, 2000.

Резюме

Ушбу мақолада Амударё ҳавзаси мисолида трансчегаравий дарё сув ресурсларидан фойдаланиши муаммолари масалалари ёритиб берилган. Амударёда кам сувли йиллар кузатилганда унинг қўйи оқимида сув таъминоти масаласи янада тигизлашади.

Resume

The article examines the problem of the use of transboundary water resources, for example, the Amudarya basin. The article shows that the problem of water supply in lower reaches of the Amudarya further exacerbated in dry years.

Рекомендует:

проф. Хикматов Ф.

АМУДАРЁНИНГ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИГА СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Хайдарова О.А., Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П.

Таянч сўзлар ва иборалар: Амударё, гидрологик режим, сув омборлари, гидроэнергетика, ирригация, йиллик оқим, дарё оқимининг тебраниши, ўзгарувчанлиги, оқимнинг йил давомида тақсимланиши, қуйи бьеф.

Кириш. Ўтган XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Амударё ҳавзасида кўплаб сув омборлари қурилди ва ишга туширилди. Улар қаторидан муносиб ўрин олган Норак ва Туямўйин сув омборлари Ўрта Осиёдаги йирик гидротехник иншоотлардан ҳисобланади. Уларнинг биринчиси Амударёнинг юқори оқимида, иккинчиси эса қуйи оқимида, гидроэнергетика ва ирригация мақсадларида қурилган. Норак сув омбори 1972 йилда, Туямўйин сув омбори эса 1979 йилда тўлиқ ишга туширилган. Ушбу сув омборлари Амударёнинг гидрологик режимига, айниқса, дарё оқимининг йил давомида тақсимланишига ва йиллараро ўзгаришига катта таъсир кўрсата бошлади. Лекин, шунга қарамасдан, бу масалани гидрологик нуқтаи-назардан ўрганиш тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади Норак ва Туямўйин сув омборларининг Амударёнинг гидрологик режимига, айниқроғи, дарё оқимининг йил давомида тақсимланишига ҳамда йиллараро ўзгариши, яъни тебранишига таъсирини ўрганишдан иборат. Мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилди:

1) Амударё ҳавзасида қурилган Норак ва Туямўйин сув омборлари ҳақида ҳамда дарё узунлиги бўйича жойлашган сув ўлчаш постларида кузатилган гидрологик маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш;

2) Амударё оқимининг йил давомида ва йиллараро ўзгаришларини ўрганишга имкон берадиган таянч гидрологик постларни танлаш;

3) танланган таянч гидрологик

постлар маълумотлари асосида сув омборларининг Амударё оқимининг йил давомида ўзгаришига ҳамда йиллараро тебранишига таъсирини баҳолаш.

Ишнинг тадқиқот объекти сифатида Амударё ва унинг ҳавзасида қурилган ва дарё оқимида катта таъсир кўрсатадиган Норак ва Туямўйин сув омборлари танлаб олинди. Мазкур гидротехник иншоотлар, яъни сув омборларининг Амударёнинг гидрологик режимига таъсирини таянч гидрологик постлар маълумотлари асосида ўрганиш ва баҳолаш масалалари эса ишнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Белгиланган мақсадга эришиш учун, тадқиқот жараёнида гидрологик ўхшашлик, географик таққослаш, дарё ўзани сув баланси, махсус гидрологик ҳисоблашлар ва математик-статистик таҳлил каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Маълумки, Норак сув омбори қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Амударёнинг юқори оқимида, аниқроғи, унинг ўнг irmoғи ҳисобланган Вахш дарёсида қурилган. У Ўрта Осиёдаги энг йирик сув омборларидан бири ҳисобланади. Меъёрий димланиш сатҳи - МДСда Норак сув омборининг сув юзаси майдони 98 км^2 ни, унда тўпланган сувнинг тўлиқ ҳажми $10,5 \text{ км}^3$ ни, фойдали ҳажми эса $4,5 \text{ км}^3$ ни ташкил этади (1-жадвал).

Норак сув омбори Вахш дарёси оқимини мавсумий бошқаришга, яъни тартибга солиб туриш ва электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Сув омбори тўғонининг баландлиги 310 м дан ортиқ бўлиб, Ўрта Осиёдаги энг баланд иншоот

ҳисобланади. Унинг дарвозалари ўртача $645 \text{ м}^3/\text{с}$ миқдордаги сув сарфини ўтказиш имкониятига эга. Ҳозирги кунда

Норак гидроэлектр станциясида йилига ўртача 2,7 млн. кВт соат электр энергияси ҳосил қилинади.

1-жадвал


Амударё ҳавзасидаги йирик сув омборларининг морфометрик кўрсаткичлари

Сув омбори	Тўғон баландлиги, м	Ишга тушган йили	Сув юзаси майдони, км ²	Ҳажми, км ³		Қуввати, минг кВт. соат
				Тўлик	Фойдали	
Норак	310	1972	98	10,5	4,50	2700
Туямўйин	130	1979	790	7,80	5,27	150

Туямўйин сув омбори тўғонининг қурилиши Амударёнинг қуйи оқимида, Хоразм вилояти ҳудудида, 1970 йилда бошланиб, сув омбори 1979 йилда тўлик ишга туширилган. Бу йирик гидротехник иншоот ҳам Амударё оқимини ирригация ва энергетика мақсадларида мавсумий бошқаришга хизмат қилади. Сув омбори Амударё ўзани ва унинг чап соҳилида, қўшни Туркменистон республикаси ҳудудида, жойлашган 3 та, аниқроғи Капарас, Султонсанжар, Қўшбулок

табiiй ботикларида барпо этилган (1-расм). Қадимий қўллар ўрни бўлган ушбу ботиклар, махсус сув ўтказувчи иншоотлар ёрдамида, Амударё суви билан тўлдирилади.

Туямўйин сув омборининг умумий сув сиғими меъерий димланиш сатҳида $7,80 \text{ км}^3$ ни, сув юзаси майдони эса 790 км^2 ни ташкил этади (1-жадвал). Туямўйин гидроэлектр станциясида йилига ўртача 150 минг кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.



Шартли белгилар:

1. Тошсақа каналининг бош тўғони
2. Чап қирғоқ магистрал канали
3. Балиқ ташловчи канал
4. Қурувчилар қўргони
5. Ўнг қирғоқ магистрал канали
6. Ўнг қирғоқ дамбаси, №1
7. Туямўйин гидроузели
8. Ўнг қирғоқ дамбаси, №2
9. Капарас тўғони
10. Султонсанжарга сув ташлаш иншооти
11. Капарас сув омбори
12. Султонсанжар сув омбори
13. Тиндирилган сувни олиш иншооти
14. Султонсанжар дамбаси
15. Ўзан сув омбори
16. Дамба, №4
17. Дамба, №5
18. Дамба, №9


1-расм. Туямўйин сув омборининг план - схемаси

Юқорида тавсифланган сув омборларида жамланган сувдан ирригация, энергетика, аҳоли ичимлик сув таъминоти, ерларнинг шўрини ювиш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Сув омборларининг гидроэнергетик мақсадлардаги иш режими ҳамда сувга бўлган талабга боғлиқ ҳолда, уларда тўпланган сув миқдорлари ҳам ойлار ва йиллар бўйича турли қийматларда

ўзгариб туради. Ушбу жараёни ўрганиш мақсадида Норак ва Туямўйин сув омборларида тўпланган сув

миқдорларининг 1999-2008 йилларда ойлар бўйича ўзгариши таҳлил қилинди (2-расм).



2-расм. Норак ва Туямўйин сув омборларида тўпланган сув миқдори (W) нинг йиллар ва йил давомида ойлар бўйича ўзгариши

Чизмадан кўриниб турибдики, Норак сув омборида тўпланган сув ҳажми 1999 йил сентябрь ойида 10,547 км³ га тенг бўлса, Туямўйин сув омборида шу вақтда тўпланган сув миқдори 3,514 км³ ни ташкил этган. Уларнинг умумий йиғиндиси 14,06 км³ бўлиб, Амударёнинг ўртача кўп йиллик оқим миқдорининг 25 % ини ташкил этади. Кам сувли 1999-2001 йилларнинг сентябрь ойларида Норак сув омборида 10 млрд м³ дан ортиқ сув тўпланган бўлса, Туямўйин сув омборидаги сув ўлик ҳажмдан ҳам пастга тушиб кетган.

Таъкидлаш лозимки, собиқ Иттифок даврида бу ўзгаришлар асосан ирригация мақсадларида фойдаланиладиган сувга бўлган талабга боғлиқ эди. Масалан, баҳор ва ёз ойларида, яъни ўсимликларнинг вегетация даврида, улардан чиқариладиган сув миқдори бир мунча кўп бўлиб, экин майдонларини суғоришга сарф этилади. Қиш фаслида эса сув омборларидан сув чиқариш, асосан, энергетика мақсадларида амалга оширилади. Бу ҳолат Норак сув омборига тегишли бўлса, Туямўйин сув омборида тўпланган сувдан кузги-қишки даврда, юқорида қайд этилганидек, экин майдонлари шўрини ювиш мақсадларида ҳам фойдаланилади.


Мақолада белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қўйилган иккинчи вазифада таянч гидрологик постларни

танлаб олиш зарурлиги қайд этилган эди. Шу вазифага биноан, Амударё узунлиги бўйича ўлчаш ва кузатиш ишларини олиб борган ва бораётган 10 га яқин гидрологик постлар орасидан Керки ва Туямўйин танлаб олинди. Улардан биринчиси, яъни Керки гидрологик постида ўлчанган сув режими элементлари ҳақидаги маълумотлар Амударё оқимида Норак сув омборининг ҳамда Қорақум каналининг таъсирини акс эттиради. Қайд этиш лозимки, Амударё оқимида Қорақум каналининг таъсирини ўрганиш алоҳида тадқиқот объекти ҳисобланади. Дарёнинг Туямўйин сув омборидан қуйида жойлашган Туямўйин гидрологик пости эса Амударё оқимида ана шу сув омборининг таъсирини баҳолашда репрезентативдир.

Керки сув ўлчаш постида тўпланган маълумотлар асосида Амударё оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши икки ҳисоб даври учун ўрганилди. Биринчи ҳисоб даври 1950-1971 йиллардаги табиий даврни, яъни Норак сув омбори қурилишигача бўлган ораликни қамраб олади. Иккинчи ҳисоб даври эса 1972-2010 йилларга тегишли бўлиб, антропоген омил, яъни Норак сув омбори таъсирида Амударё оқимининг ўзгаришини акс эттиради. Амударё оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши юқорида қайд этилган

икки ҳисоб даврлари учун ўрганилди. Ҳисоблашлар ойлик сув сарфларининг ўртача кўп йиллик қийматлари асосида бажарилди ва ҳар икки ҳисоб даврлари

учун олинган натижалар ўзаро солиштириш йўли билан таҳлил қилинди (2-расм).




2-расм. Амударё оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши (Керки пости)

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, биринчи ҳисоб даврида Амударёнинг февраль ойидаги оқими йиллик оқим миқдорига нисбатан 3,6 % га тенг бўлса, июнь ойида 20,2 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткич апрель ойида 6,2 % бўлса, август ойида 13,6 % га кўтарилган. Таҳлил натижалари иккинчи ҳисоб даврида, яъни Норак сув омбори қурилиши натижасида, юқоридаги кўрсаткичларга нисбатан бир мунча ўзгарганлигидан дарак беради. Масалан, мазкур ҳисоб даврида февраль ойидаги оқим миқдори йилликка нисбатан 2,89 % ни ташкил этса, июнь ойида эса 8,76 % га тенг бўлган. Демак, иккинчи ҳисоб даврида ҳар икки ойидаги оқим миқдорлари биринчи ҳисоб давридагига нисбатан камайган.

Туямўйин сув ўлчаш постида

тўпланган маълумотлар асосида Амударё оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши ҳам икки ҳисоб даврлари асосида таҳлил қилинди. Биринчи ҳисоб даври 1954-1979 йиллардаги табиий давр бўлиб, Туямўйин сув омбори қурилишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчи ҳисоб даври 1980-2010 йилларга тегишли бўлиб, антропоген омил, яъни Туямўйин сув омбори таъсирида Амударё оқимининг ўзгаришини кўрсатади. Амударё оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши юқорида қайд этилган икки ҳисоб даврлари учун ўрганилди. Ҳисоблашлар, юқоридаги каби, ҳар икки ҳисоб давридаги ойлик сув сарфларининг ўртача кўп йиллик қийматлари асосида бажарилди ва олинган натижалар ўзаро таққосланди (3-расм).



3-расм. Амударё оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши (Туямўйин пости)

Юқоридаги чизмада акс этганидек, биринчи ҳисоб даври, яъни 1954-1979 йиллар давомида, Туямўйин сув омборининг қурилишигача бўлган даврда, Амударёнинг феврал ойидаги оқими йиллик оқим миқдорига нисбатан 2,6 % га тенг бўлса, июль ойида 20,5 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткич апрель ойида 6,3 % бўлса, август ойида 16 % га кўтарилган.

Иккинчи ҳисоб даврида, яъни Туямўйин сув омбори ишга туширилгандан сўнг, юқоридаги кўрсаткичлар бир мунча ўзгарган. Бу даврда февраль ойида 4,3 % бўлса, июнь

ойида эса 15,5 % ни ташкил этаган. Демак, мазкур ҳисоб даврида июнь ойидаги оқим миқдори биринчи ҳисоб даврига нисбатан 5,0 % га камайган.

Ишда Амударё оқимининг йиллараро тебранишига Норақ ва Туямўйин сув омборларининг таъсирини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ҳар икки гидрологик постлар маълумотлари асосида юқорида қайд этилган ҳисоб давлари учун дарё йиллик оқимининг ўзгарувчанлигини ифодалайдиган вариация коэффициенти (C_v) ҳисобланди (2-жадвал).


2-жадвал

Амударёнинг Керки ва Туямўйин гидрологик постларида кузатилган йиллик оқимининг ўзгарувчанлик коэффицентлари

Керки		Туямўйин	
Ҳисоб даври	C_v	Ҳисоб даври	C_v
1950-1971	0,21	1954-1979	0,33
1972-2010	0,23	1980-2010	0,40

Жадвалда келтирилганидек, Керки пости бўйича 1950-1971 йилларда Амударё оқимининг ўзгарувчанлик коэффициенти 0,21 га тенг бўлган. Бу қиймат 1972-2010 йиллар оралиғи учун эса 0,23 га ортган. Шунингдек, Туямўйин гидрологик пости маълумотлари бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти биринчи ҳисоб даври учун 0,33 га тенг бўлса, иккинчи ҳисоб даврида бу кўрсаткич 0,40 ни ташкил этди. Ушбу натижа Амударё

оқимининг Туямўйин сув омбори ёрдамида сувга бўлган талабга мос ҳолда бошқарилганлигидан дарак беради. Шу масалани ўрганиш мақсадида сув омборлари тўғонларидан уларнинг қуйи бьефларига чиқарилган оқим миқдорлари динамикаси ўрганилди. Таҳлиллар ихтиёримиздаги 1999-2008 йиллар давомида ҳар икки сув омборида қайд этилган ўртача йиллик сув сарфлари асосида амалга оширилди (3-расм).



3-расм. Норақ ва Туямўйин сув омборларидан қуйи бьефга ташланадиган ўртача йиллик оқим миқдорининг ўзгариши

Чизмадан кўришиб турибдики, 2001 йилда Туямўйин сув омборидан 9,8 км³ ҳажмдаги сув чиқарилган бўлса, Норақ сув омборидан эса 16,6 км³ миқдордаги сув қуйи бьефга ташланган. Ҳар икки сув

омборидан қуйи бьефга ташланган сув сарфлари 2005 йилда энг катта қийматларда кузатилган. Бу рақамлар мазкур йилнинг Амударё ва унинг асосий ирмоқларида кўп сувли бўлганлигини

кўрсатади.

Хулоса

1. Амударёдаги Туямўйин сув омбори ҳамда унинг ўнг irmoғи бўлган Вахш дарёсида қурилган Норак сув омборлари ҳақида ҳамда Амударё узунлиги бўйича жойлашган сув ўлчаш постларида қузатилган гидрологик маълумотлар тўпланди ва улар таҳлил қилинди;

2. Ишда белгиланган мақсад ва вазифаларга боғлиқ ҳолда, Амударё оқимининг Норак ва Туямўйин сув омборлари таъсирида йил давомида ва

йиллараро ўзгаришларини тадқиқ этишга имкон берадиган таянч гидрологик қузатиш постлари танланди;

3. Бажарилган гидрологик ҳисоблашлар ва уларнинг таҳлили асосида Норак ва Туямўйин сув омборларининг Амударё оқимининг йил давомида ойлари бўйича ўзгаришига ҳамда йиллараро тебранишига таъсири баҳоланди. Тадқиқот натижалари трансчегаравий Амударё сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Ирригация Узбекистана. Т. III. – Ташкент: Фан, 1981. – 357 с.
2. Курбанбаев Е., Артыков О., Курбанбаев С. Аральское море и водохозяйственная политика в республиках Центральной Азии. – Нукус: “Каракалпакстан”. - 2011. -128 с.
3. Никитин А.М. Водохранилища Средней Азии. –Л.: Гидрометеоздат, 1991. -165 с.
4. Хайдарова О.А., Тоиров Б.С. Туямўйин сув омборида тўпланган сув микдорининг йиллараро ўзгариши // “Фарғона водийсида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг геоэкологик жиҳатлари” республика илмий- амалий конференция материаллари. - Фарғона, 2013. – Б. 144-145.
5. Хайдарова О.А. Амударё гидрологик режимига таъсир этувчи сув иншоотлари ҳақида // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 41 жилд. - Тошкент, 2013. – Б. 167-169.

Резюме

Статья посвящена исследованию влияния Нурекского и Туямуюнского водохранилищ на внутригодовое распределение и многолетние колебания стока реки Амударья. Показано, что внутригодовое распределение и многолетние колебания стока Амударьи зависят от режима эксплуатации водохранилищ.

Resume

The article is devoted to research of influence of Nurek and Tuyamuyun reservoirs on intra annual and long-term fluctuations in flow of Amudarya river. It is shown that the annual distribution and long-term fluctuations in the Amudarya depend on the mode of operation of reservoirs.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

О ВОЗВРАТНЫХ КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНЫХ ВОДАХ ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА И ИХ ДИНАМИКА

Хайитов Ё. К., Хикматов Ф.Х.

Ключевые слова: *возвратные воды, коллекторно-дренажные воды, возвратно-сточные воды, динамика водозабора, динамика коллекторно-дренажных вод, корреляция между водозабором и стоком коллекторно-дренажных вод.*

Введение. В условиях аридного климата Средней Азии водные ресурсы являются ключевым фактором поддержания устойчивого природного равновесия естественных экосистем и социально-экономического развития региона. В настоящее время водные ресурсы бассейнов рек Амударья, Сырдарья и Зарафшана, полностью используются в народном хозяйстве.

Поэтому имеющиеся водные ресурсы региона жестко лимитированы между государствами и внутри областей между потребителями всех уровней. С другой стороны в ближайшей перспективе нельзя ожидать появления дополнительных водных ресурсов в регионе в виде переброски стока из других районов.

В связи с этим, дальнейшее

развитие народнохозяйственного комплекса, в том числе, аграрного сектора в нашей республике потребует разработки методов рационального размещения, оценки и использования возвратного коллекторно-дренажного стока. В перспективе этот вид стока является хоть и вторичным, но дополнительным ресурсом воды.

Следует отметить, что под собственно возвратными коллекторно-дренажными водами нами понимается ирригационная составляющая динамических запасов стока грунтовых вод и поверхностный сток оросительных вод с орошаемых полей [5-7]. По данным Госкомприроды Узбекистана суммарный сток коллекторно-дренажных вод Зарафшанского оазиса (Бухарский, Навоийский, Самаркандский вилояты) за последние 2002-2004 годы колеблется в пределах 3,98-4,92 км³. Указанные объемы возвратного стока в среднем составляют 45-50% от общего водозабора в исследуемый нами оазис. Большая часть этой воды безвозвратно теряется в естественных понижениях, образуя озера ирригационно-коллекторного происхождения, а также в пустынных территориях региона. Необходимо отметить, что определенная часть возвратных коллекторно-дренажных вод поступает в русло Амударьи и приводит к повышению её минерализации.

Изнученность вопроса. Основные закономерности и теоретические положения о формировании, количественной и качественной оценке и возможностях использования возвратных вод изложены в фундаментальных исследованиях А.Н. Костякова, В.А. Духовного, Ф.Э. Рубиновой, С.И. Харченко, М.А. Якубова, А.И. Сергеева, Р.К. Икрамова и других. Гидролого-гидрохимические проблемы изучаемого нами вопроса рассмотрены Р.А. Алимовым, А.А. Рафиковым, Э.И. Чембарисовым, А.И. Сергеевым, Р.М. Раззаковым и другими. В упомянутых выше исследованиях возвратные воды Зеравшанского оазиса рассмотрены в общих чертах на примере различных

орошаемых зон бассейна Аральского моря.

В связи с вышеизложенными положениями, **целью** настоящей работы является уточнение определения «коллекторно-дренажные возвратные воды», исследование особенностей их формирования и динамики, а также количественная оценка этих вод в Зарафшанском оазисе как дополнительного источника водных ресурсов.

Исходные материалы. В работе, в качестве исходной информации, использованы материалы наблюдений Узгидромета, Госкомприроды, Минсельводхоза Республики Узбекистан за количеством и качеством возвратных вод Зарафшанского оазиса, фондовые материалы по коллекторно-дренажным системам технических отделов гидрогеолого-мелиоративных управлений Самаркандского, Навоийского и Бухарского вилоятов. В работе также использованы изданные кадастровые материалы, таких как «Ресурсы поверхностных вод», «Основные гидрологические характеристики» и другие.

Результаты и их обсуждение. Первые сведения о возвратных водах упоминаются в работах А.В. Чаплыгина (1925), Е.М. Тимофеева (1936) и других. Обнаруженные при воднобалансовых исследованиях “дополнительные”, “добавочные” и “выклинивающиеся” в зоне потребления воды были ими названы «возвратными», подчеркивая тем самым их вторичное происхождение. Современные исследователи этой проблемы единодушны в том, что возвратные воды – это вторичные водные ресурсы, формирующиеся в зоне потребления стока. Однако, трактование этого понятия, а следовательно и количественные оценки, у разных авторов несколько различаются.

Например, учёные и специалисты Государственного Гидрологического института (ГИ), такие как В.В. Сумарокова, С.И. Харченко и другие, под собственно возвратными водами понимают ирригационную составляющую

щую динамических запасов грунтовых вод и поверхностный сток оросительных вод с орошаемых полей. Этому мнению присоединяется Т.Н.Аткарская, которая также дает аналогичное определение возвратным водам. Вместе с тем, отождествляя в Ферганской долине возвратный сток с коллекторно-дренажным, она не отрицает участия в процессе формирования возвратных вод факторов, не связанных с водозабором на орошение (атмосферные осадки, грунтовые воды и др.)

В своих исследованиях В.П.Светицкий также рассматривает лишь ирригационную составляющую возвратных вод. Однако в отличие от предыдущих авторов он не включает в состав возвратных вод поверхностный сброс с орошаемых полей, чем мы не согласны.

Вместе с тем, некоторые авторы, в том числе, среднеазиатские учёные, считают, что источником формирования возвратных вод могут служить как сбросные и фильтрационные воды, связанные с орошением, так и фильтрационные воды, формирующиеся естественным путем и разгружающиеся в гидрографическую сеть.

Точки зрения по поводу конечного водоприемника возвратных вод также различны. По определению С.И.Харченко, сток называется возвратным, если он поступает в источник орошения или промежуточный водоем и может использоваться повторно. По мнению В.А.Духовного, М.И.Геткера, Ф.Э.Рубиновой, сток является возвратным, независимо от того, попадает ли он в источник орошения, в замкнутые естественные понижения и водоем или используется на орошение внутри региона.

Большинство исследователей уравнивают понятия «возвратный» и «коллекторно-дренажный» сток, считая, что второй является внутрисистемной разновидностью первого. Вместе с тем учёными ГГИ, в том числе, С.И.Харченко принято, что возвратный сток составляет лишь часть коллекторно-дренажного,

сформированного под влиянием ирригационных факторов и поступающего в русло реки.

Среднеазиатские учёные, в том числе В.А.Духовный делит возвратные воды по условиям дренирования на естественные, образуемые притоком в гидрографическую сеть и на искусственные (антропогенные), возникающие при дренировании водосбора коллекторами и дренами. Вместе с тем, в практике водохозяйственных расчетов укоренились понятия «русловые» и «внутрисистемные» возвратные воды. Первые выклиниваются в русла рек, а вторые – в искусственную коллекторно-дренажную сеть.

Как показали исследования С.Ш.Мирзаева, В.А.Духовного и других, соотношение русловых и внутрисистемных вод зависит от гидрогеологического строения бассейна и мелиоративных условий местности. Как известно, они изменяются под влиянием динамики уровня грунтовых вод на дренируемой рекой территории бассейна, а их формирование, определяется природными и антропогенными факторами. Русла рек и коллекторы могут дренировать как естественную, так и антропогенную составляющие возвратных вод. Поэтому, как считает Ф.Э.Рубинова, замена термина «русловые» возвратные воды на «естественные», а «внутрисистемные» на «антропогенные» нецелесообразна. С точки зрения генезиса и хозяйственного использования, русловые и внутрисистемные воды не различаются, а условия их стока определяются степенью естественной и искусственной дренированности [5].

Разночтения в понимании термина «возвратные воды» можно существенно уменьшить, если исходит из задачи их исследования. Для оценки эффективности использования водных ресурсов в оросительной системе вероятно, правильнее понимать термин «возвратные воды» в трактовке ГГИ.

Однако, с точки зрения оценки

водных ресурсов для нижележащих территорий, возвратные воды следует рассматривать в более широком смысле – как сток, сформированный в зоне потребления под влиянием всего комплекса природных и хозяйственных факторов. Разумеется, не весь этот сток может концентрироваться в естественной или искусственной гидрографической сети. Часть его, при мозаичном характере орошения и недостаточно развитой коллекторно-дренажной сети, может теряться на испарение с внутрисистемных перелогов и местных замкнутых понижений.

Поэтому существуют попытки разделить понятия стока с орошаемых полей и возвратного стока. Например, С.И. Харченко предлагает назвать первый стоком оросительных или ирригационных вод. Между тем, различия стока, сформированного в пределах орошаемого поля (массива) и стока в водоприемнике носят не качественный, а количественный характер и связаны, в конечном итоге, с уровнем развития водного хозяйства.

Исследованиями С.И. Харченко, Ф.Э.Рубиновой и многих других установлено, что в аридной зоне основным источником формирования возвратных вод является орошаемое земледелие. Все исследования стока возвратных вод сводятся к задаче разработки методов их количественной оценки и расчетов.

Применения в исследованиях методов современной гидрометрии позволяют непосредственно измерять лишь внутрисистемную составляющую возвратных вод. Поэтому суммарный возвратный сток (его русловая и внутрисистемная составляющие) оцениваются приближенно, как остаточный член уравнения водного баланса исследуемой территории или русла реки.

Водный баланс территории позволяет оценить ресурсы возвратных вод, т.е. стока, сформировавшегося в орошаемой зоне под влиянием комплекса антропогенных факторов. В литературе

эту величину называют потенциально возвратным стоком или по другому - ирригационным или оросительным стоком.

Метод руслового водного баланса оценивает лишь ту часть ресурсов возвратных вод, которая подземным или поверхностным путем доходит до замыкающего створа по руслу реки. Сток возвратных вод по руслу реки меньше их ресурсов на то количество воды, которое используется повторно и теряется на испарение в транзитной зоне.

Достоверность оценок количества возвратных вод методами водного баланса территории и русла определяется надежностью исходной информации. В Средней Азии из-за слабой изученности элементов водного баланса территории большее распространение получил метод руслового водного баланса. Однако, известны попытки оценок количества возвратных вод с помощью упрощенного уравнения водного баланса территории.

Исследования С.И.Харченко, Ф.Э.Рубиновой, В.А. Духовного и других показали, что динамика возвратных вод связана с водными мелиорациями.

Регрессионный анализ, выполненный Ф.Э.Рубиной (1979) для бассейна Сырдарьи, показал, что возвратный сток на границах ирригационных районов хорошо коррелируется с водозабором текущего и предшествующего года и практически не зависит от природных факторов. Влияние естественного увлажнения орошаемой территории и тепловых ресурсов, определяющих испарение, несоизмеримо мало по сравнению с мощными антропогенными факторами.

Некоторое воздействие на динамику стока возвратных вод оказывает регулирующая ёмкость бассейна (при чередовании лет различной водности), а также степень повторного использования возвратных вод в районе их формирования. Увеличение забора воды из источника орошения и сброса в него возвратных вод приводит к увеличению доли последних в стоке рек [5].

В исследованиях С.Ш.Мирзаева,

С.И. Харченко, Ф.Э. Рубиновой показано, что увеличение водозабора из рек, способствующее понижению горизонтов воды в русле и повышению уровня грунтовых вод на орошаемой территории, приводит к увеличению дренирующей способности русла. Однако строительство развитой коллекторной сети и системы вертикального дренажа способствует перехвату части грунтового потока на пути к реке. Оба эти обстоятельства способствуют изменению соотношения внутрисистемных и русловых возвратных вод, и в конечном итоге влияют на их динамику.

В дальнейших исследованиях анализ выше упомянутых материалов необходимо произвести поэтапно, для следующих расчётных периодов:

1) период чувствительного дефицита водных ресурсов в Зеравшанском оазисе (1956-1965 годы);

2) период улучшения водообеспеченности Зеравшанского оазиса за счёт Амударьинской воды (1966-1990 годы);

3) период введения лимитированного водообеспечения потребителей и водопользователей (1991 - 2010 годы).

Первый период, т.е. период

чувствительного дефицита водных ресурсов в Зеравшанском оазисе, проанализирован в работах Р.Н.Алимова, Ф.Э.Рубиновой и других. Что касается второго периода, то он обстоятельно рассмотрен в совместных исследованиях И.Х., Абдуллаева и М.А. Якубова.

В настоящей работе основное внимание уделено изучению динамики водозабора и коллекторно-дренажных возвратных вод для третьего периода. Этот вопрос был рассмотрен нами на примере Бухарского вилоята (рис.1). Как видно из этого рисунка, водозабор из Амударьи в Бухарский вилоят, начиная с 1991 по 2001 год был стабильным и колебался в пределах 4,0-4,5 км³/год. В последующие годы наблюдается увеличение объёма водозабора до 5,0 и более км³ в год. Здесь также наблюдается некоторое уменьшение объёма водозабора в 2007 и 2008 года, что очевидно связано с маловодьем на реке Амударье. Как видно из рисунка 1, многолетние изменения коллекторно-дренажного стока с территории Бухарского вилоята, повторяют колебания водозабора из реки Амударьи на орошаемые земли данной территории.




Рис. 1. Многолетние колебания водозабора в Бухарский вилоят и коллекторно-дренажного стока с его территории (1991-2010 годы)

Исходя из вышеизложенного, нами изучена связь между объёмом стока коллекторно-дренажных вод ($W_{\text{КДС}}$) и

величиной водозабора ($W_{\text{водозабор}}$) из реки Амударьи за исследуемый период (рис.2).




Рис. 2. Зависимость объёма стока коллекторно-дренажных вод ($W_{кдс}$) от величины водозабора ($W_{водозабор}$).

Как видно из рисунка 2, существует определенная связь между водозабором и коллекторно-дренажным стоком, характеризующаяся корреляционным отношением $R = 0,59$.

В перспективе особый интерес представляет изучение минерализации водозабора, коллекторно-дренажного стока и отводимой массы солей из орошаемой территории в реки, понижения и так далее. Результаты этих исследований необходимы для количественной оценки процессов водо- и солеобмена между орошаемой территорией и рекой, а также для прогнозов в целях их регулирования в оптимальных пределах.

Заключение

1. Рассмотрены различные подходы исследователей к определению понятия «возвратные коллекторно-дренажные воды». Возвратными коллекторно-дренажными водами нами понимается ирригационная составляющая динамических запасов стока грунтовых вод и поверхностный сток оросительных вод с орошаемых полей;

2. Особое внимание уделено

освещению гидрометрическим и водно-балансовым методам орошаемой территории и руслового водного баланса количественной оценке возвратных коллекторно-дренажных вод;

3. Показано, что вопросы формирования, количественной оценки, размещения и возможности вторичного использования возвратных коллекторно-дренажных вод Зеравшанского оазиса изучены недостаточно;

4. Исходя из имеющихся материалов, предложено произвести исследования динамики коллекторно-дренажных вод Зеравшанского оазиса поэтапно для трёх характерных периодов, которые учитывают различную степень водообеспеченности Зеравшанского оазиса.

5. Установлена удовлетворительная связь (корреляционное отношение $R=0,59$) между объёмом стока коллекторно-дренажных вод, формирующегося на территории Бухарского вилоята и величиной водозабора из реки Амударья на его орошаемые массивы.

Литература:

1. Абдуллаев И.Х., Якубов М.А. Проблемы водосбережения и мелиорации орошаемых земель Бухарского оазиса. – Ташкент: Фан, 2006. – С. 12-13.
2. Алимов Р.Н., Зудина Н.И., Аскарлова Е.В. Структура водного баланса орошаемых территорий низовий Зеравшана (Бухарская область) в современных условиях и её изменение под влиянием водохозяйственного строительства // Сб. научных трудов САНИИРИ. –Ташкент, 1976. -Вып. 148. - С. 35-47.
3. Кадыров Х.А., Герасимов Р.М. Изменение структуры водно-солевого баланса орошаемых земель под влиянием работы вертикального дренажа // Труды САНИИРИ. - Ташкент, 1973.- Вып. 139. – С. 72-79.

4. Мамарасулов С.М. Водная проблема бассейна Зеравшана и пути её решения. –Ташкент: Узбекистан, 1972. –213 с.

5. Рубинова Ф.Э., Доронина С.И., Хасанов О.З. Водный баланс территории бассейна р. Зеравшана (Зона влияния Аму-Бухарского канала) // Труды САНИГМИ.- Вып. 127 (208). -М.: Гидрометеоздат, 1988. – С. 78-88.

6. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2002-2004).-Ташкент, 2005. – С. 57-58.

7. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (1988-2007). –Ташкент, 2008. – С. 43-44.

Резюме

Мақолада, илгари бажарилган тадқиқотларда баён этилган фикрларга таянган ҳолда, “коллектор-зовурларнинг қайтарма сувлари” тушунчасининг таърифи аниқлаштирилган. Зарафшон воҳаси коллектор-зовурлари қайтарма сувларининг ҳосил бўлиши ва динамикасининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Resume

The article gives a refined definition of the concept of “collector-drainage return water” subject to the provisions set forth in the works of previous investigators. Features of formation and dynamics of collector and drainage waters of the Zerafshan oasis are revealed.

Рекомендует:

проф. Салиев А.С.

ҚОРАДАРЁ ГИДРОЛОГИК ВА ГИДРОКИМЁВИЙ РЕЖИМИНИНГ АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

Сирлибоева З.С., Исакова А.Я., Мирзалиева Н.Р.

Таянч сўзлар ва иборалар: гидрокимёвий режим, антропоген омиллар, дарё, сув сарфи, =авза, мелиорация тизими, минераллашув.

Кириш. Тоғли ҳудудлардаги дарёларнинг гидрокимёвий таркиби ўрганишининг мураккаблиги, унинг шаклланиши бир қанча омилларга боғлиқ. Уларга табиий омиллар билан бир қаторда инсон хўжалик фаолияти ҳам қатта таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, мазкур ишнинг асосий мақсади Қорадарёнинг гидрологик ва гидрокимёвий режимига антропоген омилларнинг таъсирини баҳолашдан иборат.

Маълумки, Қорадарё Сирдарёнинг чап ташкил этувчиси ҳисобланади. Ушбу дарё ҳам Ўрта Осиёни барча дарёлари каби тоғлардан чиқмасдан туриб суғоришга жадал равишда ишлатила бошлайди. Аҳоли зич жойлашган Қорадарё ҳавзасида тоза ифлосланмаган сувга эҳтиёж йилдан-йилга ўсиб бормоқда, бу эса дарёларнинг гидрологик ва гидрокимёвий режимини охириги йиллар маълумотларига асосланиб ўрганиш ниҳоят даражада муҳим масалалардан бири эканлигидан далолат беради.

Дарё сувларининг гидрокимёвий таркибини ўрганиш масалалари билан О.А. Алёкин, А.М. Никаноров, Ф.Э.

Рубинова, Э.И. Чембарисов ва бошқалар шуғулланганлар. Лекин ушбу тадқиқотларда Қорадарёнинг гидрокимёвий режими масалалари яхши ёритилмаган.

Асосий қисм. Андижон сув омборидан ўтиб, Фарғона водийсига чиққандан сўнг, Қорадарёнинг оқим режими жуда ўзгариб кетади. Бунга биринчидан, дарё сувини кўплаб суғоришга олиниши ва, икинчидан, дарё ўзанига грунт сувларининг кўшилиши сабаб бўлади.

Маълумки, Қорадарёнинг суви асосан қуйидаги учта сув тақсимлаш иншоотлари ёрдамида суғоришга оли-нади: 1) Кампирравот сув тақсимлаш иншооти. Бу ердан Шахрихонсой, Анди-жонсой, Савай каналлари сув олиб, ўз фаолиятини бошлайди; 2) Тешиктош сув тақсимлаш иншооти. Бу ердан Пахтаобод ва Улуғнор каналлари сув олади; 3) Куйганёр сув тақсимлаш иншооти. Бу ердан Катта Фарғона ва Сиз каналлари сув олади.

Ишда Қорадарёдан сув оладиган каналлар ва улар йиллик оқимининг йил давомида тақсимланиши ўрганилди (1-жадвал). Улар орасида энг йириги ва серсувларидан ҳисобланган Катта Фар-

ғона канали, ўртача кўп йиллик сув сарфи 1980-2010 йиллар оралиғи учун 89,5 м³/с га тенг. Вегетация ойларида эса,

яъни апрелда 142 м³/с га, майда 127 м³/с га, июнда 149 м³/с га тенг.

1-жадвал

Каналлар ўртача кўп йиллик сув сарфларининг ойлар бўйича тақсимланиши (1980-2010 йй.)

Т.р	Номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
1.	Отводящий	4,14	3,18	2,13	68,2	154	182	225	195	83,4	33	1,70	11,4	80,8
2.	Андижонсой	4,50	4,37	4,31	10,8	19,8	27,0	43,4	35,1	15,4	2,80	1,01	2,01	14,0
3.	Шахрихонсой	-	-	-	40,6	84,6	116	138	117	37,8	15,6	-	-	45,8
4.	Савай	0,56	1,04	1,54	11,6	17,2	23,8	29,7	29,4	14,2	2,86	-	9,93	11,8
5.	Правобережный	-	-	0,47	4,27	9,85	12,3	18,0	18,1	6,11	1,68	-	-	5,92
6.	Пахтаобод	2,90	1,93	2,91	9,81	16,9	18	22,1	23,3	19,2	8,63	4,93	2,45	11,0
7.	Улуғнор	-	2,52	5,34	16,5	6,93	5,12	5,67	4,95	2,59	0,67	-	1,41	4,31
8.	Катта Фарғона	20,0	46,8	107	142	127	149	156	149	79,0	28,6	-	69,3	89,5
9.	Сиза	-	-	0,70	5,79	6,95	5,12	7,76	7,58	2,89	2,21	-	1,94	3,36
	Йиғинди сув сарфи	27,0	54,0	119	248	324	377	438	400	199	75,8	6,95	86,6	196

Сувлиги жихатидан иккинчи ўринни “Отводящий” канали эгаллайди. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 80,8 м³/с ни ташкил қилиб, май ойида сув сарфи 154 м³/с, июнда 183 м³/с, июлда 225 м³/с, августда 195 м³/с ларга тенг бўлган сув сарфларини Қорадарёдан олади. “Средазгипроводхлопок” институти ҳисоби бўйича Қорадарёдан жами 22 та канал сув олади.

Сувнинг кўплаб суғоришга олиниши натижасида, юқорида кўрсатилган сув тақсимлаш иншоот-ларидан ўтгандан кейин, Қорадарёнинг ўзани йилнинг айрим даврларида, айниқса, экинлар кўп суғориладиган вегетация даврларида тамомила қуриб қолади. Лекин, Қорадарёнинг Норин билан қўшилиш жойида (Учтепа қ.) суви кескин ортади. Бунга сабаб Балиқчи станциясига (бу станция Қорадарёнинг Норин билан қўшилиш жойидан 12 км юқорида жойлашган) яқин жойда Қорадарё ўзанига ўрта ҳисобда секундига 108 м³ миқдорда грунт сувлари билан ташлама сувлар келиб қўшилади. Шундай қилиб, Қорадарёнинг сув бойлиги, яъни ўртача кўп йиллик оқими, унинг антропоген омиллар таъсирида, дарё узунлиги бўйича ўзгариши ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, Қорабағиш қишлоғи ёнидаги гидрологик пост маълумотлари бўйича ўртача кўп йиллик оқим ҳажми 1016 млн. м³ ни, Асака қишлоғи ёнидаги гидрологик пост бўйича 4100 млн. м³ ни,

Андижон шаҳар яқинидаги гидрологик пост бўйича 3974 млн. м³ ни, Учтепа қишлоғи яқинидаги гидрологик пост бўйича эса 4157 млн. м³ ни ташкил қилади. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига қарамасдан табиат-га, жумладан, дарёлар сувининг сифатига антропоген омилларнинг таъсири йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бунга сабаб аҳоли сонининг ўсиб бориши, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ортиб бориши, ирригация тизимларининг ривожланиши кабилардир.

Қорадарё ҳавзасида жойлашган Андижон вилоятининг хўжалик фаолияти учун катта миқдорда сув талаб қилади. Суғориладиган ерлар майдони ортиб бориши билан бирга дарё сувлари сифатига антропоген омилларнинг таъсири ортади, натижада коллектор-зовур сувларининг ҳажми ўсади.

Андижон мелиорация тизими бошқармасида олиб борилган лаборатория кузатишларига биноан, коллектор сувларининг кимёвий таркибининг охириги йиллар давомида сульфатли-магнийли типга мансублиги сақланиб келмоқда. Қорадарёга суви ташланадиган коллекторларнинг ўртача кўп йиллик ва ойлик сув сарфлари таҳлил қилинди (2-жадвал). Ҳозирги вақтда келиб, коллекторларнинг сони 50 тадан ортиб, улар йилига жами 125 м³/с сувни Қорадарё ўзанига ташлайди. Улар орасида энг йириклари Қара-ганон ($Q_{ўрт} = 19,8$ м³/с),

КФК ($Q_{\text{ўрт}} = 50,1 \text{ м}^3/\text{с}$), Замбаркўл ($Q_{\text{ўрт}} = 12,7 \text{ м}^3/\text{с}$), Бобоғазӣ ($Q_{\text{ўрт}} = 3,91 \text{ м}^3/\text{с}$), Хожитол ($Q_{\text{ўрт}} = 2,52 \text{ м}^3/\text{с}$) лар

хисобланади. Коллекторлар сувларининг минерал-лашуви ўрта ҳисобда 0,86-5,12 г/л орасида тебранади.

2-жадвал

Коллектор-зовур сувларининг йил давомида оилар бўйича ўзгариши (1976-2000 йиллар)

Т.р.	Номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
1.	Карагунон	16,5	16,9	16,4	15,7	16,5	18,4	23,4	25,0	24,4	23,7	22,7	18,3	19,8
2.	Бобоғазӣ	4,22	3,44	3,51	3,25	3,35	3,32	4,22	4,48	3,73	4,76	4,50	4,13	3,91
3.	Саукбулак	1,51	1,27	1,20	1,18	1,25	1,20	1,39	1,69	1,29	1,50	1,94	1,93	1,45
4.	Сброс БФК	-	7,92	52,6	46,7	46,4	110	149	90,6	64,6	8,85	-	24,1	50,1
5.	Хакулобод	2,20	1,91	2,19	2,03	3,15	4,08	4,62	4,70	3,67	3,51	3,31	3,39	3,23
6.	Октябрь	0,93	0,95	1,08	1,65	1,85	1,81	1,93	1,85	1,70	1,71	0,90	0,84	1,43
7.	Қорақўл	2,33	2,00	2,68	2,38	3,40	4,26	3,65	4,51	3,30	2,53	2,28	2,46	2,98
8.	Верхний	0,08	1,22	1,46	1,15	2,09	2,52	2,80	2,43	1,43	1,17	1,14	1,45	1,58
9.	Нижний	1,42	1,81	1,85	1,98	2,54	2,80	3,15	3,09	1,78	1,56	1,57	1,95	2,13
10.	Хожитол	2,28	2,51	2,29	2,24	2,76	2,81	3,20	2,84	2,62	2,21	2,31	2,21	2,52
11.	Кандибулак	1,78	1,92	1,70	1,69	2,16	1,58	2,13	1,83	1,70	1,63	1,63	1,66	1,78
12.	Замбаркўл	6,66	8,70	9,70	10,9	11,2	11,5	16,7	19,3	18,8	14,1	12,4	12,8	12,7

Дарё сувларининг минераллашув даражаси унда эриган моддалар билан белгиланади. Дарё сувининг

гидрохимёвий режими асосан ундаги бош ионлар, жумладан, гидрокарбонат (HCO_3^-), сульфат (SO_4^{--}), хлор (Cl^-), анион ва катионлардан эса кальций (Ca^{++}), натрий (Na^+), калий (K^+), магний (Mg^{++})

микдорларининг ўзгаришига боғлиқдир.

Қорадарёнинг юқори ва қуйи (Қорабағиш ва Учтепа) сув ўлчаш постлари бўйича сувнинг минераллашуви ва бош ионларнинг ўртача кўп йиллик давр учун ҳамда оилар бўйича ўзгариши таҳлил қилинди (3 ва 4-жадваллар).

3-жадвал

Бош ионлар ва минераллашувнинг йил давомида ўзгариши (1976-2000 йиллар, ўрт. мг/л) Қорадарё – Қорабағиш қ.

Ионлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ca^{++}	74,8	72,4	71,0	69,0	47,5	60,9	54,9	58,9	59,1	57,2	59,5	60,2	62,1
Mg^{++}	25,5	20,6	18,7	21,1	28,4	14,5	22,8	17,2	18,9	23,5	20,5	20,7	21
$\text{Na}^+ + \text{K}^+$	32,0	21,2	20,3	21	16,0	16,0	21,7	19,8	21,2	17,2	12,7	14,5	19,5
HCO_3^-	138	141	156	169	169	151	167	128	162	164	162	167	156
SO_4^{--}	169	154	137	132	104	79,1	123	130	115	107	132	146	127
Cl^-	22,4	21,6	20,9	19,5	22,4	12,4	14,9	10,0	19,5	18,6	21,2	20,8	18,7
ΣU	462	431	424	432	387	337	404	364	396	388	408	429	405
$Q, \text{ м}^3/\text{с}$	14	21,6	23,4	19,3	47,2	64,6	97	54	11	5	13	19	32,4

4-жадвал


Бош ионлар ва минераллашувнинг йил давомида ўзгариши (1976-2010 йиллар, ўрт. мг/л) Қорадарё – Учтепа қ.

Ионлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ca^{++}	82,2	60,6	79,0	79,4	66,5	55,6	79,6	83,4	76,3	73,0	76,6	68,3	71,2
Mg^{++}	36,5	38,0	38,3	39,0	36,8	30,0	39,8	40,1	41,7	38,9	38,0	36,4	38,0
$\text{Na}^+ + \text{K}^+$	34,1	33,0	33,0	32,0	31,0	33,9	36,3	35,5	31,9	30,1	35,0	32,3	31,7
HCO_3^-	180	172	177	182	177	170	193	190	188	102	194	183	184
SO_4^{--}	189	180	195	202	176	151	206	191	215	198	189	163	186
Cl^-	31,8	31,4	31,1	30,3	31,2	32,4	36,6	32,0	33,6	33,4	32,4	31,5	32,2
ΣU мг/л	562	522	543	549	533	516	587	594	595	563	559	519	554
$Q, \text{ м}^3/\text{с}$	110	108	109	160	184	174	105	115	90,3	117	146	146	131

Кўриниб турибдики, Қорабағиш қ. Гидрологик пости бўйича Қорадарё сувининг минераллашуви 405 мг/л ни ташкил қилиб, катионлар орасидаги энг катта миқдори Ca^{++} га (62 мг/л), анионлардан эса гидрокарбонат HCO_3^- (156 мг/л) ва сульфат иони SO_4^{--} (127 мг/л) га тўғри келади. Шундай қилиб, О.А.Алёкин таснифи бўйича Қорадарё сувининг Қорабағиш пости маълумотлари бўйича гидрокарбонатли синф, кальцийли гуруҳ 2 типга ($\text{C}_{II}^{\text{Ca}}$) мансублиги аниқланди.

Қорадарёнинг – Учтепа қ. гидрологик пости бўйича сувнинг минераллашуви 554 мг/л га, шундан анионлардан сульфат-186 мг/л (33,6 %); катионлардан кальций -71,2 мг/л (15,3 %) га тенг бўлди. Шундай қилиб, бу ерда Қорадарё суви О.А.Алёкин таснифи бўйича сульфатли синф, кальцийли гуруҳ 2 типга ($\text{S}_{II}^{\text{Ca}}$) мансубдир.

Қорадарёнинг юқори оқимидан қуйи оқимига қараб, унинг суви кимёвий



1-расм. Ўртача кўп йиллик сув сарфлари ва ионларнинг тақсимланиши (Қорадарё – Қорабағиш қ.)


Кўриниб турибдики, тўлинсув даври ойларида минераллашувнинг кескин камайиши ва, аксинча, дарёларда сув кам бўлган ойларда унинг ортганлиги кузатилади. Алоҳида ионлар (Ca^{++} , K^+ , Mg^{++} , Na^+) йил давомида кам ўзгарса, HCO_3^- , SO_4^{--} , Cl^- анионлари кўпроқ ўзгаради.

Хулоса

1. Шундай қилиб, Қорадарё ўртача кўп йиллик оқимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, Қорабағиш қишлоғи ёнидаги гидропост бўйича ўртача кўп йиллик оқим хажми $1016 \cdot 10^6$

таркибининг ўзгариши қуйдагича: юқори оқими (Қорабағиш қ.) да гидрокарбонатли синф, ўрта оқимида (Асака қ., Андижон ш. постлари) да сувнинг сифати салбий томонга ўзгариб, сувда сульфат, натрий тузларининг ортиши кузатилади. Бунинг сабаби дарёнинг бу қисмида ўзганга катта миқдорда ташландиқ ва оқава сувларнинг кўшилишидир. Учтепа гидрологик постига келиб, Қорадарё суви сифатининг ижобий томонга ўзгариши шу постдан 3 км юқорида Норин дарёсидан тўйинадиган Катта Фарғона каналининг келиб кўшилиши натижасидир.

Қорадарёнинг юқори (Қорабағиш қ.) ва қуйи (Учтепа қ.) постлари маълумотлари бўйича сувнинг минераллашуви, оқимнинг ўртача кўп йиллик миқдорларининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши ўрганилди. (1 ва 2- расмлар).



2-расм. Ўртача кўп йиллик сув сарфлари ва ионларнинг тақсимланиши (Қорадарё – Учтепа қ.)

m^3 ни, Учтепа қишлоғи яқинидаги гидропост бўйича эса $4157 \cdot 10^6 \text{ m}^3$ ни ташкил қилади;

2. Қорадарёнинг гидрологик режимига таъсир кўрсатувчи антропоген омиллар каторига дарё сувидан тўйинадиган каналлар фаолияти киради. Средазгипроводхлопок маълумотларига асосан Қорадарёдан 22 та каналлар сув олади. Уларнинг йиғинди ўртача кўп йиллик сув сарфи $196 \text{ m}^3/\text{с}$ га тенг;

3. Дарё сувининг кимёвий таркибига таъсир қилувчи асосий омиллар – сувдан фойдаланувчи хўжаликлар, суғорма дехқончилик, коммунал-

маиший ва саноат корхоналаридир. Ҳозирги кунда коллекторларнинг сони 52 тага тенг бўлиб, улар дарё ўзанига жами

125 м³/с миқдордаги юқори даражада минераллашган сувни ташлайди.

Адабиётлар:

1. Алёкин О.А. Основы гидрохимии. - Л.: Гидрометеоздат, 1970.
2. Геткер М.Н., Куропатка Л.М., Рубинова Ф.Э. Об изменении общей минерализации воды реки Сырдарьи в связи с развитием орошения в её бассейне // Тр. САРНИГМИ, 1975, вып. 23 (104).
3. Ирригация Узбекистана. Том II. Современное состояние и перспективы развития ирригации в бассейне реки Сырдарьи. - Ташкент: Фан, 1975.
4. Степанов И.М., Чембарисов Э.И. Влияние орошения на минерализации речных вод. - М.: Наука, 1978.
5. Чембарисов Э.И., Бахритдинов Б.А. Химический состав оросительных вод Узбекистана. - Ташкент: Узбекистан, 1981.

Резюме

В статье рассмотрено изменение гидрологического и гидрохимического режима реки Карадарьи, с привлечением данных наблюдений за последние годы.

Resume

Data it measurements for last years were used for consideration of change hydrologic and hydrochemical regime of Karadarja River.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.

САНГЗОР ВА ЗОМИНСУ ДАРЁЛАРИНИНГ МАКСИМАЛ СУВ САРФЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Сирлибаева З.С., Довулов Н.Л.

Таянч сўзлар ва иборалар: *максимал сув сарфи генезиси, корреляция коэффициенти, функционал боғланиш, вариация коэффициенти, асимметрия коэффициенти, кафилик тузатмаси, номограмма, гидротехник иншоот.*

Сув сарфларининг максимал қийматларини ҳисоблаш гидротехник иншоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим ўринни эгаллайди. Жумладан, сув омборлари тўғонининг баландликларини, кўприклар, гидроузеллар қуришда, биринчи навбатда, сув миқдорларининг фавқу-лодда катта қийматлари ҳақида маълумотга эга бўлиш зарурати туғилади. Дарёларнинг максимал сув сарфларини ҳисоблаш масалаларини ўрганиш қадимдан гидролог-олимларни қизиқтириб келган. Жумладан, Д.Л.Соколовский (1969), И.Ф.Горошков (1979), М.А.Мамедов (1989), Ю.М.Денисов (1986), А.Ф. Шахидов (1999) ва бошқалар шу масала билан шуғулланганлар.

Дарёларнинг максимал сув сарфларини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, максимал сув сарфларининг таъминланиш эгри чизиғини генезиси жиҳатдан бир хил бўлган қийматлар асосида тузиш

тавсия қилинади. Максимал сув сарфлари генезиси бўйича қуйидаги ташкил этувчилардан иборат бўлади: а) ёмғир сувлари; б) эриган қор ва музлик сувлари; в) аралаш сувлар, яъни эриган музлик ва қор ҳамда ёмғир сувлари. Максимал сув сарфларининг қандай сувлар ҳисобига шаклланганлигини аниқлаш мақсадида муайян максимал сув сарфлари (Q_{\max}) ва улар кузатиш саналар бўйича ўртача кунлик сув сарфлари орасидаги боғланиш графигидан [$Q_{\text{ўрт.с}}=f(Q_{\max})$] фойдафланиш тавсия қилинади. Ушбу боғланишнинг корреляция коэффициенти $r \geq 0,8$ бўлса, максимал сув сарфлари эриган қор ва музлик сувлари ҳисобига шаклланган деб ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотда Зоминсу ва Сангзор дарёлари бўйича $Q_{\max}=f(Q_{\text{ўрт.с}})$ боғланиш графикларининг корреляция коэффициентлари мос равишда 0,52 ва 0,54 га тенг бўлди. Демак, Зоминсу ва Сангзор дарёларининг максимал сув

сарфлари эриган мавсумий қор ва ёмғир сувлари ҳисобига шаклланади.

Зоминсу ва Сангзор дарёлари бўйича максимал сув сарфлари, мос равишда, 1947-2010 ва 1949-2010 йиллар оралиғи учун олиниб, Зоминсу учун Q_{\max} нинг энг катта қиймати $108 \text{ м}^3/\text{с}$ (13.VI.1998й), Сангзор учун $95,1 \text{ м}^3/\text{с}$ (26.VI.1972й) га тенг.

Максимал сув сарфларининг кузатилиш саналарини таҳлил қилсак, Зоминсу бўйича Q_{\max} ларнинг 56,5% май ойига, 34,6% июнга тўғри келган. Сангзор бўйича эса 63,3% майда, 31,7% апрелда кузатилган.

Ўрганилаётган дарёлар бўйича Q_{\max} нинг керакли таъминланишдаги қийматларини аниқлаш учун \bar{Q}_{\max} , $C_{v\max}$, $C_{s\max}$, $P, \%$ параметрлари ҳисобланди. Натижада, Зоминсу (Дуоба қ.) учун 1947-2010 йиллар бўйича Q_{\max} ларнинг ўзгарувчанлик коэффициенти 1,43 га, Сангзор (Қирқ қ.) учун 1949-2010 йиллар учун 1,0 га тенг бўлди. Бизга маълумки, ушбу дарёларнинг ўртача йиллик сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффицентлари Сангзор учун 0,36 ни, Зоминсу учун эса 0,33 га тенг бўлган. Бу рақамлар максимал сув сарфларининг шаклланиши янада мураккаб жараён эканлигидан далолат беради.

Сув хўжалиги тизимида турли хил гидротехник иншоотларни (тўғонлар, кўприклар, гидроузеллар ва бошқалар) лойиҳалашда уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятлилигига қараб максимал сув сарфларининг керакли таъминланишдаги (Q_{\max} , $P\%$) қийматлари аниқланади.

Жумладан, гидротехник иншоотлар тўғони орқали сув ўтказиш қобилиятига қараб қуйидаги синфларга бўлинади [1]:

I синф иншоотлари: оқим билан таъминланиш фоизи $P=0,01$ бўлган, яъни 10000 йилда бир марта кузатиладиган сув сарфларининг максимал миқдорлари ($Q_{\max} = 0,01\%$) кўзда тутилади;

II синф иншоотлари учун $P=0,1\%$, $N=1000$ йил;

III синф иншоотлари учун $P=0,5\%$, $N=500$ йил;

IV синф иншоотлари учун $P=1,0\%$, $N=100$ йил;

V синф иншоотлари учун $P=5,0\%$, $N=20$ йил.

Ушбу синфлар бўйича Зоминсу ва Сангзор дарёларининг максимал сув сарфлари гидротехник иншоотларнинг турли синфлари учун ҳисобланди. Мисол тариқасида Зоминсу дарёси бўйича максимал сув сарфларини ҳисоблаш йўлини кўриб чиқайлик. Ҳисоблашлар қуйидагича олиб борилади:

а) максимал сув сарфлари кузатилган давр (1947-2010 йиллар) учун ўртача кўп йиллик қиймати $\bar{Q}_{\max}=10,5 \text{ м}^3/\text{с}$;

б) максимал сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициенти $C_{v\max}=1,43$;

в) асимметрия коэффициенти $C_s=4C_{v\max}$;

г) керакли таъминланишдаги максимал сув сарфлари (Q_{\max}) $P\%=K_{\max, \%} * \bar{Q}_{\max}$ ифода ёрдамида аниқланади.

Бундан ташқари, гидротехник иншоотларнинг лойиҳасини тузишда Q_{\max} . $P\%$ га “кафиллик тузатмаси” деган катталиқни киритиш тавсия қилинади. Ушбу тузатма курилаётган иншоотга янада каттароқ маъсулият юклайди. Кафиллик тузатмасининг қиймати ЛЕНГИДЭП ифодаси ёрдамида аниқланади [1]:

$$\Delta Q_{\max, \%} = \frac{a * E_p, \%}{\sqrt{n}} * \bar{Q}_{\max},$$

бу ерда: $\Delta Q_{\max, \%}$ - кафиллик тузатмасининг қиймати, $\text{м}^3/\text{с}$; $E_p, \%$ - таъминланиш эгри чизик ординатасидаги ўртача квадратли хатолик, унинг қиймати махсус номограммадан олинади; a - дарёнинг гидрологик жихатидан ўрганилганлик даражасини изоҳловчи коэффицент \bar{Q}_{\max} - максимал сув сарфларининг ўртача кўп йиллик миқдори, $\text{м}^3/\text{с}$.

Шундай қилиб, $Q_{\max, \%}$ ни ҳисоблашда “кафиллик тузатма”сини киритамиз ва қуйидаги ифода ёрдамида керакли таъминланишдаги максимал сув сарфларини аниқлаймиз:

$$Q_{\max, \%} = \bar{Q}'_{\max, \%} + \Delta Q_{\max, \%}.$$

Ҳисоблашлар натижалари 1 ва 2-жадвалда келтирилган.

**Гидротехник иншоотларнинг синфларига қараб Q_{\max} % ларнинг қийматлари.
Зоминсу дарёси-Дуоба қишлоғи**

Синф	P, %	N, йил	$Q_{\text{ўрт макс.}}$ м ³ /сек	$Q'_{\text{макс.}}$ %	$\Delta Q_{\text{макс. P}}$ %	$Q_{\text{макс. P}}$
I	0.01	60	10.5	266.7	57.88	324.58
II	0.1	60	10.5	147	29.24	176.2
III	0.5	60	10.5	89.5	16.99	106.4
IV	1.0	60	10.5	69.93	12.01	81.94
V	5.0	60	10.5	35.07	5.39	40.46

**Гидротехник иншоотларнинг синфларига қараб Q_{\max} % ларнинг қийматлари.
Сангзор-Қирқ қишлоғи**

Синф	P, %	N, йил	$Q_{\text{ўрт макс.}}$ м ³ /сек	$Q'_{\text{макс.}}$ %	$\Delta Q_{\text{макс. P}}$ %	$Q_{\text{макс. P}}$ %
I	0.01	60	16.87	261.5	40.20	301.7
II	0.1	60	16.87	156.2	22.6	178.8
III	0.5	60	16.87	101.7	15.63	117.3
IV	1.0	60	16.87	82.8	10.48	93.2
V	5.0	60	16.87	46.8	5.07	51.8

Хулоса. Ўрганилган дарёларнинг максимал сув сарфларини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, Зоминсу бўйича 1998 йилнинг 3 июнида кузатилган 108 м³/с га тенг бўлган максимал сув сарфи P=0,5 % ли қийматга

тўғри келди. Сангзор бўйича эса кузатилган максимал сув сарфи 95,1 м³/с ни ташкил қилиб, 1972 йилнинг 26 июнида кузатилган, бу қиймат P=1,0% га тўғри келди.

Адабиётлар

1. Алексеев Г.А. Статические методы в гидрологии. - Л.: Гидрометеиздат, 1977.
2. Горошков И.Ф. Гидрологические расчеты. - Л.: Гидрометеиздат, 1979.
3. Соколовский Д. А. Речной сток. - Л.: Гидрометеиздат, 1968.
4. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеиздат, 1965.

Резюме

В статье рассматриваются вопросы максимального стока рек Сангзор и Заминсу при наличии длительного ряда гидрологических наблюдений. Приводятся расчеты Q_{\max} P% для различных классов (I, II, III, IV, V) гидротехнических сооружений.

Resume

This article discusses issues of calculating the maximum runoff Sangzor and Zaminsu the presence long series of hydrological observations. Calculations Q_{\max} P% for different classes (I, II, III, IV, V) waterworks.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.

**КАДАСТР ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ГЕОДЕЗИК ВА КАРТОГРАФИК
ТАЪМИНОТИ**

Ражапбоев М.Х., Ойматов Р.К., Хикматуллаев С.И.

Таянч сўзлар: ер кадастри, геодезия, картография, аниқлик, план, карта, масштаб, GPS, координата тизимлари.

Геодезик ва картографик маълумотлар - бу ер майдонларининг кенглик бўйича жойлашиши, ҳолати ҳамда фойдаланишини текисликда қоғозга маълум бир масштабда акс эттирилган маълумотлардир. Ернинг кенглик жойлашиши шакли, томон-

ларининг нисбатлари, ёнма-ён жойлашган ерлар бўйича чегараларни белгиланиши билан тавсифланади. Бу маълумотлар ер кадастри маълумотларини кўргазмалигини таъминлайди, майдонларни қолиб кетиши ёки қайтарилиши ҳақида огоҳлантиради,

зарур бўлган маълумотларни доимий равишда ва объектив тарзда олишга имкон беради.

Геодезик ва картографик маълумотларсиз ер кадастрининг ҳеч бир таркибий қисми бўйича маълумотлар олиш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Бундай маълумотлар, одатда, ер устида тасвирга олиш, аэрофототасвирга олиш ҳамда фазодан тасвирга олиш ишлари натижасида олинади. Картографик маълумотлар ер кадастрининг асосий талабини - ер кадастри маълумотларининг зарурий аниқлигини таъминлаши зарур. Бу эса, ўз навбатида, картанинг масштабига боғлиқдир. Масштабни танлаш контурларнинг ўлчамларига, ердан фойдаланиш характери ҳамда хўжалик юритишнинг жадаллашганлик даражасига қараб амалга оширилади. Чўл ҳудудларида, яъни ер массивлари йирик контурлардан иборат бўлган жойлар учун 1:25 000 масштаби план ва карталардан фойдаланиш керак. Суғориладиган минтақаларда ҳамда ер турлари таркибида кўп йиллик дарахтзорларнинг миқдори кўп бўлган хўжаликлар учун 1:10 000 ёки 1:5 000 масштаби план ва карталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, кадастр карталарини юқоридаги келтирилган меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаши учун 1:500, 1:1 000, 1:2 000 масштабдаги топографик планлар зарур бўлади. Ушбу планларни яратиш учун давлат геодезик тўрларига боғланган таянч пунктларининг юқори аниқликдаги координаталар билан таъминланган бўлиши зарур. Шунинг учун ҳозирги вақтда кадастр ишларини юритишда, топографик планлар юқори аниқликда ўлчовчи GPS тизимларидан фойдаланиб тузилмоқда. Топографо-геодезик ишлар натижасида тузилган план ва картлар, ҳар хил турдаги комплекс ер тузиш тадбирларини ўтказишда ҳам асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Ер учасаткаси майдонини аниқлашда топографик планнинг масштаби муҳим аҳамиятга эга. Майдон ва ер участкаси майдони орасидаги боғлиқлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M = 25 \times 10^2 m_{p\%} \sqrt{P_{za}}. \quad (1)$$

Карталарнинг маълумотларга бойлиги, унинг кадастр ишларида фойдаланиш кўрсаткичларини белгилаб беради.

Картографик маълумотларнинг аниқлиги қуйидагича аниқланади $G = (1 - Q)$, бу ерда $Q = R_0 / R_M$; R_0 - топографик картанинг маълумотлиги (истеъмолчилар учун маълумотлар миқдорининг тўлиқлиги), R_M - берилган масштаб бўйича пландаги маълумотлар ҳажмининг коэффициенти, $R_0 = K \times N + 1.2n$, N - планда масштабли шартли белгилар билан тасвирланган участкалар сони, n - планда тасвирланган контурлар сони. Агар $Q > 1$ бўлса, картада ер чегаралари билан боғлиқ бўлган кадастр масалаларини ечиш мумкин бўлмайди. R_M ва K коэффицентлари ер участкаси майдони ва карта масштабига боғлиқ. Масалан, R_M коэффицентлари картанинг генерализациясига боғлиқ ҳолда 1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:5 000, 1:10 000 масштаб қаторлари учун 500, 330, 110, 30, 10 миқдорларига тенг бўлади. K коэффицентлари эса, ер участкаси майдонига боғлиқ ҳолда майдон $S = 1,5 \text{ м}^2$ га тенг бўлганда $K = 3.0$; $S = 10 \text{ м}^2$; $K = 2.7$; $S = 20 \text{ м}^2$ $K = 2.5$; $S = 100 \text{ м}^2$ $K = 2.0$.

Ер ажратиш ишлари маҳаллий ва шартли координата тизимлари ёрдамида бажарилади. Шунинг учун умумдавлат тизимлари билан маҳаллий ва шартли координаталар тизими орасида боғлиқлик бўлиши шарт. Карта ва планларни тузиш дастлабки планли ва геодезик баландлик таянч тармоқларини куришни талаб қилади. Йирик масштаби карта ва планларни тузишда олиб бориладиган геодезик съёмкалар учун зичлаш тўри таянч ҳисобланади. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган пунктларнинг зичлиги топографик съёмка масштабига боғлиқ бўлади. Масалан, 1:10 000 масштаби карта ва планлардаги бир-биридан 2-3 км узоқликдаги пунктлар трапецияда 4-5 тагача жойлашиши мумкин.

Анъанавий усулларда давлат геодезик пунктлари тўрларини боғлаш учун кўп вақт ва маблағ сарф қилинади. GPS тизимларидан фойдаланиб геодезик

таянч пунктлар тизимини яратишда эса жуда юқори даражада аниқликка эришилади ва кам вақт сарфланади.

Майдонларда ўлчаш ишларини олиб борганда, GPS тизимларининг анаънавий усуллардан устун томони қуйидагилар: пунктларнинг координаталарини аниқлашда юқори даражада аниқликка эришилади; ҳудуднинг ҳар қандай нуқтасида пунктлар координаталарини аниқлашда танг аниқлилик; теодолит йўлига нисбатан нуқталарнинг координаталарини аниқлашда кам вақт сарфланади; геодезик зичлаш тармоқлари тузишда камчиликларга йўл қўйилмайди; келажакда фойдаланиш учун олинган натижалар ГАТ (географик ахборот технологиялар) дастурлари ўқий оладиган форматларга ўтказиш мумкин.

Ер устини GPS тизимларидан фойдаланиб, аэрокосмик усулларда тасвирга олиш ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ер ресурсларини ўрганиш бўйича қуйидаги масалаларни ҳал қилиш имконини беради: қишлоқ хўжалик ерлари майдонларини кенгайтириш учун ер ресурсларини аниқлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш; ерларни сифат ҳолатини яхшилаш; тупроқни эрозиядан муҳофаза қилиш; шўрланиш ва ботқоқланишга қарши кураш; маҳсулдор ерларни ифлосланганлигини, аниқлаш ва йўқотиш иқтисодиётнинг турли тармоқларида ердан фойдаланишнинг мақбул назоратини амалга ошириш; атроф-муҳитга қишлоқ хўжалигининг таъсирини баҳолаш; қишлоқ хўжалик экинларини ишлаш муддатларини аниқлаш ва бошқалар.

Йирик масштабни кадастр планларини тузишда аэрофотосуратларнинг координаталарини боғлаш ишларида GPS тизимларида махсус нуқталарнинг координаталарини аниқлашда $10^{-10}D$ хатолик билан бажарилади. GPS тизимларида кадастр ишлари учун таянч нуқталар координаталарнинг хатоликлар йиғиндиси қуйидагича бўлади:

$$m^2 = m_1^2 + m_2^2 + m_3^2 + m_4^2, \quad (2)$$

бу ерда, m_1 -таянч нуқтанинг белги

хатолиги, m_2 -нуқтанинг ўрнини аниқлаш хатолиги, m_3 -давлат геодезик тармоқлари пунктларига нисбатан бевосита координаталарни аниқлаш хатолиги, m_4 -WGS-84 (бутун дунё координаталар тизими) тизимидан нуқталар координаталарини ҳисоблаш хатолиги.

Бир частотали приёмниклардан WGS-84 тизимларига ўтишда координаталарни аниқлашнинг ўртача квадратик хатолиги қуйидагича аниқланади: $m_3 = 1 \text{ см} + 10^{-6} D$, (15 км гача), P-12 типдаги икки частотали приёмниклар учун эса $m_3 = 5 \text{ мм} + 10^{-6} D$ га тенг бўлади (бунда D 100 км гача). $m_1 = 0,2 \text{ м}$ (1:2 000).

Бир турдаги координаталар тизимидан бошқа турдаги координата тизимларига ўтишнинг ҳар хил усуллари мавжуд. Маълумотларни қайта ишлаш параметрлари маҳаллий координаталар тизими билан WGS-84 координаталар тизимидаги аниқланилаётган нуқтанинг геодезик координаталарини таққослаш орқали ҳисобланади. 1.5-4 см аниқликка эришиш учун сунъий йўлдош маълумотларини йиғишга кетган вақт ҳар бир нуқтада 1 соатни ташкил этади. Сунъий йўлдошларнинг геометрик жойлашуви ва сонига қараб кузатиш ишларини 20-40 дақиқагача қисқартириш мумкин (бунда аниқлик 0,07 м ташкил қилади).

Агар бир вақтнинг ўзида 20-40 дақиқа оралиғида 6 тадан кам бўлмаган сунъий йўлдошлардан фойдаланилса, аниқлик 0,05 м тенг бўлади. Ушбу усулда анаънавий усулларга нисбатан ишлар ҳажми 2,4-4,3 марта қисқартирилишига эришиш мумкин.

Лойихаланилаётган тармоқлар аниқлигининг иқтисодий самарадорлигини асослашда, берилган дисперсияда ўлчаш натижаларини математик моделлаштириш усулидан фойдаланиб бажариш мумкин. Бунда топшириқларнинг ечими берилган тизимда нормал тенламаларнинг тескари матрицасини ҳисоблаш ишлари олиб борилади.

Кадастр ишларини юритишда самарали ишларни олиб бориш учун йирик масштабни план ва карталарнинг геодезик ва картографик асосларини янгилаб туриш зарур. Бунинг учун

ҳозирги кунда олиб борилаётган кадастр ишлари учун замонавий геодезик ва картографик технологиялардан фойдаланиш кифоя. Чунки бундай замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида юқори даражада аниқликка ва самарадорликка эришилади.

Давлат ер кадастрини юритиш маълумотларини олиш, қайта ишлаш, уларни ер кадастри хужжатларига тушириш, ерларнинг ҳуқуқий, табиий ва хўжалик ҳолатларини ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш,

тўплаш ҳамда қайта ишлаш, бу ўзгаришларни ер кадастрининг ҳисоб ва ҳисобот хужжатларида ёритиб бориш каби мураккаб жараёнлар. Шунинг учун бундай мураккаб жараённи осонлаштириш, ер тўғрисидаги, ундан фойдаланиш ва умуман ер кадастрини юритиш бўйича маълумотларни замон талаб даражасида ушлаб туриш тезкор равишда зарурий маълумотларни олиш мақсадида бугунги кунда замонавий геодезик ва картографик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Бобожонов О.Р., Рахмонов Қ.Р., Гофиров А.Ж. Ер кадастри. Ўрта махсус, касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: «Чўлпон», 2002.
2. Гладкий В.Н., Спиридонов В.А. Городской кадастр и его картографо-геодезической обеспечение. – М.: «Недра», 1992.
3. Мирзалиев Т., Мусаев И. Картография. – Тошкент: “Зиёнур”, 2007. - 160 б.
4. Нурматов Э., Ўтанов Ў. Геодезия. – Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Резюме

В статье анализирована эффективность использования современных картографических и геодезических методов для разработки крупномасштабных кадастровых карт и планов.

Resume

In the article analysed effectiveness of utilization of modern cartographic and geodetic methods for the development of large-scale cadastre maps and plans.

Тавсия этувчи:

т.ф.д. Сафаров Э.Ю.

ГИДРОЭКОЛОГИК КАРТАЛАРНИ ТУЗИШДА ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯ ЖАРЁНИ: АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Саидова С.Р., Сафаров Э.Ю., Сайидов А.К.

Таянч сўзлар: *Гидроэкология, ГИС технологиялари, генерализация, маълумотлар базаси, карта, методлар, изолиния усули, автоматик генерализация.*

Гидроэкологик карталарда дарёлар, қўллар ва уларнинг худудда тарқалиши ҳамда сув массаларининг экологик ҳолати тасвирланади. Карталарни тузиш жараёнини иккита мустақил босқичга бўлиш мумкин: а) кузатиш пунктлари маълумотларини математик қайта ишлаш; б) бевосита карта тузиш ишлари. Картографик генерализация жараёни гидроэкологик картага олишда ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур мақолада гидроэкологик карталарни тузишда бажариладиган генерализация жараёнининг анъанавий ва замонавий методлари (ГИС асосида) баён қилинган.

Сув объектлари ҳақидаги маълумотлар “Ер усти сувлари ресурслари”

йилномасида келтирилади, унда кундалик, декадалик ва йиллик дарёлар оқими ҳақида маълумотлар берилади. Ер усти сувларини гидроэкологик баҳолаш сув объектнинг бутун оқими бўйича сувлари миқдори ва унинг таркиби ҳақидаги маълумотларнинг ўзгаришини таърифлайди [3].


Гидроэкологик картани тузиш учун ўтказилган тадқиқотларга дарёлар оқими, шунингдек, сувнинг кимёвий таркибининг кўп йиллик кўрсаткичлари республика Ўзгидрометтармоқлари ва бошқа кўплаб ташкилотлар маълумотларидан олинди. Бу маълумотларни математик қайта ишлаш учун ГИС-технологияларидан фойдаланилди, бу ўз

навбатида маълумотларни бир-бири билан йиллар бўйича таққослаш, характерли бўлмаган йиллар кўрсаткичларини ташлаб юбориш ва бошқа бир канча имкониятларни беради.

Маълумотларни қайта ишлаш натижасида гидроэкологик кўрсаткичларни таърифлайдиган кўплаб боғлиқлик графиклари тузилди (гидроэкографиклар).

Олинган натижаларни ҳар хил картографик методлар асосида карталарда кўрсатилиши мумкин. Масалан, *майдон методид* -

изолиниялар, картограммалар, сифатли ранг усуллари орқали.



1-расм. Гидроэкографиклар

1-жадвал

Гидроэкологик карталарни тузишда маълумотларни математик қайта ишлаш босқичлари

Математик қайта ишлаш босқичлари	ГИСда маълумотларни қайта ишлаш	Картани тузишда босқичнинг аҳамияти
Ўртача гидроэкологик кўрсаткичлар ҳисобланаётган даврни танлаш	Маълумотлар базасига гидроэкологик, статистик кўрсаткичларни киритиш. Боғлиқлик графикларини тузиш (гидроэкографиклар) (DBMS Catalog, Object processing).	Картада типик хусусиятларни тасвирлаш; максимал ва минимал кўрсаткичли йилларни олиш, табиий циклларни танлаш
Узун дарёларда ўтказилган қисқа кузатиш қаторларини танланган даврга яқинлаштириш	Боғлиқлик графикларини ўрганиш, кузатиш пунктлари маълумотларини таҳлил қилиш, уларни жойлаштириш (object thinning)	Карта учун таққосланган кўрсаткичларни олиш, пунктда битта даврга хос ҳисобланган кўрсаткичларни тасвирлаш
Жойнинг табиатини эътиборга олган ҳолда гидроэкологик хусусиятни ифодаладиган коэффициентларни ҳисоблаш формула-ларини танлаш	Компьютерда статистик ҳисоблаш ишларини бажа-риш, ГИСда гидроэкологик кўрсаткичларни (узунлик, тармоқлар қалинлиги, сувни кимёвий, гидрометрик ва гидрологик характеристикаларини инobatга олиб ва бошқ.) тузиш	Гидроэкологик хусусиятлар учун худуднинг тупроқлари, жарлашган-лиги гидрокимёвий кўрсаткичларини таркибини ҳисобга олиш

Изолиниялар усули географик зоналик ва вертикал пояслик қонуниятларига асосланади ва у орқали йиллик ва мавсумий оқимлар, каттиқ оқим ва бошқалар тасвирланади. Бу усулда гидрологик станциялар ва постлардаги сувлар сарфи ўртача қиймати олинади, бу қиймат дарёнинг сув ҳавзаси геометрик марказига боғланади. Республикамизнинг йирик дарёлари - Амударё ва Сирдарё бўйича маълумотлар тўпланиб, уларнинг гидроэкологик кўрсаткичлари тасвирланган.


Чизиқли метод – карта тузиш учун асосга кўп йиллик ўртача оқим кўрсаткичларини берадиган пунктлар қўйилади ва чизиқли белгилар учун шкала



2-расм. Гидроэкологик картадан намуна

Гидроэкологик карталарни тузишда генерализация ишлари босқичлари

№ т/р	Карта тузиш босқичлари	Генерализация ишлари жараёни (анъанавий методлар асосида)	Генерализация ишлари жараёни (замонавий методлар асосида, ГИС дастурлари номи)
1	Картанинг мазмунини аниқлаш	Дарёлар режимининг гидроэкологик хусусиятларини танлаш	ГИС дастурларини танлаш (ArcGIS ёки MapInfo) Дастурлар каталогидан функционал амалларни ўрнатиш (Generalize, Simplify)
2	Гидроэкологик кузатиш натижаларини дастлабки қайта ишлаш	Гидроэкологик маълумотларини типик таърифлайдиган кузатиш пунктларини танлаш. Кузатиш пунктлари маълумотларини қайта ишлаш: гидроэкологик ҳолатни ҳисоблаш учун давр танлаш (2000-2009 йй.); қисқа даврли кузатишларни (2005) танлаган қаторга яқинлаштириш; ҳудуднинг ўзига хос маҳаллий факторларини ҳисобга олиш	ГИС дастурига умумгеографик асосни ва карта тузишга зарур бўлган картографик, гидроэкологик статистик материалларни киритиш. Географик асос картасини векторли ҳолатга ўтказиш. ГИС–технологияларида гидроэкологик маълумотлар базасини ҳосил қилиш. Гидроэкографикларни тузиш (DBMS Catalog, disperse points).
3	Карта тузиш методларини ва ҳодисалар учун картографик тасвирлаш усулларини танлаш	Гидроэкологик картанинг мақсадига ва дарёлар режими гидроэкологик кўрсаткичларини тасвирлашга мос келадиган карта тузиш методларини (майдонли, чизиқли, кузатиш пунктлари бўйича) танлаш	ГИСда векторли гидроэкологик маълумотларни тасвирлаш учун картографик тасвирлаш усулларини танлаш, тенгчизиқлар, сифатли ранг ва бошқ. (object thinning)
4	Картанинг легендасини ишлаб чиқиш	Гидроэкологик карта легендасини ишлаб чиқиш, (изолиниялар, бир жойга тегишли диаграммалар, картограммалар ва бошқа шкалаларни танлашни асослаш)	Мавзули карта учун картограмма шкаласини, юза диапазонлари ва жойлаштирилган диаграммаларни танлаш ва умумлаштириш ишларини олиб бориш (removing nodes and generalization)
5	Картани тузиш	Гидроэкологик боғлиқлик графигидан фойдаланиб, генерализация турини танлаш; чизиқли белгиларни, изолиниялар кўринишини ва умумий тасвирни мақсадли ҳосил қилиш	Автоматик генерализация жараёнини бажариш, бунда чизиқларни силлиқлаш, майдонларни бирлаштириш ва бошқ. (Object processing, Erase object)
6	Картани жиҳозлаш	Гидроэкологик картанинг асосий ва иккинчи даражали мазмунини ажратиш учун уни рангли жиҳозлаш йўллари мақсадли ишлаб чиқиш	Ҳисобот дарчасини ҳосил қилиш, картани жиҳозлаш. Гидроэкографикларни ва қирқим–карталарни жойлаштириб, карта компоновкасини ишлаб чиқиш (Smooth Polyline)



3-расм. Гидропостлар маълумотлари

танланади [2. 4]. Бунда гидропостларга дарё узанига перпендикуляр равишда кузатиш пунктларида лента танланади, лента дарё узани чизигининг устига қўйилади. Дарёлар сувларининг гидроэкологик кўрсаткичлари гидропостлар бўйича ҳисобланиб, сув сарфи ва минерализацияси кўрсаткичлари дарё узунлиги бўйича тасвирланган.

Кузатиш пунктлари бўйича карта тузиши – бу метод бўйича бир жойга тегишли диаграммалар орқали (гидроэкографлар) гидропостларда гидроэкологик характеристикалар тасвирланади. Метод вақт мобайнида

(ойлар, мавсумлар, сувли йиллар ва б.) гидроэкологик характеристикаларни тасвирлаш имконини беради. Бир жойга тегишли диаграммаларда сувлар минерализациясининг ионли таркиби – Ca^{+2} , Mg^{+2} , Na^{+2} , R , HCO_3^- , SO_4^- , Cl^- кўрсаткичлари берилган.

Гидроэкологик карталарни тузишда генерализация жараёни карта тузишнинг барча босқичларида олиб борилади. Бундай ишлар жараёни, тартиби ва эътиборли хусусиятлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

Автоматик (манتيкий-математик) ёки “машинали” генерализация ишлари гидроэкологик карталарда дарёлар эгрибугри контурлари ва чизикларини силликлаш, изочизиклар ва бўлакланган юзалар контурларининг чегараларини соддалаштиради, картографик тасвирга ўзгартиришлар киритиши мумкин. ГИС бу соҳада аппроксимациялайдиган функциялардан фойдаланилади, улар ёрдамида тренд юзаси, воқеа ва ходисанинг фазовий жойлашувининг асосий тамойили олинади. Филтрлашда генерализация қилинаётган тасвир (карта ёки сурат) турли катталиқдаги картографик тўрдан ўтказилиб, генерализация жараёни самарасини ҳосил қилади.

Адабиётлар:

1. Берлянт А.М., Мусин О.Р., Собчук Т.В. Картографическая генерализация и теория фракталов. – М., 1998.
2. Географическое картографирование: карты природы // Под. ред. Е.А.Божилыной. – М., 2010.
3. Пирназаров Р.Т., Ҳикматов Ф.Ҳ. Тўғонли кўлларнинг гидрометеорологик режими ва улар хавфини камайтириш масалалари. – Тошкент, 2013.
4. Рулева С.Н., Чалов Р.С., Чернов А.В. Принципы и методика составления мелкомасштабных карт русловых процессов // Шестое межвузовское координационное совещание по проблеме эрозийных, русловых процессов. – Ташкент, 1991.

Резюме

В статье изложены этапы составления гидроэкологических карт, а также традиционные и современные подходы по генерализации при выполнении работ на каждом этапе составления карт.

Resume

The article represents stages of development of hydro-ecological maps. Moreover, it illustrates traditional and modern approaches of generalization in every stages of the map making process.

Тавсия этувчи:

доц. Эгамбердиев А.

ТОПОКАРТАДАГИ БАЛАНДЛИКЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Абдумўминов Б.О., Сатторов А.У., Эрназаров И.

Таянч сўзлар: баландлик, топокарта, формула, таққослаш ва математик усуллар, тизим, дастур.

Бугунги кунда топокартадаги нуқталар баландлигини аниқлашда турли минтақа ва давлатларда ҳар хил баландлик тизимлар Болтиқ (МДХ давлатлари), Normalhöhenull (Германия),



а)

Amsterdam Ordnance Datum (Нидерландия) ҳамда замонавий GPS (АҚШ), ГЛОНАСС (Россия), DORIS (Франция) ва Galileo (Европа давлатлари) навигацион тизимлардан фойдаланилмоқда.



б)

1-расм. Кронштадт футштокиннинг ташқи (а) ва ички (б) кўриниши

Лекин бу тизимларда аниқланаётган баландликлар бир-биридан фарқ қилади. Бу баландлик тизимлари орасидаги фарқни топиш учун турли хилдаги усуллар мавжуд бўлиб, улар ичида энг кўп ишлатиладиган усул бу Молоденский усули ҳисобланади. Молоденский усули ёрдамида WGS-84 ва СК-42 тизимлари

орасидаги фарқни аниқлаш мумкин. Бунинг учун бизга WGS-84 тизимида олинган координаталар (B, L, H) берилган бўлса, WGS-84 ва СК-42 тизимлари орасидаги фарқни аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:


$$\left. \begin{aligned} B_{WGS-84} &= B_{СК-42} + \Delta B \\ L_{WGS-84} &= L_{СК-42} + \Delta L \\ H_{WGS-84} &= H_{СК-42} + \Delta H \end{aligned} \right\}, \quad (1)$$

бу ерда – $B_{WGS-84}, L_{WGS-84}, H_{WGS-84}$ WGS-84 тизимида олинган кенглик, узоклик ва баландлик;

– $B_{СК-42}, L_{СК-42}, H_{СК-42}$ СК-42

тизимиде олинган кенглик, узоклик ва баландлик;

– $\Delta B, \Delta L, \Delta H$ WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари орасидаги фарқ.



2-расм. Баландликлар орасидаги фарқ

WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари орасидаги фарқи $\Delta B, \Delta L, \Delta H$ ларни

топиш учун эса қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$\begin{aligned} \Delta B &= \frac{\rho^*}{M+H} [-T_X \sin B \cos L - T_Y \sin B \sin L + T_Z \cos B + \Delta a_E (N e^2 \sin B \cos B) / a_E + \\ &+ \frac{N \Delta e_E^2}{2} \left(\frac{N^2}{a_E^2} + 1 \right) \sin B \cos B] + (1 + e_E^2 \cos 2B) (\omega_X \sin L - \omega_Y \cos L) - \rho^* e_E^2 \mu \sin B \cos B; \end{aligned} \quad (2)$$

$$\Delta L = \frac{\rho''}{(N+H)\cos B} (-T_x \sin L + T_y \cos L) - \text{tg} B (1 - e_E^2) (\omega_x \cos L + \omega_y \sin L) + \omega_z; \quad (3)$$

$$\Delta H = T_x \cos B \cos L + T_y \cos B \sin L + T_z \sin B - \frac{a_E \Delta \alpha_E}{N} + \frac{\Delta e_E^2 N \sin^2 B}{2} + e_E^2 N \sin B \cos B \left(\frac{\omega_x}{\rho''} \sin L - \frac{\omega_y}{\rho''} \cos L \right) + \mu (N + H - e_E^2 \sin^2 B). \quad (4)$$

бу ерда - $\Delta \alpha$ - WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари сиқилиш коэффициентлари орасидаги фарқ;

Δa - WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари катта ярим ўқлари орасидаги фарқ;

e^2 - WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари эксцентритетлари орасидаги фарқ;

Улар қуйидаги формулалар орқали ҳисоблаб топилади;

$$\Delta a = a_{\text{WGS-84}} - a_{\text{СК-42}}, \quad \Delta \alpha = \alpha_{\text{WGS-84}} - \alpha_{\text{СК-42}}, \quad e^2 = 2\alpha - \alpha^2 \quad (5)$$

бу ерда N (биринчи вертикал баланлик) – қуйидаги формула орқали ҳисобланади;

$$N = \frac{a}{\sqrt{1 - e^2 \sin^2 B}} \quad (6)$$

WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари катта ярим ўқи ва эксцентритети қуйидагига тенг:

WGS-84: $a=6378137.000$ м,
 $e^2=0.00669438$.

СК-42: $a=6378245.000$ м,
 $e^2=0.00669342$.

Бундан ташқари, ҳисоблаш ишларида қуйидаги қийматлар ишлатилади:

$$\mathbf{w} = (\omega_x, \omega_y, \omega_z)^T = (0.0'', 0.35'', 0.66'')^T, \quad \mathbf{T} = (T_x, T_y, T_z)^T = (25.0, -141.0, -90.0)^T; \quad [2].$$

Юқорида берилган формулалар орқали баландликларни ҳисоблаб чиқиш ва солиштириш мумкин. Баландликларни солиштиришда WGS-84 тизимида

олинган 1 та нуқтанинг геодезик координаталари берилган бўлиб, унинг қийматлари қуйидагига тенг:

1-жадвал

Кенглик	Узқолик	Баландлик
$B=38^{\circ} 20' 16,1''$	$L=66^{\circ} 06' 21,7''$	$H=790,5$ м.

Баландликни ҳисоблаш Microsoft Excel дастурида бажарилди. Microsoft Excel дастурида ΔH , яъни WGS-84

тизими ва СК-42 тизимлари баландликлари орасидаги фарқни топиш учун махсус алгоритм тузиб олинди.

2-жадвал

№	А	В	С	Д
	Қийматлар	Ҳисобланган қийматлар	Радиян қиймат	Градус қиймат
1	$H=$	790,5 м		
2	$T_x=$	25 м		
3	$T_y=$	-141 м		
4	$T_z=$	-90 м		
5	$\sin B=$	0,620296717	0,669120935	38,33780556
6	$\cos B=$	0,78436725	0,669120935	38,33780556
7	$\sin L=$	0,914296573	1,15376784	66,10602778
8	$\cos L=$	0,405045401	1,15376784	66,10602778
9	$a_E=$	6378137 м		
10	$N=$	6386367,252 м		
11	$\Delta \alpha_E=$	0,00000048 м		
12	$\Delta e^2_E=$	0,00000096 м		
13	$e^2=$	0,00669438 м		
14	$R=$	6370741,813 м		
15	$x=$	2029227,784 м		
16	$y=$	4580513,703 м		
17	$z=$	3935413,582 м		
18	$\Delta H=$	-147,8219515 м		

Алгоритм тузиш жараёнида координаталарнинг синус ва косинус қийматлари ҳисобланди ($\sin B$, $\cos B$, $\sin L$, $\cos L$). Бу қийматларини ҳисоблаш учун аввал радиан сўнгра градус қийматлар ҳисоблаб топилади. Ундан кейин юқорида келтирилган формулалар асосида махсус алгоритм тузилади ва ҳисоб ишлари бажарилади. Ҳисоблаш натижалари қуйидаги жадвалда акс

этирилган:

WGS-84: $B=38^{\circ} 20' 16,1''$, $L=66^{\circ} 06' 21,7''$, $H=790,5$ м.

Демак, юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики топокарталардаги баландликларни қанчалик аниқроқ ҳисоблаб топсак, шунча аниқроқ топокарталар тузиш имкони мавжуд бўлади.

Адабиётлар:

1. Mirmakhmudov E, Safarov E, Fazilova D. Modification of vertical reference frame of Uzbekistan. United Nations/Latvia Workshop on the Applications of Global Navigation Satellite Systems 14 – 18 may 2012.
2. Мирмаҳмудов.Э.Р. Космическая геодезия. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎзМУ, 2011.
3. Абдумўминов Б.О. Ўзбекистон Республикаси топокарталари баландлик асосларини ўрганиш. Маг. дисс. - Т.: ЎзМУ, 2012.

Резюме

Статья посвящена различным методам измерения высот, обозначенных на топокартах. Приводятся математические формулы расчета и их результаты в виде таблиц.

Resume

The article is dedicated to different methods measurement of heights, represented in the topological maps. Represented mathematical formulas calculation and their results in the form of table.

Тавсия этувчи:

т.ф.д.Сафаров Э.Ю.

КАРТОГРАФИК ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ ВА ОПЕРАТОРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сайидов А. К.

Таянч сизлар: картография, генерализация, карта, раямли маълумот, компьютер, ахборотлар, модель, топография, рекогносцировка.

Картографик генерализация бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларини мутахасислар XX асрнинг бошларидаёқ адабиётларга киритганлар. Машхур немис картографи Эккерт 1908 йили ўзининг “Die Kartenwissenschaft” китобида “Карталар яратишнинг мураккаб жараёнлари генерализация асосида ётади, чунки у картографдан фақат объектив фактларга асосланиб қолмасдан, балки субъектив жиҳатдан таҳлил қилишни ҳам талаб этади”, деб ёзган эди [2]. Н. Н. Баранский ҳам “Кичрайтириш, лекин қандай кичрайтириш керак? Тўғри, кичрайтириш керак, яъни ўрганилаётган объектнинг асосий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда кичрайтиришни амалга ошириш зарур. Айни шу ўринда генерализация ўз вазифасига киришади, яъни умумлаштириш, асосийларини танлаб олиш”, деб

таъриф берган эди [1]. Райсз генерализациянинг учта асосий қисмларини – комбинациялаш, олиб ташлаш ва содалаштиришни аниқлаб берган бўлса, Робинсон ва унинг ҳамкасблари бу жараёни тўртта қисмга ажратган: танлаб олиш, содалаштириш, таснифлаш ва символлаштириш [4, 5]. Мазкур мақолада картографик генерализациянинг автоматлаштириш жараёнида мавжуд операторлар ҳамда моделларнинг таҳлили келтирилган.

Рақамли муҳитда ёки компьютерларга асосланган генерализация бўйича МакМастер ва Ши: “Генерализация жараёни кўплаб вазифаларни ўз ичига олган бўлиб, уларга қуйидагилар киради: рақамли маълумотлар ҳажмини камайтириш; масштабни бошқариш; статистик таснифлаш ва символлаштириш. Рақамли генерализация – бу маълумотлар базаси-

дан картографик ёки символли кодланган малумотларни олиш, деб таърифланиши мумкин” [4]. Улар рақамли генерализация мақсадларини қуйидагича ифодалашган: маълумотлар ҳажмини, микдорини ва турини камайтириш; маълумотларни картанинг мақсади ва кимлар учун мўлжалланганлигига қараб картографик тасвирлаш; танланган масштабда картанинг график жиҳатдан аниқлигини сақлаб қолиш.

Рақамли генерализациянинг назарий муаммоси генерализация қилинадиган ҳудудларни топиш ва мос бўлган операторлар орқали генерализацияни амалга ошириш билан боғлиқ. Қуйидаги бўлимларда ушбу операторларнинг таҳлили кўриб чиқилади.

Генерализация операторларининг таркиби. Бугунги кунча, анъанавий ҳамда рақамли генерализация жараёнларининг бир неча моделлари ишлаб чиқилган, уларнинг аксарияти генерализация жараёни учун мос келадиган операторларни аниқлашга бағишланган. Робинсон ўзининг “Картография элементлари” китобида генерализациянинг фундаментал операторларини ва танлаб олиш, соддалаштириш, таснифлаш каби омилларни таърифлайди, уларга математик функцияларни киритиб назарий модель ишлаб чиқади [5]. Брассел ва Вайбел ҳам танлаб олиш, соддалаштириш, комбинациялаш ва объектларнинг жойларини ўзгартириш каби асосий операторларни муҳокама қилиб, генерализация таркибини ишлаб чиқадилар [6]. 1990 йилларнинг бошларида МакМастер ва Ши генерализация жараёнининг нима учун, қачон ва қандай тарзда амалга оширилишини, автоматик генерализация учун талаб қилинадиган операторларга урғу берган концепциявий структурасини ишлаб чиқади [4].

Робинсон модели. Робинсон ва унинг ҳамкасблари генерализация жараёнини тўла ифодалаш учун биринчи расмий модель ёки таркибни ишлаб чиқди. Унда бу жараён иккита катта қисмга ажратилади: танлаб олиш (қайта ишлашдан олдинги кадам) ва

объектларнинг геометрик ҳамда статистик бошқарилишини талаб этадиган ҳақиқий генерализация жараёни. Танлаб олиш маълумотлар базасида қолдириладиган (ёки олиб ташланадиган) объектларни аниқлашни талаб этади. Генерализация эса соддалаштириш, таснифлаш ва символлаштириш жараёнларини ўз ичига олади. Соддалаштириш объектлардаги зарур бўлмаган тафсилотларни ўчириш; таснифлаш - объектларни тоифаларга ажратиш; символлаштириш - уларни график тасвирланиши билан боғлиқ жараёнлардан иборат бўлади.

Брассел ва Вайбел модели. Брассел ва Вайбел Цюрих университетида топографик карталарда генерализация жараёнини олиб бориш усулларини ишлаб чиқган. Уларнинг тарқиқотлари иккита асосий мақсаддан иборат бўлган: турли жой ҳолатига, карта масштабига ва мақсадларига мос келадиган топографик генерализация усулларини (стратегияларни) ишлаб чиқиш; иккинчиси, ушбу усулларни имкони борича тўлароқ тарзда автоматлашган муҳитда қўллаш олиш. Натижада, улар бешта босқичдан иборат топографик генерализация моделини ишлаб чиқдилар: структура рекогносцировкаси, жараён рекогносцировкаси, жараённи моделлаштириш, уни амалга ошириш, маълумотларни намоёни этиш ҳамда натижаларни баҳолаш. Структура рекогносцировкасида махсус картографик объектлар ва уларнинг фазовий ўзаро муносабати ҳамда муҳимлиги бўйича ахборотлар маълумотлар базасидан танлаб олинади. Жараён рекогносцировкасида эса зарур бўлган операторлар ва параметрлар оригинал маълумотлар билан нима қилиш кераклиги, қандай турдаги конфликтларнинг ечимини топиш ва қайси турдаги маълумотлар яратилаётган картадан ўрин эгаллаши билан боғлиқ ҳолда аниқланади. Жараённи моделлаштириш эса, ўз навбатида қоида ва омилларни танлаб олади, яъни аниқ алгоритмик кўрсатмаларни белгилайди. Брассел ва Вайбел моделининг сўнгги

босқичлари жараёни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, турли ишлаб чиқилган қодалар ва усуллар асосида генерализация, маълумотларни намойиш этиш ва уларни баҳолаш ишларини амалга оширади. Муаллифлар ўз тадқиқотлари доирасидаги ҳар бир операторнинг генерализация ишларини амалда бажаришда қандай қўлланилишига ҳам таъриф бериб ўтишди.

МакМастер ва Ши модели. Генерализация жараёнининг батафсил, тушунарли, концепциявий моделини яратиш учун МакМастер ва Ши учта элементни ажратиб кўрсатади: назарий асослар ёки генерализациянинг мақсади, яъни нима учун генерализация олиб борилади; картометрик баҳолаш ёки қайси вазиятда генерализация ўтказилди; ниҳоят, махсус фазовий ва атрибутив трансформациялар, ёки генерализация қандай қилиниши керак. МакМастер ва Монмонир генерализация операторларини вектор ва растр тарзидаги қайта ишлаш жараёнларига бўлиш структурасини таклиф қилдилар. Вектор ёки растр генерализацияси учун операторлар тубдан бошқача. Векторга асосланган амаллар мураккаброқ усулларни талаб

этади, чунки улар х-у координата жуфтлигидаги сонлар устида амаллар олиб борилиши билан бажарилади. Растр шаклидаги генерализацияда эса, бу жараён анчагина осон кечиб, объектлар орасидаги яқинлик муносабатлари аниқланади.

Юқорида таҳлил қилинган операторлардан ташқари Берд томонидан генерализациядаги цензурага (ценз, норма шартлари) асосланган классификация ишлаб чиқилган. Унда тўртта чеклаш ажратилади: 1) графикли, 2) таркибий, 3) методни қўллаш ва 4) услубий. Берд қуйидаги асосий синфларни ажратиб кўрсатади: 1) объектлар микдорини камайтирувчи операторлар (танлаб олиш, гуруҳлаш, боғлаш ва бирлаштириш), 2) фазовий тасвирни соддалаштирувчи операторлар (боғлаш, бирлаштириш, ўчириш ва соддалаштириш), 3) атрибутив маълумотларни соддалаштирувчи операторлар (таснифлаш).

Ҳозирги кунгача турли тадқиқотлар, изланишлар олиб борилишига қарамасдан ҳар томонлама мукамал бўлган генерализация модели мавжуд эмас.

Адабиётлар:

1. Баранский Н. Н. Генерализация в картографии и в географическом текстовом описании // Ученые записки МГУ, вып. 119, кн. 2. – М.: Изд-во МГУ, 1946. - С. 180-205.
2. Eckert M. (1921): Die Kartenwissenschaft, Forschungen und Grundlagen zu einer Kartographie als Wissenschaft. Berlin und Leipzig.
3. Joao, E. M., (1998) Causes and Consequences of Map Generalization. - London: Taylor and Francis.
4. McMaster, R.B. and K.S. Shea, 1988. Cartographic generalisation in a digital environment: a framework for implementation in a geographic information system. Proceedings of the GIS/LIS'88, 29 November – 30 December 1988, Antonio, Texas, USA.
5. Robinson H., Randall D. Sale, Joel L. Morrison, (1978). Elements of Cartography. Wiley.
6. Weibel R. and Dutton, G. (1998). "Constraint-based automated map generalization", Proceedings of the 8th Spatial Data Handling Symposium. Vancouver, Canada, July 12-15.

Резюме

Статья посвящена анализу существующих алгоритмов и операторов генерализации и проведена оценка моделей генерализации.

Resume

The article is dedicated to the analysis of algorithms and operations of cartographic generalization, assessing generalization models.

Тавсия этувчи:

т.ф.д. Сафаров Э.Ю.

ЎЗБЕКИСТОН СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК – МЕЛИОРАТИВ ХОЛАТИНИ ЎРГАНИШДА КАРТОГРАФИК МЕТОДНИНГ РОЛИ

Пренов Ш.М.

Таянч сўзлар ва иборалар: суғориладиган ерлар, экология, мелиоратив ҳолат, карта, тупроқлар, шўрланиш, антропоген омил, мелиоратив карта.

Маълумки суғориладиган ерларнинг унумдорлиги кўп томонлама уларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ, зеро табиатни барча компонентларида бўладиган воқеа ва ҳодисалар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун суғориладиган ерлар географиясини изчил ўрганган ҳолда ҳудудда зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.

Мелиоратив тадбирларни режалаш ва уларни амалга ошириш йўллари ва методлари жуда кўп. Бу методларнинг ичида мелиоратив картографик методи ўзига хос ўрнига эга. Ҳудудларнинг образли, белгили картографик моделини ҳосил қилган карталар, мелиоратив чора-тадбирлар кўламини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ишонарли тарзда олиб боришга ёрдам беради.

Республикамизнинг суғорма деҳқончилиқ минтақаларида суғориладиган ерларнинг гидрогеологик шароитлари тупроқларнинг шўрланиши, тупроқ қатламларидаги осон эрувчи тузлар миқдори ва захиралари каби кўрсаткичларига қараб, қуйидаги 3 та мелиоратив ҳолат гуруҳлари кузатилади:

яхши, ўртача ва ёмон.

Биринчи гуруҳга (яхши, қулай ерлар) республикамизнинг жанубий бўз тупроқлари минтақасидаги типик ва оч тусли бўз ҳамда уларнинг ярим гидроморф ва гидроморф режимидаги ўтлоқи-бўз, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлари тарқалган ҳудудларни киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳга эса (ўртача, қониқарли ерлар) республикамиз марказий қисмидаги “ўтувчи” бўз тақир, тақирли, қисман типик ва оч тусли бўз тупроқлар ва уларнинг гидроморф айирмаларини, ниҳоят, учинчи гуруҳга (ёмон, ноқулай ерлар) мамлакатимизнинг шимолий - ғарбий қисми чўл минтақасидаги тақир-ўтлоқи, сур тусли оч-ўтлоқи, қумли чўл, чўл ўтлоқи, ботқоқ-шўрхоқи тупроқларни тарқалган ҳудудларини киритиш мумкин.

Қуйида келтирилган жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ҳозирги пайтда республика бўйича тезкор мелиоратив тадбирларни ўтказишга эҳтиёжманд бўлган ерлар 2009 йилда 4301,5 гектар ёки жами суғориладиган ерларнинг 49,6 фоизини ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси (2007-2009 йй.)

№	Йиллар	Умумий суғориладиган майдон минг га	Шўрланиш даражаси				
			Шўрланмаган майдонлар	Жами шўрланганмайдон (%)	Кам шўрланган	Ўртача шўрланган	Кучли шўрланган
			%	%	%	%	%
1	2007	4281,9	49,7	50,3	30,9	15,7	3,7
	2008	4290,1	49,8	50,2	31,5	15,2	3,5
	2009	4301,5	50,3	49,6	31,3	15,0	3,3

Юқоридаги жадвалга кўра республикамизда суғориладиган

ерларнинг шўрланиш даражасининг динамикасини куйидаги диаграммада

аниқроқ кўришимиз мумкин (1–расм).



Республикада табиий муҳит ҳолатини кузатиш маълумотларининг тахлили ва умумлаштирилиши республикамизнинг турли ҳудудларида экологик вазият турлича ривожланиб бораётганлиги ҳамда бунинг ҳар хил табиий антропоген омиллар билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Асосий антропоген омиллар куйидагилар:

1. Ўзбекистоннинг тоғли ва баланд тоғли ҳудудларида музликлар майдонининг қисқариши кузатилмоқда, уларнинг парчаланиш, ифлосланиш жараёни тоғ ландшафти, фауна ва флорасининг секин-аста ўзгаришида акс этмоқда.

2. Амударё дельтасида ер ости сувлари минераллашишининг ортиши давом этаётганлиги ҳамда дельтада жойлашган кўлларнинг қуриб бориши кузатилмоқда.

3. Орол денгизи сатҳининг кескин пасайиб бориши кузатилмоқда, сувнинг минераллашиш даражаси ортиб бормоқда, киргоқнинг чекланиши давом этмоқда, денгиз кичик қисмларга бўлинган, фауна ва флоранинг ўзгариши ҳамда сув шўрлик даражасининг ошиши давом этмоқда.

Юқоридаги антропоген омиллар таъсири натижасида Орол денгизининг қуриган туби аҳолини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, суғориладиган

ерларни ва ҳавони захарловчи туз-чанг заррачаларга тўла масканга айланган. Шамол орқали уларнинг 500 км масофага тарқалиши аниқланган. Турли тахминий ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги пайтда Орол денгизиди 10 миллиард тоннадан зиёд бундай тузлар захираси бўлиб, ҳар йили унинг 100-130 млн. тоннаси шамол билан ҳавога кўтарилмоқда ва 500-750 км радиусда атрофга тарқалмоқда. Маълумки, табиатдаги барча компонентлар бири-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади, агар қайси бир компонент бузилса у бошқаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундай бузилишлар ҳудудда кўплаб учрамоқда, у суғориладиган ерларни экологик-географик ва мелиоратив ҳолатига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг натижасини суғорма деҳқончилик ерларининг шўрланиб кетишида кўриш мумкин.

Республикада 4,3 млн. га суғориладиган ер майдонларининг қарийиб 50% турли даражада шўрланган, 266 минг гектари ёки 6% майдонда ер ости сизот сувлари сатҳи 1,5 м чуқурликда жойлашган. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тадбир, яъни ишлар кўламини картографик методлар орқали тасвирлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланмоқда.

Картографик методлар орқали суғориладиган ерларнинг тупроқлар

жойлашиш географиясини билиш, тупроқ қоплами қонуниятларини ўрганиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда тупроқлардан унумли фойдаланиш, уларнинг сифатини баҳолаш, агротехник ва мелиоратив тадбирлар орқали тупроқлар унумдорлигини ошириш имкони яратилади. Тупроқ мелиоратив карталарида тупроқлар таркиби ва тузилиши, тупроқ қопламининг алоҳидаги тузилиш таркиби, қоплами ва уларнинг миқдор кўрсаткичлари ҳамда тупроқ ҳосил қилувчи фазовий таркиблар кўрсатилади. Карта ернинг унумли қатлами модели бўлиб, мазмунида тупроқлар структурасининг вақт ўтиши билан ўзгариш динамикасини тасвирлайди. Уч ўлчамли унумли қатламнинг тупроқлари, сизот сувлари билан ювилиши, шўрланиши, ҳосилдорлик имконияти ва бошқа хусусиятлари берилади. Тузилган модель мелиораторлар учун худуднинг барча ерларини кенг кўламда фазовий қамраб олиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, республика тупроқ мелиоратив картасида ва бу картанинг

легендасида тупроқ мелиоратив ҳолатининг тавсифи ҳамда барча ерларни яхшилашнинг асосий тадбирлари келтирилади. Шуларга асосланиб, тупроқнинг шўрланиш хусусияти ва экологик шароитини ҳисобга олган ҳолда тупроқ мелиоратив тадбирлар режаси тузиб чиқилади. Шундай қилиб, тупроқлар мелиоратив картаси хўжаликда ҳар қайси суғориладиган ерларда шўрланишга қарши курашиш усулларини, энг зарур чора-тадбирларини танлаб олиш ва мелиорация ишларини ўтқизиш учун бирламчи асос бўлади.

Бундай карталарни ишлаб чиқишда дала-тадқиқотлари натижалари, махсус кўмиталар ва тадқиқот институтларининг янги маълумотларидан асосий манба сифатида фойдаланилади.

Келажақда мелиоратив тадбирларни олиб боришда, суғориладиган ерларнинг экологик мелиоратив ҳолатини яхшилашда, ерларнинг унумдорлигини оширишда картографик методлардан фойдаланиш республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муҳим тасвирий манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Пренов Ш.М. Суғорма ерларда мелиоратив тадбирларни ишлаб чиқишда тупроқ карталарининг аҳамияти. Ўзбекистон География жамияти VIII съезди материаллари. “География ва геоэкология фанининг минтақавий муаммолари”. – Нукус, 2009.
2. Сафаров Э.Ю., Абдуллаев И.Ў. ГИС-технологии и картографическая база данных Национального атласа Узбекистана // Ўзбекистон география жамияти VIII съезди материаллари. “География ва геоэкология фанининг минтақавий муаммолари”. – Нукус, 2009.
3. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда комплекс харитага олиш; унинг ривожланиши, ҳолати, истиқболлари, муаммолари. – Тошкент, 2011.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. – Тошкент, 2013.

Резюме

В статье изложены современное мелиоративное состояние орошаемых земель, уровень грунтовых вод, особенности содержания мелиоративных карт, необходимых в решении задач орошаемой мелиорации.

Resume

The paper presented by the combined wealth of irrigated land reclamation, groundwater level, especially the content of reclamation maps needed solving irrigated land reclamation.

Тавсия этувчи:

т.ф.д. Сафаров Э.Ю.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ЎҚУВ СТАНДАРТЛАРГА МОС МУТАХАССИСЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДАВР ТАҚВОСИ

Охунов З.Д.

Таянч сўзлар: *TEMPUS* дастури, *Болония жараёни*, *TEMPUS GE-UZ* лойиҳаси, халқаро лойиҳа, халқаро ҳамкорлик, халқаро ўқув стандартлар, олий таълим тизими, Геоинформатика.

Маълумки, охириги йилларда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси орасида нафақат сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлик, балки таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунга мисол қилиб Европа Иттифоқининг *TEMPUS* дастури бўйича Европа давлатлари ва ривожланаётган мамлакатлар (жумладан Ўзбекистон Республикаси) ўртасида таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришни таъкидлаш мумкин.

TEMPUS – бу Европа Иттифоқининг Ғарбий Балкан, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ шерик-давлатларда олий таълим тизимини модернизациялашга ёрдамлашиш бўйича дастур ҳисобланади. Ушбу дастур Европа Иттифоқи ва уни ён-атрофидаги шерик-давлатлар орасида олий таълим тизими соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳит яратишига кўмаклашади. *TEMPUS* дастури ривожланаётган давлатларга умумевропа олий таълим ҳудудини яратиш бўйича **Болония жараёни** ва иш жойларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича **Лиссабон стратегиясидан** келиб чиқадиган Европа Иттифоқининг олий таълим соҳасидаги ташаббусига ўз хоҳиши билан яқинлашишга имкон беради.

Айтиш жойизки, Европа давлатларида олий таълим ислохотларининг мақсади ва вазифалари бевосита иккита асосий ҳужжатлар, *Болония жараёни* ва *Лиссабон стратегиясининг* амалга ошириш билан боғлиқдир. *Болония жараёни* “Европа давлатларида ягона таълим” ҳудудини барпо этишга қаратилган бўлиб, унга 1999 йили Болонья (Италия) шаҳрида

Болония декларациясига имзо қўйилиши асос бўлган. Ушбу ҳужжатда Европа давлатларида олий таълим тизимини мувофиқлаштириш, ўзаро яқинлаштириш ва мутаносибликга эришишга олиб борадиган асосий мақсадларни ёритиш билан бир қаторда, таълим соҳасида Европанинг бирлаштиришга кўмаклашадиган асосий вазифалар ҳам атрофлича баён этилган.

Бугунги кунда *Болония жараёнига* 47 та давлатлар аъзо. Ўзбекистон Республикасида *TEMPUS* дастури 1994 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда мазкур дастурга доир лойиҳалар “Ўзбекистонда *ТЕПУС* миллий офиси” ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу ташкилот раҳбарлигида *TEMPUS I* ва *II* (1990-1999йй.), *TEMPUS III* (2000-2006йй.) лойиҳалар амалга оширилди, 2008 йилдан ҳозиргача эса, *TEMPUS IV* дастури бўйича бир қатор лойиҳалар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Улар қаторида “*TEMPUS GE-UZ: Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришиш*” лойиҳасибўлиб, 2013-2015 йилларда фаолият кўрсатиши белгиланган. Лойиҳанинг мақсади Ўзбекистондаги ҳамкор Олий ўқув юртларда “*Болония жараёни*”га, халқаро ўқув стандартларга ҳамда меҳнат бозори талабларига мос келувчи геоинформатика мутахассислиги бўйича магистратура дастурини ишлаб чиқиш ва у орқали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

TEMPUS GE-UZ лойиҳанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Геоинформатика бўйича магистратура мутахассислигини очиш ва ривожлантириш;
- Ушбу магистратура мутахассислигида дарс берадиган ўқитувчилар

малакаларини ошириш;

- Замонавий геодезик асбоблар ва технологиялар билан моддий-техника базасини янги поғонага кўтариш орқали ОЎЮ ларда ГИС ва Геодезия фанларни ўқитишга муносиб муҳит яратиш.

TEMPUS GE-UZ лойиҳасида Ўзбекистон Республикасидан ҳамкор ОЎЮ лар ва ташкилотлар сифатида қуйидагилар қатнашмоқда: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ), Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Геодезия ва картография миллий маркази, Геоинформ-кадастр Давлат унитар корхонаси. Европа Иттифоқи давлатлардан ушбу лойиҳада қуйидаги университетлар ҳамкорлик қилинмоқда: Ғарбий Венгрия университети (Венгрия), Зальцбург университети (Австрия), Швеция қироллик университети (Швеция), Лондон Гринвич университети (Англия).

Қайд этилган ОЎЮ ва ташкилотлар ҳамкорлигида Геоинформатика магистратура ўқув режасига биноан 8 та махсус фанлар: *Геоахборот тизимлари ва илм-фан, Масофавий зондаш, Фазовий маълумотлар модели, Маълумотларни олиш ва интеграциялаш, Ер маълумотлари базаси ва архитектура, Картография ва геовизуализация, Фазовий таҳлиллар, Лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш* курсларга оид ўқув дастурлар ишаб чиқиш ва ўқув қўлланмалар ёзиб, нашр этиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМУ номидан ушбу лойиҳада География факультети Геодезия, картография ва кадастр кафедрасининг бир қатор профессор-ўқитувчилари қатнашиб келмоқда. Кафедра аъзоларидан 10 нафари Ғарбий Венгрия ва Зальцбург университетларида (Австрия) ташкил этилган Тренинг курсларида қатнашиб, ўз малакаларини ошириши билан бирга, *Маълумотларни олиш ва интеграциялаш, Картография ва геовизуализация* каби фанларга оид ўқув

дастурлари ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш устида иш олиб бормоқдалар.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида бир қатор натижаларни қўлга киритиш кўзда тутилган:

Биринчидан, эҳтиёжлар сўровно-маси таҳлили бўйича ҳисобот тайёрланиб, унинг асосида Ўзбекистондаги ҳамкор ОЎЮлар ва ташкилотлар билан биргаликда, янги замонавий “Геоинформатика” ўқув режаси ва дастури якуний шакллантирилади. Шунингдек, Геодезия, картография ва кадастр йўналиши бўйича бакалавриатура ўқув дастурини кўриб чиқиш ва янгилаш ҳам кўзда тутилган.

Иккинчидан, халқаро ўқув стандартлари ва Болония жараёни баёнотига мос ўқув материаллари яратилади.

Учинчидан, ГИС ва Геодезия лаборатория хоналари янги геодезик асбоб ва технологиялар, компьютерлар билан жиҳозланади, веб-сайт тармоқ порталига эга бўлган янги замонавий марказ ташкил этилади.

Тўртинчидан, очиладиган Геоинформатика мутахассислиги магистратураси меҳнат бозори талаблари, шу жумладан ташкилотларни талабларига жавоб берадиган ва шу соҳада замонавий амалий тажрибага эга мутахассисларни етказиб беришни кўзда тутилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Болония жараёни баёнотига асосланган TEMPUS дастури республикадаги ОЎЮлар ҳамда илмий ташкилотлар учун кенг имкониятларни очиб беради. Бинобарин, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали бўлмиш TEMPUS дастури халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида илк қадам бўлиб, уни тегишли молиялаштириши яқунлангач, республика ОЎЮлари ва Европа университетлари орасида ҳамдўстлик алоқалар, ўзаро ўқитувчилар ва талабалар алмашиши, биргаликда илмий фаолият олиб бориш, конференцияларда қатнашиш, нашр ишлари орқали ва бошқалар давом эттирилади.

Болония жараёнига кўшилиш республикамиз ОЎЮлари ва уларда тайёрланган мутахассислармавқеини на

фақат Европа, балки жаҳон микёсида
тенгхуқуқли таълим хизмати бозорида

мустаҳкамлашга замин яратади деб
ўйлаймиз.

Адабиётлар:

1. Касевич В.Б. и др. Болонский процесс в вопросах и ответах. - С. Петербург: Изд-во С. Петербургского ун-та, 2004.
2. Программа Темпус в республике Узбекистан. <http://www.tempus.europa-hause.uz>.

Резюме

В статье рассматриваются возможности и предпринимаемые ведущими вузами республики шаги для вступления в Болонский процесс, а также влияния программы Темпус на процессы модернизации высшего образования в нашей стране.

Resume

This article discusses the possibilities and made the leading universities of the republic steps to join the Bologna process and the impact of Tempus on the processes of modernization of higher education in our country.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИДАН ДАРСЛИК ЯРАТИШ – ДАВР ТАҚОЗОСИ

Мирзалиев Т., Аҳмадалиев Ю., Жўраев Ҳ.

Бугунги тарихий вазият ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар тез суръатларда рўй бераётганлиги билан характерланади. Табиат, жамиятдаги турли ҳодисалар, глобаллашув жараёнлари куррамиз табиати, жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларни жиддий ва синчковлик билан тадқиқ ҳамда таҳлил этишни тақозо қилмоқда. Истиклол шароитида, мустақиллик берган имкониятлар доирасида мазкур масалаларга ҳолис илмий ёндашув алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этади.

Бу масалалар яқин ўтмишгача Россия ва бошқа Европа мамлакатлари тадқиқотчилари томонидан у ёки бу даражада ўрганилган. Ер шарининг табиати ва жамият ҳақидаги турли тадқиқотлар натижалари ҳам ўз вақтида нашр этилган, оммалаштирилган. Л.С.Берг, Н.А.Гвоздецкий, В.А.Есаков, В.Н.Федчиновлар томонидан яратилган география тарихига оид ўқув қўлланма ва дарсликлар айни пайтда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Фарғона давлат университетининг доценти, география фанлари номзоди Усмонжон Обидовнинг “Географик билимларнинг ривожланиши (Эрамиздан аввалги даврлар ва эрамизнинг XX аср бошлари)” мавзусидаги ўқув қўлланмаси эса ўзбек тилида яратилган мавзуга алоқадор илк манба сифатида диққатга

сазovor. Муаллифнинг ўзи ҳам ҳақиқат рившида эътироф этганидек, “бизнинг изланишларимизни географик билимлар тарихи деб атасак, ҳақиқатга яқин бўлади. Ўзимиз гувоҳи бўлганимиздек, бу билимлар жуда чуқур бўлиб, инсон фикрлаш қобилиятига эга бўлган паллалардан бошланади. Бу пайтдаги билиш элементлари география фанига кирмасда, инсон учун табиатдаги жараёнлар, хўжалик ишлари ва маданиятнинг ривожланиши учун катта туртки бўлган”. Қўлланма дарслик яратилишининг давр тақозоси маҳсули эканлиги яна шунда кўринадики, мустақиллик ва миллий истиклол шароитида Ер юзидаги географик кашфиётлар моҳиятини билиш ёш авлод учун зарур, айниқса, ўлкамиз географиясининг асосий мазмуни ва афзалликлари ҳамда айрим муаммоларини, долзарб регионал географик масалаларни англаб етиш ғоят муҳимдир. Бу борада амалий силжишлар ҳам йўқ эмас, албатта.

Муаллифнинг география тарихи фани пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққий этиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тарихий-илмий манбалар асосида баён этилган. Мазкур қўлланмада фаннинг генезиси, соҳаларга ажралиши, тарихий миссияларнинг илм-фандаги ўрни, бу борадаги ютуқ ва хатолар

тахлили, оламшумул кашфиётларнинг бугунги кундаги аҳамияти сингари бир қатор муаммолар ўзининг холис ёндашуви ҳамда ечимини топганлиги таҳсинга лойиқдир.

Фан жамият тараққиёти, ундаги етакчи кучларнинг ғоялари асосида ривожланиши табиий, шу билан бир қаторда, амалга оширилган кашфиётлар инсониятга фойдали бўлиши ёки кулфат келтириши ҳам мумкин. География тарихи фани ҳам бундан мустасно эмас. Гап шундаки, ўқув қўлланма муаллифи тарихий экспедициялар, миссиялар тарихини таҳлил ва баён этишда ана шу жиҳатларни ҳам назардан қочирмаган. Айрим қудратли давлатларнинг мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилдирилган кашфиётлари ҳам, Ер юзида тинчлик ҳамда умумий тараққиётни кўзлаб амалга оширилган тарихий миссиялар ҳам холис ва одил баҳоланган.

География тарихи фани тараққиёти йўлида хизмат қилган, бу йўлда ҳаётини ҳам гаровга қўйган жасур ва мард сайёҳлар, олимлар, кашфиётчилар ҳақидаги лавҳалар қўлланманинг нафақат соҳа мутахассислари, балки ҳар бир китобхон томонидан қизиқиб мутолаа қилинишини таъминлашига шубҳа йўқ. Қўлланмада фанлараро алоқалар тизими ҳам назардан соқит қолмаган. Зеро, мазкур китоб география фани мутахассисларигагина эмас, тарих-гуманитар йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар, соҳа магистрантлари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган тингловчилар ҳам

фойдаланишларини назарда тутиб, яратилган.

Қўлланма муаллифи мавзуга алоқадор мавжуд манбаларга танқидий ёндашган, энг янги маълумотлардан фойдаланган, илғор илмий-назарий қарашларга таянган. Китобга тарихий хариталарнинг илова қилиниши, зарур манбалар ва адабиётларнинг тавсия қилиниши эса ишнинг илмийлигини оширган.

Китобда юртимизда етишиб чиққан ўзбек алломаларининг географик билимлар тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор. Муаллиф қўлланмадан фойдаланувчиларнинг ўлкамиз билан боғлиқ тафсилотлар билан илмий-назарий билимларни бойитишлари ва мустаҳкамлашлари учун тарихий география фани бўйича аждодларимиз амалга оширган ишлар, уларнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаларига батафсилроқ муурожаат қилган. Ваҳоланки, рус ва Европа олимлари ўз дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўзбек алломаларини форс ҳамда араб сайёҳ-географлари билан аралаштириб юборганлар. Муаллифнинг мазкур фан бўйича намунавий дастур ҳам тайёрлаганлиги эътиборга лойиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, география тарихи фанидан ўзбек тилида дарслик яратишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бинобарин, соҳага оид энг замонавий маълумотларни жамлаш, холис таҳлил этиш, уларни ёш авлодга етказиш олдимизда турган муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Магидович И.П., Магидович Я.П. Очерки по истории географических открытий. – Москва, 1982. - Том. 1-2-3.
2. Обидов У. Тарихий географиядан услубий қўлланма. - 2-нашр. - Фарғона, 2006.
3. Умурзаков С. Очерки по истории географических открытий и исследований Киргизии. - Фрунзе, 1959.
4. Федчина В.Н. Как создавалась карта Средней Азии. – М.: Наука, 1967.
5. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. - Тошкент, 1981.
6. Югай Р.Р. История развития географических и картографических представлений о пустыне Кызыл-Кум. - Ташкент, 1966.

Резюме

В статье речь идет об учебном пособии У.Обидова «Развитие географических знаний (до нашей эры и до начало XX века нашей эры)». В ней авторами освещено как осуществались географические открытия и с древности до настоящего времени. Особое внимание уделено вкладу узбекских мыслителей в науку истории географии.

Resume

In this article is written about development of geographical knowledge (B.C. and to the beginning of the XX century of our era)" on the base of manual of U.Obidov ". In it by authors it is shined as geographical discoveries and inventions from an antiquity were carried out so far. In article the major attention is paid to a contribution of the Uzbek scientists to science of history of geography.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

РЕЛЬЕФЛИ ГЛОБУС ЯРАТИШ ТАЖРИБАСИДАН

Каримов И., Хакимов Б., Соипова Т.

Таянч сўзлар: география таълими, ўқув воситалари, глобус, рельефли глобус, Ой глобуси, глобус макети, глобус яратилиши тарихи, рельефли глобус яратиши тажрибаси.

География таълимини такомиллаштиришда ўқув-услубий ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув воситаларини ҳозирги замон талаби даражасида ишлаб чиқариш юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, география фанини ўқитиш талабаларда мустақил фикрлаш, чуқур мушоҳада юритиш, кузатувчанлик, ҳодиса ва воқеалардаги ҳудудий алоқадорлик, ҳудудий муносабат қонуниятларини англаш қобилиятини шакллантириш имконини беради. Географ учун ҳудуд, макон, район каби тушунчалар ғоят муҳим. Бинобарин, ҳудудни тўғри тушуниш, тадқиқ ва таҳлил қилиш, унинг қулай ва ноқулай томонларини англаш ва баҳолаш, ҳар бир жойнинг хусусиятларидан оқилона фойдаланиш географиянинг асосий мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Шу нуктаи назардан қараганда, география фани ва таълимига муносабатни тубдан яхшилаш талаб этилади. Сабаби таниқли географ олим профессор А.С.Солиев таъбири билан айтганда, чуқур географик билимсиз, география фанининг мазмун моҳиятини англаб етмасдан биз “ҳеч қаердамиз”. Бугунги кунда ёш авлодни тўғри тарбиялашдан кўра муҳимроқ масала йўқ. Бу албатта ўқитувчидан юқори билим, кучли иқтидор, педагогик қобилиятларга эга бўлишни талаб этади. Ўқитувчи дарс мавзусини ёритишда турли кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланиши ўқувчиларнинг билим савиясининг оширишга ва мавзу юзасидан кенг тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. География таълимида ана шундай муҳим кўргазмали ўқув қуроллардан бири глобусдир.

Глобус (лот. globus-шар, курра) - Ер

шарининг модели, унинг кичик масштабдаги шарсимон нусхаси. Глобусда Ернинг геометрик контурлари ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда бутун Ер юзасидаги географик объектлар (куруклик ва сув хавзалари, тоғ, текислик ва бошқалар) қиёфаси муайян нисбатда жуда кичайтирилган ҳолда тасвирланади. Глобус яшаш тарихи узоқ ўтмишдан бошланган. Қадимда саноклигина олимларнинг олам ҳақидаги илмий тўғри тасаввурлари дастлабки глобусларда ўз аксини топган. Шарқда дастлабки илмий глобусни Хоразмда Абу Райҳон Беруний 1016 йилда ясаган, у фақат шимолий ярим шардан иборат биринчи глобус бўлиб, ўша вақтда маълум бўлган аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган.

Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музейида катта ноёб бир глобус сақланади. Мукаммал ишланган бу глобусни XIX асрнинг 80-йилларида хўжандлик маърифатчи географ Ҳожи Юсуф Мирфаёзов мусаввир ва олимлар билан ҳамжиҳатликда ясаган. У маҳаллий олимлар томонидан яратилган ва илмий жиҳатдан ўз даври учун энг мукаммал глобусдир. Тошкентдаги ўқув мақсадларида фойдаланиладиган катта глобус Тошкент давлат университети буюртмаси билан 1979-84 йилларда Пермь давлат университети лабораториясида ясалган. Бу глобусни буюртириш ташаббускори, илмий маслаҳатчиси г.ф.д., профессор Х.Ҳасанов бўлган.

Мазкур мақолага Жиззах давлат педагогика институти География таълими йўналиши талабалари билан биргаликда яратилган рельефли глобус тажрибаси асос қилиб олинди. Рельефли глобуснинг афзалликлари шундаки, рельеф ранглар орқали эмас, аксинча ер юзасининг

ҳақиқий кўриниши, тузилиши, танлаб олинган маълум бир масштабда кичрайтирилган ҳолда кўргазмали тасвирланади. Унинг яна бир устунлиги шундан иборатки, ер юзасидаги барча рельеф шаклларининг ҳақиқий ўлчамларини аниқлаш мумкин. Бундай глобусни яратиш учун дастлаб, ой глобусининг макети танлаб олинди. Маълумки, рельефли глобус яратишда масштаб муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан, рельефли глобус яратиш учун энг мақбул бўлган 1:38 000 000 (1смда - 380 км) масштабда глобус макети ва унга намуна сифатида масштаби 1: 40 000 000 (1 см.да 400 км) см бўлган табиий глобусдан фойдаланилди.

Дастлаб глобуслар юзасида ҳар 15° дан меридианлар ва ҳар 20° ўлчамда паралеллар ўтказилди. Натижада, тайёр даража тўри ҳосил бўлди. Шундан сўнг икки глобус таққослаб кўрилди, уларнинг масштаби икки хил бўлгани боис орадаги фарқни аниқлаб, рельефли глобус макетининг ҳар бир меридиан ва паралеллар орасига 2,5 мм дан қўшиб чиқилди.

Ҳосил бўлган даража тўрига масштаби 1:40 000 000 (1 см да 400 км) бўлган табиий глобусдан фойдаланиб, барча қуруқлик ва океанлар ўта аниқлик билан чизилди.

Қуруқликлар баландлигини акс эттириш учун 1:400 000 (1 см.да - 4000 м ёки 1мм да - 400 м) вертикал масштаб танланди. Сўнг макетга “Megamax” қурилиш хомашёси ва қоғоз елимидан ҳосил бўлган қоришмадан фойдаланиб, керакли асбоблар ёрдамида барча қуруқликлар 5 мм га кўтариб чиқилди ва у қуруқлик учун 0 м баландликка тенг деб, қабул қилинди.

Ишнинг кейинги босқичида дастлаб, Африка қитъаси, сўнгра Осиё, Америка, Европа, Австралия ва Антарктида қитъаларининг 500 метр баландлик ҳудудлари қалам билан чизиб чиқилди ва 1,25 мм баландликка тайёр бўлган қоришма ётқизилди. Худди шу жараёнда 1 сутка вақт оралиғида 1000 метрга 2,5 мм, 3000 м.га 7,5 мм, 5000 м га 1,25 см, 7000 м га 1,75 см ва 8000 метрли

ҳудудлар эса 2 см қоришма ёрдамида кўтарилиб борилди.

Океанлар худуди ҳали очик бўлганлиги боис, қуруқлик юзаси қотгунча океан ости рельеф шакллари ҳам тайёр ҳолга келтирилди. Океанлар туби рельефининг 1000 м дан чуқурроқ қисми фақат сув чуқурлиги учун қабул қилинган ранглар билан тасвирланди. Океанларда жойлашган барча ороллар ҳам қуруқликлар билан бирга берилган масштабга мос ҳолда кўтарилиб чиқилди. Икки кун давомида глобус сирти яхшилаб қотганидан кейин, унга шакл бериш бошланди. Турли тоғ тизмалари, текисликлар, ороллар ва бошқа рельеф шакллари бўлган турли манбалардан фойдаланиб, глобусга ишлов берилди. Ишлов бериш жараёнида тоғ қирралари, чўққилари, текислик рельефлари керакли асбоблар ёрдамида ўйиб чиқилиб, уларга шакл берилди.

Сўнгра ҳосил бўлган рельефли глобусга ранг бериш жараёни бошланди. Дастлаб, океан ости тоғ тизмалари ва бутун океан чегаралари оч ҳаворангдан тўқ ҳаворанггача бўлган ранглар билан бўялди. Океанларга ранг берилиши тугатилганидан сўнг, қуруқликга ранг берилди.

Қуруқликдаги рельеф шаклларига ранг бериш жараёнида дастлаб, пасттекисликлар, текисликлар ва 200 м гача баландликка эга бўлган ҳудудлар тўқ яшил рангдан оқиш яшил ранг орқали акс эттирилди. Қуруқликларга ранг бериш жараёни Шимолий Америка (материкнинг ўрта қисми, Мексика қўлтиғидан то Шимолий Муз океанигача бўлган текисликлар, яъни, Марказий текислик, Миссисипи пасттекислиги) дан бошланди.

Шундан сўнг, Жанубий Америка (Амазонка, Ла-Плата, Ориноко пасттекисликлари), Африка қитъаси (асосан, океанлар соҳилларида жойлашган пасттекислик ва текисликлар), Австралия (шимолий қисми, Эйр кўли атрофи), Европа (қитъанинг 3/2 қисмини ташкил этган текислик ва пасттекисликлар), Осиё (қитъанинг 4/1 қисмини эгаллаган Турон, Буюк Хитой, Ҳинд-Ганг, Фарбий Сибирь

каби текислик ва пасттекикликлар) ҳамда барча қитъалардаги катта ва кичик текислик, пасттекикликлар ранглар орқали ўз ифодасини топди.

Рельефли глобусга навбатдаги ранг бериш босқичида рельеф баландлиги 1000 м гача бўлган ҳудудлар оч сарик, 1000 м дан то 3500 м гача бўлган майдонларга сарик ранг тўқлаштириб, тоғ олди ва ўртача баланликдаги тоғларга ранг берилди. Баландлиги 3500 м дан то 5000 м гача ва ундан баланд бўлган ҳудудлар оч жигаррангдан тўқ жигарранггача ранглар билан бўялди.

Барча материклардаги тоғларнинг энг баланд чўққилари аниқлаб олинди. Аниқланган тоғ чўққилари қора ранг ёрдамида нукталар билан белгиланди. Қуруқлик ичкарасидаги гидрографик объектлар чуқурлигига қараб кўк ранг билан тасвирланди. Дунёдаги энг йирик дарёларнинг бошланиш (манбаи) дан то қуйилиш (мансаби) қисмигача оч кўк ранг билан, кўллар ва сув омборлари эса тўқ кўк рангда акс эттирилди. Шундан сўнг, барча безатиш ишлари охирига етказилди ва рельефли (бўртма) глобус тайёр ҳолга келтирилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу усул ёрдамида нафақат глобуслар, балки барча материкларнинг рельефли (бўртма) макетини аниқ масштаблар ёрдамида тайёрлаш имконияти мавжуд.

Ҳозирда Жиззах давлат педагогика институти География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси қошида «Глобус» номли ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил қилинди. Лаборатория томонидан буюртма асосида Жиззах шаҳар 16-сонли умумий таълим мактаби, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги Сайилжойи академик лицейи ҳамда кафедранинг филиали мавжуд бўлган Зомин тиббиёт коллежига рельефли глобус ҳамда Жиззах вилояти ҳудудининг рельефли макети тайёрлаб берилди. Ушбу рельефли глобус ва макетлар билан вилоятнинг ўлкашунослик музейи, табиатни муҳофаза қилиш ва халқ таълими бошқармалари вакиллари ҳам қизиқиб буюртма беришган.

Бундан асосий мақсад география таълими йўналиши бўйича барча тизимдаги таълим муассасаларига дидактик кўргазмалар қурошлар, жумладан рельефли глобуслар ва турли минтақаларнинг рельефли карталарини тайёрлашдан иборат. Мазкур кўргазмалар қурошлар ҳудуд ҳақида яхлит географик ахборот манбаи ва барча таълим (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий таълим) муассасаларида география фанини ўқитишда самарали таълим воситаси сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Баранский Н.Н., А.И. Просбраженский Экономическая картография. – Москва, 1962
2. Мирзалиев Т. Картография. – Тошкент, 2002
3. Солиев А.С. География таълими ва услубининг долзарб муаммолари // Республика илмий-услубий анжумани материаллари. – Қўқон, 2008.
4. Яников Г.В. Практическое пособие по основам топографии и картографии. – Москва: «Просвещение», 1971.
5. www. Ziyonet. uz.

Резюме

В статье рассматриваются основные этапы создания рельефного глобуса. Приводятся конкретные примеры этого типа глобусов, а также методы их создания.

Resume

In the article reviewed major stages of creating contour globes. Represented exact examples of types of globes, also methods of their creation.

Тавсия этувчи:

доц. Ғуломов П.Н.

АТЛАС КАРТОГРАФИЯСИ ИЛМИЙ МАКТАБИ

Эгамбердиев А.

География фанлари доктори, профессор Мирзалиев Турғунбой – 1932 йил 19 сентябрда Қозоғистон Республикаси Чимкент (ҳозирги Жанубий Қозоғистон) вилоятининг Сайрам қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. Ота–онаси фарзандларини илмга чанқоқлигини сезиб, яхши таълим беришга ҳаракат қилишди.

Мактабни “аъло” баҳоларга тугатгач, Турғунбой ака 1949 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) география факультетига ўқишга кирди ва уни 1954 йили имтиёзли диплом билан географ-картограф ихтисослиги бўйича битирди. Меҳнат фаолиятини 1954–1957 йилларда Ўрта Осиё Аэрогеодезия корхонасида муҳандис – картограф лавозимидан бошлаган. 1957–1959 йилларда Сайрам қишлоғида география ўқитувчиси, 1959–1961 ўқув йилларида эса у Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги Педагогика университети) да ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1961–1963 йилларда собиқ Иттифоқ Фанлар Академиясининг География институти аспирантурасида 05.24.03 - “Картография” мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Турғунбой Мирзалиев қишлоқ хўжалигини комплекс харитага олиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориб, 1965 йили ўзбеклардан биринчи бўлиб “Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини харитага олишнинг айрим масалалари” мавзuida номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1965-1966 йилларда ЎРФА Президиуми қошидаги География бўлимида катта илмий ходим лавозимида ишлаган. 1966–1977 ва 1997–2005 йилларда ЎЗМУ геодезия, картография ва кадастр кафедрасини бошқарган. Т.Мирзалиевнинг ташаббуси ва саъй – ҳаракатлари билан 1968–1969 ўқув йилидан бошлаб мазкур кафедрада “География” мутахассислиги негизида “Географ-картограф” мутахассислиги бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш қайта йўлга қўйилди. Бунда домлага ТошДУнинг ўша пайтдаги ректори, академик, физика-математика фанлари доктори, таникли олим – профессор С.Ҳ.Сирожиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор З.М. Акрамов ва география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасановларнинг кўмаги жуда катта бўлди.

Тез фурсатда Москва, Ленинград (ҳозирги Санкт Петербург) ва Киев давлат университетларининг намунавий ўқув режалари, намунавий ўқув дастурлари ҳамда ишчи ўқув дастурлари олиниб, улар асосида ўқув жараёни ташкил этилди ва олиб бориладиган бўлди. Кафедра профессор–ўқитувчилари ана шу олий ўқув юртларига малака оширишга ва стажировкага юборилди. Мутахассислик ва махсус танлов фанларидан машғулотлар олиб боришга кафедранинг етакчи профессор–ўқитувчиларидан Т.М.Мирзалиев, Ч.В. Гальков, Е.Г. Бродский, И.А. Олимжонов, Л.Г.Салиева, ишлаб чиқаришдан тажрибали муҳандис – картограф В.М.Волкова – Волк Москва геодезия, аэрофотосъёмка ва картография муҳандислари институти – МИИГАиК ни эндигина тугатган ёш малакали мутахассис Ҳ.С. Бузруковлар ўриндошлик асосида ишга жалб қилинди.

1968 йили Ўзбекистон География жамияти ахборотининг XI–жилдида Т.Мирзалиевнинг атлас картографиясига бағишланган “Ўзбекистон ўқув атласи” деб номланган қалдирғоч мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф мазкур атласнинг мақсади, унга қўйиладиган талаблар, атласнинг математик асос элементлари, асосий хариталарининг



рўйхати ва уларнинг мазмуни ҳамда атлас хариталарини тузишда фойдаланиладиган манбаларни батафсил кўрсатиб ўтган. 1968–1969 ўқув йилидан бошлаб талабаларга курс лойиҳалари ва диплом ишларининг мавзулари ана шу атлас хариталари асосида бериладиган ва бажариладиган бўлди. Мазкур атлас 1980 йили рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Бош муҳаррир - Т.Мирзалиев томонидан тайёрланган атлас лойиҳаси ЎЗМУ география факультети жамоаси ва ЎРФА Президиуми қошидаги География бўлими, шунингдек, умумтаълим муассасаларининг тажрибали методист ўқитувчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унда бир–бири билан узвий боғланган ва бир–бирини тўлдирадиган табиий ҳамда социал–иқтисодий мавзудаги хариталар келтирилган. Атлас ўзининг ҳажми, харитага туширилган объектларнинг сифат хусусиятларини миқдор кўрсаткичлари билан тўлдирилганлиги, аналитик хариталар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос, иссиқлик хусусиятларини тасвирловчи комплекс хариталарнинг берилганлиги ва энг асосийси уларнинг мавзуи ва мазмунини умумтаълим муассасалари география курси дастурига ва дарсликларига уйғунлиги билан ажралиб туради. Аҳоли, пахтачилик, ирригация ва мелиорация каби хариталарни тайёрлашдаги юқори техник даража, танланган график воситаларнинг ўзаро бир–бирига мутаносиблиги, ифодалилиги, тиниқлиги, ёрқинлиги ва бошқалар хариталар мазмунини ўқувчиларга тушунарлигини оширишда катта ёрдам берганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур атлас кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. У республикамиз географияси, фани, маорифи ва маданиятини ўрганишда ўқувчиларга катта ёрдам берди.

1972–1985 йилларда икки жилдлик комплекс географик илмий–маълумотнома “Ўзбекистон атласи” нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Атлас ЎРФА нинг География бўлимида тузилган ва нашр этиш учун тайёрланган. Адолат юзасидан шуни айтиш жоизки, атласнинг бош муҳаррири З.М. Акрамов ҳам, иккинчи масъул муҳаррир А.А.Рафиқов ҳам мутахассисликлари бўйича картограф эмас эдилар. Шу боис барча масъулиятни устознинг ўзлари зиммаларига олишларига тўғри келган. Атласни нашрга тайёрлаш ва нашр этиш собиқ Иттифоқ Геодезия ва картография бош бошқармаси тасарруфидаги 2–картография фабрикаси жамоаси томонидан амалга оширилган. Атласнинг 1–жилди 1982 йили, 2–жилди эса 1985 йили чоп этилган. Атлас 28 та алоҳида–алоҳида бўлимдан иборат бўлиб, унга 322 та кўп рангли харита киритилган. Атласни лойиҳалаштириш ва хариталарни тузишда ижодий жамоа асосий эътиборни тизимли ёндошув асосида республикамизнинг табиий шароити ва табиий ресурслари, халқ хўжалиги ва унинг ихтисослашган тармоқлари, маданияти ва тарихининг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолиб, уларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришга қаратганлар.

Атласни “Қишлоқ хўжалиги” бўлими таркибига киритилган 70 дан ортик хариталарнинг мазмуни домла раҳбарлигида ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳали ҳануз ўзининг илмий – услубий ва амалий аҳамиятини йўқотмаган.

1983 йили республикамиз пойтахти – Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан комплекс “Тошкент географик атласи” чоп этилди. Атласда Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофининг табиий шароити, аҳолиси, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, фани, маданияти ва тарихига тўлиқ картографик тавсиф берилган. Атлас хариталарини тузиш ва нашрга тайёрлашда атласнинг илмий муҳаррири сифатида Т.Мирзалиев алоҳида жонбозлик кўрсатган. Мазкур атлас 1977 йили чоп этилган бўлиб, у Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) тарихий географик атласидан кейин собиқ Иттифоқда нашр этилган иккинчи шаҳар атласи ҳисобланади.

1983 йили устознинг ташаббуси билан “Ўзбекистонда комплекс ва мавзули харитага олиш муаммолари” бўйича биринчи илмий – амалий анжуман ташкил этилди ва юқори савияда ўтказилди. Анжуман ишида собиқ Иттифоқнинг барча етакчи картографлари, соҳа ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали мутахассислари иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Т.Мирзалиев фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ назария билан амалиётни бирга қўшиб олиб боришга катта эътибор қаратди. Домла иқтидорли талабаларни, аспирантларни, мустақил тадқиқотчиларни илмий

тадқиқот ишларига тўлиқ жалб этиб, уларни картография соҳасида бажарилаётган ишларда фаол иштирок этишларини таъминлаган. 1973 йилдан кафедрада аспирантура очилиб, унга биринчи бўлиб ушбу кафедрани 1971 йили имтиёзли диплом билан тугатган А. Эгамбердиев қабул қилинди. Устознинг ташаббуси ва бевосита кўмагида Ж.С. Қорабоев ва Т. Қорабоевалар Москва Давлат университетига картография мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилиндилар ва машҳур картографлар К.Салишев ҳамда И.П. Заруцкаялар раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ўз вақтида ҳимоя қилиб қайтишди. Ж.М. Назиров эса сиртқи аспирантурани етук мутахассис О.А.Евтеев раҳбарлигида тугатди ва тадқиқот ишини Ленинградда ҳимоя қилди.

Ўша пайтларда ўзбек тилида ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилмаганлиги талабаларни соҳа фанларини етарли даражада пухта ўзлаштира олмаётганларига асосий сабаб бўлиб келган. Шуларни эътиборга олиб, Т.Мирзалиев ўзбек тилида дастлабки ўқув адабиётларини тайёрлаб уларни нашр эттирдилар. Чунончи, 1977 йили “Ўқитувчи” нашриётида домлани “Карталар ва улардан мактабда география дарсларида фойдаланиш” деб номланган биринчи китоблари кўп нусхада чоп этилди. Сўнгра бирин - кетин 1982 йили университетларнинг география факультетлари сиртқи бўлим талабалари учун “Картография”, 1984 йили “Географик тадқиқотларда аэрокосмик методлар”, 1985 йили М.Асомов билан ҳаммуаллифликда олий ўқув юртлари учун “Топография асослари ва картография” деб номланган ўқув қўлланмалари чоп этилди.

1987-1996 йилларда Т. Мирзалиев университет билан алоқасини узмаган ҳолда ЎРФА нинг География бўлимида янгитдан ташкил этилган “Картография ва географик тадқиқотларда аэрокосмик методлар” деб номланган лабораторияни бошқарди. 1987 йили “Фан” нашриётида устознинг “Проблемы комплексного тематического картографирования Узбекистана” номли монографиялари чоп этилди. 1990 йили эса Ш.М. Муҳитдинов ва А.Б. Бозорбоевлар билан ҳаммуаллифликда тайёрланган “Атласное картографирование в Узбекистане” деб номланган йирик монографиялари нашр эттирилди. Унда илк бор Ўрта Осиёда картографик тадқиқотларнинг тарихи, Ўзбекистонда картография ва унинг тармоқларини ривожланиш босқичлари ва йўналишлари, республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи – пахтачиликни комплекс харитага олиш муаммолари, Тошкент географик атласи мисолида йирик шаҳарлар атласларини тузиш бўйича ортирилган тажрибалар ҳамда Ўзбекистон комплекс тиббий географик атласини яратиш жараёнида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг натижалари баён қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда комплекс ва мавзули харитага олиш масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ илмий тўпламлар ҳамда ўқув деворий хариталар устоз таҳрири остида тайёрланган.

1996 йили устоз “Ўзбекистонда социал–иқтисодий картографиянинг шаклланиши ва ривожланиши асослари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1997 йили олимга профессор унвони берилди.

Домла раҳбарлигида 1999 йили ЎзМУ География факультети жамоаси томонидан умумий ўрта таълим мутахассислари учун мустақил Ўзбекистоннинг биринчи комплекс географик ўқув–маълумотнома атласи нашрга тайёрланди. Унда Ватанимизнинг географик ўрни, маъмурий–худудий бўлиниши, табиий шароити ва ресурслари, табиий ва иқтисодий географик районлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, иқтисодиёти, фани, маданияти, транспорти, ташқи иқтисодий алоқаларига тўлиқ картографик тавсиф берилган. Мазкур атлас ўрта мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларидан ташқари мустақил Ўзбекистон билан қизиқувчи кўп сонли талабалар, тадқиқотчилар ва сайёҳлар учун ҳам қизиқарли қўлланма ҳисобланади. Ўз юртининг табиий ва социал–иқтисодий шарт–шароитлари, халқ хўжалиги, маданияти ва бошқа соҳаларидаги ҳолат билан қизиқувчи ҳар бир китобхон тегишли маълумотларни ушбу атласдан топа олади. Атлас жуда қисқа муддатда атига 3 ой ичида нашрга тайёрланди ва Москвада “Дрофа” нашриётида ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб, республикаимиз мактабларига бепул тарқатиб берилди. Атлас 2000–2001 ўқув йили учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Устоз” республика

жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув кўлланмаси муаллифлари” республика танловида фахрли 3–ўринга сазовор бўлди.

Мустақиллик йилларида устоз раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш маркази томонидан маблағ билан таъминланган “Ўқув топографик хариталар комплектини яратиш”; “Ўзбекистонда таълимни картографик таъминлашнинг илмий–услубий асослари” ва “Ўзбекистон миллий атласини яратиш концепциясини ишлаб чиқиш” мавзуларида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олинган натижалар асосида тоғли ҳудуд, қумли чўл, воҳалар ва шўрхок ерлар учун 1:10 000; 1:25 000; 1:50 000 ва 1:100 000 масштабларда ўқув топографик хариталар комплекти ҳамда 1:1 600 000 масштабда бир–бири билан ўзаро боғланган ўқув деворий хариталари тизими яратилди. Ҳозирги пайтда улардан республикамиз таълим тизимининг барча бўғинларида бизни ўраб турган объектив дунёни билиш ва ўзгартиришнинг ажойиб воситаси сифатида кўп сонли ўқувчи талабалардан ташқари турли касб эгалари, жумладан, тадқиқотчилар, географлар, геологлар, агрономлар, олимлар, ҳарбийлар ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Т.Мирзалиевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида 2009 йил 5–6 май кунлари ЎзМУ да “Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий–услубий асослари” мавзуда Республика илмий–амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман ишида ЎРФА нинг тармоқ институтлари ва бўлимларининг олимлари, олий таълим муассасаларининг профессор–ўқитувчилари, “Ергеодезкадастр” таркибига кирувчи соҳа ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали мутахассислари иштирок этишди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, домла раҳбарлигида 2011 йил 13–14 май кунлари ЎзМУ да “Географик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш” мавзуида хориждаги соҳа ташкилот вакиллари иштирокида Республика миқёсида илмий–амалий конференция ўтказилди. Конференция Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига ҳамда ЎзМУ геодезия, картография ва кадастр кафедрасининг 90 йиллигига бағишланди. Конференцияда Ер ҳақидаги фанлар, хусусан географик фанлар тизимида картографик методлардан фойдаланиш, геодезия, картография ва кадастр соҳаларида малакали кадрлар тайёрлаш, соҳа корхоналари билан ўзаро корпоратив ҳамкорлик, янги типдаги картографик асарларни яратиш ва чоп этишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига бағишланган масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва уларнинг истиқболли йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Профессор Т. Мирзалиев 300 га яқин илмий ишлар ҳамда 100 дан ортиқ мавзули хариталар муаллифидир. Устознинг илмий ишлари АҚШнинг Калифорниядаги Давлат кутубхонасида, дунёнинг энг сара илмий ишлари электрон каталогига (дунёдаги энг йирик кутубхоналар электрон тармоғи ва хизмати); АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти кутубхонасида ҳамда Халқаро Картографик Ассоциация кутубхоналарида сақланмоқда. Устоз 10 дан ортиқ фан номзодлари ва докторларини тайёрлашга муваффақ бўлган. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги олий таълим муассасаларида ва соҳа ишлаб чиқариш корхоналарида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Юқорида қайд этилган саъй–ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ 90–йилларнинг охири 2000–йилларнинг бошида Ўзбекистонда Т.Мирзалиев бошчилигида ўзбек картографларининг “Атлас картографияси” илмий мактаби шаклланди ва у илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Бу билан олим нафақат Ўзбекистон, қолаверса, бутун МДХ даги соҳа олимлари ва етакчи мутахассисларининг йирик вакиллари билан бирига айланди.

Т.Мирзалиев Ўзбекистон “Халқ таълими аълочиси” (1990 й.), 1999 йилда давлатимизнинг юксак мукофоти “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланган. Устоз ўзининг кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнатлари билан эл–юртнинг хурматини қозониб, ўз фаолияти давомида шогирдларига, кўп сонли талаба ёшларга доимо ўрнак бўлиб келмоқда.

Устоз камтарин инсон, таниқли истеъдодли олим бўлиши билан бирга Оллоҳ берган энг олий мўъжиза – 6 нафар фарзандларнинг ғамхўр ва меҳрибон отаси, 20 дан ортиқ ширин–шакар набира ва эвараларнинг суюкли бобоси ҳамдир.

Устоз чин маънода комил инсон, фидойи педагог, жонкуяр мураббий, таниқли картограф олим, мамлакатимизда, қолаверса бутун Ўрта Осиёда картография илмини ривожлантиришга ўзининг муносиб хиссасини қўшган ҳамда Ўзбекистонда ўзини Атлас картографияси илмий мактабини яратган аллома олимдир. Устозга ўзим ва бошқа кўп сонли шогирдлари номидан узоқ умр, жисмоний соғломлик, оилавий руҳий хотиржамлик кўп киррали фаолиятларида янгидан–янги зафарлар тилайман.

Резюме

В формировании и развитии картографической школы в Узбекистане большую роль играет д.г.н., профессор Т.М.Мирзалиев. В статье кратко освещается жизнь и научное творчество ученого.

Resume

In the formation and development of school of cartography in the Uzbekistan major role plays doctor of geographical science T. M. Mirzaliev. In this article briefly represented life and scientific activities of the scientist.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

НАШИ ПОТЕРИ**ПАМЯТИ ПРОФЕССОРА ЮРИЯ МИХАЙЛОВИЧА ДЕНИСОВА**

29 мая 2013 г. ушел из жизни выдающийся ученый и прекрасный человек, доктор технических наук, профессор, заслуженный ирригатор Узбекистана Юрий Михайлович Денисов.

Ю.М. Денисов родился 10 января 1929 г. в селе Ново-Алексеевка Грачевского района Оренбургской области в семье крестьянина. В 1938 г. вместе с родителями переехал в Среднюю Азию. В 1951г. Ю. М. Денисов становится студентом кафедры Гидрологии суши географического факультета САГУ. В 1958 г. по окончании аспирантуры он защитил кандидатскую диссертацию «Снеготаяние и расчет максимальных расходов талых вод» и затем получил ученую степень кандидата технических наук. В 1970 г. защитил диссертацию на ученую степень доктора технических наук, а в 1977 г. ему присвоено ученое звание профессора.



С 1958 г. и до самой своей кончины Юрий Михайлович был сотрудником Среднеазиатского научно-исследовательского гидрометеорологического института, в котором многие годы заведовал отделом математического моделирования гидрометеорологических процессов.

Профессор Ю. М. Денисов был одним из ведущих специалистов-гидрологов Средней Азии и стран СНГ в области горной гидрологии и гидрологии орошаемых земель. Он по праву считается основоположником математического моделирования процесса стока горных рек в бывшем СССР. Его небольшая книга «Схема расчета гидрографа стока горных рек» стала первой серьезной работой этого направления исследований.

Вместе с тем, круг его научных интересов в области гидрологии был чрезвычайно широк, а полученные результаты легли в основу важных направлений гидрологии: математического моделирования динамики площади сечения размываемого русла, режима возвратных вод и их загрязнения. Совместно с сотрудниками он создал новое научное направление: стохастико-детерминированное моделирование естественных процессов, которое легло в основу нового поколения методов гидрологических расчетов для рек с интенсивным хозяйственным использованием водных ресурсов. Большой вклад Ю. М. Денисов внес в разработку теоретических основ методов расчета максимальных расходов воды горных рек, моделирование гидрографов прорывов завальных озер. Им выполнены глубокие исследования динамики многофазных (гетерогенных) и многокомпонентных сред. Заметный вклад он сделал и в гляциологию, метеорологию, климатологию, агрометеорологию. Важно отметить, что научные результаты, полученные Ю.М. Денисовым, быстро и с большой пользой внедрились в практику.

Научный авторитет профессора Ю.М. Денисова был исключительно высок. О международном признании его научных заслуг говорит тот факт, что решением Совета директоров, Управляющего Совета редакторов и Издательского Совета Американского Биографического института Ю. М. Денисов признан выдающимся ученым и ему в 1999 г. присуждено почетное назначение в члены Исследовательской коллегии советников этого института.

Исключительными были и человеческие качества Юрия Михайловича. Он был очень доброжелательным, скромным и мягким человеком.

В памяти тех, кто его знал, Юрий Михайлович Денисов останется как выдающийся Ученый, Учитель и прекрасный Человек.

Президиум Географического общества Узбекистана

ХОТИРА

**ДОЦЕНТ ТУРСУНБАЙ ТАДЖИМОВНИ ХОТИРЛАБ
(1928-2005 йй.)**

Ҳурматли устозимиз Турсунбай Таджимович Таджимов 1928 йил 12 октябрда Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида оддий деҳқон оиласида тўғилган. У 1947 йил Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг География факультети талабаси бўлди. Олийгоҳни 1952 йили муваффақиятли тугатган ёш мутахассис иш фаолиятини Қорақалпоқ давлат педагогика институтининг Табиатшунослик-география факультетида ўқитувчи, шу билан бир вақтнинг ўзида ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимида Иқтисодиётни комплексли илмий-тадқиқ қилиш институтининг иқтисодиёт бўлимида кичик илмий ходим сифатида ҳам иш олиб борди.

Илмий тадқиқот ишларини олиб боришга иштиёқи баланд ёш иқтидорли мутахассис 1954 йилдан Тошкент давлат университетининг география факультети иқтисодий география кафедрасида ўз педагогик фаолиятини давом этдирди. Устоз талабаларга дарс бериш билан бирга доцент Н.Г.Цапенко раҳбарлигида «Каракалпакская АССР (экономико-географическая характеристика)» мавзусидаги номзодлик диссертациясини 1963 йили университетнинг иқтисодий география кафедраси битирувчилар орасидан биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1965 йилдан бошлаб иқтисодий география кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Унинг қизиқарли маърузаларидан ҳозирда Ўзбекистон География жамиятининг президенти А.Солиев ҳам сабоқ олган.

Т.Таджимов 1966 йилда Қорақалпоғистонга қайтиб келиб, 1967 йилдан бошлаб ЎзФА ҚҚ бўлими Табиий фанлар комплекс тадқиқотлар институтининг Иқтисодий тадқиқотлар бўлимида катта илмий ходим лавозимида фаолият олиб борди. Мазкур бўлимда ишлаган даврида у «Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ресурслари ва улардан саноатда фойдаланиш», «Қорақалпоғистон Республикасида саноат тугунларини барпо қилишни иқтисодий асослаш», «Қорақалпоғистоннинг шаҳар (саноат) комплексларини ривожлантиришнинг иқтисодий омиллари» каби мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб борди ва бу тадқиқотлар республика иқтисодиёти учун самарали натижалар берди.

1976 йили Нукус давлат университети ташкил қилингандан сўнг ушбу олийгоҳга тажрибали педагог кадрларга эҳтиёж туғилиши Т.Таджимовнинг яна педагогик фаолиятга қайтишига сабаб бўлди ва умрининг охириги йилларигача мазкур университетнинг география кафедрасида фаолият олиб борди. Олимнинг илмий-тадқиқот фаолияти давомида 75 дан зиёд илмий-услубий ишлари, жумладан уларнинг 40 га яқини илмий журналларда нашр эттирилган.

Т.Таджимов Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда кўпчилик географларнинг устози ҳисобланиб, унинг шогирдлари республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб бормоқда. Педагогик фаолияти даврида устоз ўзининг соҳасини чуқур билиши билан ёш ўқитувчиларга намуна бўла олди. Устоз дарс жараёнида ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндошар ва доимо муносиб баҳолар эди. Талабаларнинг турмуш шароити ва муаммолари бўйича суҳбатлашиб уларнинг ҳар биридан ўзининг ёрдамини аямас эди.

Турсунбай Таджимов намунали оила бошлиғи сифатида ҳам элга танилди. У турмуш ўртоғи Малика опа билан уч ўғил ва икки қизни вояга етказди. Улар ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ҳурматли устозимиз Турсунбай Таджимович Таджимовнинг ёрқин ҳаёти ва фаолияти Қорақалпоғистон географи сифатида хотирада абадий қолади.

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети профессори Руза Баллиева,
география фанлари номзоди, доц. Гуля Ходжаева,
Ўзбекистон География жамияти президенти профессор Абдусами Солиев*

ХОТИРА

**ПРОФЕССОР ЖОЛДАС МАТМУРАТОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ
(1934-1992 йй.)**

Қорақалпоғистон география мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистонга хизмат кўрсатган ўқитувчи, Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари номзоди, профессор Жолдас Матмуратов ҳаёт бўлганида 80 ёшини қарши оларди. У дунё қараши кенг ўз фанини яхши кўриб ҳар томонлама ўрганган, шогирдларидан ҳам шуни талаб этадиган, талабалар орасидан ижодкор, меҳнаткашларини танлаб, фанга йўналтирган тажрибали устоз ва раҳбар эди.

Ж.Матмуратов 1934 йили 15 январда Қўнғирот туманидаги “Бесқўпир” овулида таваллуд топди. У 1951 йили Ўрта Осиё давлат университети география факультетига ўқишга кирди ва уни 1956 йили «имтиёзли» диплом билан тугатди, ўз илмий-педагогик фаолиятини Нукус давлат педагогика институтида бошлади. Унинг илмий-тадқиқот ишларига Ўзбекистонда иқлимшунослик ва агроиқлимшунослик фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим Л.Н.Бабушкин раҳбарлик қилди. Ўз ишига пухта, чуқур билимли, ўзини илмга тўла йўналтирган тадқиқотчи ўз вақтида “Қорақалпоғистон Республикаси агроиқлимий ресурсларининг хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Аспирантурадан қайтгандан сўнг дастлаб география кафедраси катта ўқитувчиси, доцент лавозимида ишлади, 1963-1976 йилларда эса география кафедраси мудир бўлди. Устоз 1976 йилдан Нукус давлат университети сиртки ўқув бўлими бўйича проректори, 1985 йилдан умрининг охиригача Қорақалпоқ давлат университетининг география кафедраси мудир лавозимида ишлади.

Олим кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижасида 50 дан ортик илимий ишлари нашр қилинди. Унинг салмоқли илмий ишларидан “Қарақалпоқстан климатының аўыл хожалығына байланыслы сыпатламасы” (1964), “Қарақалпоқстанның агроклиматлық районлары” (1968), “Қарақалпоқстан АССРының физикалық географиясы” (1968), “Қарақалпоқстан АССРының суў хэм минерал байлықлары” (1973), “Агроклиматические условия Северо-западного Узбекистана” (1989), “Қарақалпоқстан Республикасының географиясы” (7-синф мактаб ўқувчилари учун дарслик, 2004 йил қайта нашр қилинган) каби илмий ва ўқув-услубий ишлари ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Ж.Матмуратов илмий-педагог мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам иш олиб бориб, унинг раҳбарлигида Туркменбаева Қирмизи фан номзоди даражасини олди.

Профессор Ж.Матмуратовнинг таълим ва илм соҳасидаги хизматлари ўз вақтида лойиқ баҳолашиб борилди. У “Олий мактаб аълочиси» кўкрак нишонини (1974 й.), Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгаши Президиумининг «Фахрий ёрлиғи» билан (1975 й.), икки маротаба Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан (1977, 1979 йй.), “Ўзбекистон Республикасига хизмат кўрсатган ўқитувчи” (1981 й.), “Қорақалпоғистон Республикасига хизмат кўрсатган фан арбоби” (1984 й.) унвонлари билан тақдирланган. 1990 йили Ж.Матмуратовга кўп йиллик илмий-услубий ишлари ва таълим соҳасига қўшган салмоқли хизматлари учун профессор унвони берилди.

Олим республикамизнинг йирик илмий марказлари олимлари билан доимо алоқада бўлиб, улар билан ҳамкорликда бир нечта илмий мақолаларни нашрдан чиқарди. Шулардан 1975 йили К.Зворыкин ва бошқалар билан «Природное агроэкологическое районирование Нижнеамударьинской сельскохозяйственной области», Т.Аллабергенов, Н.Когайлар билан «Географическое положение и климат Нижнеамударьинского региона» (1978), Н.Когай, Ш.Закиров, Н.Меер А.Рафиковлар билан “Изучение природных комплексов Средней Азии и прогноз их изменения под влиянием хозяйственной деятельности человека” (1980), Н.Когай, Т.Аллабергеновлар билан ёзган “Агроклиматической анализ территории Нижнеамударьинского экономического района” (1983) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ж.Матмуратов республикамиз иқлимини тадқиқ қилишда Оролбўйи, шунингдек, қўшни республикалар метеорологик станцияларининг кўп йиллик маълумотларидан фойдаланиб, ўлкамиз иқлимининг ўзига хос хусусиятларин очиб берди ва ишлаб чиқаришга ўз тавсияларини бериб борди. Айниқса, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вужудга келган экологик инқироз олим учун энг долзарб масалаларнинг бирига айланди ва ушбу муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этди.

Жолдас Матмуратов катта ва намунали оила бошлиғи бўлган. У турмуш ўртоғи Тўти опа билан бирга 9 ўғил-қизни замонга мос фарзандлар қилиб тарбиялади. Икки ўғли фан номзоди даражасига эга бўлди. Қизи Гулнора география фани бўйича ота йўлини давом эттирмоқда.

Профессор Ж.Матмуратов Республикамизнинг география фани ва таълимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди ва фанда ўзига хос ёрқин из қолдирди. Илмнинг машаққатли йўлларида мардона ўтган ва шогирдлар тайёрлаб, республикамизда география фанини ривожлантиришга ўзининг бор куч-ғайратини бағишлаган олим-устознинг умр йўли кейинги авлодлар учун ибратли сабоқ хизматини бажаради, деб бемалол айтишимиз мумкин.

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
География кафедраси доцентлари,
география фанлари номзодлари
Алланазаров Кейнимжай, Ходжаева Гуля*

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журнаliga мақолалар тақдим этиш қоидалари:

1. Тақдим этилаётган мақолага муаллиф ишлаётган вилоят География жамияти бўлими раҳбарининг йўлланма хати илова қилинади.
2. Мақола таҳририятга бир нусхада, шунингдек электрон вариантда (“Microsoft Word” дастури, “Pragmatic Uz” ёки “Times Uz” 14 шрифт, қаторлар оралиғи бир ярим интервалда) топширилади. Мақола таҳририят компютерига кўчириб олинганидан сўнг, флешка муаллифга қайтарилади. Мақоланинг тахминий ҳажми 5-6 саҳифа, айрим ҳолларда, агар мақолага буюртма берилган бўлса, унинг ҳажми кўпроқ бўлиши мумкин.
3. Мақола таркиби қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак:
 - мақоланинг номи, аннотация, таянч сўзлар мақола матни;
 - кириш (*мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ ёритилиши лозим*);
 - асосий қисм (*тадқиқот объекти ва предмети, бирламчи маълумотлар ва уларнинг таҳлили, тадқиқот усуллари, асосий натижалар ва уларнинг таҳлили*);
 - хулоса (*хулосалар ишончли манбаларга ва далилларга асосланган ҳамда илмий жиҳатдан манتيқан изчил бўлиши лозим*);
 - фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола охирида алифбо тартибда келтирилади.
 - мақола охирида инглиз ва рус тилларида (навбат бўйича) номи, муаллиф (лар)нинг ФИШ ва резюме келтирилади.
4. Мақоланинг охириги таҳрир қилинган нусхаси муаллиф томонидан имзоланиши ҳамда муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими, манзили кўрсатилиши зарур.
5. Мақолага киритилган иллюстрация (расм, жадвал, чизма, график ва бошқалар) аниқ-равшан тасвирланиши, сўзлар қисқартирилмасдан тўлиқ ёзилиши керак.
6. Ахборотга яқка муаллифликда ёки ҳаммуаллифликда фақат битта мақола топширилади, ҳаммуаллифлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.
7. Мақола муаллифи Ўзбекистон География жамияти аъзоси бўлиши шарт.
8. Қабул қилинган мақолалар матнини таҳририят қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
9. Кўриб чиқилган мақола таҳририят аъзосининг тавсияси билан чоп этиришга қабул қилинади.
10. Мақолани чоп этириш ва у билан боғлиқ ҳаражатлар учун муаллиф белгиланган тартибда маблағ тўлайди.
11. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
12. Журналда босилган мақолалар, унда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллиф жавобгар.

700174, Тошкент – 174
Талабалар шаҳарчаси
Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ)
бош ўқув биноси. Отсек “В”
География факультети, 307-хона.
Телефонлар: 246 – 36 – 35, 246 – 97 – 90.

Мундарижа:

Бет

Рахматуллаев А., Адилова О. <i>Тогларда чўллашиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш методикаси</i>	3
Назаров А.А., Исоқов И.Д., Тухтабоева Ю. <i>Наманган вилояти текислик ландшафтларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари</i>	6
Тошбоев З.М. <i>Мирзачўл ландшафтларининг инсон таъсирида ўзгариши</i>	8
Абдуғаниев О., Маҳкамов Э., Тўхташева Ф. <i>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини шакллантириш мезонлари</i>	11
Боймирзаев К.М., Солиев И.Р. <i>Кўқон воҳасининг экологик–гидрогеологик жиҳатидан районлаштириши</i>	14
Ҳалимова Г.С., Хидирова Г.Р. <i>Глобал муаммолар: чўл зонасида атмосфера ёгинларидан самарали фойдаланиш хусусида</i>	17
Холиқов Р., Обидов У., Дехқонбоева М. <i>Марказий Фарғона ҳудудининг экологик–мелиоратив комплекслари ва уларни мелиорациялаш</i>	19
Сабитова Н.И., Холдорова Г.М. <i>Обоснование пунктов наблюдений геоэкологического мониторинга за загрязнением приграничных районов Узбекистана с Киргизией (на примере долины реки Майлуу-суу)</i>	21
Ҳожиматов А.Н., Алимкулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. <i>Ўзбекистонда экологик таълим-тарбия, маданият ва маънавият масалалари</i>	25
Уразбаев А.К., Тасболат Б. <i>Тупроқ қопламнинг структураси ҳақидаги таълимот ва унинг ривожланиши</i>	27
Жўрабоева Ҳ., Қўчқорова М., Сулаймонов Э. <i>Агрометеорологик ҳолатни башиорат қилишининг анъанавий усуллари</i>	30
Тажиев Қ.Қ. <i>Сугориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш</i>	33
Матчанов М., Сафаров Э.Ю. <i>Вегетация индексини аниқлаш масалалари (Хоразм вилояти мисолида)</i>	35
Эгамов Б.Ю., Миракмалов М.Т. <i>Жадидлар таълимотида табиий географик атама, тушунча ва терминларнинг қўлланилиши</i>	38
Камолов М.Н., Хакимов Қ.М., Бурхонов Э. <i>Антипод ва дуплет номлар ҳақида</i>	40
Солиев А., Ҳайдарова С. <i>Мустақиллик йилларида аҳоли миграцияси</i>	45
Аҳмадалиев Ю., Комилова Н., Ганиева М. <i>Қишлоқ жойларда аҳоли масканларини ҳудудий ташиқил этишининг тарихий-географик жиҳатлари</i>	50
Қодиров М.А., Усмонов М.Р., Ҳасанов Ж.Ю. <i>Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий таркибидаги ўзгаришлар</i>	54
Абдувалиев Ҳ., Абдурахмонов Д., Жўраева О. <i>Фарғона вилояти аҳолисини ҳудудий ташиқил этишини такомиллаштиришида ландшафтли ёндашув</i>	57
Атажонов М., Пайзуллаев М. <i>Қишлоқ жойларда аҳолини уй-жой билан таъминлашни ўрганишининг географик жиҳатлари</i>	59
Темиров З.А. <i>“Соглом бола” йилида чақалоқлар ўлимини географик ўрганиш (Андижон вилояти мисолида)</i>	62
Турсунов Х.Т. <i>Города Узбекистана на пути к устойчивому развитию</i>	64
Нуранов М.З., Наурызбаева Г.Т., Ембергенов Н.Ж. <i>Шаҳарларнинг экологик вазияти</i>	68
Ходжаева Г.А., Ембергенов Н.Ж., Турдымамбетов И.Р. <i>Қорақалпоғистон Республикасининг нозогеографик вазияти</i>	70
Ембергенов Н.Ж., Турсьнов М.Ж., Алиева Б. <i>Оролбўйи минтақасининг демоэкологик муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)</i>	72
Қаюмов А.А., Уралов Е.О. <i>Зарафшон минтақаси меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари</i>	74
Ходжаева Г., Кушаев Р. <i>Использование трудовых ресурсов сельской местности</i>	

<i>Каракалпақстана.....</i>	77
Шведов В.Г., Шведова В.В. <i>Первичное определение факторов образования религиозно-географического района.....</i>	80
Қурбонов Ш., Солиев А. <i>Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмасида қишлоқ туманларининг ўрни.....</i>	83
Исматов Ж.А. <i>Ўзбекистон шаҳарларининг йирик сув-ҳўжалиги районлари бўйича жойланиши.....</i>	87
Назаров М.И. <i>Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши хусусиятлари.....</i>	91
Абдалова З.Т. <i>Роль и значение промышленности в обеспечении территориальной сбалансированности национальной экономики Республики Узбекистан.....</i>	94
Дўсманов Ф.А. <i>Даштобод шаҳрининг минтақада тутган ўрни ва уни ривожлантириши масалалари.....</i>	96
Исаев А. <i>Фарғона водийси шаҳар агломерацияларининг шаклланишига транспортнинг таъсири.....</i>	99
Ғаппаров А.Н. <i>Жиззах вилоятида транспорт тизими ва аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқликда ривожланиши хусусиятлари.....</i>	102
Янчук С.Л. <i>Особенности поляризованного развития в пустынных территориях.....</i>	105
Рўзметов Д.Р. <i>Ўзбекистон саноати ривожланишининг замонавий хусусиятлари ва ҳудудий таркиби.....</i>	109
Жумаханов Ш.З., Мирзааҳмедов Ҳ.С., Ҳалилов Ҳ.Б. <i>Иқтисодийни модернизациялаш даврида Ўзбекистон кимё саноатини бошқариши ва ривожлантириши.....</i>	112
Уралов Е.О. <i>Саноатнинг минтақа иқтисодийтини ривожлантиришидаги роли (Зарафшон минтақаси мисолида).....</i>	115
Абдуллаев А.Г. <i>Хоразм вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини баҳолаш.....</i>	118
Гопиров М. О. <i>Формирование и развитие автомобильной промышленности в Узбекистане.....</i>	121
Ибраимова А.А. <i>Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли.....</i>	124
Ибрагимов Л.З. <i>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва Ўзбекистонда ривожланиши тарихи.....</i>	127
Федорко В.Н. <i>Система таксономических единиц природно-хозяйственного районирования Узбекистана.....</i>	130
Қозоқов А., Камолов Б.Ҳ. <i>Обикор деҳқончиликда сув иншоотларининг аҳамияти (Чуст тумани мисолида).....</i>	134
Қурбонов Ш.Б. <i>Кичик ҳудудлар иқтисодий тизимининг ихтисослашуви (Хоразм вилояти мисолида).....</i>	137
Файзуллаев М.А. <i>Қишлоқ ҳўжалиги, ер-сув ресурсларидан фойдаланиши тадқиқ қилишининг географик жиҳатлари.....</i>	140
Абдуназаров Ҳ. М., Умарова М.Х., Жамилова М. <i>Сурхондарё вилояти иқлим ресурслари ва улардан фойдаланишининг баъзи бир масалалари.....</i>	143
Файзуллаев М., Маматов А. <i>Жанубий Ўзбекистон агроиқлим ресурсларидан фойдаланиши масалалари.....</i>	146
Ражабов Ф.Т. <i>Ўзбекистонда аграр-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари....</i>	149
Жумаханов Ш.З., Маъқулов Ж.Т. <i>Анклав ва эксклавлар ҳудудий категория сифатида.....</i>	152
Сафарова Н., Нугманова А., Қаландарова М. <i>“Жаҳон ижтимоий иқтисодий географияси” фанини ўқитишининг асосий муаммолари.....</i>	156
Аденбаев Б.Е., Курбаниязов А.К., Умаров А.З. <i>Проблемы использования водных ресурсов трансграничных рек бассейна Амударья.....</i>	159
Хайдарова О.А., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. <i>Амударёнинг гидрологик режимига</i>	

<i>сув омборларининг таъсири ҳақида</i>	163
Хайитов Ё. К., Хикматов Ф.Х. <i>О возвратных коллекторно-дренажных водах Зарафшанского оазиса и их динамика</i>	168
Сирлибоева З.С., Исакова А.Я., Мирзалиева Н.Р. <i>Қорадарё гидрологик ва гидрокимёвий режимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши</i>	174
Сирлибаева З.С., Довулов Н.Л. <i>Сангзор ва Зоминсу дарёларининг максимал сув сарфларини ҳисоблаш</i>	178
Ражапбоев М.Х., Ойматов Р.Қ., Хикматуллаев С.И. <i>Кадастр ишларини юритишининг геодезик ва картографик таъминоти</i>	180
Саидова С.Р., Сафаров Э.Ю., Сайидов А.К. <i>Гидроэкологик карталарни тузишда генерализация жараёни: анъанавий ва замонавийлик</i>	183
Абдумўминов Б.О., Сатторов А.У., Эрназаров И. <i>Топокартадаги баландликларни ҳисоблаш усулларини солиштириши ва таҳлил қилиши</i>	187
Сайидов А.К. <i>Картографик генерализация жараёнини автоматлаштириши моделлари ва операторлари таҳлили</i>	189
Пренов Ш.М. <i>Ўзбекистон сугориладиган ерларининг экологик–мелиоратив ҳолатини ўрганишда картографик методнинг роли</i>	192
Охунов З.Д. <i>Ўзбекистонда халқаро ўқув стандартларга мос мутахассисларни шакллантириши – давр тақозоси</i>	195
Мирзалиев Т., Ахмадалиев Ю., Жўраев Х. <i>География тарихидан дарслик яратиши – давр тақозоси</i>	197
Каримов И., Хакимов Б., Соипова Т. <i>Рельефли глобус яратиши тажрибасидан</i>	199
Эгамбердиев А. <i>Атлас картографияси илмий мактаби</i>	202
Памяти профессора Юрия Михайловича Денисова	207
Доцент Турсунбай Таджимовни хотирлаб	208
Профессор Жолдас Матмуратовнинг 80 йиллиги	209